

Ш.Т. ЭРГАШЕВА, Р.Б. ХАСАНОВА

# ЧЕТ МАМЛАКАТЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ



ТОШКЕНТ

854

Э26

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ш.Т.ЭРГАШЕВА, Р.Б.ХАСАНОВА

**ЧЕТ МАМЛАКАТЛАРДА  
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ**

(Монография)

113834

413

ТОШКЕНТ – 2017

**УЎК: 502.31**

**КБК 71.0**

**Э-26**

- Э-26            Ш.Т.Эргашева, Р.Б.Хасанова. Чет мамлакатларда бухгалтерия ҳисоби. (Монография). -Т.: “Fan va texnologiya”, 2017, 232 бет.**

**ISBN 978-9943-11-700-6**

Монографияда иқтисодиётни янада ривожлантириш шароитида Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобининг назарий-ташкилий ва услубий масалаларини такомиллаштиришда ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва уларнинг ижобий жиҳатларини амалиётимизда қўллаш масалалари тадқиқ этилган. Шунингдек, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисобининг моҳияти, роли ва аҳамияти, бухгалтерия ҳисобини халкаро тамойиллар асосида оқилюна ташкил этишининг зарурати, хўжалик юритувчи субъектлар ички резервларини кидириб топиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга йўналтирилган масалалар ёритилган.

Монографияда АҚШ, Европа ва Осиёнинг ривожланган давлатларида бухгалтерия ҳисобининг умумий тамойиллари ва ўзига хос хусусиятлари, уларда бухгалтерия ҳисобининг роли ва вазифалари, ҳисоб амалиётининг мазмунига таъсир этувчи омиллар, хорижда бухгалтерия ҳисобини хуқукий жиҳатдан тартибиға солишиб, бухгалтерия ҳисоби моделлари (тизимлари)нинг таснифи борасида илмий-услubий ва амалий тавсиялар берилган.

Монография илмий-тадқиқот фаoliyati билан шуғулланувчи катта илмий ходимлар-изланувчилар, мустакил изланувчилар, профессор-ўқитувчилар, магистрантлар ва талабаларга мўлжалланган. Ундан корхона бухгалтерлари, иқтисодчилар, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи билан кизиқувчи амалиётчи мутахассислар ҳам фойдаланишлари мумкин.

**УЎК: 502.31**

**КБК 71.0**

**Такризчилар:**

**А.А.Каримов – иқтисод фанлари доктори, профессор;**

**Р.О.Холбеков – иқтисод фанлари доктори, профессор.**

**Монография Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 2017 йил 36 сентябрдаги 2-сонли қарорига асосан чоп этилди.**

**ISBN 978-9943-11-700-6**

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2017.

## КИРИШ

Бухгалтерия ҳисоби ҳар қандай бошқарув тизимини ишончли ахборот билан таъминловчи мұхым манба сифатида халқаро даражада тан олинган фандир. Ҳисоб тизими шаклан миллий бўлиб кўринсада, у чегара билмайди, мазмунан дунё мамлакатларини қамраб, халқаро даражада ҳисоб юритиш технологиялари ўзлаштирилади, натижада жаҳондаги мавжуд ҳисоб юритиш тизимларида умумий ва хусусий жиҳатлар шаклланади. Бу эса миллий ҳисоб юритиш тизимларини таснифлаш, баҳолаш ва доимо такомиллаштириб боришини талаб этади.

Бу соҳада мамлакатимизда ҳам талайгина ишлар амалга оширилган, хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармонида 2015-2018 йилларда барча акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботини нашр этиши ва уни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрлаши ва аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ташки аудитдан ўтказилиш тартиби белгиланган.<sup>1</sup>

Бухгалтерия ҳисобининг ривожланиш даражаси мазкур мамлакатдаги сиёсий-ижтимоий тизимга ва иқтисодий ривожланиш йўлига бевосита боғлиқдир. Буни иқтисодий фаолиятни хукукий жиҳатдан қатъий тартибга солиб турувчи кўпчилик мамлакатларда хукуматга ёки банкларга тарихан асосий кредиторлар сифатида қаралиши ва имтиёз берилиши, шунингдек, айrim умумий хукукий йўналтирилган мамлакатларда эса бизнеснинг молиявий эҳтиёжларини таъминлашда асосан акциядорлик мулки ва қимматли қоғозлар бозорини кенгайтириш назарда тутилганлиги ҳисоб тизимига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Бундан, агар бизни ўраб турган табиат ва жамиятнинг бухгалтерия ҳисоби тизимига таъсир этиши гоясини мавжуд деб ҳисобласак, ижтимоий-иқтисодий шароитлари ўхшаш бўлган мамлакатларда ҳисоб юритиш тизими ҳам кўплаб умумий жиҳатларга эга эканлиги намоён бўлади.

Халқаро амалиётда барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бухгалтерия ҳисоби амалга оширилиб, унга иқтисодий

<sup>1</sup> Аудитнинг халқаро стандартлари ва Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини кўллаш [www.mf.uz](http://www.mf.uz) (Молия вазирлиги расмий вебсайти)

ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва бошқарув қарорлари қабул қилиш асосий функциясидан иборат. Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий тизими, иқтисодий тараққиётига қараб бухгалтерия ҳисоби маълумотлари турли мақсадларга хизмат қилиши мумкин. Мисол учун, АҚШда бундай маълумотлар инвесторлар ва кредиторларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлса, Жанубий Американинг кўплаб мамлакатларида солик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талаб даражасида ижро этилишини назорат қилувчи давлат органларига аник маълумотларнинг тақдим этилиши биринчи ўринга кўйилган. Кўпчилик мамлакатларда бухгалтерия ҳисоби тизими макроиқтисодий мақсадлар, бюджет-солик сиёсатининг устуворлигидан келиб чиқиб шакллантирилади.

Пировардида шуни тан олиш керакки, жаҳондаги турли мамлакатларда бухгалтерия ҳисоби юритиш ва халқаро даражада стандартлаштиришнинг шакллари қандай бўлишидан қатъи назар, унинг мақсади хўжалик муомалаларини тезкорлик билан ўз вақтида, ҳаққоний ва қонуний акс эттиришни таъминлашдан иборат.

# **И БОБ. ЧЕТ МАМЛАКАТЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ УМУМИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

## **1.1. Ривожланган давлатларда бухгалтерия хисобининг ташкилий тамойиллари ва вазифалари, унга таъсир этувчи омиллар**

Жаҳон амалиётида бухгалтерия хисобини ҳамкорлик тили, бизнес ва ишбилармонлик калити деб бежиз тан олинмаган. Бухгалтерия хисоби маълумотларидан кўпчилик манфаатдор шахслар бўлиб, ундан, хусусан: инвесторлар ва кредиторлар (ташқи фойдаланувчилар), компания менежерлари (ички фойдаланувчилар), давлат органлари хизматчилари, рақобатчилар ва бошқалар томонидан фойдаланилади.

Бухгалтерия хисоби хизматининг натижавий кўрсаткичи молиявий хисоботлар бўлиб, унинг асосий мақсади ва вазифалари инвестициялар киритиш ва кредитлар бериш тўғрисида карорлар қабул қилишда зарур, ҳал қилувчи ва фойдали бўлиши, ундан фойдаланувчиларга пул маблағларининг келгусидаги ҳаракатини баҳолашга ёрдам бериши, мулкий, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардаги ўзгаришларни ҳаққоний ва объектив акс эттирилган ахборотни тақдим этишдан иборат.

Хорижий давлатларда бухгалтерия хисобини ташкил этиш, юритиш ва хисоботни тузиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан тамойиллари сезиларли даражада фарқ қиласи. Ушбу фарқлар хўжалик фаолиятини ташкил этиш ва мавжуд мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги ҳамда хисоб амалиётига ташқи (сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, жуғрофий, технологик ва бошқа) омилларнинг таъсири натижасида юзага келади.

Халқаро амалиётда бухгалтерия хисобининг тамойиллари қилиб куйидагилар хисобланади:

1. Амал қилувчи корхона (давомийлик) тамойили
2. Доимийлик(қиёсланувчанлик) тамойили
3. Эҳтиёткорлик(консерватизм) тамойили
4. Мувофиқлик(хисоблаш) тамойили

*Амал қилувчи корхона (давомийлик) тамойили* шуни билдирадики, бухгалтерия хисобини юритиш муддати хўжалик юритувчи субъект фаолият кўрсатган муддатга мос бўлиши лозим,

яъни хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби субъект тугатилган ёки у банкрот деб эълон қилинган пайтгача юритилиши лозим. Хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини тўхтатган кундан бошлаб, бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳам тўхтатилади.

Молиявий ҳисоботни давомийлик қоидаси асосида тайёрлаш хўжалик юритувчи субъект доимий ҳаракат қилишини ва узоқ муддат давомида ўз фаолиятини давом эттиришини, яъни хўжалик юритувчи субъектнинг ўзини тугатишига ёки ўз фаолияти соҳасини қисқартиришга эҳтиёжи йўқлигини билдиради.

Агар раҳбар хўжалик юритувчи субъектни тугатиши ёки унинг фаолияти кўламларини қисқартириш зарур деб ҳисобласа ёхуд шундай вазиятга олиб келадиган шароит мавжуд деб ўйласа, молиявий ҳисобга тушунтиришларда бундай фактнинг мазмунини очиб бериши ва молиявий ҳисоботни тузишга асос бўлган жиҳатларни, давомийлик тамойилидан чекиниш сабабларини кўрсатиши зарур.

Молиявий ҳисоботлар, одатда тадбиркорлик субъекти узлусиз ишлайди ва фаолиятини кўзланган келажакда давом қиласи деган фараз асосида тайёрланади. Шундай экан, тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини тугатиши ёки фаолият кўламини муҳим даражада қисқартириш нияти ҳам, зарурати ҳам йўқ деб тахмин қилинади; агар бундай ният ёки зарурият мавжуд бўлса, молиявий ҳисоботлар бошқача асосда тайёрланиши лозим бўлиши мумкин ва агар шундай бўлса, ушбу асос очиб берилади.

*Доимийлик (қиёсланувчанлик) тамойили.* Молиявий ахборот фойдали ва мазмунли бўлиши учун у турли ҳисбони даврларидағи ахборотларга қиёсланадиган бўлиши керак. Ҳисбондан фойдаланувчилар хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисбони тайёрлаш чогида фойдаланган ҳисоб сиёсатидан, бу сиёсатдаги барча ўзгаришлардан ва бундай ўзгаришларнинг натижаларидан хабардор бўлиши керак.

Молиявий ҳисбонда ундан олдинги даврга нисбатан бутун киёсий ахборотни очиб бериш зарур. Олдинги даврдаги молиявий ҳисбонларнинг шарҳлари ва баён қилувчи ахборотлари жорий ҳисбон даври учун ҳам тақдим этилиши ва жорий ҳисбон даври молиявий ҳисбонларини холисона тақдим этиш учун зарур бўлса, янгиланиши керак.

Молиявий ҳисоботнинг кўрсаткичларини тузатиш ёки унинг моддаларини тасниф этиш чоғида жорий ҳисобот билан қиёсийликни таъминлаш учун қиёслама миқдорлар қайтадан тасниф этилиши ва айни пайтда бундай таснифнинг характеристи, миқдори, сабаби очиб берилиши лозим. Бунинг имконияти бўлмаса, хўжалик юритувчи субъект қайта тасниф этиш сабабини ва агар миқдорлар қайтадан тасниф этилган бўлса киритилган ўзгартишларнинг характеристерини очиб бериши лозим.

Агар ахборот факат тақдим этиш учун, масалан, маълум бир давр бошидаги ва охиридаги номоддий ва моддий активларнинг сальдосини текшириш учун хизмат қиласа, бундай ҳолларда қиёсланадиган ахборот талаб қилинмайди.

Шундай вазиятлар ҳам борки, жорий давр билан қиёслаш мақсадида қиёсланадиган ахборотни қайта тасниф этиш мумкин бўлмайди. Масалан, бундан олдинги даврдаги ахборот қайта тасниф этиш мумкин бўлмайдиган тарзда тўйланган бўлиши мумкин, бу эса ахборотни ўзгартиришга амалда имкон бермайди. Бундай вазиятда қиёсланадиган миқдорларга киритилиши мумкин бўлган тузатишларнинг характеристи очиб берилиши лозим.

Қиёсийлик тамойилига риоя қилиш учун қуйидаги шартларни бажариш керак:

- бутун ахборот миқдорига нисбатан талаблар;
- ҳисобот йилида ҳисоботни тақдим этишга ёндашув ўзгарган тақдирда ундан олдинги давр ахбороти қиёслаш мақсадлари учун қайтадан тасниф этилиши лозим.

Агар амалий мулоҳазалар билан қайта тасниф этиш мумкин бўлмаса, башарти қайта тасниф амалга оширилганда содир бўладиган ўзгаришларнинг сабаблари ва характеристи очиб берилиши лозим.

Фойдаланувчиларнинг қарорлари муқобил ёндашувлардан бирини танлашни ўз ичига олади, масалан, инвестицияни сотиш ёки сақлаб туриш, ёхуд бу ёки бошқа ҳисобот берувчи тадбиркорлик субъектига инвестиция қилиш тўғрисидаги қарорлардан бирини танлаш. Шундай қилиб, ҳисобот берувчи тадбиркорлик субъекти тўғрисидаги ахборотни бошқа тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги ўхшаш ахборот билан ва мазкур тадбиркорлик субъектига тегишли бўлган бошқа давр ёки бошқа санага бўлган ўхшаш ахборот билан тақкослаш мумкин бўлсагина у фойдалироқ бўлади.

Киёсланувчанлик фойдаланувчиларга нарсаларнинг ўхшашликлари ва фарқларини аниқлаш ва тушунишга ёрдам берадиган сифат хусусиятидир. Бошқа сифат хусусиятларидан фарқли улароқ, киёсланувчанлик бир нарсага (моддага) тегишили бўлмайди. Киёслаш камида икки нарса (модда) бўлишини талаб этади.

Изчиллик киёсланувчанлик билан боғлик бўлса-да, айнан шу маънони билдирамайди. Изчиллик бир ҳисобот берувчи тадбиркорлик субъекти доирасида ҳар хил даврлардаги ёки бир давр ичида ҳар хил тадбиркорлик субъектларига тегишили бўлган бир хил моддаларга нисбатан бир хил усууллар қўлланилишини англатади. Киёсланувчанлик мақсад бўладиган бўлса, изчиллик ушбу мақсадга эришишга ёрдам беради.

Киёсланувчанлик – бу бир хиллик эмасдир. Ахборот киёсланувчан бўлиши учун ўхшаш нарсалар ўхшаш кўриниши керак ва бир биридан фарқ қиласидиган нарсалар бир биридан фарқ қиласидиган кўринишига эга бўлиши керак. Ўхшаш нарсаларни ҳар хил қилиб кўрсатиш орқали молиявий ахборотнинг киёсланувчанлигини оширишга қараганда бир бирига ўхшамаган нарсаларни ўхшаш қилиб кўрсатиш орқали ушбу киёсланувчанликни кўпроқ қилиб ошириб бўлмайди.

Киёсланувчанликнинг маълум даражасига, асосий сифат хусусиятларига риоя қилиш орқали, эҳтимол, эришиш мумкин. Табиий-ки, ўринли иқтисодий ҳодисани ишончли тақдим қилиш бошқа ҳисобот берувчи тадбиркорлик субъективининг ўринли иқтисодий ҳодисасини ишончли тақдим қилиш билан маълум даражада киёсланувчан бўлиши керак.

Битта иқтисодий ҳодиса турли усууллар ёрдамида ишончли тақдим этилиши мумкин бўлса-да, айнан битта иқтисодий ҳодисани ҳисобга олиш учун муқобил усуулларни рухсат этиш киёсланувчанликни пасайтиради.

Эҳтиёткорлик (*консерватизм*) тамоили. Эҳтиёткорлик тамоили молиявий ҳисоботда активлар ва даромадлар нархининг оширилиб юборилишига ва мажбуриятлар ёки харажатлар баҳоси камайтирилишига йўл қўйилмаслиги лозимлигини билдиради.

Бу тамоилнинг қўлланиши яширин заҳираларни барпо этишига ёки таъминотни ошириб кўрсатишга, активлар ёки фойдани, мажбуриятлар ва харажатларни атайлаб камайтиришга ва ошириб кўрсатишга хукуқ бермайди.

*Мувофиқлик (ҳисоблаш) тамойили.* Даромадлар ва харажатлар бухгалтерия ҳисобида эътироф этилади ва келган даврда тушиши ёки пайдо бўлишига қараб (пул маблағларини олиш ёки тўлаш асосида эмас) молиявий ҳисоботларда акс этирилади.<sup>2</sup>

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (янги таҳрири) З-моддасида: “Бухгалтерия ҳисобининг асосий принциплари. Узлуксизлик, ишончлилик, кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги бухгалтерия ҳисобининг асосий принципларидир” -деб белгиланган.<sup>3</sup>

Бухгалтерия ҳисобини юритиш амалиётининг мазмунига таъсир этувчи омилларни турли хил мамлакатларнинг тараққиёт даражаси ва минтақавий жойлашувига қараб куйидагича таснифлаш мумкин:

- бухгалтерия ҳисоби ахборотининг асосий фойдаланувчилари бўлган инвесторлар ва кредиторларнинг тоифаларига кўра;
- инвестиция қилиш жараённига жалб этилган жисмоний ва юридик шахсларнинг сони қараб;
- инвесторларнинг бизнесни бошқаришдаги иштироки ва ролига кўра;
- молия ва қимматли қофозлар бозорининг ривожланиш даражаси қараб;
- мамлакатларнинг глобал халқаро иқтисодий жараёнлар ва тадбиркорлик фаолиятида иштирок этиш даражасига кўра ва ҳ.к.

Мазкур омилларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритишга таъсирини айрим мамлакатларнинг ривожланиши мисолида таҳлил қиласиз.

АҚШ ва Буюк Британия давлатлари ривожи таҳлилини гувоҳлик беришича, саноат инқилоби асосан ўрта бизнеснинг пайдо бўлиши ҳисобидан бойликнинг кескин ортишига олиб келди. Айнан мазкур жараён молиявий ҳисобнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди, чунки инвесторлар ва кредиторларнинг сони ошди, уларнинг таркиби хилма-хиллашиб борди. Кўплаб компаниялар корпоратив мулк шаклини қабул қилди. Компаниялар эгалари, инвесторлар ўз капиталини тезкор бошқаришни профессионал бошқарувчиларга топшириб, ўзини ушбу функциядан холос эта бошлашди. Бундай ҳолатда молиявий ҳисоб юритиш ва унинг ахборотлари

<sup>2</sup> Молиявий ҳисоботни тайёрлап ва тақдим этиш учун концептуал асос. [https://www.mf.uz/uz/component/k2/item/74-mezhdunarodnye-standarty/Murojaat\\_kilingan\\_sana: 16\\_12\\_2017\\_yil](https://www.mf.uz/uz/component/k2/item/74-mezhdunarodnye-standarty/Murojaat_kilingan_sana: 16_12_2017_yil)

<sup>3</sup> [http://xs.uz/index.php/uzlizhatlar/item/7279-bukhgalteriya-hisobi-to'sisidagi\\_qonun-yangi-tahriri](http://xs.uz/index.php/uzlizhatlar/item/7279-bukhgalteriya-hisobi-to'sisidagi_qonun-yangi-tahriri)

компаниянинг молиявий ҳолати ҳақидаги маълумотларнинг энг муҳим манбаига айланди. Бошқарув ходимлари томонидан акциядорларга моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланишни назорат қилиш учун молиявий ҳисботлар тақдим этилиши амалиётининг пайдо бўлганлиги бежиз эмас, чунки айнан ушбу ҳолат молиявий ҳисботларнинг инвесторлар ва кредиторларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилганлигини белгилаб берди. Молиявий ҳисоб АҚШ ва Буюк Британияда қўплаб йиллар мобайнида ана шундай йўналишга эга бўлганлиги таъсирида мазкур мамлакатларда кимматли қофозлар бозори ва биржалари ташкил этилди. Натижада бу мамлакатлар компанияларини молиявий ҳисботлари таҳлил қилишга кулай шаклга келтирилди ва молиявий ҳисобнинг мақсади - хўжалик фаолиятининг рентабеллигини таъминлашдан иборат қилиб белгиланган.

Германия, Швейцария каби мамлакатларда эса молиявий сиёсат бизнес эҳтиёжларининг катта қисмини қаноатлантирувчи банкларнинг сони камлиги билан белгиланади. Бу бир вақтнинг ўзида оддий ва самарали йўл ҳисобланган акциядорлик компанияларининг марказлашувига ҳам олиб келди, чунки бунда компания мулкдорлар ва кредиторларнинг чекланган сонига эга бўлади. Мазкур мамлакатлар хукуматлари масалан, америка компанияларига нисбатан компаниялар ҳақидаги айрим ахборотларни чоп этишни талаб қиласди, шунинг учун компаниялар ҳам молиявий ҳисботларни тайёрлаш ва эълон қилишга мажбур эканлиги сабабли, улар ҳисботни камроқ деталлаштирилган кўринишда тайёрлайди. Бу мамлакатларда молиявий ҳисботлар авваламбор, кредитор банкларни химоялашга қаратилган бўлиб, бундай консерватизм ҳолати бухгалтерия амалиёти учун хосдир.

Айрим давлатларда хукумат миллий ресурсларни бошқаришда ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Франция ва Швецияда бухгалтерия ҳисобининг ривожи бир мунча бошқа хусусиятга эга. Корхоналар макроиктисодий режалаштириш доирасида хукуматнинг иқтисодий сиёсатига амал қилиши шарт. Бу давлатларда хукумат нафақат бизнеснинг молиявий имкониятларини назорат қиласди, балки зарур ҳолларда инвестор ёки кредитор ролида ҳам иштирок этади. Пировардида таъқидлаш лозимки, бухгалтерия ҳисоби, авваламбор, давлат режа органларининг эҳтиёжларига йўналтирилган, фирма ва компаниялар ўса ҳисоб ёки ҳисботлар соҳасидаги унификацияланган

(ягоналаштирилган) стандартларга амал килишга мажбур эканлигини эътироф этиш лозим.

## **1.2. Чет мамлакатларда бухгалтерия ҳисобини хукукий жиҳатдан тартибга солиши амалиётидаги хусусиятлар**

Хозирги пайтда халқаро амалиётда бухгалтерия ҳисобини хукукий жиҳатдан тартибга солишнинг иккита йўналиши шаклланган бўлиб, улар мамлакатда амал қилаётган қонунчилик ва унинг ижтимоий тараққиётни турли қирраларига таъсири жиҳатдан фарқ қиласди. Биринчи йўналишга бухгалтерия ҳисобига тааллукли қонунларнинг сертармок кодексига эга бўлган мамлакатлар киради. Иккинчи йўналиш умумий хукуқ йўналишидаги қонунчиликни кўлловчи мамлакатларни қамраб олган.

Биринчи ҳолатда қонунлар мажбурий кўрсатмалар мажмуасини ўзида намоён этган ҳолда қатъий белгиланган хусусиятга эга. Бу ҳолат жисмоний ва юридик шахслар қонуннинг ҳар бир бандига оғишмай амал қилиши лозимлигини англатади. Мазкур ёндашувга амал қилувчи аксарият мамлакатларда ҳисоб юритиш стандартлари давлат қонунлари даражасига иб чиқилган. Бунда ҳисоб юритиш тартиб-таомиллари барча даражаларда қатъий белгиланиб, анча чегаралаб кўйилади. Бундай мамлакатлар жумласига Германия, Франция, Аргентина ва бошқалар киради, уларда бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифаси давлат бюджетига тушадиган соликларини ҳисоблаш ва уларнинг ўз вақтида ҳамда тўлиқ тўланишини назорат қилишдан иборат.

Иккинчи гурӯҳ мамлакатлари: Буюк Британия, АҚШ ва бошқаларда чекловларни ўзида намоён этувчи умумий қонунларнинг тўплами жисмоний ва юридик шахслар улар доирасида ҳаракат эркинлигига эга бўладиган чегараларни кўрсатади. Бундай мамлакатларда ҳисоб юритиш стандартлари давлат томонидан тартибга солинмайди, балки турли бухгалтерларнинг касбий ташкилотлари томонидан белгиланади. Бу стандартлар анча мослашувчан бўлиб, улар турли иқтисодий-сиёсий ўзгаришлар таъсирида таҳхир қилиб тузатиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Иқтисодий улохотни амалга оширишнинг асосий нуқталаридан бири бозор иқтисодиётининг хукукий негизини яратишдан иборатдир. Аввал бошданоқ биз

ўзимиз учун муҳим сабоқ чиқариб олдик – зарур ҳуқуқий омилни шакллантирмасдан туриб, тегишли қонунлар ва меъёрий хужжатларни қабул килмасдан туриб, ислоҳотларни амалга оширишнинг ишончли кафолатини, ислоҳотларни орқага чекинмаслигининг кафолатини амалда яратиб бўлмайди”.<sup>4</sup> Ушбу башоратлар ҳозирги кунда ўзининг долзарблигини яққол намоён килди.

Президентимиз Шавкат Мирмонович Мирзиёевнинг 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида “Лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг ҳажмини уларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш” масаласининг қўйилиши<sup>5</sup>, шунингдек, мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Махкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаларида “Халқаро стандартлаштириш ташкилотнинг 21 минг стандартидан атиги 13 фоизи мамлакатимизда жорий этилган”лиги<sup>6</sup> халқаро стандартлар асосида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ташкил этиш ва унинг илмий-назарий ҳамда услубий асосларини ишлаб чиқиш масаласини ўта долзарб эканлигини белгилаб беради.

Мамлакатимизда ҳам кўпчилик ривожланаётган давлатлар қаторида бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш, унинг миллий стандартларини яратиши ва тартибга солиши бўйича қонуний база зарур эди.

Шу зарурият туфайли республикамизда 1996 йил 30-августда “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Конун қабул қилинди. Ушбу Конун бухгалтерия ҳисоби ислоҳотининг асосий элементи бўлиб, турли мулк шаклидаги барча корхоналар, муассаса ва

<sup>4</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистон иктисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида / И. А. Каримов. – Т.: «Ўзбекистон», 1995. – 269 б.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойиши. (Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2017 й., 7-сон, 88-модда)

<sup>6</sup> “Танкийд таҳсил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобарлик — ҳар бир раҳбар фаoliyatining кундалиси кондаси бўлиши керак”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Махкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи», 2017 йил 16 январь (№ 11 (6705)) сони

ташкилотларда ягона тартибда ҳисоб юритишни тартибга соладиган бўлди, миллий бухгалтерия ҳисоби стандартларига талаблар кўйди ва Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби тизимининг асосий тамойилларини белгилаб берди. Бундан ташқари, у бухгалтерия ҳисоби соҳасида ҳуқуқий асосларни, мақсад ва вазифаларни, мажбурият ва бурчларни, шунингдек, молиявий ҳисоботни тузиш ва матбуотда эълон қилишдек бухгалтерия ҳисоби олдига кўйилган талабларни белгилайди. Бухгалтерия ҳисобини давлат томонидан тартибга солиш бозор иқтисодиёти шароитида халқаро стандартларга ва умумий қабул қилинган талабларга жавоб берадиган бухгалтерия ҳисоби тизимини шакллантиришга йўналтирилган.

Бухгалтерия ҳисоби тизимини ривожланишининг навбатдаги босқичи халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мос равища Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини яратиш бўлди.

Молиявий ҳисобот стандартларига бўлган эҳтиёжни шу нарса тақозо этдики, молиявий ҳисоботни тайёрлашда бухгалтерия маълумотларини нотўғри талқин этиш, бир хил эмаслик ва ноаникликлар, таваккалчиликларга дуч келди. Олдиндан тузилган стандартлар мажмуаси йўқ бўлганилиги учун, ҳар бир ташкилот ўз стандартларини ишлаб чиқиши керак эди ва молиявий ҳисоботга қизикувчилар ҳисоботларни ўрганишдан олдин ҳар бир корхонанинг ўзига хос стандартларини ўрганиб чиқишига мажбур бўлар эди. Натижада корхоналар молиявий ҳисоботларни қиёслаш имконияти бўлмас эди. Бундай ҳолатларни минималлаштириш учун бухгалтерия ҳисоби вакиллари умумқабул қилинган ва ҳамма жойда фойдаланиладиган молиявий ҳисобот стандартларини ишлаб чиқишига астойдил ҳаракат қилдилар.

Проф. Сотиволдиев А.С. ва Сотиволдиева Д.А.лар ёзадилар: ”Жаҳонда молиявий ҳисобот стандартларини ишлаб чиқиш билан 1973 йил 29-июнда ташкил топган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича комитети (МХХСК) шуғулланади. Бу комитет бухгалтерия ҳисоби стандартларини ишлаб чиқувчи жаҳонда ягона ташкилот бўлиб ҳисобланади”.<sup>7</sup>

Ўзбекистон Республикаси 1998 йилдан бошлаб “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонун”га асосан миллий стандартлар қабул

<sup>7</sup> Сотиволдиев А.С., Сотиволдиева Д. Мустакиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби тизимининг ривожланиш босқичлари ва истиқболлари.-Т.:ТДИУ халқаро конференция материаллари. 2011 й.

қилина бошлади. Ҳозиргача Ўзбекистон Республикасида 25 та бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари қабул қилинди. Бу стандартларнинг барчаси молия вазирлиги томонидан тасдикланиб, Адлия Вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ва рўйхатдан ўтказилган.

Ҳар бир стандарт қоидаларининг ўзига хос рўйхати бўлиб, хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини белгилайдиган ва Ўзбекистон Республикасига бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солувчи тизимнинг элементи ҳисобланади.

Бухгалтерия Ҳисобининг Халқаро Стандартлари бўйича Кенгаш ҳозирги пайтда мазкур концептуал асосга ўзгартириш киритиш жараёнидадир. Концептуал асосни ўзгартириш бўйича лойиха босқичма-босқич амалга оширилади.

Ҳар битта боб тугалланганидан кейин 1989 йилда чоп этилган Молиявий ҳисботни тайёрлаш ва тақдим этиш бўйича концептуал асоснинг тегишли бандлари алмаштирилади. Концептуал асосни ўзгартириш бўйича лойиха ниҳоясига етганидан кейин Кенгаш “Молиявий Ҳисботнинг Концепутал Асоси” деб номланган тўлик, кенг қамровли, ягона хужжатга эга бўлади.<sup>8</sup>

Молиявий ҳисботлар бутун дунёда ташки фойдаланувчилар учун кўпгина тадбиркорлик субъектлари томонидан тайёрланади ва тақдим қилинади. Бундай молиявий ҳисботлар турли давлатларда бир-бирига ўхшашиб бўлиб туюлса ҳам, улар ўртасида турли ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий шароитлар ҳамда ҳар хил давлатлarda миллий талаблар ўрнатилганида молиявий ҳисботнинг турли фойдаланувчиларининг талаблари ҳисобга олинганлиги сабабли юзага келиши мумкин бўлган фарқлар мавжуддир.

Бундай турли шароитлар молиявий ҳисбот элементларининг турлича таърифлари ишлатилишига олиб келди: масалан, активлар, мажбуриятлар, капитал, даромад ва харажатлар. Улар, шунингдек, молиявий ҳисбот моддаларини тан олишда ҳар хил мезонлардан фойдаланиш ҳамда ушбу моддаларни баҳолаш учун ҳар хил асосларни маъқул деб ҳисоблашга сабаб бўлди. Бу эса молиявий ҳисботни қўллаш доираси ва уларда очиб бериладиган маълумотларга ҳам таъсир кўрсатди.

<sup>8</sup> Молиявий ҳисботнинг концептуал асоси. Концепутал асос Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари бўйича Кенгаш томонидан 2010 йил сентябрда чоп этилган. [https://www.mf.uz/uz/component/k2/item/74-mezhdunarodnye-standarty/Murojzaat\\_kilingan\\_sana: 16-12-2017\\_yil](https://www.mf.uz/uz/component/k2/item/74-mezhdunarodnye-standarty/Murojzaat_kilingan_sana: 16-12-2017_yil)

Бухгалтерия хисобининг халқаро стандартлари бўйича Кенгаш молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш билан боғлиқ бўлган қоидалар, бухгалтерия ҳисоби стандартлари ва тартибларини уйғунлаштириш орқали ушбу фарқларни камайтиришни ўз зиммасига олди. У шунга амидирки, иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун фойдали бўлган маълумотни таъминлаб бериш мақсадида тайёрланадиган молиявий ҳисоботларга эътиборни қаратиш орқали, келгусида янада ҳам яхшироқ уйғунлаштиришга эришиш мумкин.

Кенгашнинг фикрича, ушбу мақсадда тайёрланган молиявий ҳисоботлар аксарият фойдаланувчиларнинг умумий талабларига жавоб беради. Чунки деярли барча фойдаланувчилар иқтисодий қарорларни қабул қиласди, масалан, қуидагилар тўғрисидаги қарорларни:

- улушли инвестицияларни қачон сотиб олиш, сақлаб туриш ёки сотиш,
- (раҳбариятнинг) масъулияти ёки бошқариш қобилиятини баҳолаш,
- тадбиркорлик субъекти томонидан ўз ходимларига бошқа имтиёзларни бериш ва тўлаш қобилиятини баҳолаш,
- тадбиркорлик субъектига берилган қарз маблағлари бўйича таъминотни баҳолаш,
- солик сиёсатини аниқлаш,
- фойданинг тақсимланадиган қисмини ва дивидендларни аниқлаш,
- миллий даромад бўйича статистик маълумотларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш,
- тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солиш.

Шунга қарамасдан, ҳукуматлар ўз мақсадлари учун одатда бошқа ёки кўшимча талабларни белгилаши мумкинligини Кенгаш тан олади. Аммо, бу талаблар бошқа фойдаланувчиларнинг манфаатини кўзлаб чиқариладиган молиявий ҳисоботларга таъсир қилмаслиги керак; бундан ушбу молиявий ҳисоботлар мазкур фойдаланувчиларнинг талабларига жавоб берадиган ҳолатлар истисно.

Р.Абдураҳмоновнинг таъкидлашича: “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари билан бир каторда АҚШнинг миллий стандартлари асосида тузиладиган молиявий ҳисоботлар ҳам амал қиласди (US GAAP). Бу стандартлар маълум маънода халқаро стандартлар сифатида қаралиши мумкин. Бироқ, охирги тўрт йиллик

кузатувлар АҚШ биржаларида МХХС бўйича ҳисобот тузувчи компанияя ва фирмалар сонининг ортганлигини кўрсатмоқда. Бундан авваллари US GAAP бўйича молиявий ҳисобот тайёрлаган МДҲ давлатларидағи хўжалик субъектлари ҳам мустасно эмас”.<sup>9</sup>

Молиявий ҳисоботлар, аксарият ҳолларда, тикланадиган бошланғич қиймат ва номинал молиявий капитални сақлаб туриш концепциясига асосланган бухгалтерия ҳисоби моделига мувофиқ тайёрланади. Бошқа моделлар ва концепциялар иқтисодий қарорларни қабул қилиш учун фойдали бўлган ахборотни таъминлаш максадига эришиш учун муносиброк бўлиши мумкин, лекин ҳозирги пайтгача бундай ўзгаришларни киритиш учун консенсусуга эришилмаган. Мазкур Концепутал асос шундан ишлаб чиқилган-ки, у бир қатор бухгалтерия ҳисоби моделлари ҳамда капитал ва капитални сақлаб туриш концепцияларига нисбатан кўлланилиши мумкин.

Иқтисодчи олим Б.Жураевнинг эътироф қилишича: “Ихтисослаштирилган халқаро ташкилотлар томонидан яратилган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС)нинг аҳамияти бутун дунёда йил сайин ошиб бормоқда. Лекин бухгалтерия ҳисобини халқаро даражада стандартлаштириш жараёни мураккаб ва бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларининг хилма-хиллиги билан боғлик қатор муаммоларни ҳал этишини талаб қиласди. Улар ҳисоб обьектларини турлича баҳолаш, ҳисобот кўрсаткичларини ҳар хил аниқланишини белгилайди. Ҳаттоқи у ёки бу обьектни ҳисобга олишга ёндашувдаги битта тафовут мазкур обьект билан боғлик бўлган, бошқа обьектлардаги кўрсаткичларнинг фарқ қилишига олиб келади... МХХС (IAS)нинг – Молиявий ҳисоботни тақдим этиш номли халқаро стандартига мувофиқ ҳисоб сиёсати – корхона томонидан молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш учун қабул қилинган аниқ тамойиллар, усуllар, жараёнлар, қоида ва тартиблар деб белгиланган”.<sup>10</sup>

<sup>9</sup> Абдурахманов Р.А.. МСФО – основа реформирования национальных систем бухгалтерского учета и отчетности. Мустакиллик йилларида Ўзбекистон молия-банк тизимиининг ривожланиши. Илмий-амалий анжумани маколалари тўплами. (2016 йил 25 ноябр). -Т.: ТДИУ, 2016. - 684 б.(Б.282)

<sup>10</sup> Б. Жураев. “Иқтисодиётнинг реал сектори самародорлигини оширишда бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитн такомиллаштириш масалалари”. Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Т.: ТДИУ, 2015.

### 1.3. Бухгалтерия ҳисоби моделлари ва тизимларининг таснифи

Баҳолаш асосларини ва капитални сақлаб туриш концепциясини танлаш молиявий ҳисботлар тайёрланишида кўлланиладиган бухгалтерия ҳисоби моделини белгилайди. Турли ҳисоб моделлари ўринлилик ва ишончлиликнинг турли даражаларини кўрсатади, ва бошқа соҳалардаги каби, раҳбарият ўринлилик ва ишончлилик ўртасида мувозанатга эришишга ҳаракат қилиши керак. Мазкур Концептуал асос ҳисоб моделларининг бир қаторига нисбатан кўлланилиши мумкин ҳамда танланган модел асосида тузилган молиявий ҳисботларни тайёрлаш ва тақдим этиш бўйича кўрсатмалар беради. Ҳозирги вақтда, гиперинфляцион иқтисодиёт валютасида ҳисбот тақдим этадиган тадбиркорлик субъектлари учун каби истисно ҳолатлардан ташқари ҳолларда, Кенгаш муайян ҳисоб моделини тайинлаш нияти йўқдир. Аммо, бу ният жаҳонда содир бўладиган ўзгаришлар сабабли қайта кўриб чиқилади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, жаҳон мамлакатларида айнан бир хил ҳисоб юритиш тизимларига эга бўлган иккита ҳам мамлакат мавжуд бўлмасада, бироқ, ҳисоб юритиш тизимининг ўхаша ижтимоий-иктисодий шароитларига эга бўлган мамлакатлар кўплаб умумий жиҳатларга эга.

Шу муносабат билан бухгалтерия ҳисобининг бир неча моделларини ажратиш мумкин, булар: *британча-америкача, континентал, жсанубий американча, ислом, интернационал*. Куйида ушбу моделлардан ҳар бирининг асосий белгиларини кўриб чиқамиз.

Британча-америкача моделнинг асосий тамойиллари Буюк Британия, АҚШ ва Голландияда ишлаб чиқилган, шунинг учун уни британча-америкача-голландча модель деб аташади. Бу модель бухгалтерия ҳисобини юритиши қатъий чегараламайди. Унинг асосий мақсади - ҳисоб юритиш амалиётини инвесторлар ва кредиторларнинг ахборотга бўлган талабларини қондиришга йўналтиришдан иборат. Мазкур моделни жорий этган мамлакатларда, одатда, қимматли қоғозлар бозорлари яхши ривожланган бўлиб, аксарият компаниялар уларда молиявий ресурсларнинг кўшимича манбаларига эга бўлади.

Британча-америкача моделга эга мамлакатлар жумласига қуйидагилар киради: Австралия, Багама, Барбадос, Бенин, Бермуда, Ботсвана, Буюк Британия, Венесуэла, Гана, Гонконг, Доминикан

Республикаси, Замбия, Зимбабве, Истроил, Хиндистон, Индонезия, Ирландия, Кайман ороллари, Канада, Кения, Кипр, Колумбия, Либерия, Малави, Малайзия, Мексика, Нигерия, Нидерландия, Янги Зеландия, Покистон, Панама, Папуа-Янги Гвинея, Пуэрто-Рико, Сингапур, АҚШ, Танзания, Тринидад ва Тобаго, Уганда, Фиджи, Филиппин, Марказий Америка мамлакатлари, ЖАР, Ямайка.

Континентал модель Европа мамлакатларига хос. Бу ерда бизнес асосан компанияларнинг молиявий талабларини қондирувчи банклар, давлат билан узвий боғланган. Ушбу тизимда бухгалтерия ҳисоби қонун хужжатлари билан регламентланади ва консервативлиги билан ажралиб туради. Ҳисоб юритиш амалиёти, биринчи навбатда, хукumatнинг, айниқса, миллий макроқитисодий режасига мувофиқ солиқ солиш борасидаги талабларини қондиришга йўналтирилган. Бухгалтерия ҳисобини юритишни кредиторларнинг бошқарув соҳасидаги талабларига мослаштириш устувор вазифа ҳисобланмайди.

Таъкидлаш лозимки, француз тилида сўзлашувчи Африка мамлакатларининг аксарият қисми бухгалтерия ҳисобини мазкур тизимиға амал киласди. Континентал моделни кўлловчи мамлакатлар куйидагилар: Австрия, Жазоир, Ангола, Бельгия, Буркина-Фасо, Фил Суяги Қирғони, Гвинея, Греция, Дания, Миср, Заир, Испания, Италия, Камерун, Люксембург, Мали, Марокко, Норвегия, Португалия, Сенегал, Сьерра-Леоне, Того, Франция, Германия, Швейцария, Швеция, Япония.

Жанубий Америка моделининг асосий фарқловчи белгиси ҳисоб юритишга доир маълумотларни инфляция суръатларига перманент тўғрилашдан иборат. Умуман олганда ҳисоб юритиш давлат режа органларининг эҳтиёжларига йўналтирилган, ҳисоб юритиш методикалари эса унификация қилинган. Солик кўрсатмаларининг бажарилишини назорат килиш учун зарур бўлган ахборот ҳисоб юритиш ва ҳисоботларда яхши акс эттирилади.

Жанубий Америка моделини куйидаги мамлакатлар томонидан кўлланилади: Аргентина, Боливия, Бразилия, Гайана, Парагвай, Перу, Уругвай, Чили, Эквадор.

Ислом модели илоҳият ғоялари таъсири остида ривожланиб, бир қатор хусусиятларга зга. Хусусан, дивидендларга эга бўлиш учун молиявий дивидендларни олиш таъқиқланади. Компаниялар активлари ва мажбуриятларини баҳолашда бозор нархлари афзал кўрилади.

Интернационал моделни ривожлантиришнинг зарурати, аввалимбор, бухгалтерия ҳисобини халқаро валюта бозорлари чет эллик иштирокчиларининг манфаатлари йўлида халқаро талабларга мувофиқлаштиришга бўлган эҳтиёждан келиб чиқади.

Бухгалтерия ҳисоби миллий тизимининг умумий тушунчаси ҳисоб юритиш тизимининг хусусиятларидан келиб чиқиб, қуидаги бир қатор мезонлар билан аниқлаштирилади:

- ҳисоб юритиш тизимининг тарихий ўрни;
- ҳисоб юритиш ва ишлаб чиқариш захираларини баҳолаш усуллари (харид қилиш қиймати, сотиш ва ўртача чамаланганд қиймат, режадаги таннарх, ЛИФО, ФИФО усуллари ва ҳ.к.);
- амортизацияни ҳисоблаш ва уни ҳисобда акс эттиришнинг кўлланилаётган усуллари;
- ҳисобот шакллари ва кўрсаткичлар, уларни тартибга солишилаш;
- фирмалар фаолиятини назорат қилишнинг ташқи шакллари.

Таснифлар сони таснифий гуруҳлашга қанақа белги асос қилиб олинганилгига боғлиқ.

Куидаги миллий бухгалтерия тизимлари ҳам алоҳида ажратилади:

- Шарқий Европа мамлакатлари – ягона бухгалтерия ҳисоби счёtlар режасининг асосан харажатларни камайтиришга, ҳисоб юритиш тизимининг мақсади эса – таннархни пасайтиришга қаратилганлиги билан дикқатга сазовордир;
- Европа Ҳамжамияти мамлакатлари – иккита бухгалтерия (умумий ва аналитик), счёtlар режасининг тузилиши фойдани аниқлаш ва унинг тақсимотига, ҳисоб юритиш тизимининг мақсади эса – фойдани оширишга йўналтирилган;
- Француз ҳисоб тизимининг хусусияти – икки хил бухгалтерия: счёtlар режасининг ишлаб чиқариш ҳисобига ихтисослашгинлиги, бухгалтерия ҳисобининг мақсади эса – даромадни кўпайтиришга мослаштирилганлиги;

Иқтисодий адабиётларнинг таҳлили кейинги пайтда ҳисоб юритишнинг ислом тизимиға эътибор қаратилаётганлиги кузатилмоқда, бу Яқин Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган. Моделнинг асосий моҳияти диний ғоялар таъсири остида бўлиб, қуидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

- фойда сифатида дивидендлар олиш таъқиқланади;

– компаниянинг активлари ва мажбуриятларини баҳолаш чоғида бозор нархларидан фойдаланилади.

Бундан қарийб ўттиз ийллар аввал мамлакатлар иқтисодий тизимини шакллантиришнинг муҳим омили технологиялар эмас, дунё халқлари маданиятлари ва дастурланган менталитети ҳисобланади, -дека тан олинди. Голланд олимни Грей Хофстеде IBM компаниясининг 40 та мамлакатдаги 117 000 ходимини анкета сўровидан ўtkазиб, биринчилардан бўлиб жаҳон мамлакатларини қуидаги умумий белгилар асосида ўнта маданий минтақага бўлишни таклиф қилди:<sup>11</sup>

- жамоа фаолиятида яккахонлик ёки жамоавийликнинг нисбати,
- ҳокимият билан колективизм ўртасидаги узвий боғлиқлик(барча ривожланётган мамлакатларга хос хусусият ҳокимиятнинг кучли таъсири остида шаклланган колективизмнинг мавжудлиги),
- ноаникликка муносабат (кучли ва кучсиз),
- аёллар ва эркаклар орасидаги нисбат, мардлик ва назокат.

Шундан келиб чиқсан ҳолда қуидаги минтақалар ажратилган эди:

- юксак ривожланган роман мамлакатлари (Бельгия, Франция, Аргентина, Бразилия, Испания, Италия);
- суст ривожланган роман мамлакатлари (Колумбия, Эквадор, Мексика, Венесуэла, Коста-Рика, Чили, Гватемала, Панама, Перу, Португалия, Сальвадор, Уругвай);
- юксак ривожланган Осиё мамлакатлари (Япония);
- юксак ривожланган Африка мамлакатлари (Шарқий ва Ғарбий Африка);
- суст ривожланган Осиё мамлакатлари (Индонезия, Покистон, Тайвань, Ҳиндистон, Малайзия, Филиппин);
- Яқин Шарқ мамлакатлари (араб мамлакатлари, Греция, Эрон, Туркия, Югославия);
- Осиёнинг мустамлака мамлакатлари (Гонконг, Сингапур);
- немис тилида сўзлашувчи мамлакатлар (Австрия, Германия, Швейцария; ушбу минтақага Исландия ишораси киради);
- инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатлар (Австралия, Канада, Ирландия, Янги Зеландия, Буюк Британия, АҚШ, ЖАР);

<sup>11</sup> Анастасия Городищенина. Классификация культур Г.Хофстеде. [https://vk.com/topic-48654001\\_27632357](https://vk.com/topic-48654001_27632357)

– Скандинавия мамлакатлари (Дания, Финляндия, Норвегия, Швеция; ушбу минтақага Нидерландия ҳам киради).

Г.Хофстед томонидан таклиф этилган жамиятни тавсифловчи маданий қадриятлар кейинги тадқиқотлар учун база бўлиб, 1985 йилда С.Ж.Грэй<sup>12</sup> томонидан бухгалтерия ҳисоби субмаданийтумумий белгиларининг аниқланишига олиб келди. С.Ж.Грэй тадқиқ этилаётган мамлакатларда бухгалтерия ҳисобининг тўртта ўзига хос хусусиятини тестдан ўтказишни таклиф қилди:

–профессионализм ёки хукукий тартибга солиш – ўзини ўзи бошқариш ва хукукий тартибга солишга қарши бўлган касбий жамиятлар фаолиятини афзал кўради;

–тамойилларнинг узунлиги ёки ўзгарувчанлиги – алоҳида корхоналар атрофидаги муҳит билан боғлиқ ўзгарувчанликка қарши бўлган корхоналар ўртасида бухгалтерия ҳисоби амалиётидаги ўзгарувчанликни сақлаб туришни афзал кўради;

–консерватизм ёки оптимизм – фаолиятдаги эҳтиёткорликка амал килишни, келгусида фаолиятнинг ишончлилиги, оптимистик ва тўлиқ таваккалчилиги учун ишончсизликни бартараф этишни афзал кўради;

–хушмуомалалик ва очиқлик – очик ва умумий ҳисоб-китоблар учун молиявий ахборотни расман талаб қилувчи маъмурият ва хукуматнинггина фаолиятига тааллукли ахборотни ошкор килишни афзал кўради.

Ушбу ўзига хос хусусиятлар тизимли ёндашувдаги бухгалтерия ҳисобини аниқ таърифлаш имконини беради. Алоҳида мамлакатларнинг умумий белгилари субмаданият сифатида бухгалтерия ҳисоби нормаларининг қонун хужжатларида белгиланган ёки назарда тутилган белгилари ва шаклларини белгилаб беради.

Н.Г.Вотинованинг ёзишича: “Турли давлатларда бухгалтерия ҳисоби тизимларининг турфа эканлиги сабаб, уларга турлича омиллар таъсир қилишидир. Улар жумласига куйидагиларни киритиш мумкин:

– етакчи назариётчи олимлар ва профессионал ташкилотларнинг таъсири;

– ижтимоий-иктисодий шарт-шароитлар (ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси, бошқарув, молия тизими, кадрлар тайёрлаш даражаси ва х.к.)

<sup>12</sup> Энциклопедия по экономике. <http://economy-ru.info/info/32925/>

- бухгалтерия ҳисобининг ҳуқуқий тартибга солиниши;
- миллий хусусиятлар;
- молиялаштириш маңбалари;
- фойдаланувчилар ва уларнинг ўз олдиларга кўйган максадлари;
- инфляцион жараёнларнинг таъсири.”<sup>13</sup>

Ҳисоб юритиш амалиётининг барқарорлиги нуқтаи назаридан мамлакатларнинг алоҳида гурухлари кўйидагилар билан тавсифланувчи тўртта миңтақага бирлаштирилган:

- ҳуқуқий тартибга солиш ва бухгалтерия ҳисоби тамоийилларининг узунлиги;
- етарлича ҳуқуқий тартибга солинмаслик ва бухгалтерия ҳисоби тамоийилларининг узунлиги;
- етарлича ҳуқуқий тартибга солинмаслик ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан фойдаланиладиган бухгалтерия ҳисоби тамоийилларининг мослашувчанлиги;
- ҳуқуқий тартибга солиш ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қўлланиладиган бухгалтерия ҳисоби тамоийилларининг мослашувчанлиги.

1992 йилда бўлиб ўтган Европа Ҳисобчилик Конгрессида Грэй ҳисобчилик тизимини ахборот ҳажми ва уни ошкор килиш соҳаси асосида таснифлаш усулини тақдим этди. У қўллаган ёндашувларга кўра бухгалтерия ҳисоби миллий тизимини дискрет-консерватив ва оптимистик очиқ тизимларга бўлиш мумкин.

Польшалик олим Дитер Кортум бухгалтерия ҳисобининг учта катта моделини ажратади: инглиз-саксония, немис ва лотин (1-жадвал).

Иккисодчи олимлар Мюллер Г., Гернон Х., Миник Г.лар бухгалтерия ҳисоби моделларини тўртта қисмга ажратадилар:

- англо-америка модели;
- Европа модели;
- Жанубий Америка модели;
- интернационал модель.<sup>14</sup>

<sup>13</sup> Ватинова Н.Г. Основные модели бухгалтерского учета в зарубежных странах.-Арх-к: изд-во АГТУ, 2009, с.4

<sup>14</sup> Мюллер Г., Гернон Х., Миник Г. Учет: международная перспектива. М.: Финансы и статистика, 1996.

Хисоб юритишининг талқини ҳамда хисоб юритиш ва ҳисоботлар миллий тизимларининг хилма-хиллигидан келиб чиқиб, хисоб юритишин талқин этишининг мавжуд хисоб юритиш ва ҳисоботлар тизимларини изохлаши мумкин бўлган тўртта асосий варианти ажратилиди: макроиқтисодий, микроиқтисодий, мустақил, бир хил. Мавжуд тизимларнинг ҳеч бири хисоб юритишининг қандайдир бир вариантига мувофиқ ривожланмаслигига қарамай, макроиқтисодий талқин айниқса, Швецияда аниқ намоён бўлади; микроиқтисодий талқин Нидерландиянинг бир неча кўп миллатли корпорацияларида ўз аксини топади; Америка ва Британия модели хисоб юритишини талқин этишга нисбатан мустақил ёндашувни акс эттиради; француз ва немис хисоб юритиш тизимлари ягона ёндашувга мисол бўлиб хизмат қиласди.

### 1-жадвал

#### Бухгалтерия ҳисоби тизимлари моделларининг таснифи

Ҳисоб юритиш модели	Қисқача таърифи
Инглиз-саксония	Инглиз-саксония модели, биринчи галда, шуниси билан маълумки, у акциядорларнинг талабларини қондиради. Шунинг учун молиявий ҳисоботлар ушбу фойдаланувчилар гурухи иқтисодий қарорлар қабул қилишда имкон қадар кўпроқ фойда олиши мумкин бўладиган қилиб тузилган. Бошқа тамойилларга нисбатан юқори тамойил сифатида иштирок этувчи ишончлилик тамойили бухгалтерия ҳисобининг ушбу моделида устунлик қилувчи асосий тамойил ҳисобланади, бу бухгалтерия ҳисоби инглиз-саксония тизимини лотин тизимидан тамойили жиҳатдан ажратиб туради.
Немис	Ҳисоб юритишининг немис модели шу билан тавсифланадики, у, авваламбор, кредиторнинг маңбаатларига ва унинг эътироzlарига йўналтирилган. Шунинг учун бундай мамлакатларда эҳтиёткорлик билан баҳолаш тамойили устунлик қиласди. Немис моделида ҳисоботлар солик

	тизимига боғлиқ. Бу ерда аниқлик қойдаси бир мунча бошқача амал қиласы, бунинг натижасыда фойда солигининг камайишига олиб келувчи күп сонли турли омиллар пайдо бўлади. Мазкур тизимда дегрессив усул билан амортизация ажратмалари ва режадан ташқари ажратмаларга рухсат этилади. Баҳолашнинг эҳтиёткорлик тамойили асосида ўз захиралари яратилади. Немис моделига киравчи мамлакатнинг захираларини баҳолаш учун кўпроқ ЛИФО усули қўлланилади. Ушбу модель мамлакатлари яширинча захираларни яратишга ихтисослашган.
Лотин	<p>Бухгалтерия хисобининг лотин модели Франция, Италия, Испанияда қўлланилиб, маълумотларни хисоботларда акс эттиришда ва бухгалтерия хисоби тамойилларидан фойдаланишда марказий йўл билан тафсифланади. Хукукий нормалар мутлақ устунликка эга.</p> <p>Соликнинг таъсири бухгалтерия хисобидан чиқариб ташланган. Балансни тузишда ва баҳолашда счёtlар ягона миллий тизимидан фойдаланиш катта роль ўйнайди.</p>

1. АҚШ, Канада, Нидерландия.
2. Британия Ҳамдўстлиги мамлакатлари, Канададан ташқари.
3. Германия, Япония.
4. Континентал Европа мамлакатлари, Германия, Нидерландия ва Скандинавия мамлакатларидан ташқари.
5. Скандинавия мамлакатлари.
6. Исройл ва Мексика.
7. Жанубий Америка мамлакатлари.
8. Яқин ва Узок Шарқнинг ривожланаётган мамлакатлари.
9. Африка мамлакатлари, Жанубий Америка мамлакатларидан ташқари.
10. Собиқ коммунистик тузумдан кейинги блок мамлакатлари.  
«Бош мамлакатлар» хисоб юритиш тизимига «таъсир этиш соҳаларига» кўра учта соҳа ажратилади:

  1. Австралия ва Ҳиндистонда хисоб юритишнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи Британия модели.

2. Мексика ва Лотин Америкасининг бир қатор мамлакатларида, шунингдек, Истроил ва Японияда кенг тарқалган Америка модели.

3. Жанубий Европада, Ўрта ер денгизи ҳудудларида ва тижорат соҳасидаги қонун ҳужжатлари Наполеон Кодекси намунаси бўйича тузилган Жанубий Америка мамлакатларида мавжуд бўлган француз модели.

Америка бухгалтерлар уюшмаси саккизта таснифий белгини ажратади: сиёсий ва иқтисодий тизимлар, иқтисодий ривожланиш даражаси, молиявий ҳисоботлар мақсадлари, ҳисоб юритиш стандартлари муаллифлиги, касбга тайёрлаш ва сертификатлаш тамойиллари ва касбий тайёргарлик даражаси, касбий ва этик стандартларнинг бажарилишини назорат қилиш тизими, ҳисоб юритишга доир ахборот фойдаланувчилари.

Тадқиқотчиларнинг катта қисми томонидан таъкидланишича, мамлакатларни уларнинг ҳисоб юритиш тизимларига мувоғик таснифлаш доимий хусусятга эга эмас, уларнинг таъсир этиш соҳалари эса барқарор ва ўзаро туташган соҳалар сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

Америка аудиторлар уюшмасининг Халқаро бухгалтерия стандартлари ва бухгалтерия тузилмаси қўмитаси бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлар тизимларини мамлакатлаги минтақалар сонига асосланган таснифлашни таклиф қилди. Шунингдек, таъсир этишнинг бешта зонаси асосида таснифлаш субъектив схемаси ҳам таклиф этилди: британия, француз-испан-португал, немис-голланд, америка, коммунистик.

Амалиётда ҳар бир мамлакат бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлар тизимини яратишида қайсиdir маънода қонун ҳужжатларига таянади. Мамлакатлар ўртасида стандартларни белгилашга хусусий сектор вакилларини жалб қилиш борасида катта фарқлар мавжуд. Ҳатто агар Компаниялар бухгалтерия ҳисоботларига тааллукли кўрсатмаларнинг 4-нашридан кейин бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлар тизимларини маълум даражада уйғунлаштиришга эришган Евropa ҳамжамияти мамлакатларини таққослайдиган бўлсак ҳам бухгалтерия йўли билан тартибга солишининг умумий даражаси турлича бўлиши мумкин. Лекин, Буюк Британия, Франция ва Германияда бўлгани каби бухгалтерия ишининг қарама-қарши анъаналарига ҳам мисоллар учраб туради. Масалан:

– инглиз умумий ҳуқук тизими ҳамда деталларни ёритишга катта эътибор қаратиладиган континентал юриспруденцияни белгилаб берувчи фукаролик кодекслари тизими ўртасидаги кескин фарқ;

– унда фаолиятни назорат қилиш банклар, ҳукумат ва оиласлар томонидан амалга ошириладиган турли молиявий тизимлар (бу Франция ва Германияда намоён бўлади). Буюк Британиянинг маълумотларни “адолатли” тақдим этишга интилишини шу билан изохлаш мумкин;

– Франция ҳамда Германия бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботлари тизимини ишлаб чиқища биринчи навбатда солиқ қонунларидан келиб чиқади.

ЕИ мамлакатлари бухгалтерия ҳисобидаги катта фарқлардан бири шундан иборатки, унда бухгалтерия ҳисоби тизимининг қонунчилик хусусияти мавжуд ёки мавжуд эмас, бу маълум маънода ушбу тизимнинг консерватизми даражасини белгилаб беради. Биринчи ҳолатда ҳисоб юритиш тартиб-таомиллари етарли дараҷада деталлаштирилиб, тартибга солинган. Иккинчи ҳолатда эса ҳисоб юритиш иқтисодий сиёсатнинг ўзгариши билан боғлиқ янги тартибларга нисбатан осон мослашади.

Иккинчи туб фарқ – бухгалтерия ҳисобининг жамиятдаги роли. Нидерландия, Буюк Британия ва Ирландияда ҳисоб юритиш инвесторлар ва кредиторларни бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган ахборот билан таъминлашга йўналтирилган. Ҳисоб юритишнинг асосий вазифаларидан бири бошқарув ходимлари ишининг самарадорлигини тавсифловчи рентабеллик кўрсаткичларини ҳисоблашдан иборат. Германия, Люксембург ва Бельгияда ҳисоб юритиш биринчи галда банклар манфаатларини химоя қилишга мўлжалланган. Францияда ҳисоб юритишнинг давлат органларини ахборот билан таъминлашга йўналтирилган ягона унификацияланган тизими қўлланилади.

Чет мамлакатларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш масаласини кўриб чиқища ҳисоб юритишнинг иккита модели устунлик қиласди:

– Америка, Англия, Япония, Канада ва Голландиянинг аксарият корхоналари амалиётида қўлланиладиган ва, муболагасиз, жаҳонда устунлик қилувчи инглиз-америка модели;

– Европада кенг тарқалган француз модели (олимлар уни француз-немис модели деб аташади).

Айрим чет эллик экспертлар иккита устунлик қилувчи моделни ўзида бирлаштирган «аралаш» моделни ажратишиди.

Бухгалтерия ҳисоби тизимлари таснифининг хилма-хиллиги бугунги кунда долзарб масала ҳисобланган ҳисоб юритишини уйгунлаштириш муаммосини келтириб чикаради.

Бу, биринчى галда, халқаро хұжалик ва молиявий алоқаларнинг фаол ривожланиши, фаолиятнинг кредитланиши ва үнга инвестиция киритилиши билан боғлиқ. Иктисодиётни, шу жумладан бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш йўлида турган Украина, Россия ва Беларусь Республикаси ҳам бундан мустасно эмас. Аввалги ҳисоб юритиш тизими буйруқбозлик иқтисодиёти, ягона фойдаланувчи – давлатнинг талабларига хизмат кўрсатишига мўлжалланган эди. Бугунги кунда вазият тубдан ўзгарди ва биз йигирма йилдан ортиқ вақт давомида мустақил йўлдан бораётганимизга қарамай, бу хол анча оғрикли кечмоқда ва у яна бир неча йиллар мобайнида илмий ходимлар ва амалиётчилар муҳокамасининг мавзуси бўлади.

Бироқ ҳисоб юритиш тизимини қайта куриш йўлида барча муаммоларни ҳал этиш учун бутун ўтмишни рад этиш ва Ғарб мамлакатларида юзага келган ҳисоб юритиш тизимидан нусха кўчириш даркор. Ҳозирги вақтда жаҳоннинг ҳеч бир мамлакати тўлиқ яккалатиб қўйилган ҳолатда ривожлана олмайди.

## II БОБ. ЕВРОПАДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

### 2.1. Италияда бухгалтерия ҳисоби

Бухгалтерия ҳисоби фанининг тарихи Италияда бошланган. Бу ерда икки ёқлама ёзув усули пайдо бўлиб, кенг тарқалган: 1494 йилда францискан монах ва математик Лука Пачоли (1445-1517 й.) бухгалтерия ҳисоби бошланадиган “Арифметика суммаси” асарини чоп эттириди. Бироқ бухгалтерия ҳисоби 1861 йилдан кейингина фанга айланди. Айнан ўша вактда мамлакатда назарий концепциялар ва уларни амалиётга жорий этишга нисбатан ёндашувлар билан фарқ қилувчи бухгалтерия ҳисобининг учта катта мактаби пайдо бўлди (ломбардия, тоскан ва венеция).

1808 йилда Наполеон Италияда Тижорат кодексини жорий этди. Ва ҳозиргача, Кодекснинг кейинги таҳрирлари ва Алленнин ярим оролидаги сиёсий ўзгаришларга қарамай Франциянинг умуман бизнесни ва, хусусан, бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари ўз кучини саклаб қолмоқда. Бунда шунни ҳисобга олиш лозимки, Италияда ягона иқтисодий худуд у 1861 йилда бирлаширилганидан кейин шаклана бошлади.

Биринчи Тижорат кодексиёқ барча савдогарлар зиммасига ҳўжалик операциялари дафтарини юритиш мажбуриятини юклаган эди. Дафтарнинг барча сахифалари рақамланиб, тикилган ва тижорат суд органлари томонидан муҳланган бўлиши керак эди. Бироқ, ўша вактда ҳисоб юритиш қоидаларига нисбатан ҳеч қандай ягона талаблар мавжуд эмас эди. Фақат Тижорат кодексининг 1865 йилда қабул қилинган иккинчи таҳриргина даврий бухгалтерия ҳисоботларининг тўлдирилиши ва чоп этилишини шарт килиб қўйди.

Италиянинг иккинчи Тижорат кодекси (1882 й.) илк бор ушбу мамлакатда бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойили компаниянинг молиявий ахволи ва фаолияти натижаларини тўғридан-тўғри ва ҳаққоний акс эттиришдан иборатлигини белгилаб берди.

Учинчи Тижорат кодексида (1942 й.) бухгалтерия ҳисобига аввалги кодекслардагига қараганда ғоят катта эътибор қаратилди.

Унда таъкидланишича, ҳисоб юритиш ва ҳисоботларнинг асосий мақсади – фойдаланувчига компаниянинг ахволи ҳакида аниқ

тасаввур беришдан иборат. Учинчи Кодекс илк бор маълумотларни тақдим этиш ва ҳисоботлар моддаларини баҳолашга нисбатан қўйиладиган талабларни ўзида мужассам этди. Бухгалтерия балансида тақдим этилиши лозим бўлган маълумотларнинг энг кам ҳажми белгиланди. Бироқ, фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг ҳажми ва мазмуни борасида ҳеч қандай талаблар ва чекловлар ҳали йўқ эди.

Айланмадан ташқари активларни баҳолашга таннарх тамойили асос қилиб олинди, айланма активлари учун эса харид қилиш ва сотиш нархларидан энг кичиги бўйиче баҳолаш назарда тутилди.

Агар активлар ва компаниянинг алоҳида хусусияти талаб этса, ҳисоб юритишнинг асосий қоидаларидан четга чиқиш мумкин эди.

Мазкур Кодекс жорий этилганидан кейин Италияда мол-мулкни баҳолашга таалуқли бир неча қонунлар қабул қилинди. Улар 1952, 1975, 1983, 1990 ва 1991 йилларда амалга оширилди.

1974 йилда ошкора компаниялар фаолиятини тартибга солишга таалуқли ислоҳотлар жараёнида бир қатор хужжатлар жорий этилиб, уларда молиявий ҳисоботларни тузишнинг асосий мақсади сифатида компания ҳақида объектив ахборотни тақдим этиш белгиланди. Ўшандаёқ асосий бухгалтерия хужжатларининг форматлари белгиланиб, компания директорлари кенгашининг маърузаси ҳисоботларнинг мажбурий қисмига айланди, уларни тақдим этиш жараёнини назорат қилиш ҳукуқи эса Компания ва биржалар миллий кўмитасига (КБМҚ) ўтди. Ўтган чорак аср мобайнида мазкур ташкилотнинг ҳукумронлиги ва таъсири доимий равища ортиб борди.

Акциялари очик бозорда сотиладиган компанияларнинг мажбурий равища мустақил аудит қилиниши 1974 йилги ислоҳотлар киритган янгилик бўлди. Аудиторлар вазифасига компания ҳисоботларининг қонунчилик нормаларига ҳам, бухгалтерия стандартларига ҳам мос келиши ҳолатини аниқлаш киради. Кейинчалик мажбурий аудит талаби компанияларнинг бошқа тоифалари, шу жумладан, медиа-концернлар, сугурта компаниялари, банклар ва давлат мулкида бўлган компанияларга ҳам амал қила бошлади.

Италияда бухгалтерия ҳисобига солик тўғрисидаги қонун хужжатлари кучли таъсир кўрсатди. Ўз хужжатлари тизими билан у профессионал стандартларга қараганда бухгалтерия амалиёти муаммоларининг ғоят катта доирасини қамраб олади. Шунинг учун италиялик бухгалтерлар ҳам, биринчи галда, солик тўғрисидаги

қонун хужжатларини назарда тутиб иш юритади. Молиявий натижалар тұғрисидаги хисоботларни тузища қонунчилік талабларында амал қилиш мүхим роль үйнайды, чунки Италия компанияларыдан ундириладиган соликлар айнан унинг маълумотлари бўйича белгиланади.

Охиригү йўн йиллик Италиядада ҳисоб юритиш учун жиддий ўзгаришлар даври бўлди.

Европа Иттифоқи директиваларининг, хусусан, компаниялар ва молиявий институтлар бухгалтерия ҳисоботларининг шакллари ва уларни тузиш тамойилларига, жамлаштирилган ҳисоботларни шакллантириш ҳамда профессионал бухгалтерия ва аудиторлик стандартларини жорий этишга таалуқли талабларига амал қилиш зарурлиги Италиядада 1990-йилларда ислоҳотлар амалга оширилишига асосий сабаб бўлди.

Италиядада бухгалтерия ҳисоби ўзига хос ва зиддиятли хусусиятларга эгалиги билан ажралиб туради. Улар жумласига унинг консерватив хусусиятга эгаligини ва фуқаролик, биринчи галда, солик тұғрисидаги қонун хужжатлари билан узвий боғлиқлигини киритиш мумкин. Бунинг сабаблари бизнес-муҳитнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ; бу ерда тижорат корхоналари ичидаги кичик ва ўрта корхоналар устунлик қиласади. Италиядада очиқ акциядорлик жамиятлари жуда кам – атиги 213 та компания ўз акцияларини Милан фонд биржасида сотади. Компанияларининг аксарият кўпчилиги потенциал ташқи инвесторлар учун ёпик, улар фаолияти устидан назорат ташқи инвесторларга умуман топширилмайди. Айнан шунинг учун биржалар ва биржа индикаторлари Италиядада бошқа мамлакатлардаги каби катта роль ўйнамайди.

Кичик компанияларнинг кўпчилиги ўз мулқорлари томонидан бошқарилганини боис мустақил ташқи аудитга ва умуман батафсил бухгалтерия маълумотларига бўлган талаб ғоят чекланган. У факат солик органлари ва банклардан келиб чиқади. Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, банклар учун кредитлаш тұғрисида қарорлар қабул қилишда бухгалтерия ҳисоботлари жиддий омил ҳисобланмайди. Шундай қилиб, ҳозиргача фискал органлар ҳисобот маълумотларининг асосий фойдаланувчилари бўлиб қолмоқда.

Италия компаниялари ҳисоботларидаги ахборот, ҳатто расмий талаблар билан солиширилгандагига қараганда ҳам чуқур ошкор қилинмайди. 1991 йилдан бўён ушбу талаблар ортган бўлишига

қарамай, консерватизм ва ахборотнинг маҳфийлигини сақлаш ҳанузгача Италияда бухгалтерия ҳисобини ва бизнесни юритишга нисбатан энг кенг тарқалган ёндашувлар ҳисобланади.

Италия компаниялари ҳисоботларни асосан солиқ талабларидан келиб чиқиб тузишлари боис бухгалтерлар ва менежерлар солиқ юкини камайтириш учун уларда энг кам фойдани акс эттиради. Кичик ва ўрта компанияларнинг аксарият кўпчилиги фирманинг фаолиятини бошқаришдан кўра кўпроқ қонунчилик талабларини бажариш учун бухгалтерия ҳисобини юритади ва ҳисоботларни тақдим этади. Италияда қасбий ҳамжамият Британия қасбий ҳамжамиятидан кейин иккинчи ўринда туради. Бироқ, солиқ органларига тақдим этиладиган расмий ҳисоботлар сифати ва ахборот учун белгиланганлигининг пастлиги ва корхоналарнинг ўзларида ушбу ҳисоботларга кам эътибор қаратилиши Италияда бухгалтерия ҳисобининг ҳақиқий ҳолатини акс эттирмайди. У ерда корхоналарнинг кўпчилиги расмий органлар учун эмас, балки ўз манфаатлари йўлида бошқарув қарорларини қабул қилиш учун бухгалтерия маълумотларини самарали тўплаш, умумлаштириш ва улардан фойдаланиш имконини берувчи кўплаб ҳисобвараглар тизимларини кўллади.

Италияда иккита қасбий унвон бухгалтерия ҳисоби билан шуғулланиш имконини беради – бу бухгалтер ва тижорат доктори унвонлари. Улар ўртасидаги фарқ мазмуний эмас, балки кўпроқ тарихий хусусиятга эга. Тижорат доктори унвонини олиш учун бухгалтер унвонини олишдагига қараганда узокроқ ўқиб, жiddийроқ имтиҳонларни топшириш даркор. Лекин профессионал бухгалтерия фаолиятини юритишида ҳар иккаласининг ҳам ҳукуқ ва мажбуриятлари бир хил. Ҳар иккиси ҳам давлат органларида расмий рўйхатдан ўтиб, қасбий амалиёт юритиш ҳукуқини кўлга киритиши даркор. Бироқ, бухгалтерлар ва тижорат докторлари турли қасбий ташкилотларга бирлашган.

Италияда ҳисоб юритувчи ходимлар одатда компаниялар штатига кирмайди, балки фаолитини ўз ишининг натижалари учун шахсий жавоб берувчи мустақил экспертлар сифатида амалга оширади. Бундан ташқари, амалиёт ўтовчи бухгалтерлар солиқ маслаҳати бериш ва аудит каби фаолиятнинг бошқа турлари билан шуғулланишга ҳақли. Аудиторлар эса, ўз навбатида, бухгалтерия амалиёти билан шуғулланмайди. Шундай қилиб, Италияда иккита мустақил қасб мавжуд бўлиб, итальян профессионаллари мустақил

бухгалтер ва Компаниялар ва биржалар миллий комиссияси (КБМК)да рўйхатга олинган йирик аудиторлик фирмаларида ишлаш ўртасида танлашларига тўғри келади.

1974 йилда биржада намоён этилган акциядорлик компаниялари учун ташки аудит қонунчилик талабининг жорий этилиши билан Италияда дастлаб аудиторлик, сўнгра эса бир-бирига боғлиқ бўлмаган бир неча ташкилотлар (Давлат корхоналари ишлари вазирлиги, Италия акциядорлик жамиятлари уюшмаси ва б.) томонидан ишлаб чиқилган бухгалтерлик стандартлари пайдо бўлди. Бундай хилма-хилик бухгалтерлар ишини мураккаблаштирди, 1982 йилда КБМК Тижорат докторлари миллий кенгаши томонидан таклиф этилган стандартларни танлади. Шу вақтдан эътиборан Италия профессионал доираларида энг нуфузли ҳисобланган ушбу ташкилот томонидан тайёранган ҳужжатлар бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига стали айланди. Уларни яратишда назарий ишланмалар, бухгалтерия амалиётининг (миллий ва халқаро) энг яхши намуналари ҳамда ЕИ Директивалари эътиборга олинди. Ҳозирги вақтга келиб 23 та миллий ҳисоб юритиш стандарти ва 21 та аудиторлик стандарти чоп этилган. Уларнинг кўпчилиги ҳозирда амалдаги қонун ҳужжатлари ва халқаро стандартларга мувофиқ қайта кўриб чиқилмоқда.

Профессионал бухгалтерия стандартларининг Италия ҳукукий тизимида номаълум мақомга эгалигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.

Италия давлатининг ҳукукий тизимини унда барча иқтисодий агентлар учун мажбурий бўлган қонунчилик нормалари устувор ҳисобланган Рим ҳукуки тизими сифатида тавсифлаш мумкин. Қонулар ва ҳокимиятлар қарорлари бугунги кунда ҳам ушбу мамлакатда бухгалтерия ҳисобини тартибга солишда асосий ролни ўйнайди.

Шунинг учун профессионаллар томонидан ишлаб чиқилган стандартлар ушбу мамлакатда, масалан, Россиядаги каби, қонун кучига эга эмас.

*Бухгалтерия ҳисоботларининг шакллари ва мазмуни.* Европа Иттифокига аъзо бўлиш муносабати билан Италия ўз қонун ҳужжатларига бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларига нисбатан қўйиладиган умумевропа талабларини киритди. ЕИнинг 4 ва 7-сон Директиваларига мувофиқ Италия компаниялари халқаро стандартлар талабларига мос келадиган ҳисоботларни тақдим этиши

шарт. Италия компанияларининг йиллик ҳисоботлари қўйидаги-  
ларни ўз ичига олиши мумкин:

- бухгалтерия баланси;
- фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисобот;
- тушунтириш хати;
- операция ҳисоботи (жорий фаолият тўғрисида ҳисобот);
- ички аудиторлар ҳисоботи;
- капиталнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот;
- пул маблагларининг ҳаракати тўғрисида ҳисобот;
- компания президентининг ҳисоботи;
- директорлар кенгашининг маърузаси;
- аудиторлик хulosаси.

Ушбу рўйхатдан факатгина дастлабки 5 та банд барча очик акциядорлик жамиятлари томонидан тақдим этилиши шарт. Аудиторлик хulosаси компанияларнинг айрим тоифалари - молиявий, сұғурта, медиа- холдинг ва ҳоказолар учун мажбурий. Акциялари биржаларда котировка қилинадиган компаниялар якуний йиллик ҳисоботдан ташқари ярим йиллик учун ҳисоботларни ҳам тақдим этишлари лозим.

Италия ҳисоботларида барча маълумотлар даврнинг боши ва охири ҳолатига қўра келтирилади. Кичик корхоналар бухгалтерия баланси, фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисобот ва тушунтириш хатини одатдаги вариантга қараганда қисқартирилган тарзда тақдим этишлари мумкин. Ҳисоботлар қўйидаги умумий қабул қилинган бухгалтерия тамойилларидан келиб чиқиб тузилади: эҳтиёткорлик, таққосланиш, доимий ишлаб турган корхонанинг ҳисоблаб ёзишлари.

Банклар ва молиявий компаниялар ўз бухгалтерия ҳисоби шаклларига эга. Барча бошқа иқтисодий агентлар учун Италия қонунчилиги Россияда қўлланилади шаклларга ўхшаш шаклларни назарда тутади.

Баланс Италия корхоналари томонидан оддий горизонтал шаклда тақдим этилади, бунда чапда - «актив», ўнгда - «пассив». Моддаларни гурухлаш тамоили - Буюк Британиядаги каби ликвидлилик даражаси бўйича эмас, балки, худди Германиядаги каби, уларнинг иқтисодий мазмуни бўйича гурухлаш. Баланснинг охирида компаниянинг барча балансдан ташқари мажбуриятлари кўрсатилади - берилган ва олинган кафолатлар, кафилликлар,

бўлажак харидлар ва сотувлар бўйича шартномавий мажбуриятлар, лизинг бўйича олдиндаги тўловлар ва х.к. Сўзсиз, бу ўта муҳим ахборот бўлиб, у бухгалтерия ҳисоби ташқи фойдаланувчиларига компаниянинг молиявий аҳволи тўғрисида реал тасаввурга эга бўлиш ва компания келгусида дуч келиши мумкин бўлган таваккалчиликларни баҳолаш имконини беради.

Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот Россия бухгалтерларига яхши таниш бўлган вертикал шакл бўйича тузилади. Бундай ҳисобот модели Италияга Германиядан кириб келди. Ҳисобот моддаларини таснифлашнинг асосида маблағларни сарфлаш йўналишлари эмас, балки иқтисодий мазмун тамойили ётади.

Россияда тақдим этиладиган ҳисоботлардан фарқли ўлароқ компаниялар йиллик ҳисоботига тушунтириш хатининг мазмуни Италия қонун хужжатларида қатъий белгиланган. Тушунтириш хати ўзида мужассам этиши лозим бўлган энг кам ахборот таркиби қуидагилардан иборат:

- ҳисоботлар моддаларини баҳолаш ва чет эл валютасида ифодалангандан қийматларни миллий валютага айлантириш усуллари;
- тарихий нархлари, қайта баҳолашлар ва амортизация ажратмалари тўғрисидаги маълумотлар ҳамда бошқа муҳим маълумотлар кўрсатилган ҳолда айланмадан ташқари (моддий, номоддий ва молиявий) активлар таркиби;
- ташкилий харажатлар, тадқиқ этиш ва ишлаб чиқиш ҳамда реклама харажатлари таркиби ва уларни ҳисобдан чиқариш усуллари;
- ҳисобот даврида компания активлари ва мажбуриятларида юз берган ўзгаришлар (алоҳида эътиборни турли хилдаги захираларга қаратиш лозим);
- ҳам тўғридан-тўғри, ҳам траст компаниялари орқали амалга ошириладиган тобе, шуъба ва бошқа фирмаларга инвестициялар рўйхати (инвестициялар таркиби, мулк улушлари ва уларнинг қийматлари ҳамда ушбу юридик шахслар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда);
- дебиторлар ва кредиторлар таркиби;
- келгуси даврлар даромадлари ва харажатлар, захираларга тааллуқли баланс моддалари таркиби;
- активлар ва пассивларнинг ҳар бир тури бўйича олдинда турган молиявий харажатлар;

- балансдан ташқари мажбуриятлар таркиби ва табиати ҳамда шуъба ва тобе жамиятларга қўйилмалар билан боғлиқ кутилаётган молиявий маблағлар;
- фаолият турлари ва минтақалар бўйича бўлинган ҳолда компаниянинг тушуми;
- шуъба ва тобе жамиятларга қўйилмалардан олинадиган даромадлар;
- кредитлар, қарзлар ва ҳоказолар билан бўғлиқ молиявий даромадлар;
- даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилган фавқулодда моддалар таркиби;
- моддаларни баҳолаш усусларини ўзгартириш тамоиллари (агар ҳисобот даврида бундай ўзгаришлар рўй берган бўлса);
- тоифалар бўйича бўлинган ҳолда ходимларнинг ўртача йиллик сони;
- бошқарув ходимлари ва ички аудиторлар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари;
- компаниянинг акциядорлик капитали ва ҳисобот даврида юз берган ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар;
- айирбошланадиган облигациялар ва компания томонидан чиқарилган бошқа қимматли қофозлар тўғрисидаги маълумотлар.

*Ҳисоботлар моддаларини баҳолашнинг ўзига хос ҳусусиятлари.* Баҳолашнинг асосида таннарх тамойили ётади. Сотиб олинадиган активлар нуқтаи назаридан, ҳисоботларга, келишилган нархдан ташқари, компания ушбу активни ишлаш ҳолатига келтиргунга қадар амалга оширган барча харажатлар (соликлар ва божхона тўловлари, ташиб, ўрнатиш ва монтаж қилиш қиймати ва х.к.) киради. Барча ҳолатларда таннарх таркибига тўловга мазкур активни ишлаб чиқариш ва ишлаш ҳолатига келтириш даврида тўпланган фоизларнинг айрим улушини ҳам киритиш мумкин.

Айланмадан ташқари активларни қайта баҳолаш фақатгина қонун чиқарувчи органларнинг қарорига кўра ўтказилиши мумкин. Айланмадан ташқари активлар ва дебиторлик қарзлари балансда уларнинг соф қиймати бўйича баҳоланади. Европанинг кўплаб мамлакатларидан фарқли равишда Италияда тадқиқотлар ва ишланмалар ҳамда реклама харажатлари капиталлаштирилиши, яъни дархол жорий харажатларга чиқарилмасдан, балки баланс активида кўрсатилиши мумкин. Айрим номоддий активларни

(хусусан, гудвилл ва савдо русумларини) фақат компанияни сотиш вактидагина баҳолаш мумкин. Молиявий ва операцион лизинг ҳисобини юритишда фарқлар мавжуд эмас.

Захираларни баҳолаш учун харид қилиш ва сотиш нархларидан энг ками қўлланилади. Ишлаб чиқаришга ҳисобдан чиқариш учун барча умумий қабул қилинган усуслар – ФИФО, ЛИФО ва ўртача чамаланган нархни қўллашга руҳсат этилган.

Махсулот ишлаб чиқариш жараёни узок вақтни талаб қилган ҳолларда (масалан, пишлок, ликёр ва х.к. ишлаб чиқаришда) захиралар қийматига айрим фоизли тўловларни ҳам киритиш мумкин.

Италия қонун ҳужжатларига мувофиқ компания бутун маълум қилинган акциядорлик капиталининг кўпи билан 10 фоизига эгалик қилиши мумкин. Ушбу акцияларга дивиденdlар тўланмайди, овоз бериш ҳукуки эса акцияларни бошқа мулқдор сотиб олгунга қадар захирада туради. Улар ҳисботларда харид қилиш нархи бўйича акс эттирилади.

Бухгалтерия амалиётида ишончсиз қарзлар учун захиралар яратиш муҳим роль ўйнайди. Италияда ҳар йили бундай захирага дебиторлик қарзлари умумий ҳажмининг 0,5 фоизини киритишга руҳсат этилган. Захира ҳажми 0,5 фоизга етгандан кейин уни бошқа ошириш тақиқланади. Ишончсиз қарз ушбу захира ҳисобидан чиқариб ташланади.

Италияда фуқаролик қонун ҳужжатлари чет эл валютасида ифодаланган моддаларни ҳар қандай усул билан қайта ҳисоблаш имконини беради, бироқ, солиқ солиш учун барча корхоналар молия йилининг охири ҳолатига кўра юзага келган курсдан фойдаланиши шарт. Манфий курс фарқлари солиқ солинадиган фойдадан чиқариб ташланади.

Италия корхоналарида кечикирилган солиқ солиш амалиёти жуда кам ҳолларда қўлланилади. Компания кўрган заарлар беш йиллик давр мобайнинда келгуси фойдага киритилиши мумкин.

Компаниялар фойдасига солинадиган солиқнинг ҳозирда амал қилиб турган ставкаси 37 фоизни ташкил қиласди. Агар компания қарз олмасдан, балки ўз маблаглари ҳисобидан молияланса, ушбу ставка 27 фоизгача камайтирилиши мумкин. Барча компаниялар меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари чегирма қилинган ҳолда кўшилган қиймат миқдорининг 4,25 фоизини ташкил қилувчи маҳаллий солиқни тўлаши шарт.

Корхоналар асосий қисмини якка мулқорларга тегишли бўлган кичик ва ўрта фирмалар ташкил қилиши туфайли мамлакатда жамлаштирилган хисоботларни тузиш амалиёти кенг қўлланилмайди.

Миллий қонунчилик талабларига мувофиқ тузиладиган бухгалтерия хисоботлари фақатгина солиқ назорати мақсадларига хизмат қиласди.

Хозирги вақтда Италияда бухгалтерия ҳисоби жиддий ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Бухгалтерия маълумотларини ошкор қилиш, жамлаштирилган ҳисоботлаш, асосий бухгалтерия шаклларининг мазмуни ва тўлиқлиги бўрасида янги қонунчилик талаблари жорий этилмоқда. Италия бухгалтерия амалиёти анъанавий тарзда миллий қонунчилик талабларига амал қилиши туфайли қонунлар муаллифлари миллий ҳисоб юритишни халқаро стандартлар ва ЕИ директивалари талабларига ҳамда замонавий бизнесдаги ҳақиқий вазиятларга яқинлаштиришга интилади.

Ташки фойдаланувчилар томонидан ҳақиқий ва аниқ ахборотнинг олинишига бўлган қизиқишининг ортишига, биринчидан, ҳозирда Италияning йирик концерnlарида кечаётган хусусийлаштириш жараёнлари, иккинчидан, ўрта тижорат корхоналарининг акциялари билан савдо қилиш режалаштирилаётган минтақавий биржаларнинг ташкил этилиши сабаб бўлмоқда. Шунингдек, ўз корхоналари ҳақида тўлиқ ва холисона ахборотга эга бўлиш истагидаги акциядорлар сони йил сайин ортиб бормоқда, бу яқин келажакда Италия бухгалтерия ҳисобида катта ўзгаришларга олиб келади.

## 2.2. Испанияда бухгалтерия ҳисоби

Испанияда бухгалтерия ҳисобининг илдизлари ўрта асрларга бориб тақалади. Бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш расман 1829 йилда бухгалтерия ҳисобига асос солган Тижорат кодексининг қабул килиниши билан бошланди. 1885 йилги Тижорат кодексида бухгалтерия ҳисоби янада ривожлантирилди. Ушбу кодексдаги кўп нарсалар жиддий ўзгаришларга дуч келган бўлса-да, у хозирги вақтгача ҳам ўз кучини сақлаб турибди.

Ҳисоб юритишнинг методологик масалалари 1973 йилга келибгина Бухгалтерия ҳисоби счёtlарининг умумий режасида (РВС-73) тўлиқроқ акс эттирилди. У бир қатор ҳисоб юритиш тартиб-

қоидалари ва бухгалтерия ҳисоботлари намуналарини ўз ичига олган эди. Уни ишлаб чиқиш учун 1959 йилги француз Бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси асос бўлиб хизмат килди.

1979 йилда Испания бухгалтерия ҳисоби ва бизнес маъмурчилиги уюшмаси таъсис этилиб, у бухгалтерия ҳисоби методологиясини ишлаб чиқиш билан шуғуллана бошлади. Бироқ, норматив тартибга солишининг етарлилиги эмаслиги туфайли компаниялар яқин вактга қадар ҳисоботларни РвС-73 қоидалари ва уюшма таклифларига қараганда кўпроқ анъаналарга амал қилган ҳолда тузарди.

Европа Иттифокининг тузилиши ва унинг директиваларига амал қилиш зарурлиги 1989 йилда ислохотни бошлашга туртки берди. Мазкур ислоҳот 1885 йилги Тижорат кодексига ўзгартишлар киритган 19/1989-сонли Тижорот ислоҳоти тўғрисидаги қонуннинг қабул қилинишидан бошланди. Лекин 1990 йилги Бухгалтерия ҳисоби счётларининг умумий режасини (РвС-90) энг муҳим хужжат деб ҳисоблаш мумкин. Унинг асосий аҳамияти шундан иборатки, у бухгалтерия амалиётини янгича тушунишга асос солди; компаниялар йиллик ҳисоботларининг аник-равшанлигини, уларнинг таққослана олишини ва испан бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлар талабларига мослаштирилишини таъминлади; ҳисоб юритишининг янги тамойилларини, баҳолаш тартиб-қоидалари ва йиллик ҳисоботларда ахборотнинг тақдим этилишига нисбатан қўйиладиган талабларни ҳамда молиявий ҳисоботларнинг айрим моделларини жорий этди. Унинг қоидалари 01.01.91 йилдан бошлаб катталиги ва хукуқий мақомидан қатъи назар барча компаниялар учун мажбурий бўлди. Ушбу санадан эътиборан йиллик ҳисоботларини бирлаштириш тартиб-қоидаларини белгилаб берган 1815/1991-сонли Қирол фармони амал кила бошлади.

Бироқ, кўплаб муҳим вазифалар ҳамон ўз ечимини кутиб турибди. Уларнинг энг муҳимлари муайян иқтисодий вазиятларга доир қоидаларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда умумий қоидаларни ўз хусусиятларга эга бўлган муайян тармоклар шароитларига мослаштириш зарурлиги билан боғлик.

Ислоҳотларни қўллаб-күвватлаш учун 1988 йилда Аудит тўғрисидаги қонун қабул қилиниб, унга мувофиқ янги тартибга солувчи орган – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит институти (ICAC) ташкил этилди. Аудит соҳасида назорат ва тартибга солишдан ташқари у бухгалтерия ҳисоби қоидаларини ишлаб чиқади, мазкур

соҳадаги қоидаларни талқин этиш билан бига янги қоидаларни маъқуллайди. 1990 йилдан бошлаб 1САС шартли равишда иккита тоифага бўлиш мумкин бўлган бир неча ҳужжатларни чиқарди: йиллик ҳисоботларни тузишда барча компаниялар учун ва аудиторлар учун мажбурий бўлган кўшимча қоидалар тўғрисидаги низомлар ва бухгалтерия ҳисоби тармоқ режалари. Ҳозирда айрим тармоқ режалари кучга кирган ва айримлари кўриб чиқиши босқичида турибди.

Ушбу ҳужжатлар билан киритилган ўзгаришлар натижасида Испанияда бухгалтерия ҳисоби Европа амалиёти ва Халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди.

Испания қонунчилиги йиллик ҳисоботларга нисбатан қўйиладиган умумий талабларни ўзида мужассам этган. Улар қўйида-гилардан иборат: йиллик ҳисоботларни тузиш қоидалари барча компаниялар учун мажбурий; баҳолашнинг стандарт қоидалари ва ҳисоботларни тақдим этишга нисбатан қўйиладиган талаблар мавжуд; барча компаниялар учун молиявий ҳисоботлар ягона модели берилади; йиллик ҳисоботларни директорлар кенгаши йил якунланганидан кейин 3 ой ичida тузиши керак; йиллик ҳисоботлар йил якунланганидан кейин 6 ой ичida акциядорлар йигилиши томонидан маъқулланиши лозим; муайян чекловларга эга бўлган мустақил аудиторларни жалб қилган ҳолда мажбурий аудит жорий этилган; йиллик ҳисоботлар Очиқ регистрда тақдим этилиши зарур.

Испания компанияларининг йиллик ҳисоботлари баланс, фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисобот ҳамда ягона ҳужжатни ўзида намоён этувчи изоҳлардан иборат. Мазкур ҳужжат аниқ ифодаланган бўлиши ва компаниянинг ўз капитали, молиявий ахволи, фойдаси ва заарлари ҳамда компания томонидан олинган ва фойдаланилган маблағлар ҳақида ишончли тасаввур бериши лозим.

Изоҳлар баланс, фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисоботни тўлдиради, излҳайди ва шарҳлайди ҳамда йиллик ҳисоботларни мос тарзда талқин этиш учун зарур бўлган барча ахборотни ўзида мужассам этади. Изоҳлар таркибига манбалар ва фонdlардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисобот ҳам киради.

Агар қонунчилик қоидалари компаниядаги ишларнинг ахволи ҳақида ишончли маълумотлар олиш учун етарли бўлмаса, кўшимча ахборот тақдим этилиши керак. Истисно ҳолатларда қонунчилик қоидалари ишончли маълумотларни бермаган тақдирда, уларга амал

килмаслик мумкин, лекин у ҳолда изоҳларда бу ҳақида қўшимча тарзда айтиб ўтиш керак.

Ҳисоботларда молиявий йилнинг охири ҳолатига кўра ва ўтган йил учун моддалар бўйича маълумотлар келтирилади. Агар ушбу маълумотларни таққослашнинг иложи бўлмаса, улар ўтган йил маълумотларига тўгриланади.

Қонунчилик жами активлар, соф йиллик айланма ва хизматчиларнинг рўйхат бўйича ўртача сони борасидаги муайян талабларга жавоб берувчи кичик корхоналар ва компанияларга қисқартирилган ҳисоботларни тузишга рухсат этади.

Бундан ташқари, бошқарув ҳисоботини тузиш ва фаолият натижаларини тақсимлаш юзасидан таклифлар бериш назарда тутилган. Бошқарув ҳисоботи аввалги тижорат ҳисоботига ўхшашибўлса-да, у Испания қонунчилигидаги янги ҳужжат. Уни йиллик ҳисоботларнинг ҳажми ва хилидан қатъи назар барча компаниялар тузиши зарур. Ҳисобот бизнеснинг ривожланиши ва компаниянинг аҳволини; молиявий йил якунига кўра юз берган мухим воқеаларни; компания томонидан амалга ошириладиган илмий-тадқиқот ишларини; ўз акцияларининг сотиб олиниши ва сотилишини аниқ акс эттириши лозим.

1989 йилги Тижорат ислоҳоти тўғрисидаги қонун кучга кирган вақтдан эътиборан компаниялар гурухларининг ҳисоботларини бирлаштириш мажбурий хусусиятга эга бўлди. Бу вақтга қадар компанияларнинг муайян турларигина, масалан, молиявий компаниялар бундай ҳисоботларни тузиши лозим эди. Ҳозирда бир неча истиснолар назарда тутилган. Мисол учун, компанияларнинг кичик гурухлари йиллик жамлаштирилган ҳисоботларни тузмаслиги ҳам мумкин. Бундан ташқари, агар гурух бош компанияси Евropa Иттифоқига аъзо бўлган бошқа мамлакатда жойлашган янада кенгроқ гурух таркибига кирса, у ҳолда Испаниядаги кичик гурух жамлаштирилган ҳисоботларни тақдим этиши шарт эмас. Бирор, бунинг учун айрим расмий талабларга амал қилиш даркор.

Жамлаштирилган ҳисоботлар молиявий натижаларни ва компаниялар гурухининг молиявий аҳволини акс эттиради, лекин уларнинг тузилиши ҳеч қандай юридик ёки солиқ оқибатларини келтириб чиқармайди.

Бош компания инвестицияларининг турли хилларини бирлаштиришнинг З та усули белгиланган: тўлиқ бирлаштириш усули, ўз капитали усули ва мутаносиб бирлаштириш усули.

Шуъба компаниялар түлиқ бирлаштириш усулини қўллашлари лозим, бу шуъба компанияларнинг барча активлари ва пассивлари, даромадлари ва харажатларини бош компаниянинг активлари ва пассивлари, даромадлари ва харажатлари билан бирлаштиришни; ташқи инвесторларнинг улушкини аниқлашни ва ҳар бир шуъба компаниянинг дастлабки бирлаштириш чоғида юзага келадиган гудвилни акс эттиришни назарда тутади.

Агар бош компания шуъба компанияларни овоз берувчи акцияларининг 20 фоизидан кўпига ёки акциялари биржада котировка қилинадиган компаниялар акцияларининг 3 фоизига эгалик килса, бундай инвестициялар ўз капитали усулини қўллаган холда бирлаштирилиши лозим.

Улушли бирлаштириш усулини бош компания бошқа гурӯҳлар билан бирга иштирок этадиган ва бошқарув эса биргаликда амалга ошириладиган компанияларга инвестициялар киритишида қўллаш мумкин. Мазкур усул мажбурий эмас, унинг ўнига ўз капитали усулини қўллаш мумкин.

Компаниялар йиллик ҳисоботни тузишда амал қилиши шарт бўлган бухгалтерия ҳисобининг умумий тамойиллари зоссан Европа Иттифоқи директиваларига мос келади:

- активлар ва пассивларни баҳолашдаги эҳтиёткорлик: факат реализация қилинган фойда акс эттирилади, зарарлар эса улар хақида маълум бўлиши биланоқ тан олинади;
- барча активлар ва ҳуқуқлар дастлабки қиймат ёки қўлга киритиш нархи бўйича баҳоланади;
- амал қилиб турган корхона тамойили компаниюя фаолият кўрсатишининг узлуксизлигини назарда тутади;
- жамғариш усули: даромадлар ва харажатлар товарлар ва хизматлар нархини тўлаш вактида эмас, балки уларнинг келиб тушишига қараб акс эттирилиши керак;
- харажатларнинг даромадларга мос келиши: йил учун соғ фойда даромадлар суммасидан уларга мос келувчи харажатларни чегирма қилиш йўли билан аниқланади;
- изчиллик: қўлланилган ҳисоб юритиш тамойилларига кейинги ҳисобот даврларида амал қилиниши лозим;
- алоҳида тақдим этиш: активларни пассивлар билан ёки харажатларни даромадлар билан сальдолашга руҳсат этилмайди (баланс ҳамда фойда ва зараплар тўгрисидаги ҳисоботнинг ҳар бир моддаси алоҳида баҳоланиши зарур);

– мухимлик: агар тамойилларни қўллаш натижаси йиллик бухгалтерия хисоботларидағи маълумотларга таъсир кўрсатмаса, уларнинг талабларига қатъи риоя этмаслик даркор.

Испанияда бухгалтерия хисобини юритишида қуидаги баҳолаш қоидалари қўлланилади.

Асосий воситалар дастлабки қиймат бўйича ҳисобга олиниб, харид қилиш нархи, ишлаб чиқариш харажатлари ёки бозор нархи бўйича (ушбу баҳолардан кайсиси пасл бўлса, шу бўйича) акс эттирилиши лозим. Харид қилиш нархи етказиб берувчининг счётида кўрсатилган суммани ва қўшимча харажатларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, унга активларни харид қилиш ёки ишлаб чиқариш билан боғлиқ ва йиллик хисоботларда акс эттирилган молиявий харажатлар ҳамда солиқлар ҳам кириши мумкин.

Мазкур умумий қоидалардан ташқари асосий воситаларга нисбатан алоҳида стандартлар қўлланилади. Ернинг қийматига ободонлаштириш харажатлари, биноларни бузиш қиймати, назорат ўтказиш ва ерни сотиб олишдан олдин режалар тузиш харажатлари киритилади. Активларни янгилаш, кенгайтириш ёки такомиллаштириш, агар бу ҳол активлар қуввати, самарадорлигининг ошишига ёки фойдаланиш мўддатининг узайишига олиб келса, капиталлаштирилади (активларга ҳисобдан чиқарилади).

Испанияда асосий воситаларни қайта баҳолашга ҳисоб юритиш ва солиқ солиш мақсадлари учун қонунда назарда тутилган ҳолатлардагина рухсат этилади. Қайта баҳолашнинг ҳисоб юритиш жиҳати активлар қийматини қонунда белгиланган меъёрларга мувофиқ оширишдан иборат. Қийматнинг ушбу оширилиши 10 йил мобайнида тақсимланмайдиган, лекин 3 йил тугаганидан кейин акциядорлик капиталини ошириш учун фойдаланилиши мумкин бўлган қайта баҳолаш бўйича захира ҳисобдан чиқарилади.

Номоддий активлар харид қилиш нархи ёки ишлаб чиқариш харажатлари бўйича баҳоланади. Номоддий активларни ҳисобга олиш қоидалари моддий активларни ҳисобга олиш қоидалари билан улар алоҳида қоидаларга зид келмайдиган даражада ўхшаш.

Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари учун харажатлар улар амалга оширилган ҳисобот даврининг харажатларига киритилади. Агар улар бир қатор шартларга жавоб берса, бундай харажатлар кейинга сурилиши мумкин. Агар гудвил сотиб олинган бўлсагина, у ҳисоботларда акс эттирилади. Бунда унинг қиймати мунтазам номоддий активлардан фойдаланиш муддати

мобайнида (лекин кўпі билан 10 йил), уларнинг амортизацияси учун жорий харажатлар сифатида фойда ва заарлар счётига ҳисобдан чиқарилиши лозим.

Испанияда ижарага олинган асосий воситалар номоддий активлар ҳисобланади ва иктисадий сабабларга кўра опцион (сотиб олиш ҳуқуқи)дан фойдаланишга ҳеч қандай шубҳа бўлмаган тақдирда балансда акс эттирилиши керак. Берилган кредит учун фоизлар ижара келишувининг бутун амал қилиш муддати мобайнида тақсимланиши лозим бўлган ҳисоблаб ёзилган харажатлар сифатида кўриб чиқилади.

Агар фирма ўзининг асосий воситаларини сотса ва шу заҳоти уларни ижарага олса, у ҳолда асосий воситалар мажбуриятлар қиймати, шу жумладан, ижара тўловлари ва харид қилиш учун опцион суммаси бўйича номоддий активлар таркибига ҳисоблаб ёзилади. Баҳолашда юзага келган барча фарқлар ижара муддати мобайнида фойда ва заарлар счётига киритилади.

Ташкилий харажатлар тегишли объектни харид қилиш харажатлари бўйича баҳоланади. Улар мунтазам 5 йилдан ортиқ бўлмаган муддат мобайнида фойда ва заарлар счётига ҳисобдан чиқарилади.

Қимматли қофозлар (қиска муддатли ва узоқ муддатли акциялар, облигациялар ва ҳ.к.) обуна ёки сотиб олиш вактида харид қилиш нархи бўйича акс эттирилади.

Инвестициялар ўргача чамаланган нарх ёки ўртача таннарх асосида баҳоланади. Биржада котировка килинадиган қимматли қофозлар учун қўйидаги иккита катталикдан кичиги қабул қилинади – таннарх ёки бозор қиймати. Агар қимматли қофозлар биржада котировка қилинмаса, уларни харид қилиш қиймати бўйича акс эттириш зарур. Харид қилиш қиймати амалиётда кўлланиладиган оқилона баҳолаш мезонидан юқори бўлса, захирани ушбу қимматли қофозлар бўйича ҳисоблаш керак.

Ўз акцияларини харид қилишда улар ҳудди бошқа ҳар қандай акциялар каби баҳоланади. Ўз акцияларини амортизация қилишда харид қилиш қиймати билан номинал қиймат ўртасидаги фарқ (мусбат ёки манфий) захира счётида акс эттирилиши даркор. Ўз акцияларини сотишдан кўрилган фойда ёки заарлар фавқулодда моддалар сифатида фойда ёки заарлар счётига киритилади.

Моддий-ишлаб чиқариш захиралари харид қилиш нархи ёки ишлаб чиқарниш харажатлари бўйича ҳисобга олинади. Бунда харид

килиш нархи етказиб берувчининг счётида кўйилган суммани, захираларни сақлаш бўйича кўшимча харажатларни, шу жумладан сотувдан тўланадиган солиқни ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш харажатлари хомашё ва бутловчи маҳсулотларни харид килиш нархини, бевосита тан олингандан харажатлар ва ишлаб чиқариш циклига тўғри келадиган билвосита харажатларнинг айрим кисмидан иборат.

Захиралар одатда ўртача чамаланган қиймат, ФИФО, ЛИФО ва бошқа усувлар бўйича баҳоланади. Агар захиралар доимий равишда янгиланиб турса, уларнинг умумий қиймати ва таркиби компания учун муҳим бўлмаган тарзда кичик ўзгариб турса уларни, истисно тариқасида, умумий қайд этилган ставка бўйича баҳолаш мумкин.

Чет эл валютасидаги суммалар, одатда, миллий валютага айлантирилиб, харид қилиш санасидаги, уларни ўз капиталига киритиш санасидаги ёки битимни тузиш санасидаги курс бўйича йиллик ҳисоботларга киритилиши керак. Лекин айрим алоҳида қоидалар ҳам мавжуд.

Даврнинг якуни ҳолатига кўра захираларнинг бозор қиймати ушбу санада амал қилиб турган котировкалар ва айирбошлиш курсларини қўллаган ҳолда ҳисобланади, яъни чет эл валютасига сотиб олингандан товарлар ҳам қайта баҳоланиши лозим.

Даврнинг якуни ҳолатига кўра кимматли қоғозлар қиймати бозор котировкаси санасидаги курсни қўллаган ҳолда олингандан баҳодан юқори бўлиши мумкин эмас. Пул маблағлари жорий курс бўйича акс эттирилиши керак, курсдаги фарқлар эса тегишли ҳисобот даври учун фойда ёки зарар сифатида талқин этилиши мумкин.

Кредиторлик ва дебиторлик қарзлари даврнинг якуnidаги курс бўйича баҳоланади. Курсдаги фарқлар қарзлар муддатлари ва валюталар бўйича гурухланади. Бундай гурухланинг мусбат натижаси (фойда) бир неча йил мобайнида тақсимланиши лозим бўлган даромадлар таркибида четга суриб кўйилган кредит сифатида талқин этилиши мумкин; манфий натижа (зарар) - фойда ва зарарлар счётига ҳисобдан чиқарилади. Агар реализация қилинмаган мусбат фарқлар будан олдинги ҳисобот даврларида улар бўйича зарарлар аниқланган гуруҳларга кирса, уларни фойда ва зарарлар счётига ҳисобдан чиқариш мумкин. Шу тариқа четга суриб кўйилган даромадлар тегишли муддатларни сўндириш муддати бошланишига

ёки тенг ёхуд катта суммадаги манфий курс фарқлари аникланишига караб фойда ва заарлар счётига ҳисобдан чиқарилади.

Испания компанияларида асосий воситалар бўйича курсдаги фарқлар юзага келмайди, шунинг учун уларни кийматига тузатишлар киритилмайди, асосий воситаларни харид килишни узоқ муддатли молиялаш бундан мустасно.

Соф даромад билан солик солинадиган даромад (солик солиш базаси) ўртасидаги фарқ доимий (кейинги даврларда қопланмайдиган, қопланадиган заарлар бундан мустасно); вактинчалик (кейинги даврларда қопланадиган тақсимлаш мезонларидағи фарқлар асосида) бўлиши ва солик солиш мақсадида қопланадиган заарларни ўзида намоён этиши мумкин.

Акс эттириладиган харажатлар доимий фарқлар суммасига тўғриланган ҳолда солик солингунга қадар фойда ёки заарлар асосида ҳисоблаб чиқилади. Тегишли солик ставкаси ушбу суммага нисбатан қўлланилади, чегирмалар эса бир йил мобайнида ҳисобланган солик суммасининг камайиши сифатида кўриб чиқилади.

Вактинчалик фарқлар ва қопланадиган заарлар корпоратив соликни ҳисоблашда ҳисобга олинмайди. Вактинчалик фарқлар асосида олинадиган суммалар балансда активлар ёки пассивлар (олдиндан тўланган ёки кечикирилган соликлар) сифатида акс эттирилади. Вактинчалик фарқлар асосида олдиндан тўланган соликлар ёхуд қопланадиган заарлар (солик активлари)ни фақат уларнинг келгусида реализация қилиниши кафолатланган тақдирдагига акс эттириш мумкин. Акс ҳолда уларни ҳисобдан чиқариб ташлаш даркор.

Пенсияларни ҳукумат тартибга солади. Ҳозирда компаниялар икки хилдаги пенсия фондлари – четдан молияланадиган ва мустақил молияланадиган фондлар билан ишлашга мажбур. РвС-90да четдан молияланадиган пенсия фондларига доир бир неча қоида мавжуд. Ҳисобланган мажбуриятлар бўйича захира яратиш лозим.

Субсидиялар, агар улар қайтарилиши лозим бўлса, кечикирилган даромадлар сифатида акс эттирилади. Улар ушбу субсидиялар ҳисобидан молияланадиган амортизация ажратмаларига мутаносиб равишда ҳисбот давридаги фойда ва заарлар счётига киритилади.

Электр энергетикани давлат нарх-нво сиёсати орқали тартибга солади. Ядро ёқилғисини ҳисобга олишда айрим ўзига хос

хусусиятлар юзага келади. Уни «Захиралар» моддаси бўйича ҳисобга олиш лозим, ҳар йили фойда ва заарлар счётига ҳисобдан чиқариладиган суммалар эса истеъмол сифатида кўриб чиқилади. Илгари ядро ёқилгиси асосий воситалар таркибида ҳисобга олинниб, амортизация қилиш йўли билан ҳисобдан чиқариларди.

Испанияда ҳисоб юритишни Европа амалиёти билан уйғунлаштириш жараёнини тугалланган, деб ҳисоблаш мумкин, чунки Тижорат кодекси ва компаниялар тўғрисидаги қонуннинг қайта кўриб чиқилиши туфайли етарли даражада ривожланган ҳисоб юритиш тизими барпо этилди. Ҳозирда IASC кўмиталари ҳисоб юритиш сиёсатига доир қоидаларни ишлаб чикиб, умумий қоидаларни халқ хўжалигининг муайян тармоқлари эҳтиёжларига мослаштириш бўйича тармоқ режаларини тузмокда.

### 2.3. Германияда бухгалтерия ҳисоби

Германияда бухгалтерия ҳисоби қадимий ва ўзига хос анъаналарга эга. Инглиз-америка мамлакатларидан фарқли ўлароқ Германияда бухгалтерлар қонунчиликка, биринчи галда, солик тўғрисидаги конун хужжатлари нормаларига аниқ амал қилади. Бу ўз навбатида хукукий тизимлардаги фарқлар билан боғлиқ (Германия хукуқ тизими нормаларни кодлашга, инглиз-саксония умумий хукуқ тизими эса прецедентларга асосланган).

Германияда бухгалтерия ҳисобига нисбатан кўйиладиган талаблар қатъи шаклга солиниб, деталлаштирган; Тижорат (Савдо) кодекси нормативларни тартибга солишнинг асосий манбай ҳисобланади. Охирги вақтда Европа Иттифоқи доирасида бухгалтерия ҳисобига нисбатан кўйиладиган талабларни уйғунлаштириш жараёни Германиядан миллий нормаларни қайта кўриб чиқишини талаб қилди, бироқ немис компанияларининг ҳисботларидан фойдаланувчилар шуни назарда тутишлари лозимки, эски ва янги нормалар кўпинча параллел равишда қўлланилади ва инглиз-америка ҳисоб юритиш тамойиллари немис заминида тўлиқ илдиз отди.

Бухгалтерия ҳисботларининг асосий фойдаланувчилари банклар ҳисобланади. Одатда, йирик банклар ўз аудиторлик фирмаларига эга, шунинг учун фирмалар томонидан тақдим этиладиган ахборотнинг таркиби ва сифатига таъсир кўрсатиши мумкин.

Умумий қабул қилинган ҳисоб юритиш стандартлари ва тамойиллари биринчи марта 1937 йилда Акциядорлик корпорациялари түғрисидаги қонунда мустаҳкамланган. Ушбу қонун кредитор манфаатларини ҳимоялашга йўналтирилган эди. 1965 йилда Қонун жиддий ўзгаришларга дуч келди. Унинг янги таҳририда акциядорлар манфаатларига катта эътибор қаратилди, хусусан, активларга паст баҳо бериш имконияти чекланди. Акциядорлик корпорациялари түғрисидаги қонун 1985 йилгача, яъни Германия ҳуқукий тизимиға Европа Иттифоқининг компаниялар ҳисботларини тайёрлаш, эълон қилиш ва аудиторлик текширувидан ўтказиш қоидаларини тубдан ўзгартириган тўртинчи, еттинчи ва саккизинчи директивлари киритилгунга қадар бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи ягона норматив манба бўлиб колди.

1986 йил 1 январдан бошлаб 39 та аввалги қонунга тузатишлар киритган Бухгалтерия ҳисобига оид директивалар түғрисидаги қонун амал қилиб турибди; молиявий ҳисботларни тақдим этиш нормаларининг асосий манбай ҳисобланган Тижорат кодексининг қоидалари жиддий қайта кўриб чиқилди (энг муҳими – бухгалтерия ҳисоби ва аудитга бағишлиланган маҳсус учинчи қисм қабул қилинди); алоҳида ташкилий шакллар ва тармоқлар корхоналарининг фаолиятини тартибга солувчи қўшимча қонунлар жорий этилди. Ҳозирги вақтда бухгалтерия ҳисобига нисбатан қўйиладиган талаблар унчалик жиддий ва тез-тез ўзгартмаяпти.

Германияда 1961 йилда Иктисадиёт вазирлиги ҳузурида ташкил этилган расмий назорат қилувчи орган – аудиторлик палатаси (*Wirtschaftsprüfer Kamer*) асосий бухгалтерия ташкилоти ҳисобланади. Бундан ташқари, 1931 йилдан бошлаб кўнгилли уюшма – Касамёд қабул қилган аудиторов институти (*Institut der Wirtschaftsprüfer*) фаолият кўрсатиб турибди. Унинг асосий вазифаси бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботлари юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишидан иборат. Бироқ, у сезиларли таъсир кўрсатмайди: Германияда бухгалтерлар қонунчиликнинг янги нормаларини ишлаб чиқишимайди, балки эскиларини кадрлайшади. Амалиётда мунозарали методологик масалалар юзасидан охирги сўзни Олий солиқ суди айтади.

Германияда бухгалтерия ҳисботларини тақдим этиш қонунчилик билан мустаҳкамланган қуйидаги тамойилларга асосланган: ҳисботлар аниқ ва тушунарли бўлиши керак; ҳисоб юритиш

хўжалик ҳаётининг барча фактларини акс эттиришнинг тўлиқлигини таъминлаши даркор; дебиторлик қарзларини кредиторлик қарзлари билан ва даромадларни харажатлар билан сальдолашга йўл кўйиб бўлмайди; йилнинг бошлангич баланси кўрсаткичлари ўтган йилнинг якуний баланси кўрсаткичларига мос келиши лозим; хисоб, агар алоҳида тўсиклар мавжуд бўлмаса, фаолиятнинг узлуксизлиги тўғрисидаги тахминдан келиб чиқиб юритилади; консерватизм (эҳтиёткорлик) тамойилига мувофиқ, баланс тузилишидан олдинги даврга таалуқли бўлган барча кутилаётган заарлар, ҳатто агар улар ҳакида ҳисобот санасидан кейин маълум бўлган тақдирда ҳам, тан олиниши даркор, лекин фойда фақат у реализация қилинганидан кейингина тан олинади; хисоб юритиш ҳисоблаб ёзиш ёки мувофиқлик тамойили асосида амалга оширилиши керак; усуслар йилдан йилга изчил равишда қўлланилиши лозим; баҳолаш дастлабки қиймат (таннарх) бўйича ўтказилади.

Германияда, юкорида санаб ўтилган бухгалтерия ҳисоби тамойилларидан ташқари инглиз-америка тизимида мутлақо нотаниш бўлган мажбурийлик тамойили мавжуд бўлиб, унга кўра Бош дафтар счётлари солиқларни ҳисоблаш учун бевосита асос ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботлар шакллари ва мазмуни фақат юридик шахслар ва юридик шахснини ташкил этмаган йирик ташкилотлар учун қонун йўли билан тартибга солинади. Мажбурий молиявий ҳисоботлар таркибига баланс, фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисобот ва тушунтириш хати киради. Йирик фирмалар раҳбарият ҳисоботларини ҳам тақдим этади. 1999 йилдан бошлаб пул маблагларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот фақат акциялари биржада котировка қилинадиган компаниялар учун мажбурий – бу немис бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос ҳусусияти.

Немис балансида алоҳида кўрсаткичларни акс эттиришда куйидаги ўзига хос ҳусусиятлар мавжуд.

Тижорат кодексида ҳиссеботларда, бир томондан, концессиялар, лицензиялар, патентлар ва ҳоказоларнинг, иккинчи томондан эса, гудвилнинг акс эттирилиши алоҳида тартибга солинади. Умумий қоидага кўра, балансда асосий номоддий активларни акс эттириш улар учинчи шахслардан согиб олинган тақдирда шарт, лекин улар ўз кучлари билан яратилган ҳолатларда мажбурий. Жамлаштириш ҷоғида юзага келадиган гудвил дарҳол захиралар ҳисобига ҳисобдан

чиқарилиши ёки бир неча йиллар мобайнида, у, назарда тутилаёт-  
ганидек, фойда келтирганда амортизация қилиниши мумкин.  
Манфий гудвилл кредиторлик қарзлари сифатида талқин этилади,  
уни фақат муайян ҳолатларда, масалан, корхонани қайта сотишдан  
фойда олинганда ёки харид қилиш нархи уни ҳисобга олган ҳолда  
белгиланган илгари кутилган воқеа содир бўлганда ҳисобдан  
чиқариш мумкин.

Асосий воситалар ҳисобда мунтазам ҳисобланадиган эскириш  
чегирма қилинган ҳолда яратиш ёки харид қилиш нархи бўйича акс  
эттирилади. Конун амортизациянинг қандайдир муайян усулларини  
белгилаб бермайди (амалиётда тўғри чизикли усул ва камаювчи  
қолдик усули энг тез-тез қўлланилади). Активларнинг хизмат  
кўрсатиш муддатлари одатда маҳсус тармоқ солик жадваллари  
бўйича белгиланади. Яна шуни таъкидлаш лозимки, асосий  
воситаларнинг харакати тўғрисидаги ҳисоботда «Харид қилиш  
нархи» сатрида дастлабки нарх ҳам, Европа Иттифоқи директива-  
ларини жорий этишдан олдинги охирги молиявий ҳисоботлардан  
кўчирилган қолдик қиймат ҳам акс эттирилиши мумкин. Ушбу  
соддалаштириш ташки фойдаланувчилар учун активларнинг  
эскирганлик даражасини баҳолашни мураккаблаштириди.

Асосий воситалар ҳақида гап кетганда асосий эътиборни  
молиявий лизингга қаратиш даркор. Тижорат кодексига мувофиқ  
молиявий лизинг ижаравчининг счёлларида капиталлаштирилиши  
лозим; бироқ, амалиётда ижара келишувлари одатда актив ижарага  
берувчининг балансида қоладиган қилиб тузилади. Ижаравчилардан  
ҳам, ижарага берувчилардан ҳам ижарага олинган (берилган)  
активлар ҳақидаги ахборотни батафсил ошкор қилиш талаб  
етилмайди.

Молиявий қўйилмалар (бошқа компаниялар капиталида  
иштирок этиш) Тижорат кодексига мувофиқ бошқа компанияларга  
узок муддатли қўйилмалар сифатида кўриб чиқилади. Улушки  
иштирок этишнинг иккита хили ажратилади: шуъба компанияларга  
инвестициялар ва қўйилмалар. Бошқа молиявий маблағлар активлар  
каби молиявий қўйилмалар ҳам, одатда, таннарх бўйича ҳисобга  
олинади. Молиявий қўйилмаларнинг реал қиймати пасайган  
такдирда қайта баҳолаш (ҳисобдан чиқариш) ўтказилади; ушбу  
қиймат ошган ҳолларда қайта баҳолашни ўтказиш шарт эмас.

Товар-моддий захиралар (хомашё ва материаллар, курилиши  
тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот ва товарлар)

балансда таннарх ёки бозор нархининг энг кичик миқдори бўйича акс эттирилиши керак. Ҳозирги вактда таннархни баҳолаш учун ўртача таннарх ва ФИФО усуллари кенг тарқалган, лекин солиқ максадлари учун 1990 йилдан бошлаб ЛИФО усули қабул қилинган, шу муносабат билан унинг ролининг кучайишини кутиш мумкин.

Курилиши тугалланмаган ишлаб чиқаришни баҳолашда немис компаниялари катта танлаш эркинлигига эга. Эслатиб ўтамиз, Бош дафтар счёtlари солиқ ва тижорат счёtlарига бўлинади. Барча ҳолатларда тўғридан-тўғри харажатлар ишлаб чиқариш харажатларига киритилиши шарт. Солиқ (лекин нотижорат) счёtlарида қўшимча харажатлардан “Асосий ишлаб чиқариш” счёtinинг дебетига фақат иш ҳақи, материаллар ва асосий воситалар амортизацияси киритилиши керак. Умумий хўжалик харажатлари ва турли ижтимоий ажратмаларни компаниялар ўз хоҳишига кўра қурилиши тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг таннархига киритиши ёки киритмаслиги мумкин. Фоизлар активни яратиш билан бевосита боғлиқ бўлган тақдирдагина таннарх таркибига (ва фақат уни ишлаб чиқариш даврида) киритилиши мумкин. Таннархдан ишлаб чиқариш қувватларининг тўхтаб туриши билан боғлиқ харажатлар чиқариб ташланади.

Агар бозор нархи таннархдан кичик бўлса, у ҳолда товар-моддий захиралар (ТМЗ)ни қайта баҳолашни ўтказиш зарур. Бунда бозор нархи сифатида хомашё ва материаллар учун, одатда, харид қилиш (ўрин босиш) нархи, тайёр маҳсулот учун эса эҳтимол тутилган сотиш нархи олинади. Немис ҳисоб юритиш амалиётининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, агар ўрни босиш нархи харид қилиш таннархидан паст бўлса, ҳатто сотишнинг эҳтимол тутилган соф нархи тарихий (хақиқий) таннархидан юқори бўлган тақдирда ҳам, захиралар ўрин босиш нархи бўйича акс эттирилиши лозим, бу консерватизм (эҳтиёткорлик) тамойилидан келиб чиқади. Бундан ташқари, немис компаниялари нархларнинг кутилаётган келгуси ўсиши учун захиралар яратиш имкониятига эга.

Шундай қилиб, Германияда қабул қилинган ТМЗни баҳолаш усуллари бухгалтерларга захиралар қийматини пасайтиришнинг турли йўлларини очиб беради ва бу билан, одатда, фойдага солинадиган солиқ миқдорини камайтиради.

*Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари билан ҳисоб-китоблар.* Германияда олинадиган ва тўланадиган счёtlар ҳисобини юритиш амалиёти, умуман олганда, Европадагига мос келади. Бироқ, чет эл

валютасидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзларига нисбатан ёндашув алохидә эътиборга лойик. Балансда дебиторлар билан ҳисоб-китоблар, одатда, дастлабки қиймат билан балансни тузиш санасидаги курс бўйича қиймат иккисидан кичиги бўйича акс эттирилади; кредиторлар билан ҳисоб-китобларга нисбатан тескари қоида қўлланилади. Шундай қилиб, валюта курсларининг ўзгариб туришидан кўрилган заарлар тан олинади, фойда эса - тан олинмайди. Лекин бундай амалиёт консерватизм (эҳтиёткорлик) тамойилига мос келса-да, лекин, айниқса, агар компанияда ўзаро боғлиқ активлар ва чет эл валютасидаги мажбуриятлар мавжуд бўлса, ишларнинг ҳақиқий ахволини бузиб кўрсатиши мумкин (бунга форвард контрактлари мисол бўлади). Қонун хужжатларидаги охирги ўзгаришларга мувофиқ дебиторлик ва кредиторлик қарзлари балансда балансни тузиш санасидаги курс бўйича акс эттирилиши мумкин; бунда тушунтириш хагида қўлланиладиган ҳисоб юритиш усуllibини таърифлаш зарур.

Немис амалиётининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, кечикирилган даромадлар ва харажатлар балансда алохидә бўлимлар билан акс эттирилади.

Немис компаниялари қўпроқ қарз билан молияланади (ташқи қарз - банк кредитлари ҳисобидан, ички қарз - пенсия схемалари орқали). Охирги йиллар мобайнида Германия учун активларнинг умумий суммасидаги ўз маблағлар улуши 20 фоиздан ошмади. Бу асосан солиқ мақсадлари билан изоҳланади; улардан келиб чиқсан ҳолда акциядорлар кўпинча компанияга ўз инвестицияларининг бир қисмини, ҳатто бундай кўйилмаларнинг қайтарилиши чекланган тақдирда ҳам, кредитлар сифатида таснифлашга интилади. Акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган ширкатлар учун қонунда устав капиталининг энг кам миқдорлари белгиланиб, ўз акцияларини сотиб олиш хукуқлари назарда тутилган. Захираларни хосил килиш қоидалари факат юридик шахслар учун белгиланган. Захиралар асосан эҳтимол тутилган заарларни қоплаш ёки устав капиталини кўпайтириш учун мўлжалланган.

Солиқ мақсадлари учун маҳсус моддаларнинг амал қилиши немис бухгалтерия ҳисобининг солиққа йўналтирилганлигига яққол мисол бўлади. Улар балансда, одатда, пассивнинг иккинчи бўлимини хосил қиласди ва икки хилда бўлиши мумкин.

- Солиқ солинмайдиган захиралар - кредиторлик қарзларининг бир қисми (кечикирилган солиқ солиш учун) ва ўз

капиталининг бир қисми (тақсимламаган фойда). Одатда, бу ерда асосий воситалар ва молиявий активларни сотишдан олинган молиявий натижа ҳамда қайта инвестицияланган тақдирда улар бўйича тушум кечикириладиган соликларнинг тўланиши кўрсатилади.

– Солик мақсадлари учун қўлланиладиган амортизация суммаси билан тижорат нуктаи назаридан окланган сумма ўртасидаги тўпланган фарқ; ушбу модда айниқса, собик ГДР худудида тез-тез учрайди.

Тижорат кодекси даромадлар ва харажатларни мазкур моддаларга киритиш қоидаларини тушунтиришни талаб қиласди, лекин ҳисоб-китобларни деталлаштиришни талаб қилмайди, шунинг учун ташки фойдаланувчи ушбу моддаларнинг келгуси фойдага таъсирини аниқ баҳолай олиши амри маҳол.

Конунчиллик талабларига кўра балансда пенсия, солик ва бошқа ҳисоблаб ёзилган суммалар алоҳида сатрларда кўрсатилади.

Ҳисоблаб ёзилган пенсиялар – немис корхоналарининг бухгалтерия ҳисботларидағи энг мунозарали жиҳатлардан бири ҳисобланади. Ташки фойдаланувчи шуни назарда тутиши лозимки, биринчидан, ҳисобда амалда компанияларнинг барча пенсия мажбуриятлари акс эттирилмайди – балансга билвосита (масалан, корхона доирасида ташкил этиладиган ижтимоий таъминот фондлари орқали молиялаш ҳолатида) мажбуриятлар киритилмайди; иккинчидан, солик мақсадлари учун белгиланган пенсия мажбуриятларининг ҳозирги қийматини ҳисоблаш усули окладларнинг келгусидаги ошишини ҳисобга олмайди ва ўтгиз йилдан кам хизмат қилганларга тааллуқли эмас. Натижада реал пенсия мажбуриятлари, одатда, пасайтирилган бўлиб чиқади, бу консерватизм (эҳтиёткорлик) тамойилига зид келади.

Соф немисча мажбурийлик тамойили аксарият компаниялар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботларида кечикирилган соликларнинг бўлмаслигига олиб келади. Одатда, улар жамлаштириш натижасида пайдо бўлади. Бундан ташқари, агар жамлаштирилган ҳисботларда активлар ҳам, кечикирилган соликлар билан боғлиқ кредиторлик қарзлари ҳам акс эттирилиши лозим бўлса, алоҳида компаниялар счётларида кредиторлик қарзларининг тегишли қисминигина кўрсатиш зарур.<sup>15</sup>

<sup>15</sup> Смирнова И.А. Отсроченные налоги // Бухгалтерский учёт. - 1998. - № 11

Бошқа ҳисоблаб ёзилган суммалар таркибида ноаниқ мажбуриятлар учун захиралар, кутилаётган заарлар ва харажатларни тенглаштириш учун мўлжалланган захиралар (масалан, таъмирлаш фонdlари) акс эттирилади. Умуман олганда, ушбу модданинг микдори оширилган бўлиши мумкин, чунки у 1997 йилдан бошлаб солик солинадиган базани камайтириш учун ва қўлланилмайди.

Фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисобот харажатли ёки функционал форматлардан бирида вертикал шаклда тақдим этилади. Германияда анъанавий тарзда ишлаб чиқаришни тавсифлашга асосланган харажатли формат қўлланилади. Унинг асосида компания фаолиятининг кўрсаткичини нафакат сотувлар ҳажми, балки товар-моддий захираларни ишлаб чиқариш ва истемол қилиш ҳажми ҳамда асосий капитални кўпайтириш учун фойдаланилдиган ресурслар ташкил қиласди, деган тахмин ётади. Бундай ҳисоботда харажатлар уларнинг пайдо бўлиши жойидан қатъи назар хиллари бўйича таснифланади.

Фойда ва заарлар тўғрисидаги бундай ҳисоботнинг шакли куйидагicha:

Сотиш ҳажми:

± Курилиши тугалланмаган ишлаб чиқариш (тайёр маҳсулот)  
ҳажмининг ўзгариши

+ Ўз эҳтиёжлари учун ишларни капиталлаштириш

Фаолиятнинг ялпи кўрсаткичи + Хўжалик фаолиятидан олинган бошқа фойдалар

- Материаллар учун харажатлар
- Ходимлар учун харажатлар
- Амортизация
- Бошқа операцион чиқимлар

Хўжалик фаолиятидан олинган фойда / зарап + Молиявий фаолиятидан олинган фойда / зарап

Одатдаги операциялардан олинган фойда / зарап ± Фавқулодда операциялардан олинган фойда / зарап - Соликлар

Бир йил учун фойда / зарап

Хозирги вақтда бир қатор корпорацияларда инглиз-америкача формат тан олинмоқда. Ушбу форматда харажатлар уларнинг пайдо бўлиши марказлари, яъни функционал белгиси бўйича таснифланади. Мазкур ҳолатда фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисобот куйидаги кўринишга эга бўлади:

### **Сотиш ҳажми(минус)**

- Сотилган маҳсулотнинг таннархи
- Ялпи фойда / зарар
- Сотиш харажатлари
- Бошқарув харажатлари
- Хўжалик фаолиятидан олинган бошқа фойда
- Бошқа операцион чиқимлар.
- Хўжалик фаолиятидан олинган фойда / зарар ± Молиявий фаолиятидан олинган фойда / зарар .
- Одатдаги операциялардан олинган фойда / зарар ± Фавқулодда операциялардан олинган фойда / зарар - Соликлар

Ҳисобот йилининг молиявий натижаси: фойда ёки зарар

Таъкидлаш лозимки, турли форматларда бир хил номланган сатрлар турли мазмунга эга бўлиши мумкин. Масалан, соликлар (фойда соликларидан ташкари) функционал форматда сотиш харажатларига ёки маъмурий харажатларга кириши мумкин, харажатли форматда эса бу мумкин эмас.

Функционал форматда ҳисобот тузишнинг умумий қабул қилинган амалиёти ҳозирча қарор топмаган. Хусусан, фавқулодда моддаларни талқин этишда муайян келишмовчиликлар мавжуд; материаллар учун харажатларни киритиш усули ҳам жаҳон амалиётидан фарқ қиласи (материаллар учун харажатларга кўпинча факат бевосита харажатлар киритилади, билвосита харажатлар эса – бошқа операцион харажатларга киритилади).

Компания раҳбарияти ҳисботининг мазмунига нисбатан кўйиладиган талаблар кўп эмас. У компаниядаги ишларнинг ахволини ва компаниянинг ҳисбот давридаги ривожланганигини ишончли ва ҳаққоний (адолатли) тарзда акс эттириши лозим; мазкур ҳисботовга ҳисбот санасидан кейин юз берган мухим воқеалар ҳақидаги маълумотлар киритилиши мумкин; ривожланиш прогнози ва келажак учун сиёсат тўғрисида билдириш; таваккалчиликларни баҳолаш; тадқиқотлар ва ишланмалар ҳақидаги ахборот; компаниянинг мавжуд бўлинмалари тавсифи; пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисбот; ижтимоий сиёсат тўғрисидаги ҳисбот ва х.к.

Жамлаштирилган молиявий ҳисботовлар соликларни ҳисблаш ёки фойдаларни тақсимлаш учун асос ҳисбланмайди, лекин иқтисодий интеграциянинг ўсиши муносабати билан тобора катта аҳамият касб этмоқда. Германияда жойлашган бош компаниялар

күйидаги ҳолатларда жамлаштирилган ҳисоботларни тақдим этиши керак:

• улар амалда тобе компаниялар акцияларининг 20 фоизидан кўпига эгалик қилган ҳолда уларни назорат қиласи (Германия учун анъянвий ёндашув);

• улар овоз берувчи ҳукуқларнинг катта қисмига эгалик килиб, тобе компаниялар директорларини тайинлаш ёки бўшатиш ҳукуқига эга бўлгани ҳолда ёхуд устунлик қилиш тўғрисидаги келишувни тузиб тобе компаниялар устидан назоратни амалга ошириши мумкин (назорат қилишининг инглиз-саксония концепцияси).

Бироқ, ушбу коидадан кўплаб истиснолар мавжуд. Масалан, юридик шахс макомига эга бўлмаган ташкилотлар учун иккинчи хилдаги корхоналар тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш шарт эмас. Кўйидаги ҳолатларда тобе компанияни жамлаштирилган ҳисоботларга киритмаслик мумкин, агар: унинг улуши катта бўлмаса; унинг акциялари фақат қайта сотиш учун мўлжалланган бўлса; ҳисобот даврида бош компаниянинг шуъба компания активларини тасарруф этиш ҳукуқлари сезиларли даражада чекланган бўлса; ҳисоботларни жамлаштириш учун зарур бўлган ахборотни муддатида ва оқилона харажатлардан юкори харажатларсиз олишнинг иложи бўлмаса.

Ва ниҳоят, тўғрилик ва ҳалоллик тамойилини бузувчи шуъба фирмаларнинг (бу, масалан, агар бош ва шуъба компаниялар фаолиятининг соҳалари кескин фарқ қилганда, юз беради) жамлаштирилган ҳисоботларга киритилишига йўл қўйилмайди.

Жамлаштириш чоғида чет эл валютасини қайта ҳисоблаш чоғида алоҳида муаммо юзага келади. Тижорат кодекси ҳам, Еттинчи директива (бухгалтерия ҳисоботларини жамлаштириш тўғрисида) ҳам чет эл валютасини қайта ҳисоблаш усулини белгилаб бермайди. Германияда ушбу масалада қарор топган амалиёт ҳам мавжуд эмас. Шунинг учун турли-туман усуллар кўлланилади (жорий/жорий эмас, монетар/номонетар, вақтингчалик, баланс тузилган санадаги курс ва ҳ.к.). Курсдаги фарқлар ҳам турлича талқин этилади. Айрим компаниялар курсдаги фарқларнинг таъсирини компенсациялайди; бошқалари уларни фойда ёки заарлар счётида тўғридан-тўғри акс эттиради; учинчи турдаги компаниялар эса консерватизм (эҳтиёткорлик) тамойилига қатъи амал қилган ҳолда курсларнинг ўзгариб туришидан олинган фойдани эмас, балки заарларни тан олишади.

Барча ўрта ва йирик компаниялар аудиторлик текширувларидан ўтишлари лозим. Аудиторнинг эълон килинадиган хуносасининг мазмунига нисбатан қўйиладиган талаблар 1998 йил майдан бошлаб кенгайтирилди: энди унга компания томонидан умумий қабул қилинган бухгалтерия ҳисоби тамойилларига риоя этилган-етилмаганлиги, ҳисоботларнинг ҳаққонийлик ва адолатлилик талабларига жавоб бериш-бермаслиги, яқин келажакда қанақа хавф-хатарлар компаниянинг ҳолатига таъсир этиши мумкинлиги ҳақидаги маълумотлар киритилиши керак.

1980-йилларнинг охиридан эътиборан бухгалтерия ҳисобига нисбатан қўйиладиган талабларнинг ўзгариши асосан Германия конун хужжатларининг Европа Иттифоқи директиваларида мослаштирилиши билан боғлик эди. 1998 йилда янги қонунлар қабул қилинган бўлиб, уларнинг асосий қоидалари қуидагилардан иборат бўлди:

- акциядорлик компаниялари хавф-хатарларни (таваккалчиликларни) бошқариш тизимини жорий этишлари, аудиторлар эса унинг етарлилигини баҳолашлари лозим;

- раҳбарият ўзининг йиллик ҳисботида эҳтимолий хавф-хатарларни ва фирмани ривожлантиришнинг кутилаётган йўналишларини баҳолашлари зарур;

- акциялари биржада котировка қилинадиган компаниялар учун пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисбот мажбурий бўлади;

- бундай компаниялар ҳисоб юритишнинг қайси умумий қабул қилинган тамойилларига амал қилишни танлайди (немисча, халқаро 1A5, америкача СААР ёки бошқа бир мамлакатнинг миллий тамойиллари).

Хозирги вақтда Германия ЕИ таркибида миллий стандартларни жаҳонда умумий қабул қилинган стандартларга яқинлаштириш йўлида давом этмоқда, лекин улар ўртасидаги азалий фарқлар шунчалик чуқурки, немис нормаларининг халқаро амалиётга ёки хатто умумевропа ёндашувларига ҳам етарлича мос келиши тўғрисида гапириб бўлмайди.

Бозор хўжалиги тизимида давлатнинг корхоналар ички ишларига аралашмаслиги асосий шарт ҳисобланади. Бироқ, давлат барча хўжалик юритувчи субъектлар учун мажбурий ва қатъи амал қилиниши лозим бўлган, муваффақиятли хўжалик юритиш учун муайян умумий шарт-шароитларни яратади. Бундай умумий шарт-

шароитлар жумласига хўжалик юритиш, бошқариш ва солик солиш соҳасидаги қонунлар киради.

Бухгалтерия хисобини юритиш Савдо кодекси, солик тўғрисидаги қонун хужжатлари, Айланмадан олинадиган солик тўғрисидаги қонун, Даромад солиги тўғрисидаги қонун ва Корпорацияга солинадиган солик тўғрисидаги қонун кўрсатмаларига асосланади.

Савдо ва солик тўғрисидаги қонун хужжатлари бухгалтерия хисобини юритишнинг мазмуни ва шакли бўйича муайян қоидаларга амал қилиш мажбуриятини юклайди (2-жадвал).

2-жадвал

### Германияда бухгалтерия хисобини юритишга нисбатан қўйиладиган талаблар

Мезон	Талаблар
1. Тўлиқлик	Барча хўжалик операциялари ёзувлар орқали қайд этилиши зарур
2. Мазмуннинг тўғрилиги	Содир бўлган хўжалик операцияларининг ёзувлари уларнинг мазмунига мос келади
3. Вақт бўйича чеклашлар (даврийлик)	Ёзувлар операцияларни амалга ошириш вақтига мос ва мувофик амалга оширилиши керак
4. Аниқлик, яққоллик, текшириш имконияти	Бухгалтерия хисоби учинчи шахс қисқа вақт ичida ҳаммасини тушуниб олиши мумкин бўладиган даражада аниқ ва яққол юритилади
5. Шаклнинг тўғрилиги ва ўзгармаслиги	Дастлабки мазмунни ҳар қандай ўзгартириш, масалан, ўчириш, устидан елимлаш ва ҳоказоларнинг тақиқланиши
6. Салномавий (хронологик) хисоб юритиш тартиби	Хўжалик операцияларининг ёзуви улар амалга оширилган тартибда юритилади

Немис хўжалик ҳуқуқига мувофик бухгалтерия ҳисоби:

- тадбиркор учун мол-мулк, қарзлар, фойда, заарлар, харажатлар, даромадлар тўғрисидаги ахборот;
- суд текшируви ҳолатида исбот;
- капитални бошқарувчиларнинг инвесторлар олдидаги ҳисоботи;
- солиқни аниқлаш ва молиявий бошқарув учун асос;
- кредит қобилияти ва кредитлардан фойдаланганлик тўғрисидаги ахборот сифатида кўриб чиқлади. Шундан келиб чиқсан ҳолда, бухгалтерия ҳисобининг вазифалари куйидагилардан иборат:
  - мол-мулк қийматининг барча ўзгаришларини ва қарзларни камраб олиш ҳамда ушбу қийматнинг долзарб ҳолатини белгилаш;
  - корхонанинг хўжалик фаолияти натижасидаги фойдаси ва заарларини кўрсатиш;
  - зарур маълумотларни тақдим этиш йўли билан маҳсулотлар нархларининг калькуляциясини таъминлаш;
  - корхонада хўжалик жараёнларининг кечишини назорат қилиш ва захираларни аниқлаш учун зарур маълумотларни бериш;
  - солиқ тўловларининг тўғри аниқлаш учун асос яратиш;
  - банклар, давлат идоралари, мижозлар, етказиб берувчилар ёки суд билан ҳуқуқий мунозаралар келиб чиқсан ҳолларда далил-исботларни тақдим этиш;
  - ишлаб чиқариш ҳисобчилигининг бошқа бўлимлари (харажатлар ва ишлаб чиқаришни ҳисоблаш, статистика, режалаштириш) учун ишончли асос бўлиб хизмат қилиш.

Германияда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш куйидаги босқичларни ўз ичига олади.

1. Ҳисоб юритишга доир хужжатларни тайёрлаш:

- ҳисоб юритишга доир хужжатларни турлари ва хўжалик операциялари бўйича тизимга солиш;
- мазмуни ва суммаларнинг тўғрилигини текшириш;
- рақамлаш (тартиб бўйича);
- олдиндан котировка қилиш.

2. Бухгалтерия ёзуви:

- ҳисоб юритишга доир хужжатнинг тури ва рақамини кўрсатиш;
- амалга оширилган бухгалтерия ёзуви тўғрисидаги қайдни ҳисоб юритишга доир хужжатга киритиш (штамп кўйиш), бу

хўжалик операциялари билан бухгалтерия ёзувлари ўртасидаги алоқани акс эттириш имконини беради.

### 3. Хужжатларни сақлаш:

- юритишга доир хужжатлар турлари бўйича;
- салномавий тартибда (сақлаш муддати - 6 йил).

Корхонада қабул қилинган счёtlарни ёрдамчи маблағлар сифатида тизимга солиш учун счёtlар номенклатураси ва режасидан фойдаланилади.

Счёtlар номенклатураси – бу бухгалтерия ҳисоби счёtlарининг муайян операциялар учун ягона белгиларга эга бўлган намунавий тизими.

Счёtlар номенклатураси счёtlар номерларида биринчи ўринда турадиган, 0 дан 9 гача рақамлар билан номерланган 10 та бўлимни ўз ичига олади. Счёtlар номенклатураси бўлимлари счёtlар номерларида иккинчи ўринда турадиган, 0 дан 9 гача рақамлар билан номерланган 10 та гурухга бўлинади. Счёtlар номенклатураси гурухлари счёtlар номерларида учинчи ўринни эгалланган 10 та счёtgta бўлинади. Счёtlар 10 та субсчёtgta (счёtlар номерларида тўртинчи ўрин) бўлинади.

Счёtlар режаси счёtlар номенклатурасидан муайян корхонанинг таснифига мувоғиқ зарур счёtlар ва субсчёtlарни ажратади. Турли корхоналарнинг счёtlар режалари кайси тармоқа мансублиги, ўлчами, хукукий шакли ва ушбу корхона ишлаб чиқаришининг ташкил этилишига қараб фарқ қиласи. Счёtlар режалари счёtlар номини уларнинг номерлари билан алмаштириш имконини беради.

Германияда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг қуйидаги усуллари ажратилади.

*Ҳисоб юритишнинг журнал-китоб шакли.* Хўжалик операцияларининг ёзуви дастлаб Мемориал ордерда, сўнгра Бош дафтарда амалга оширилади.

*Америка журнали.* Мемориал ордер (чап томонда) билан Бош дафтарни (ўнг томонда) бир монография китобида бирлаштиради.

*Нусха кўчиришига асосланган ҳисоб юритиш (копиручёт)* – хўжалик операцияларини бир вақтнинг ўзида Мемориал ордер, Бош дафтар ва ёрдамчи китобларнинг алоҳида варақларига қўл усулида ёки бухгалтерия машиналари ёрдамида ёзиш. Мемориал ордер аксарият ҳолатларда етказиб берувчилар, буюртмачилар счёtlари ва предмет счёtlари учун иккиталик устунга эга бўлади. Нусха кўчиришига асосланган ҳисоб юритишнинг тўрт устунли тизими

ўзаро боғлик ҳисобот даврлари ўртасида инвентар ва якунловчи счётларини юритади (келгуси даврлар даромадлари).

Аввалги ҳисоб-китоб йилининг якунловчи баланси бир вақтнинг ўзида янги ҳисоб-китоб йилининг кириш баланси ҳисобланади. Унинг асосида актив ва пассив счётлар яратилади. Дастребаки ҳолат счётга киритилади.

Ҳар бир бухгалтерия ёзуви факат тегишли ҳисоб юритиш хужжати мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилиши керак. Бундай хужжатлар жумласига қўйидагилар киради: етказиб берувчи томонидан қўйиладиган счёт; чиқувчи счёт; банк счётидан кўчирмалар.

Ҳар бир хўжалик операцияси икки марта ёзилади – дастреб дебетга, сўнгра эса кредитга. Ёзиш чоғида вакиллик счёти кўрсатилади.

Ҳисоб-китоб йилининг охирида хўжалик операцияларининг ёзуви ниҳоясига етказилиб, ҳар бир счёт учун сальдо аниқланади. Счётлар охирги сальдоси инвентаризациялаш натижалари билан солиширилганидан кейин якуний баланс тузилади, бунда актив счётларнинг охирги сальдолари баланс активига, пассив счётларнинг охирги сальдолари эса, баланс пассивига киритилади.

#### **2.4. Грецияда бухгалтерия ҳисоби**

Греция – соликлар даражаси юкори бўлган мамлакат ҳисобланади. Бюджет таркибида даромадларнинг ярмига яқинини жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги ташкил қиласди. Солик мажбуриятининг миқдори солик тўловчининг мақомига (резидент ёки норезидент) ва даромад олиш манбаига боғлик. Резидентлар жумласига, Греция худудида доимий яшовчи фуқаролардан ташкари, мамлакат худудида тўлиқ олти ой мобайнида бўлган жисмоний шахслар киради, ҳатто агар улар доимий уйжойига эга бўлмаса ҳам. Резидентлар мамлакатда ва унинг ташкарисида олинган барча даромаддан, норезидентлар эса, факат Греция худудида олинган даромадлардан солик тўлайди. Турли хилдаги даромадларга турли ставкалар бўйича солик солинади. Солик солиш мақсадлари учун даромадлар қўйидаги гурухларга ажратилади: шахсий даромадлар, капиталдан олинадиган даромадлар, солик солинадиган оддий даромад ва акциялардан олинадиган даромадлар.

Шахсий даромад қуйидагиларни ўз ичига олади: иш ҳақи; қайтарилган солиқ суммаси; бепул уй-жой қиймати; шахсий мақсадлар учун фойдаланилган хизмат автомобили бўйича; пенсиялар; тадбиркорлик фаолиятидан соф даромад (харажатлар ва фоизли даромадни истисно этган ҳолда).

Капиталдан олинадиган даромад қуйидагилардан таркиб топади: соф фоизлар; мулкида уч йилдан кўп вақт мобайнида сақлаб турилган акцияларни сотишдаги солиқ солинадиган фойда; хорижий компаниялардан олинадиган дивидендлар (агар хорижий давлатда ушлаб қолинган солиқ Даниядагига қараганда кам бўлса); ижарага берилган уй-жой учун ижара тўлови суммаси.

Солиқ солинадиган оддий даромад – бу шахсий даромад ва капиталдан олинадиган даромад йифиндиши, имтиёзлар, чегирмалар ва озод этилишлар бундан мустасно.

Акциялардан олинадиган даромад қуйидагиларни ўз ичига олади: мулкида уч йилдан кўп вақт мобайнида сақлаб турилган акцияларни сотишдан олинадиган солиқ солинадиган фойда; Дания компаниялари ва хорижий компаниялардан олинадиган дивидендлар (агар хорижий давлатта тегишли бўлган солиқ Даниядагига қараганда анча кам бўлса) ва инвестиция трастлари томонидан тақсимланадиган айрим даромадлар.

1994 йилда ижтимоий фондларга янги солиқ жорий этилди. 1996 йилда унинг ставкаси ялпи иш ҳақининг 7 фоизини ташкил қилди. Ушбу бадаллар иш берувчи томонидан ушлаб қолинади ва тўланган солиқ суммалари солиқ солинадиган базани шахсий чегирма суммасига камайтиради. Давлат пенсия ва сугурта фондларига тўланадиган бадаллар ҳам солиқ солинадиган база чегирма қилиниши мумкин. Бундан ташқари, солиқ солинадиган база ишсизликни суғурталаш бўйича бадаллар суммасига, хайриялар суммасига, транспорт харажатларининг айрим турларига, фарзандларни тарбиялаш ва алиментлар харажатларига камайтирилиши мумкин.

Капиталдан олинадиган даромад солиги мулкида уч йилдан кам вақт мобайнида сақлаб турилган акциялар бўйича операциялардан юзага келган қисқа муддатли фойдага солинади. Бунда фойда қисқа муддатли зааррлар суммасига камайтирилади, ҳисобга олинмаган қисқа муддатли йўқотишлар эса кейинги беш йил мобайнида олинган қисқа муддатли фойда счётига кўчирилиши мумкин.

Кимгадир мулк хуқуқида уч йилдан кўп вақт мобайнида тегишли бўлган акцияларни сотища юзага келган фойдага акциялар котировкалар. рўйхатига киритилган-киритилмаганлигига қараб солик солинади. Заарлар фойда ҳисобига узок муддатли даромадларнинг ўша тоифаси бўйича чегирма қилиниши мумкин, ушбу суммалардан ортиқ бўлган заарлар эса кейинги беш йил фойдаси счётига кўчирилиши мумкин. Портфелнинг киймати ҳар йил охирида ёки уни сотиш ёхуд ҳарид қилиш вақтида баҳоланади. Нолистинг акциялар (котировкааларда иштирок этмайдиган акциялар)дан олинадиган барча даромадларга акциялар портфелининг миқдорига қараб 25 фоиз ва 40 фоиз ставкалар бўйича солик солинади.

Кўрилган заарлар бўйича имтиёзлар анча салмоқли. Заарлар дастлаб олинган узоқ муддатли фойда ҳисобига чегирма қилинади, лекин агар айрим сабабларга кўра бунинг иложи бўлмаса, у ҳолда заарлар суммалари солик солинадиган базани камайтириш предмети бўлиши мумкин. Унда мулкдор узоқ давр мобайнида яшаган хусусий уй ёки квартирани сотишдан олинган фойда, одатда, соликдан озод қилинади. Облигациялар ёки бошқа қимматли қоғозларни сотишдан ёки сўндиришдан олинган капитал фойда, агар ушбу молиявий воситалар бўйича номинал фоиз ставкаси 1995 йилгача амалга оширилган эмиссиялар бўйича фойданинг кўпи билан 6-7 фоизини ташкил қиласа, солик солишдан озод қилинади. Паст даромад келтирувчи қарз воситаларга нисбатан ўсишга капиталдан олинадиган даромад сифатида солик солинади.

Капиталнинг ўсиши ёки облигацияларни сотишдан ёхуд сўндиришдан ёки чет эл валютасидаги бошқа молиявий операциялардан кўрилган заарларга ҳудди чет эл валютасидаги даромадларга каби солик солинади.

Инвестиция фаолиятидан олинадиган даромад, фоизлар ва айрим чет эл инвестициялари капитал даромадларга киритилади.

Хорижлик ходимлар учун солик солишнинг алоҳида қоидалари ўрнатилган.

6 ойдан 3 йилгача Греция ҳудудида бўлиб турган чет эл фуқаролари, агар улар Греция резидентлари ҳисобланиб, ишга Греция ҳудудида доимий ваколатхонага эга бўлган даниялик иш берувчи томонидан ёлланган бўлса, ўз хоҳишига кўра иш ҳақини маҳсус солик режими бўйича нақд шаклда олишлари мумкин. Алоҳида солик режимига мувофиқ даромадга 25 фоиз миқдоридаги

катъи белгиланган ставка бўйича солик солинади, бунда солик иш берувчи томонидан ушлаб қолинади. Бундай даромадга ҳеч қанақа чегирмалар белгиланмаган. Уч йиллик давр тугаганидан кейин чет эл фуқаросига 48 ойгача Грецияда қолишга рухсат берилиши мумкин, ушбу муддат мобайнида унинг даромадлариға Греция солик солишининг умумий қоидаларига мувофиқ солик солинади. Агар у Грецияда бундан кейин ҳам қолса, у холда мазкур чет эл фуқаросига солик солиш тартиби туб фуқаролар учун белгиланган солик солиш тартиби билан айнан бир хил бўлади.

Алоҳида солик режимига тушмайдиган чет эл фуқаролариға, агар уларнинг шартномаси уч йилдан ошмайдиган муддатга тузилган бўлса, улар ўз меҳнат фаолиятини хорижий корхонада амалга ошириб, у ерда иш ҳақи олса, ишни йўлга қўйиш харажатларини қоплаш учун солик кредити берилиши мумкин.

Йиллик солик декларацияси яшаш жойидаги солик органлариға кечи билан хисобот йилидан кейинги йилнинг 31 майигача тақдим этилиши керак. Агар жисмоний шахс тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланса, у холда декларацияни тақдим этишининг охирги муддати - 30 июнь.

Даромад солиғи солик органида олдиндан рўйхатдан ўтиш асосида солик или мобайнида бўнак тўловлари билан тўланади. Даромадлар ҳақидаги декларациянинг тақдим этилиши санасига қараб маҳаллий солик органи тўланиши лозим бўлган сумма ҳақидаги солик хабарномасини май ёки августгача юборади.

Ундирилиши лозим бўлган соликдан ортиқча тўланган суммалар солик органлари томонидан хабарнома тақдим этилган муддатларда 4 фоиз миқдорида кўшимча фоизли хисоблашлар билан қопланади.

Энди корпоратив солик солишининг асосий масалаларини кўриб чиқамиз.

Компания, агар у Дания қонун хужжатларига мувофиқ рўйхатга олинган бўлса, ёки мазкур компаниянинг асосий бошқарув органи Греция худудида жойлашган бўлса, Греция резиденти хисобланади. Греция резидентлари ҳисобланган юридик шахслар Греция худудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам олинган бутун даромад юзасидан тўлиқ солик мажбуриятига эга. Нерезидент компаниялар фақат манбалари Грецияда жойлашган даромадлардан, шу жумладан, доимий тадбиркорликдан олинган фойда, ер участкаларидан олинган даромадлар, муаллифлик гонорарлари,

дивидендлар ва бошқа даромадлар манбаларидан солиқлар түлайди. Солиқ юки ҳисбөт молия йилида олинган даромадларга амал қиласы. Яңгидан ташкил этилған компания учун молия йили у рүйхатта олинган вақтдан бошланади.

Корпорациялар фойдасига солинадиган солиқ ставкаси 34 фоиз миқдорида белгиланған бўлиб, у резидентларга нисбатан ҳам, норезидентларга нисбатан ҳам қўлланилади. Компаниянинг тақсимланган ва тақсимланмаган фойдасига солиқ солиша фарқ мавжуд эмас.

Солиқ солинадиган фойданни аниқлашнинг қатъи қоидалари белгиланған. Солиқ солинадиган фойда – бу корхонанинг молиявий натижалари ҳақидаги якуний ҳисбөтдан олинган фойда. У бизнес юритиш (бизнесни юритиш, сақлаб қолиш ва қўллаб-кувватлаш) учун ҳақиқий харажатларига камайтирилади. Бироқ, кўнгилочар тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш харажатларининг 25 фоизигина солиқ солинадиган базадан чегирма қилиниши мумкин.

Капитал харажатлар одатда солиқ солинадиган базани камайтиримайди. Аммо, маркетинг тадқиқотлари харажатлари, эксперталарга тўланган гонорарлар ва рўйхатта олиш божлари каби бизнесни очиш ва кенгайтириш харажатлари корхонанинг солиқ солинадиган базасини камайтириши мумкин. Дивидендлар ва фоизлар тўлиқ ҳажмда чегирма қилинади.

Корхона, солиқ солинадиган базадан чегирма қилинадиган бошқа қоидалардан қатъи назар, эскирган ва кийин сотиладиган обьектлар бўйича бир йилда 12 фоизгача солиқ солиши мақсадида корхонанинг бухгалтерия китоблари бўйича моддий захиралар соф қийматининг миқдорини камайтириши мумкин. Ушбу чегирма сўнгра кейинги молия йилида олинган умумий даромадга қўшилиши керак, шундан сўнг кейинги чегирма солиқ солинадиган базани камайтириш зарур бўлганда амалга оширилиши мумкин. Ушбу имтиёз солиқ солинадиган фойданни кейинги йил фойдаси ҳисбидан камайтириш мақсадида берилади.

Корпоратив солиқни солиши мақсадида амортизация ҳисобга олинмайди, ўз навбатида, у солиқ солинадиган даромадни аниқлашда активларнинг баланс қийматига қўшилиши зарур.

Ҳисбдан чиқашининг тезлаштирилган усули бўйича амортизация ажратмалари суммаси шартнома бўйича умумий қийматнинг 30 фоизидан юкери бўлиши мумкин ва бир йилда 15 фоиздан

ошмаслиги даркор. Амортизация ажратмаларининг маҳсус оширилган ставкалари эркин тадбиркорлик зоналарининг худудларида ташкил этилган (рўйхатга олинган) корхоналарга тегишли бўлган бинолар, машиналар ва асбоб-ускуналар учун белгиланган.

Капиталдан олинадиган фойдага корпоратив соликнинг умумий қабул қилинган ставкалари (34 фоиз) бўйича солик солинади. Фойда сотиш қийматини харид қилиш қийматига камайтириш йўли билан ҳисоблаб чиқилади. Капиталдан олинадиган фойда солиги бўйича солик солинадиган база қарзларни тўлаш ва карз талаблари счётига олинган суммалар фойдаси ва заарларидан ҳосил бўлади. Фирманинг имиджини сотишдан олинган фойдага корпоратив соликнинг оддий ставкаси (34 фоиз) бўйича солик солинади.

Мулкида уч йилдан кўп вақт мобайнида саклаб турилган акцияларни сотишдан олинган фойда, агар кимматли қофозлар билан операцияларни амалга ошириш маҳсус фаолият (асосий даромад манбай) бўлмаса, соликдан озод қилинган.

Мулк хукуқидда уч йилдан кўп вақт мобайнида тегишли бўлган кўчмас мулк обьектларини тасарруф этишдан олинган фойда кўчмас мулкка эгалик қилишнинг ҳар бир йили учун 5 фоизгача (инкубацион даврнинг уч йилидан кейин), лекин кўпи билан 30 фоизга камайтирилиши мумкин.

Дивидендлар, агар уларнинг олувчиси тўлиқ молия йили мобайнида акциялар пакетининг камидаги 25 фоизига эгалик қилса, соликдан озод қилинади. Қолган ҳолатларда тақсимланмаган дивидендларнинг 66 фоизи солик солинадиган базага киритилиши керак. Агар дивидендлар чет элдаги манбалардан олинган бўлса, у ҳолда уларга Дания қонун хужжатларига мувофиқ солик солиниши лозим. Агар чет элдан олинган дивидендлар учун солик дивидендларни тўлаш манбасида ушлаб қолинмаган бўлса, у ҳолда олинган дивидендларнинг барча суммаси солик солинадиган базага киритилади ва у эълон қилинган йилда соликка тортилади.

Молия йилида кўрилган заарлар кейинги беш йил мобайнида ҳисобдан чиқарилиши мумкин ва улар олинган йилнинг фойдаси ҳисобига ҳисобдан чиқарилиши мумкин эмас.

Чет элда бўлим ёки филиалга эга бўлган Греция компанияси бош компания даромадига ушбу бўлим томонидан ҳисбот молия йилида олинган фойда ва заарларни киритиши шарт. Бироқ, шульба компания, агар унга тегишли бўлган даромадлар барча манбалардан олинган умумий даромад суммасининг 50 фоизидан ошмаса, чет

Элдаги манбадан олинган даромадлар суммасига солиқ кредити олиши мүмкін.

Чет элдаги манбалардан олинган даромадларга имтиёзли солиқ солиши аста-секин тугатилмоқда.

Солиқ иккита бүнак тұлови билан тұланади: ҳисобот молия йилининг 20 марта да ва 20 ноябрьда. Бүнак тұловлари суммалари охирги уч йил мобайнида тұланған солиқнинг ўртаса суммаси сифатида ҳисоблаб чиқлади, тегишлича бир бадал ушбу сумманиң 50 фоизига тенг.

Корпорацияларнинг фойда солиғи бүйича солиқ декларацияси солиқ органларига молия йили тугаганидан кейин кечи билан 6 ой ичида тақдим этилиши керак. Агар молия йилининг тугаши 1 январдан то 31 марта гача бүлгап оралиққа түфри келса, у ҳолда декларацияни тақдим этишининг охирги муддати - 1 июль. Тақдим этилған декларацияларни кайта күриб чиқыш ва кайта ҳисоблаб чиқыш 31 июлга қадар амалга оширилади.

ҚҚС тұланадиган моддий захирапар билан операцияларни амалга оширувчи ва 20 000 Дания кронасидан ортиқ йиллик айланмага эга бүлгап корхоналар ҚҚС тұловчилари сифатида рүйхатдан ўтишлари шарт. Агар чет элдаги ваколатхона Греция худудида алоҳида юридик шахс сифатида рүйхатта олиниши лозим бўлмаса, у ҳолда ушбу ваколатхона номидан ҚҚС тұловчиси сифатида Греция резиденти ҳисобланған жисмоний шахс ёки Грецияда рүйхатта олинган бошқа юридик шахс рүйхатдан ўтиши керак.

ҚҚС ставкаси 25 фоиз микдорида белгиланған. Товарларни экспортта етказиб бериш ва тиббиёт, таълим, йўловчи транспорти, молия, сугурта каби айрим хизматларни кўрсатиш ҚҚС тұлашдан озод қилингандай. Импорт товарлардан ҚҚС 25 фоиз ставка бўйича ундирилади.

ҚҚС бўйича декларациялар солиқ органларига йилнинг ҳар чорагида кейин кечи ҳисобот чораги тугагашидан 10 кун олдин ҚҚС тұланғанлыги фактини тасдиқловчи хужжатлар билан бирга тақдим этилиши зарур. ҚҚС тұланмаган ёки тұлиқсиз тұланған ҳолларда жарима солинади, ортиқча тұланған ҚҚС суммалари эса уларга фоизлар тұлған ҳолда қопланади.

Резидентлар Греция худудида ҳам, унинг ташкарисида ҳам жойлашған мол-мулк учун солиқ тұлайди. Норезидентлар эса факат Грецияда жойлашған мол-мулк учун солиқ тұлайди. 1996 йилда мол-

мулк солиғи ставкаси мол-мулк соф қийматининг 0,7 фоизи миқдорида белгиланди.

Эр хотинларга мол-мулк солиғи алоҳида солинади.

Мерос қилинган мол-мулқдан солиқ, агар ўлган шахс Греция резиденти бўлган бўлса, барча мол-мулқдан; агар ўлган шахс норезидент бўлса, фақат Греция худудида жойлашган мол-мулқдан тўланади. Бирок, Грецияда жойлашган мол-мулк резидентлик мақомидан қатъи назар солиқ солиш обьекти ҳисобланади. Мерос қилинган мол-мулк учун солиқ фақат кўчмас мулк учун олувчи ва ўлган шахснинг қариндошлиқ даражасига қараб 15 фоиздан 36,25 фоизгacha ставкалар бўйича тўланади.

## 2.5. Францияда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар

Франция бухгалтерия тизими бухгалтерия тўғрисидаги қонун хужжатларининг шаклланиши баробарида ривожланди. 1673 йилда Тижорат кодексини чиқарган Людовик XIVнинг буюк вазири Кольберни бухгалтерия тўғрисидаги қонун хужжатларининг асосчиси деб аташ мумкин. Мазкур кодекс бухгалтерия хужжатларини юритиш қондадарини ўзида мужассам этган бўлимни ўз ичига оларди. Сўнгра бухгалтерия иши Наполеон Кодекси қабул қилинганидан кейин янги туртки олди.

Хозирги босқичда бухгалтерия тўғрисидаги қонун хужжатлари 1957 йилда ташкил этилган бўлиб, иктисадиёт, молия ва бюджетлар вазирликлари билан қалин ўзаро ҳамкорликда ишловчи ва шу билан бирга уларга тобе бўлмаган Миллий бухгалтерия кенгаши (МБК) томонидан тартибга солинади.

Миллий бухгалтерия кенгашининг асосий мақсадлари қуидагилардан иборат: бухгалтерия иши нормаларини, бухгалтерия хужжатларининг шаклларини тайёрлаш; тадқиқотлар ўтказиш ва бухгалтерия касбига ўқитишни мувофиқлаштириш.

Бухгалтерия иши Тижорат кодекси, 1966 йилдаги Ишлаб чиқариш-савдо компаниялари тўғрисидаги қонун, 1970 йилдаги Миллий компаниялар тўғрисидаги қонун ва солиқ тўғрисидаги қонун хужжатлари билан тартибга солинади. Франция бухгалтерия тизими юридик моҳияти савдо ва солиқ қонунларига асосланади.

Францияда бухгалтерия ҳисоби давлат томонидан қатъий назорат қилинади, француз ташкилотлари учун ҳисоботларни тузиш қондадари эса ҳисобчилик миллий тизими учун кириш

маълумотларини шакллантирадиган тарзда ишлаб чиқилган бўлиб, давлат ушбу маълумотлар ёрдамида иктиносидётни назорат қилади.

Франция бухгалтерия ҳисобини тартибга солишда давлатнинг роли ҳисоб юритишни тартибга солишда бевосита иштирок этувчи бир қатор давлат ташкилотлари ва ихтисослашган ташкилотларнинг ташкил этилишида ўз ифодасини топди.

Қонун чиқарувчи орган – Франция Парламенти миллий бухгалтерия ҳисобининг норматив-хуқуқий базасини белгилаб берувчи давлат ташкилоти ҳисобланади.

Иктиносидёт, молия ва саноат вазирлиги хузуридаги маслаҳат берувчи орган сифатида ташкил этилган Бухгалтерия ҳисоби миллий кенгаси Францияда бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги муҳим ихтисослашган ташкилот ҳисобланади. Унинг вазифаларига қўйидагилар киради: ҳисоб юритиш соҳасидаги ишланмаларни мувофиқлаштириш ва амалиётга жорий этиш; тармоқ бирлашмаларининг манфаатлари йўлида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш чораларини кўриш; саноат, савдо, хизматлар соҳаси, сугурта, қишлоқ хўжалиги кабиларда ҳисоб юритиш масалалар юзасидан маслаҳатлар бериш. Франция миллий Умумий счёtlар режаси (Plan comptable general, кейинги ўринларда PCG)нинг ишлаб чиқилиб, жорий этилганлиги Бухгалтерия ҳисоби миллий кенгасининг асосий ютуғи ҳисобланади.

Тармоқ қўмиталарининг вазифаси бухгалтерия ҳисобининг умумий қоидалар билан турли тармоқлар компанияларининг эҳтиёjlари ўртасидаги зиддиятларни ҳал этишдан иборат. Қўмиталар функциясига тармоқ счёtlар режаларини ишлаб чиқиш ҳам киради. Тармоқ қўмиталарининг фаолиятини мувофиқлаштириш Бухгалтерия ҳисоби миллий кенгаси зиммасига юқлатилган.

Францияда бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи асосий хужжатлар қўйидагилар: Тижорат кодекси; Мехнат кодекси; Умумий солик кодекси; PCG; Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун; Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунни кўллаш ҳақида декрет.

Франциянинг барча компаниялари бухгалтерия ҳисобини PCG асосида юритади, лекин бухгалтерия ҳисобининг шаклини улар мустақил равишда танлайди. PCG томонидан назарда тутилган қоидага мувофиқ ҳисобга олиш ёзуви (дафтарда қайд этиш) стандартлаштирилган ва бирхиллаштирилган хужжатлар асосида

амалга оширилади. Агар бундай тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлмаса, ҳисобга олиш ёзувлари тўғри деб хисобланмаслиги мумкин.

Мажбурий бухгалтерия ҳисобини юритиш (рўйхатга олиш дафтари, Бош дафтар, касса китоби) ҳамда тавсиявий хусусиятга эга бўлган (текшириш баланслари китоби, омборхона китоби, етказиб берувчилар счёtlари китоби, муддатли тўловлар китоби) регистрлар ҳисоб юритиш қоидалари этиб белгиланган. Уларнинг сони ва шакли корхонада бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, корхонанинг ўлчамлари, таркибий тузилиши ва фаолиятининг хусусияти ҳамда ҳисоб юритиш сиёсатида назарда тутилган бухгалтерия ҳисоби шаклига қараб ўзгариб туради. Франция компанияларида бухгалтерия ҳисобининг турли шакллари ёки ҳисоб юритиш тизимлари кўлланилади. Улар кўлланиладиган ҳисоб юритиш регистрларининг сони, уларнинг белгиланиши, мазмуни, тузилиши, изчиллиги ва уларга ёзиш усуслари, синтетик ва аналитик ҳисоб юритишнинг нисбати билан тавсифланади. Бухгалтерия ҳисобининг барча кўлланиладиган шакллари ҳар бири бир неча варианtlардан иборат бўлган қуидаги асосий хилларга бўлиниши мумкин:

- классик, ёки итальянча (унинг турлари - «дафтар-Бош дафтар» шакли);
- марказлашган (французча);
- ваучерлар тизими.

Ҳисоб юритишга доир ахборотга электрон ишлов бериш ва компьютерларда маҳсус бухгалтерия дастурлари ёрдамида регистрларни тузишга Францияда ҳисоб юритишнинг алоҳида автоматлаштирилган шакли сифатида эмас, балки юқорида санаб ўтилган шаклларга асосланган маълумотларга ишлов беришнинг алоҳида усули сифатида қаралади.

Такомиллаштирилган классик шакл учта ҳисоб юритиш регистрларидан фойдаланиши назарда тутади: салномавий дафтар; Бош дафтар; корхонанинг молиявий аҳволи ҳақидаги маълумотларни тезкор берувчи текшириш баланси.

Марказлашган бухгалтерия кўплаб француз корхоналарида, шу жумладан, йирик корхоналарда кўлланилади ва у қуидаги босқичлардан иборат:

- маҳсус ёрдамчи дафтарлар ва аналитик счёtlарни бирламчи хужжатлар асосида юритиш;

- ёрдамчи дафтарлар якунларини жамлама дафтарга ва сўнгра ойнинг охирида синтетик счёtlар Бош дафтарига кўчириш;
- аналитик счёtlар бўйича айланма қайдномаларини тузиш;
- текшириш балансини тузиш;
- синтетик ва аналитик счёtlар, ёрдамчи ва жамлама дафтарлар бўйича ёзувлар якунларини таққослаш йўли билан ёзувларнинг тўғрилигини текшириш.

Ушбу операциялар натижасида баланс ва натижалар счёtlари тузилади (бу асосий ҳисобот хужжатлари). Ҳисоб юритиш мазкур шаклининг асосий белгиси – ёрдамчи ҳисоб юритиш сифатида қараладиган аналитик ҳисоб юритишининг, синтетик ҳисоб юритишдан ёки, француз мутахассисларининг тили билан айтганда, даврий марказлашган ҳисоб юритишдан ажратилиши.

Ваучерлар тизими ёрдамчи дафтарлар ва китобларни ўз ичига олмайди, балки факат қонун хужжатларида назарда тутилган мажбурий дафтарлар ва китоблардан фойдаланишни назарда тутади ва тасдиқловчи хужжатларни гурухлаш ва сақлашга катта аҳамият беради. Бундай тизимни кўллашда бухгалтерия ёзуви тасдиқловчи хужжатларнинг тегишлича гурухланиши билан алмаштирилиши мумкин. Ваучерлар ёрдамчи дафтарларга мос келади. Ваучерлар тизимини кўллашда бухгалтерия ёзувларининг сони камаяди, Бош дафтарнинг аҳамияти ортади. Ҳар бир ваучернинг якуний суммалари синтетик бухгалтерия ёзувини ўзида акс эттирувчи ҳисобга олиш ва рақасига кўчирилади. Ҳисобга олиш ва рақалари-нинг ахбороти асосида Бош дафтар, текшириш баланси ва йигма ҳисбот хужжатлари тузилади. Мазкур тизим кичик француз компанияларида кўлланилади.

Бухгалтерия баланси иктисадий ресурсларни, компаниянинг молиявий тузилмасини, унинг ликвидлилигини ва тўлов қобилиятини ҳамда компаниянинг мамлакатдаги иктисадий жараёнларнинг ўзгаришига мослашиш қобилиятини баҳолаш учун зарур бўлган ахборотни ўзида мужассам этади.

Француз компаниялари расмий баланс ҳисботининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у активдаги функционал балансни ва пассивдаги юридик балансни ўзида намоён этади. Бу шуни англатадики, активда, яъни маблағларнинг жойлаштирилиши даражасида корхонанинг асосий функциялари аниқланади. Активнинг моддалари ликвидлиликнинг ортишига қараб жойлашади ва учта бўлимга бирлаштирилган: инвестициялаш учун активлар

(иммобилизация); фойдаланиш фаолияти учун активлар (захиралар, дебиторлар ва ҳ.к.); юкори ликвидли активлар. Пассив моддалари иккита бўлимга бўлинган: ўз капитали (капиталлар, захиралар, фойда) ва қарз мажбуриятлари (молиявий, ижтимоий, фискал қарзлар ва етказиб берувчиларнинг қарзлари). Француз балансида қарз мажбуриятлари келиб чиқиши бўйича (турлари бўйича) таснифланади. Бу шуни англатадики, уларни қисқа ва узоқ муддатли қарзларга аниқ бўлиш мавжуд эмас, лекин пассивнинг ҳар бир моддаси учун бажариш муддати бир йилдан ортиқ бўлган мажбуриятлар улуши кўрсатилади. Балансга актив ва пассивдаги моддалар бўйича аниқлик киритиш нафақат миллий стандартларга, балки компания фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини очиб берувчи унинг ташаббусига боғлиқ.

Францияда хисоботларни тузишнинг алоҳида масалалари солик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган. Хусусан, Солик солиш тўғрисидаги декрет айрим баланс моддаларининг таърифи ва уларни баҳолаш қоидаларини ўзида мужассам этиш билан бирга, компаниянинг ҳар йиллик солик декларациясига йиллик баланс ҳамда фойда ва заарлар тўғрисидаги хисоботни илова қилиш кўрсатмасини беради.

Балансда акс эттириладиган активлар деганда компанияга тегишли бўлган, унга келгусида иқтисодий нафлар келтириши лозим бўлган ресурслар тушунилади, яъни активлар компанияга пул маблағлари ёки улар эквивалентларининг кириб келишига бевосита ёки билвосита тарзда ёрдам бериш имкониятига эга.

Номоддий активлар доимий активларнинг номоддий активлар деб номланувчи алоҳида тоифасига ажратилади ва катта суммаларни ташкил килиши мумкин. Номоддий активлар жумласига қўйидаги хисобга олиш объектлари киради: хукуқлар, лицензиялар ва франшизлар, патентлар, савдо русумлари, технологиялар (ноу-хау), формуналар, чизмалар ва прототиплар, моделлар, эскизлар, ишлаб чиқариш сирлари, рецептлар, ишбилармонлик нуфузи ва ташкилий харажатлар.

Номоддий актив бухгалтерия хисобида ушбу активга тааллуқли бўлган келгуси иқтисодий нафлар компанияга келиб тушиши эҳтимоли мавжуд бўлган; ушбу активнинг қиймати ишончли тарзда баҳоланиши мумкин бўлган ҳолларда тан олиниши мумкин. Молиявий хисоботлар халқаро стандарти (МХХС) қоидаларидан фарқли ўлароқ номоддий активларни қайта баҳолаш ўтказилмайди

(36-сон «Активларнинг қадрсизланиши» стандарти номоддий активларнинг дастлабки қийматини қайта кўриб чишишга рухсат этади).

Франция балансида асосий воситаларнинг иккита моддаси ажратилади: кўчмас ва кўчар мулк. Кўчмас мулк баланснинг куйидаги сатрларида намоён этилган: ер; бинолар ва иншоотлар. Кўчар мулк эса баланснинг куйидаги сатрларида намоён этилган: машиналар ва асбоб-ускуналар; транспорт воситалари; мебель ва идора инвентари.

«Узок муддатли қўйилмалар» моддаси компаниянинг узок муддатга (1 йилдан кўпга) чалғитилган капиталларини ўз ичига олади: капитал қўйилмалар, узок муддатли активларни олдиндан тўлаш, узок муддатга молиявий ва бошқа қўйилмалар. Молиявий активларни 39-сон МҲҲСга мувофик таснифлаш Францияда қабул килинмаган. Француз балансида улар куйидагиларга бўлинади: ссудалар; акцияларга қўйилмалар – улушли қимматли қофозлар, облигациялар, векселлар – эквивалент қимматли қофозлар; депозитлар ва кафилликлар, бошқа узок муддатли қўйилмалар.

Турли элементлар ликвидли маблағларга тезда айланиш кобилиятига эга, француз бухгалтерия ҳисобида уларни кўпинча фойдаланилаётган қимматликлар, деб номлашади. Бу компаниянинг нормал фаолияти жараёнида қайта сотиш учун мўлжалланган активлар (товарлар) ёки ишлаб чиқариш жараёнида кейинчалик сотиш учун олинадиган активлар (тайёр маҳсулот) ёхуд ишлаб чиқариш жараёнида (хомашё ва материаллар шаклида) фойдаланиладиган активлар. Захираларнинг ликвидлилик даражаси корхона фаолияти ва бозор конъюнктурасининг хусусиятига боғлик.

Француз балансида тез сотиладиган қимматликлар ва накд пуллар жумласига қисқа муддатли дебиторлик қарзлари, банклар ва кассадаги пул маблағлари, турли хилдаги молиявий маблағлар хамда бошқа айланма маблағлар киради.

Активда тартибга солиш счёtlари келгуси даврлар харажатларини ўз ичига олади.

Баланс пассиви компаниянинг молиялаш манбаларини акс эттиради.

*Капитал.* Капитал бўлими одатда кичик синфларга бўлинади: акциядорлик капитали; эмиссиян даромад; таҳсилланмаган фойда; фойда ҳисобидан ҳосили бўлган захиралар; ўз капитали.

Солиқ тұғрисидаги қонун ҳужжатлари ва умуммиллий счёtlар режасининг талабларига мувофиқ баланс пассивида доимий активларни яратиш учун давлат ва муниципал органлардан олинган асбоб-ускуналар учун субсидиялар алохida моддада акс эттирилади.

Мажбуриятлар деганда компаниянинг ўтган даврлар воқеаларидан юзага келган, бартараф этилиши компаниядан иқтисодий нафларни ўзида мужассам этган ресурсларнинг чиқиб кетишига олиб келадиган жорий қарzlари тушунилади.

Пассивда тартибга солиш счёtlари моддаси алохida ўрин тутади, у, асосан, кейинги хисобот даврида кўrsatiладиган хизматлар учун олдиндан олинган даромадларни (масалан, олдиндан олинган ижара ёки абонементлик тўлови) акс эттириш учун мўлжалланган.

Компания томонидан олинган ёки берилган, компаниянинг ахволига жиддий таъсир кўrsatiши мумкин бўлган балансдан ташқари кафиллклар балансда акс эттирилган маълумотларга муҳим кўшимча хисобланади. Улар жумласига қуйидагилар киради: векселлар бўйича кафиллклар; кафолатлар; гаровлар; закалатлар, шу жумладан, ипотека закалатлари; кафиллкларнинг бошқа турлари. Корхона томонидан олинган мажбуриятлар баланс активининг якуни сифатида кўrsatiлади ва корхонанинг ўз дебиторларига айланиши мумкин бўлган учинчи шахсларга нисбатан холатини акс эттиради. Корхона томонидан берилган мажбуриятлар пассивнинг якуни сифатида хисобга олиниб, компанияда кредиторлик қарzlари қанча суммага ошишини кўrsатади.

Таъкидлаш лозимки, намунавий шакл бўйича тузилған француз баланси нафакат хисобот даврининг, балки ўтган даврнинг ҳам маълумотларини ўзида мужассам этади.

Францияда йиллик хисобот нашрларининг мажбурий шакллари таркибиға баланс хисоботидан ташқари фойда ва заарлар тўғрисидаги хисобот ҳам киради, унинг шакли Солиқ солиш тўғрисидаги декретнинг матнига ҳам киритилган.

Фойда ва заарлар тўғрисидаги хисобот компания келгусида назорат қилиши мумкин бўлган иқтисодий ресурслардаги эҳтимолий ўзгаришларни баҳолаш; компаниянинг мавжуд ресурс базаси хисобидан пул маблағлари оқимларини яратиш қобилиятини прогноз килиш учун зарур бўлган ахборотни ўзида мужассам этади.

Эътиборли жиҳат шундан иборатки, Франция фойда ва заарлар тўғрисидаги хисоботининг асосида ишлаб чиқариш концепцияси

ётади, унда база сифатида ҳисобот йили учун ялпи маҳсулот, яъни сотилган, омборларга жойлаштирилган (ишлаб чиқариш жараёнда товар-моддий бойликларнинг ўзгариши) ва иммобилизация қилинган маҳсулот суммаси. Ўз навбатида, харажатлар нафақат сотилган, балки барча кўрсатилган ялпи маҳсулот таннархининг шаклланиши билан bogliq. Француз корхонасининг харажатлари функциялар бўйича эмас, балки келиб чиқиши бўйича (унсурлар бўйича) таснифланади. Бу турли сальдоларни аниқлаш имконини беради: ялпи кўшилган қиймат (ялпи маҳсулотдан хомашё ва хизматлар истеъмоли чегирма қилинганидан кейин); ялпи ишлатиладиган фойда (кўшилган қийматдан персоналга харажатлар чегирма қилинганидан кейин); ишлатиладиган фойда (амортизация ажратмалари ва бошқа харажатлар чегирма қилинганидан кейин); жорий фойда (молиявий харажатлар чегирма қилинганидан кейин); соғ фойда (солиқлар чегирма қилинганидан кейин). Француз фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисоботи шаклининг устунлиги шундан иборатки, унда қўшилган қийматнинг истеъмол қилиниши ва тақсимланишини назорат қилиш имконияти мавжуд.

Шу билан бирга бу ҳисоб-китобларнинг мураккаблашувига олиб келади. Ялпи маҳсулот таркибига кирувчи турли хилдаги маҳсулотлар турлича баҳоланади: сотилган маҳсулот – сотиши нархларида; омборга жойлаштирилган ва иммобилизация килиган маҳсулот - ишлаб чиқариш харажатлари бўйича.

Францияда йиллик ҳисоботларнинг мажбурий шакллари таркибига, баланс ҳамда фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисоботдан ташқари, шакллари умуммиллий счёtlар режасида тасдиқланган бошқа ҳисобот хужжатлари ҳам киради. Бу, биринчи галда, француз компанияларининг фаолиятини таҳлил қилиш учун катта аҳамиятга эга бўлган пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот ва капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот.

Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот инвестициявий, молиявий ва операцион фаолиятни; компаниянинг пул маблағларини ва уларнинг эквивалентларини яратиш қобилиятини; унинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжлари баҳолаш учун зарур бўлган компаниянинг молиявий аҳволидги ўзгаришлар, тўғрисидаги ахборотни ўзида мужассам этади.

Капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботни чет элда жойлашган филиаллар ва шууба компаниялар кенг тармоғига эга бўлган йирик компаниялар тузади. Ҳисобот моддаларининг энг кам

таркиби соф ва тақсимланмаган фойдани (зарарни), капитал турларини ва капиталга таъсир кўрсатувчи бошқа моддаларни ўз ичига олади. Одатда, капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисбот уч йиллик ахборотни ўзида мужассам этади.

*Ҳисоб юритиш сиёсати ва тушунтириши изоҳлари.* Француз компанияларининг молиявий ҳисботлари компаниянинг ҳақиқий аҳволи ҳақида аниқроқ мулоҳаза юритиш имконини берувчи кўшимча маълумотларни ўзида мужассам этади. Ушбу мақсадлар учун одатда иккита катта қисмни: ҳисоб юритиш сиёсати ва изоҳларни ўз ичига оладиган илова тузилади. Илованинг биринчи қисмида молиявий ҳисботларни тузишда кўлланиладиган ҳисоб юритиш усуллари, иккинчи қисмида эса алоҳида жадваллар ва ошкор этилган ахборот келтирилади.

Ижтимоий балансни ходимлари сони 300 нафардан кўп бўлган компаниялар тузади. Ижтимоий баланс Бандлик вазирилигига тақдим этилади. Балансда куйидаги кўрсаткичлар келтирилади: ходимларнинг тоифалар бўйича харакати, иш ҳақи ва ижтимоий ажратмалар, меҳнатни муҳофаза қилиш, ходимларни тайёрлаш, персоналнинг турмуш шароитлари ва б.

Ж.Блейк ва О.Аматнинг таъкидлашларича, француз бухгалтерия тизимининг асосий ўзига хос хусусияти унинг юридик моҳиятида, чунки барча қоидалар тўғридан-тўғри тижорат ва солик тўғрисидаги қонун ҳужжатларидан келиб чиқади. Бунда ҳукуқий доира шундан иборатки, тартибга солувчи норма мавжудлигининг ўзи ташкилотнинг унга амал қилиши шартлигини англатмайди. Кўпинча муайян қонунчилик талабларининг бажарилмаганлиги учун жарима санкциялари назарда тутилмаган, баъзан уларга амал қилинишини таъминлаш механизми ишлаб чиқилмаган, қатор ҳолатларда эса у ёки бу кўрсатмаларни шунчаки инкор этиш имконини берувчи маҳфий келишувлар мавжуд.

Францияда миллий счёtlар режаси (PCG) бухгалтерия ҳисобини норматив тартибга солишини ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади. Бу – унификацияланган счёtlар режаси, бухгалтерия ҳисботларининг стандарт шакллари, ҳисботларни тузиш, счёtlарни тўлдириш ва тақдим этишга доир йўриқномалар ва тавсиялар хамда уларга изоҳларни ўзида мужассам этган ҳужжат.

Счёtlар режасининг асосий вазифалари:

- алоҳида ташкилотлар даражасида бухгалтерия ҳисоби тизимини ташкил этишини, умумий ҳисоб юритиш тушунчалари ва

бухгалтерия ёзувларини ҳамда уларнинг активлар ва пассивларга, молиявий ахвол ва молиявий натижага таъсири хусусиятини;

•ташкилотлар томонидан уларнинг активлари ва пассивлари, молиявий ахволи ва молиявий натижаси ҳақидаги маълумотларнинг тақдим этилиши усулларини стандартлаштиришдан иборат. РСГ Бухгалтерия ҳисоби миллий кенгаши томонидан ишлаб чиқилиб, тарқатилади. РСГ ҳар бир бобларга бўлинган учта титулдан иборат.

Биринчи титул «Умумий тизимлаштириш, атамалар мажмуи, счётлар тўплами» учта бобни ўз ичига олади. Биринчи боб РСГнинг асосида ётувчи умумий тамойилларни очиб беради. Унда бухгалтерия ҳисоби стандартларини тизимлаштириш, бухгалтерия ҳисобини юритишни ташкил этиш ва ҳисоб юритиш маълумотларига компьютерда ишлов беришга нисбатан қўйиладиган талаблар баён этилган. РСГ ахборотни акс эттиришнинг тўлиқлигини ва унга ишлов беришнинг бенуқсонлигини таъминлаш учун бухгалтерия ҳисобини юритишнинг тегишлича ташкил этилишини назарда тутади. Алоҳида ташкилотнинг счётлар режаси РСГда тасдиқланган режа асосида ва Франция бухгалтерия стандартларига мувофиқликни таъминлаш учун тафсилӣ равишда тузилади.

Иккинчи бобда 183 та атаманинг таърифлари ва талкинлари келтирилган. Ушбу рўйхат молиявий ҳисобнинг барча атамаларини қамраб олмайди ва РСГдаги тугал атамалар мажмуи эмас. У бошқарув ва молиявий ҳисобда қўлланиладиган алоҳида тушунчалар тўпламини ўзида намоён этади.

Учинчи боб счётлар тўпламига: умумий тўпламдаги счётларни таснифлаш, счётлар режасини ташкил этиш ва счётлар рўйхатига бағишиланган. РСГда қўлланиладиган счётлар тўплами ва режаси ўнли тизим бўйича ташкил этилган. РСГ таркибига асосий тўпламнинг ҳар бир разрядли ва икки разрядли синфи бўйича тўлик счётлар тўплами, счётнинг номи кўрсатилган ҳолда унинг рақами изчиллигида киритилган.

Алоҳида ташкилотларнинг счётлар режалари РСГда белгиланган схемага мос келади. Счётлар режасидан фойдаланишнинг учта даражаси назарда тутилган: қисқартирилган, стандарт ва кенгайтирилган (3-жадвал).

Қора шрифт билан ёзилган счётлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, бунда ташкилотлар РСГда кўрсатилган счётнинг рақами, сарлавҳаси ва таърифидан фойдаланишлари даркор. Янада деталлаштирилган

счёtlар ва субсчёtlар улар умумий счёtlар режасида белгиланган таснифлаш тартибига мос келган тақдирда фойдаланилади.

3-жадвал

**PCG бўйича алоҳида счёtlар режаси турлари**

Счёtlар режаларининг турлари	Счёtlар турлари	Ташкилотлар номи
Кисқартирилган	Қалин қора шрифт билан ёзилган счёtlар	Кўрсаткичлари белгиланган мезонлардан ошмайдиган кичик ташкилотлар учун
Стандарт	Қора шрифт билан ёзилган счёtlар	Ўрта ва йирик ташкилотлар учун талаб этиладиган минимум
Кенгайтирилган	Қора шрифт билан ёзилган барча счёtlар, кўк шрифт билан белгиланган кўпроқ деталлаштирилган счёtlар	Бухгалтерия ахборотини таҳлил қилишни истовчи ташкилотлар учун

Иккинчи титул «Молиявий хисоб» тўртта бобдан иборат. Биринчи бобда хисоб юритиш обьектларини баҳолаш ва операция фаолияти натижаларини аниқлаш қоидалари баён этилган. PCG молиявий хисоб мақсадлари учун баҳолашнинг бир неча усуllарини тан олса-да, тарихий қиймат усули базавий усул хисобланади.

Иккинчи боб счёtlар ишлашининг тартибини ва хисоботларни тузиш қоидаларини ёритади. Турли счёtlар мақсадли йўналиши ва улардан фойдаланиш усуllарининг батаffсил талқини келтирилган. Изоҳлар счёtlар синфларига нисбатан изчил тарзда ҳамда бир разрядли, икки разрядли ва уч разрядли кичик синфларнинг ҳар бири бўйича берилади. Изоҳлар факат уларга нисбатан уларни қўллаш

тартиби ташкилот томонидан мустақил тарзда танланиши мүмкін эмаслиги белгиланған счёtlар билангина чекланади. Йиллик ҳисоботларнинг мажбурий таркиби, алохіда счёtlарни тузиш ва тақдим этиш қоидалари күрсатилған. Ҳисоботларнинг намунавий форматлари (қисқартирилған, стандарт ва кенгайтирилған шакллар бўйича), шу жумладан, ҳисоботларга изоҳларни тузиш учун жадваллар ва схемалар илова қилинади.

Учинчи бобда специфик операцияларни ҳисобга олиш қоидалари келтирилған. Ҳусусан, хорижий бўлимлар ва ваколатхоналар активлари ва пассивларини бош компания балансига киритиш, машиналар ва асбоб-ускуналарни қисмларга ажратиш натижасида олинган материалларни, фойда ва зарарларнинг ғайриоддий (экстраординар) сифатида таснифланганларини ҳисобга олиш масалалари келтирилған.

Тўртинчи бобда жамлаштириш методологияси кўриб чиқилған. Жамлаштириш, ҳусусан, компанияни қўшиб олишда гудвилини аниқлаш, активлар ва пассивларни баҳолаш, кечиктирилған солиқларни акс эттириш, чет эл валютасидаги моддаларни қайта ҳисоблаш қоидалари баён этилган. Ушбу қоидалар билан умумий ҳисоб юритиш тамойиллари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳамда жамлаштирилған ҳисоботларни тақдим этишга нисбатан кўйиладиган талаблар кўриб чиқилған.

Учинчи титул «Бошқарув ҳисоби» бешта бобни ўз ичига олган. *A* боб бошқарув ҳисоби, нархлар, маҳсулотлар, харажатлар ва даромадлар тушунчаларини таърифлайди ҳамда бошқарув ҳисобининг мақсадларини белгилаб беради. Унда ташкилот фаолиятининг турларига қараб тахлил килиш учун харажатларни танлаб олишнинг қай тарзда кечиши кўриб чиқилған, бошқарув ҳисоби билан молиявий ҳисоб ўртасидаги боғлиқлик кўрсатилған. *B* бобда иқтисодий таҳлилнинг концептуал асослари ва уни қўллаш соҳаси ҳамда харажатлар марказларининг функционал таснифи баён этилган. *C* боб ташкилотнинг эҳтиёжлари нуқтаи назаридан бошқарув ҳисоби учун захирага олинган тўққизинчи синф счёtlаридан фойдаланишга изоҳ беради. *O* бобда фаолият турларини ажратиш, таннарх ва фойда марказларини аниқлаш, захираларни ҳисобга олишга нисбатан ёндашувлар кўриб чиқилған. Молиявий ва бошқарув ҳисоби мақсадлари учун харажатлар ҳисобини юритишдаги фарқлар кўрсатилған. Ҳакиқий кўрсаткичларнинг норматив кўрсаткичлардан фарқ қилиши муносабати билан

харажатларни түгрилаш тартиби күриб чиқылган. Е бобда бошқарув ҳисоби билан назорат қилишга ёндашув ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳамда қарорлар қабул қилиш жараёнида ҳисоб юритишга доир ахборотдан фойдаланиш йўллари кўрсатилган. Харажатларнинг турли хилларини ажратиш, стандарт харажатлар асосида ҳисоб юритиш, бюджетни тузишга нисбатан концептуал ёндашувлар баён этилган. Шундай қилиб, Францияда бухгалтерия ҳисоби юқори даражаси стандартлаштирилган ва бухгалтерия ҳисобига доир норматив ҳужжатлар батафсил методик ишлаб чиқылган.

Молиявий ҳисботлар ташкилотнинг молиявий аҳволини ва унинг ҳўжалик операцияларини “тўғри ва вижданан тақдим этиш” концепцияси асосида акс эттириши учун бухгалтерия счёtlари PCGra мувофиқ ташкилотнинг активлари ва пассивлари ҳамда фойдаси ва заарларини оғирлаштиришга қодир бўлган жорий ноаникликларни келгуси даврларга киритиш таваккалчиликларининг олдини олишни назарда тутувчи эҳтиёткорлик тамойилини ҳисобга олган холда бухгалтерия қоидаларини тўлиқ ва аниқ қўллаш шартларига мос келиши шарт. Мослик тамойили амалдаги қоидалар ва тартиб-таомилларга қатъи амал қилишни назарда тутади, бухгалтерия қоидаларининг аниқ қўлланиши эса ушбу қоидалар ва тартиб-таомилларнинг ҳисоб юритиш учун масъул бўлган шахслар томонидан мазкур қоидаларнинг тушунилишига мувофиқ вижданан қўлланилишини англатади.

Бухгалтерия ҳисоби унинг мақсадларига эришиш учун зарур бўлган ахборотни ушбу ахборот миқдорий жиҳатдан баҳоланиши мумкин бўлган даражада акс эттиришга ва таснифлашга йўналтирилган, хусусан:

- асосий битимлар ҳақидаги ахборот у ўз вақтида фойдаланила олиши учун бухгалтерия ҳисобида зудлик билан акс эттирилиши керак;

- бухгалтерия ахбороти фойдаланувчиларга битимлар, воқеалар ва ҳолатлар ҳақида тўғри, икки хил тушунчага йўл кўймайдиган ва тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имконини бериши лозим;

- бир қатор молия йилларига доир бухгалтерия ахборотининг изчиллиги қоидалар ва тартиб-таомилларни қўллашдаги узлуксизликни назарда тутади. Изчиллик тамойилидан ҳар қандай четга чиқиши янада сифатли ахборотга мурожаат этиш йўли билан изоҳланниши керак: ҳисоб юритиш қоидаларини ўзгартириш бундай ўзгартириш акс эттириладиган даврда амалга оширилган холларда

янги хисоб юритиш қоидалари асосида тайёрланган ахборот билан бир қаторда юқоридаги ўзгартириш билан боғлиқ бухгалтерия самаралари ҳақидаги ҳар қандай ўринли ахборотни кўрсатиш лозим.

Юқорида баён этилган француз бухгалтериясини тузиш тамо-йилларини анъанавий тамойиллар ва Европа Иттифоқининг норматив базасига қўшилиш билан шартланган тамойилларга бўлиш мумкин.

Якка тартибда тузилган хисоботларга нисбатан қонун хужжатларида белгиланган мажбурий талаблар қўйилади. У Бухгалтерия Далолатномасига, 1983 йил Декретига ва Тўртинчи Директивага мос келиши керак. Алоҳида ташкилотлар баланслари жамлаштирилган баланслар билан солиширилганда кўпроқ деталлаштирилган бўлиб, белгиланган формат бўйича тузилади. Молиявий счёtlар таснифи баланс элементларининг иккита синфи ажратилишига олиб келади: ташкилотга киритилган инвестициялар миқдорини кўрсатувчи активлар; инвестицияларнинг молияланисини кўрсатувчи ташқи пассивлар ва акциядорлик капитали. Ўз навбатида, инвестициялар айланма ва айланмадан ташқари активларга, молиялаш манбалари эса жорий ва узок муддатли турларга бўлинади. Алоҳида счёtlар маълумотларидан келиб чиқиб, солик мажбуриятлари хисоблаб чиқилади.

1986 йилда миллий қўмматли қоғозлар бозорининг ривожланиши ва листингга киритиладиган ташкилотлар учун хисоботларга нисбатан қўйиладиган маҳсус талабларнинг белгиланиши муносабати билан Франция бухгалтерия хисобини норматив тартибга солиш тизимига жамлаштирилган хисоботларни тузишга таалуқли Еттинчи Директивани хисобга олган ҳолда ўзгаришлар киритилди (илгари хисоботлар фақат алоҳида ташкилотлар учун тузиларди). Миллий тизимга ушбу Директива кўрсатмаларининг жорий этилиши ғоят ўзига хос хусусиятга эга эди. Биринчидан, солик солиш мақсадлари учун талаб этиладиган барча чегирмаларни кўрсатиш зарурлиги тўғрисидаги кўрсатма алоҳида ташкилотлар хисоботлари учун ўз кучини саклаб қолган бўлса-да, ушбу ташкилотлар алоҳида счёtlарни жамлаштирилган хисоботларга киритиш юзасидан қарорлар қабул қилишда эркин. Иккинчидан, компаниялар гурухининг хисоботлари француз хисоб юритиш тамойилларига мос келиши шарт эмас. У бошқа молия бозорларида қабул қилинган хисоб юритиш қоидалари бўйича тузилиши мумкин. Хорижий давлатлар бозорларида хўжалик

фаолиятини амалга оширувчи компаниялар гурух ҳисоботларини тегишли бозор қоидалари бўйича тузишга ҳақли.

Шундай қилиб, белгиланган талабларнинг мавжуд эмаслиги туфайли бирлашган компаниялар томонидан бухгалтерия ҳисоби амалиётда турлича юритилади. Жамлаштирилган ҳисоботларни тузувчи компаниялар аксарият холатларда буни ихтиёрий равишда амалга оширишади ва, ўз навбатида, ўзлари учун кулайроқ туюлган ҳисоб юритиш қоидаларидан фойдаланишади. Бироқ, ҳисоб юритиш методикаларини танлаш эркинлиги Францияда жамлаштиришни тартибга солишининг мавжуд эмаслигини англатмайди. Мажбурий талаблар жумласига, хусусан, бош компания томонидан мутлақ назорат қилинадиган компаниялар унинг бухгалтерия ҳисобида шуъба компаниялар сифатида акс эттирилиши кераклигини белгилаб берувчи қоида киради. Мутлақ назорат:

- тўғридан-тўғри ёки нисбий кўпчилик овозларга;
- агар шериклар ёки акциядорлардан хеч бири (фоиз ҳисобида) катта улушга эга бўлмаса, 40 фоизни ташкил қилувчи тўғридан-тўғри ёки нисбий кўпчилик овозларга;
- бошқарув тўғрисидаги келишув ёки бошқа шунга ўхшаш келишув натижаси ҳисобланган назорат қилувчи таъсирга (бош компания шуъба компаниянинг капиталида улушга эга бўлган тақдирда) эга бўлиш орқали амалга оширилиши мумкин.

Фаолиятининг хусусияти бош компаниянидан катта фарқ қилувчи шуъба компаниялар улушки иштирок этиш усули билан ҳисобга олиниши даркор. Бош компания уларга катта таъсир кўрсатадиган уюшган компаниялар ҳам (капиталнинг йигирма ва ундан ортиқ фоизига эга бўлган тақдирда), жамлаштиришни юқорида кўрсатилган усул билан амалга ошириши керак. Кўшма корхоналар улушки жамлаштириш усулини қўлладайди. Агар ишлар шерикларнинг чекланган сони томонидан юритилиб, қарорлар биргаликда қабул қилинса, ташкилот кўшма корхона сифатида таърифланади.

Шундай қилиб, алоҳида счёtlар дивиденdlар ва соликлар ҳақидаги узок муддатли ахборотни шакллантиришда асосий ролни ўйнайди, жамлаштирилган счёtlар эса иктисадий хусусиятга эга бўлган кўшимча ахборотнигина ўзида мужассам этади.

Йиллик ҳисобот таркибига қуйидаги шакллар киритилади: бош компаниянинг алоҳида счёtlари; бошқарув ҳисботи; гурухлар счёtlари (агар улар мавжуд бўлса); гурухни бошқариш тўғрисида

хисобот; қонун бўйича тайинланган аудиторнинг хисоботи; акциядорларнинг йиллик умумий йигилишида кўриб чиқиш назарда тутилган фойдани ишлатиш йўналишлари тўғрисидаги хисобот ҳамда акциядорларнинг фойдани тақсимлашнинг назарда тутилаётган вариантидаги қарори.

Жамлаштирилган хисоботлар таркибиға фойда ва заарлар тўғрисидаги хисобот, баланс, капиталнинг ўзгариши тўғрисидаги хисобот (ихтиёрий талқин) ҳамда пул маблағларининг харакати тўғрисидаги хисобот (у акциядорлар учун талаб этилмайди, бироқ кўплаб француз компаниялари уни эълон қиласди) киради.

Жамлаштирилган баланс ҳамда фойда ва заарлар тўғрисидаги хисобот Европа Иттифоқининг Тўртинчи Директиваси талабларига мос келади. Фойда ва заарлар тўғрисидаги хисоботда куйидагилар ажратилиши керак: операцион даромадлар ва харажатлар; молиявий даромадлар ва харажатлар; экстраординар моддалар; соликлар. Компаниялар гурухи акциядорлик капиталининг уч йиллик динамикасини кўрсатган ҳолда капиталнинг ўзгариши тўғрисидаги хисоботни тузади. Бироқ балансда ҳам, хисоботларга тушунтириш хатида ҳам акциядорлик капиталининг қандай шакллантирилганлиги (чиқарилган акциялар сони, акция учун мукофот) тўғрисидаги маълумотлар келтирилмайди. Батафсил ахборот бош компаниянинг хисоботларида мавжуд.

Пул маблағларининг харакати тўғрисидаги жамлаштирилган хисобот компаниянинг инвестициявий ва молиявий фаолиятини ажратган ҳолда билвосита усул билан тузилади.

Жамлаштирилган хисоботларга тушунтириш хатида шуъба компанияларнинг номи ва жойлашган ўрни батафсил ёритилади. Франция қонун хужжатларига мувофиқ сегмент ахбороти маҳсулотлар ва географик минтақалар бўйича айланмалар билан чекланган.

Алоҳида счёtlар бўйича фойда ва заарлар тўғрисидаги хисобот ҳам вертикал, ҳам горизонтал щаклда тузилиб, харажатларни уларнинг табиатига қараб кўрсатади. Францияда, Буюк Британиядан фарқли ўлароқ, харажатларни уларнинг функционал йўналиши бўйича гурухлаш қабул қилинмаган. Сотиш ва молиявий натижага счёtlари операцион фаолиятдан олинган маблағларни аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилувчи қўшилган қиймат ялпи миқдорини ва ялпи операцион фаолиятни хисоблаш мумкин бўладиган тарзда тузилади. Ушбу счёtlарда муайян давр (одатда, молия йили) учун

даромадлар ва харажатлар харакати ажратилади, улар фойда ва заарлар счёти билан биргаликла бундай харакат натижасида ҳосил бўладиган фойда ва заарларни кўрсатади.

Ташкилотнинг ўлчамига қараб шахсий хисоботларни тақдим этишнинг учта варианти мавжуд. Якка тадбиркорлар ва кичик компаниялар баланс, фойда ва заарлар тўғрисидаги хисобот ҳамда уларга изоҳларни бир рўйхатга олинган ҳужжат шаклида тақдим этишади.

Ўрта компаниялар баланс, фойда ва заарлар тўғрисидаги хисобот ҳамда уларга тушунтириш хатидан ташқари компаниянинг ҳужжатлар формулярини тузади. У кўрилган фойда ёки заарнинг оқибатлари тўғрисидаги ахборотни, фойдаланувчилар учун муҳим бўлган компаниянинг 5 йиллик фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ҳамда кимматли қоғозлар портфели тўғрисидаги маълумотларни ўзида мужассам этган.

Йирик компаниялар асосий хисоботнинг барча шаклларини ҳамда молия или мобайнида ўзини ўзи молиялаш қобилияти тўғрисидаги хисоботни ва молиявий ахволнинг ўзгариши диаграммасини тузади.

Францияда бухгалтерия хисобини тижорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида жорий ўзгаришлар билан мувофиқлаштириш ва жамлаштиришга нисбатан бир хил ёндашувни ишлаб чиқиши бухгалтерия хисобини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари хисобланади.

Аксарият йирик ташкилотларнинг бухгалтерия хисобида кутилмаганда улар тўлиқ амал қилмаган анъанавий француз хисоб юритиш амалиёти билан боғлиқ элементлар ҳамда АҚШ хисоб юритиш амалиёти ва молиявий хисоботлар халқаро стандартларига амал қилиш учун ишоралар пайдо бўлди.

Ушбу муаммони ҳал этиш учун ҳукумат маҳсус орган тузиб, унинг бухгалтерия хисобини тартибга солиш функциясини тасдиқловчи норматив ҳужжатни чиқарди. Давлат хисоб юритиш қоидаларни белгилаш учун алоҳида институт ташкил этган ҳолда жамлаштирилган хисоботларни тузища фойдаланиладиган методикаларни танлаш эркинлигини изчил камайтириши назарда тутилмоқда.

Назарий жиҳатдан олиб қаралганда бу америка тамойилларидан фойдаланиш тақиқланадиган ва халқаро стандартлар ёки француз хисоб юритиш қоидаларига сўзсиз амал қилиш кўрсатмаси

бериладиган вазиятга олиб келиши мумкин. Бу ҳол жамлаштирилган ҳисоботларнинг ҳисоб юритишга доир ахборотини шакллантиришнинг изчилигига ва таққосланишига олиб келиши керак.

Француз ҳисоб юритиш тамойилларида мүкобил варианatlар сифатида фақат молиявий ҳисоботлар халқаро стандартлари кўлланилиши эҳтимоли мавжуд. Бироқ, хозирги вақтда бошқача, хусусан, америка ҳисоб юритиш тамойилларини кўлловчи француз компаниялари уларни 2003 йилга қадар кўллашлари мумкин.

## 2.6. Швейцарияда бухгалтерия ҳисоби

Швейцария ҳар бири катта сиёсий, иқтисодий ва солик автономиясига эга бўлган 26 та кантоннинг федерациясини ўзида намоён этади. Федерал қонунчилиги мамлакатда бирхилликнинг базавий даражасини кафолатловчи асос бўлиб хизмат қилиб, у Фукаролик кодекси, Мажбуриятлар кодекси ва Жарималар кодексини ўз ичига олади. Ҳар бир кантон ва коммуна ўз ваколатлари доирасида қўшимча қонунларни қабул қилиши мумкин.

Швейцарияда бухгалтерия ҳисобини тартибга солиш узок вақт мобайнида Мажбуриятлар кодекси асосида амалга оширилди. 1970-йиллардан бошланган қонунчиликни ўзгартириш жараёни 1991 йилда ушбу Кодекснинг бир қатор янги моддаларининг қабул қилиниши билан ниҳоясига етди. Мазкур ўзгаришлардан кўзланган мақсад ҳисоб юритиш ва ҳисоботларнинг аниқлигига эришиш, акциядорларнинг ҳимояланганлик даражасини ошириш, компаниилар таркибини такомиллаштириш, капиталдан фойдаланишни осонлаштириш ва суистеъмолликларнинг олдини олишдан иборат эди.

1984 йилда ташкил этилган Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларига доир тавсиялар фонди бухгалтерия ҳисоби бўйича тартибга солувчи қоидаларнинг яна бир манбаи бўлди. Унинг вазифалари бухгалтерия амалиётини янада такомиллаштириш, ҳисоботларнинг таққосланишига эришиш ва сифатини ошириш мақсадида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларига доир тавсияларни беришдан иборат.

Швейцария қасамиёд қабул қилган бухгалтерлар ва солик маслаҳатчилари институти томонидан чоп этилган Аудит бўйича кўлланма ҳисоб юритишга доир норматив қоидаларнинг яна бир

манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. У бухгалтерия ҳисоботларининг барча моддалари бўйича энг аниқ кўрсатмаларни беради.

Швейцарияда ҳисоб юритиш ва ҳисоботларга нисбатан кўйиладиган талаблар анча чекланган, шунинг учун азалдан мамлакатнинг йирик фирмалари чет эл қоидаларига, хусусан, ЕИ директиваларига ва МХХС стандартларига ихтиёрий равишда амал қиласди. Ҳозирги вақтда акциялари биржада котировка қилинадиган Швейцария компанияларининг 40 фоизига яқини жамлаштирилган ҳисоботларни МХХСГа мувофиқ тузади, ЕИ директиваларига амал қилувчи фирмаларнинг улуши эса ундан ҳам кўпни ташкил қиласди. Мажбуриятлар кодекси директорлар кенгаши бухгалтерия ҳисоботларини, бошқарув ҳисоботини ва, айрим ҳолатларда, жамлаштирилган бухгалтерия ҳисоботларини тузишини талаб қиласди. Бухгалтерия ҳисоботлари баланс, фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисобот ҳамда ҳисоботларга изохларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларига доир тавсиялар фонди ушбу рўйхатга фондларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни қўшимча қиласди.

Мамлакатда баланснинг мажбурий шакли белгиланмаган, у горизонтал ёки вертикал шаклда тақдим этилиши мумкин. Таснифлаш тартиби аҳамиятга эга эмас: айланма маблағлар ва кредиторлик қарзлари (бир йилгача)ни асосий воситалар ва капиталгача ёки улардан кейин акс эттириш мумкин. Бироқ, қонун билан баланснинг минимал зарур таркиби белгиланган. Масалан, Мажбуриятлар кодексига мувофиқ у тўртта бўлимни ўз ичига олиши шарт: айланма маблаглар, асосий воситалар, кредиторлик қарзлари ва капитал.

Фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисобот илгари кам ахборот берар эди. Айрим фирмалар ҳатто сотиш ҳажмини ҳам акс эттирасди, балки ҳисоботни ялпи фойдадан бошларди. Ҳозирда ҳисобот камида қуйидагиларни ўз ичига олиши керак: тушум таркибида – сотиш ҳажми, молиявий тушум, асосий воситаларни сотишдан олинадиган фойда; харажатлар таркибида – хомашё ва материаллар, меҳнатга ҳак тўлаш харажатлари, молиявий харажатлар ва амортизация. Маълумотларни тақдим этишининг муайян шакли кўрсатилмаган. Ҳисобот вертикал ёки горизонтал тарзда тақдим этилиши, тушум ва харажатлар хусусияти ёки функционал белгиси бўйича таснифланиши мумкин, лекин ўтган йил учун маълумотлар келтирилиши шарт.

Агар корпорация бошқа компанияларни күпчилик овоз билан ёки бошқача тарзда назорат қилса, у жамлаштирилган бухгалтерия ҳисоботларини тузиши лозим. Жамлаштирилган ҳисоботларни тузмаслик учун корпорация шуъба компаниялар билан бирга иккى кетма-кет йил мобайнида учта күрсаткичдан иккитасини оширмаслиги даркор: активлар умумий суммаси – 10 млн. швейцария франкидан кам, сотиш ҳажми – 20 млн. Швейцария франки, хизматчиларнинг рўйхат бўйича ўртacha сони – бир йилда 200 нафар. Агар жамлаштирилган ҳисоботлар бош компаниянинг жамлаштирилган ҳисоботларига киритилган бўлса, компания уларни тузмаслиги мумкин.

Агар компаниянинг улушли қимматли қоғозлари биржада котировка қилинса, у ҳар йилнинг олти ойи учун оралиқ ҳисоботни тузиши шарт. Мазкур ҳисббот бизнес динамикасини ва компания фаолиятининг натижаларини баҳолаш имконини берувчи ахборотни ўз ичига олиши, компаниянинг молиявий ахволига жиддий таъсир кўрсатган омилларни, шунингдек фавқулодда даромадлар ва харажатларнинг ҳосил бўлиши ҳамда ўтган йилнинг тегишли даври учун қиёсланадиган маълумотларнинг ўзгариши сабабларини акс эттириши зарур. Ушбу ҳисббот ҳисоб юритишнинг йиллик бухгалтерия ҳисоботларини тузишда қўлланиладиган тамойиллари асосида тузилади, лекин у аудит қилинмайди.

Агар компания облигациялар чиқарган бўлса ёки унинг акциялари биржада котировка қилинса, у ўзининг индивидуал ва жамлаштирилган бухгалтерия ҳисоботларини чоп этиши ёки нусхасини ҳар бир манфаатдор шахсга юбориши лозим. Бундан ташқари, мазкур хужжатлар молия даври тугаганидан кейин 6 ой ичida Швейцария фонд биржасининг кенгашига тақдим этилиши керак. Акциялари биржада котировка қилинмайдиган компаниялар ўз ҳисбботларини текшириш учун факат кредиторларга тақдим этиши, барча низоларни эса судда ҳал этиши даркор.

Ҳисбботларга изоҳларда катта ҳажмдаги ахборот келтирилади; кафолатлар ва гаров суммаси; балансда акс эттирилмаган лизинг келишувлари бўйича қарзлар; пенсия фонdlари олдидағи қарзлар; фоизлар ва чиқарилган облигацияларни сўндириш муддатлари; ўз акциялари билан амалга ошириладиган операциялар; капиталнинг ошиши. Бундан ташқари, акциялари биржада котировка қилинадиган компаниялар асосий акциядорларининг шахслари ва улушки ҳақидаги маълумотларни тақдим этиши зарур.

Лекин, Мажбуриятлар кодекси, агар аудиторлар компанияга ёки гуруга зиён етказиши мумкин бўлган маълумотларни ҳисоботларга изоҳларга киритиш имконини бермайдиган сабаблар ҳакида маълум қилса, уларни тушириб қолдириш мумкинлигини уқтиради.

Жамлаштирилган бухгалтерия ҳисоботларига изоҳлар жамлаштириш тамойилларини, баҳолаш тамойиллари ва уларнинг ўзгариши таърифини, жамлаштириш кўламлари ҳақидаги ахборотни, сотиш ҳажмининг миңтақалар ва фаолият турлари бўйича бўлинишини ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Молиявий аҳволнинг ўзгарганлиги тўғрисидаги ҳисобот ёки пул маблағларининг киримлари тўғрисидаги ҳисоботлар шарт эмас, Мажбуриятлар кодексида улар ҳақида ҳатто сўз ҳам юритилмаган. Лекин, Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларига доир тавсиялар фонддининг фикрига кўра, мазкур ҳисобот бухгалтерия ҳисоботларининг ажралмас қисми ҳисобланади. Унинг вазифаси фондларнинг операцион, инвестициявий ва молиявий фаолият натижасида ўзгаришини акс эттиришдан иборат. Таъкидлаш лозимки, компанияларнинг аксарияти молиявий аҳвол тўғрисидаги ҳисобот ўрнига пул маблағларининг киримлари тўғрисидаги ҳисоботни тузади.

Аудиторлик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига ёзма шаклда тақдим этилади. Агар компания жамлаштирилган ҳисоботларни тусса, аудиторлар ушбу ҳисоботлар қонунчиликка ва жамлаштириш қоидаларига мос келишига ишрнч ҳосил қилишлари даркор.

*Ҳисоб юритиш сиёсати ва баҳолаш усуllibari.* Бошқа мамлакатларда бўлгани каби, Швейцарияда ҳам айrim корхоналар соликларни камайтириш, рақобатдан химояланиш, компания ҳодимлари томонидан компаниянинг ўсишини ички молиялашга зиён етказувчи дивиденdlар тўланиши бўйича оширилган талабларнинг олдини олиш учун яширин резервларни тузишга интилади. Бундай захираларни тузишга қонунда рухсат этилган. Мажбуриятлар кодексида айтилишича, уларни корхонанинг ривожланишини ёки дивиденdlарнинг тенг тақсимланишини кафолатлаш учун ташкил этиш мумкин, лекин бу ҳакида фирма ўз аудиторларига хабар қилиши зарур.

Мажбуриятлар кодексига мувофиқ жамлаштирилган молиявий ҳисоботлар алоҳида корхоналар ҳисоботларига мос келадиган тамойилларга мос келиши лозим. Амалда Швейцариянинг кўплаб

компаниялари жамлаштириш доирасини ўзлари уларда овозланинг кўпчилигига эга бўлган шуъба компаниялар билан чегаралайди. Одатда компаниялар жамлаштирилган хисоботларга кичик ёки мавжуд бўлмаган шуъба компанияларни ҳамда фаолиятининг асосий тури бошқа гурӯҳдан кучли фарқ қиласидан компанияларни ёхуд қатъи чекловлар натижасида маблағларини бош компанияга топшира олмайдиган компанияларни киритмайди.

Бухгалтерия хисоби ва хисоботларига доир тавсиялар фондининг талабларига мувофиқ тўлиқ бирлаштириш усули жамлаштиришнинг ягона усули хисобланади. Бироқ, Швейцария компаниялари жамлаштиришнинг умумий қабул қилинган қойдаларига амал қиласиди. Бош компания томонидан назорат қилинадиган шуъба компаниялар тўлиқ бирлаштириш усули асосида бирлаштирилади. Бош компания уларда овозларнинг 20 фоизи ва ундан кўпига тўғридан-тўғри ёки бильосита эгалик қиласидиган ассоциацияланган компаниялар ўз капитали усули бўйича хисобга олинади. Бош компания уларда овозларнинг 20 фоизидан камига эгалик қиласидиган компаниялар таннарх усули бўйича акс эттирилади.

Инвестициялар қиймати қўлга киритиш санаси ҳолатига кўра ўз капиталининг тегишли қисми хисобидан қайтарилади. Ушбу талабни акциялари биржада котировка қилинадиган барча компаниялар бажаради.

Капитал иккита муқобил усулни қўллаган ҳолда бирлаштирилади:

- сотиб олиш усули, бунда сотиб олиш қиймати шуъба компаниянинг активлари ва пассивларини қўлга киритиш санаси ҳолатига кўра қайта баҳолаш хисобидан акс эттирилади;

- улушларни бирлаштириш усули, бунда бош ва шуъба компаниянинг умумий активлари, пассивлари ва захиралари хисобга олиш қиймати бўйича акс эттирилади.

Швейцарияда гудвилнинг иккита вариантини ҳам қўллашга рұксат этилади: капиталлаштириш, яъни уни баланс активида акс эттириш ва захиралар ҳисобига ҳисобдан чиқариш, ёки, тез-тез учраб турадиган, захиралардан бирини камайтириш. Европанинг бошқа мамлакатларидаги бўлгани каби аксарият компаниялар узоқ вақт мобайнида гудвилл амортизацияси туфайли даромадлар камайишининг олдини олиш учун иккинчи вариантни афзал кўришди. Бироқ, ожирги вақтда акциялари биржада котировка

қилинадиган компаниялар халқаро стандартлар таъсири остида гудвилни капиталлаштира бошлашди. Агар гудвилл активлар таркибида акс эттирилса, у фойдаланиш муддати мобайнида, яъни 5 йилдан 40 йилгача амортизация қилинади.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларига доир тавсиялар фонди чет эл шуъба компаниялари бухгалтерия ҳисоботларининг моддаларини қайта ҳисоблашнинг З та усулини таъкидлайди: давр якунидаги курс (жорий курс) усули, вақт усули ва пул (пул бўлмаган) усули. Дастребаки иккита усул 21-сон МҲҲСда таърифланган жиҳатлар билан ўхшаш.

Биринчи усулни қўллашда акциядорлик капиталидан ташқари баланснинг барча моддалари даврнинг якуни ҳолатига кўра қайта баҳоланади, тушум ва харажатлар эса давр якунидаги курс ёки даврдаги ўртacha курс бўйича айирбошланади. Баланс моддаларини қайта ҳисоблашда юзага келадиган фарқлар акциядорлик капитали таркибида ҳисобга олинади, тушум ва харажатларни қайта баҳолашдаги фарқларни ўртacha курс бўйича даромадга ёхуд акциядорлик капиталига киритиш мумкин.

Вақт усули давр якунидаги курс бўйича айирбошланадиган пул моддалари билан дастребаки курс бўйича айирбошланадиган пул бўлмаган моддалар ўртасида чегара ўтказади. Тушум ва харажатлар операция амалга оширилган санадаги курс бўйича айирбошланади, тегишли баланс моддаси айирбошланадиган курс бўйича айирбошланадиган амортизация бундан мустасно. Қайта ҳисоблаш чоғида юзага келадиган фарқ одатда даромад сифатида акс эттирилади.

Пул (пул бўлмаган) усули вақт усулидан шуниси билан фарқ қиладики, барча ишончсиз моддалар уларнинг кийматига тузатишлар киритилган-киритилмаганлигидан қатъи назар дастребаки курс бўйича айирбошланади. Фарқни фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириш ёки акциядорлик капиталига киритиш мумкин.

Бош компаниядан катта мустақилликка эга бўлган шуъба компаниялар давр якунидаги курс (жорий курс) усулини қўллайди. Фаолияти бош компания фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланган компанияларнинг бухгалтерия ҳисоботлари вақт усулини қўллаган ҳолда трансформацияланиши керак. Ушбу қоидалар қўлланилиши мумкин, лекин мажбурий эмас.

Аксарият компаниялар чет эл валютасидаги моддаларни давр якунидаги бўйича айирбошлайди ва даромадлар таркибидаги

фаркни аниқлайди. Компанияларнинг бир қисми компаниялар ўртасидаги узок муддатли инвестициялар бўйича курс фарқларини тақсимланмайдиган фойдага киритади. Айрим фирмалар форвард контрактлари бўйича дебиторлик ва кредиторлик карзларини келгуси шартномавий курслардан фойдаланган ҳолда айирбошлияди.

Компаниялар тўғрисидаги янги конунда энг кам акциядорлик капитали 100 минг швейцария франкигача оширилди. Акцияларнинг минимал номинал қиймати 100 Швейцария франкидан 10 Швейцария франкигача камайтирилди, чунки кўплаб компаниялар акцияларининг бозор қиймати халқаро стандартлар билан солиштирилганда анча юқори бўлди.

Компаниялар умумий, номинал қиймати умумий капиталнинг, яъни акциядорлик капитали ва иштирок этиш капиталининг 10 фоизини ташкил қиласидиган ўз акцияларини харид қилишлари мумкин.

Захиралар ҳақида тўхталашибди бўлсак, Швейцарияда, биринчи галда, умумий захира аниқланади, унинг яратилишини қонунчилик талаб қиласиди. Мажбуриятлар кодексида белгиланишича, умумий захира тўланган капиталнинг 20 фоизини ташкил қиласига қадар йиллик фойданинг 5 фоизи ушбу захирага киритилиши лозим. Сўнгра дивидендларнинг базавий даражасидан ортиқча тўланган йиллик фойданинг 5 фоизи микдоридаги дивидендларнинг 10 фоизини чегириб қолиш зарур. Умумий захира асосан заарларни қоплаш учун фойдаланилади. Қонун яна иккита маҳсус захиранинг барпо этилишини белгилайди – ўз акциялари бўйича захира ва қайта баҳолаш захираси. Таъсис шартномасида кўшимча захиралар назарда тутилиши мумкин.

Айрим компанияларнинг бухгалтерия ҳисоботларида асосий воситалар жорий қайта баҳолаш хукуқисиз амортизация чегирма қилинган ҳолда харид қилиш ёки ишлаб чиқариш дастлабки қиймати бўйича баҳоланиши керак. Тўпланган заарлари капиталнинг ва мажбурий захираларнинг ярмидан кўпини ташкил қиласига компаниялар бундан мустасно. Мазкур ҳолатда мол-мулкни ва иштирок этиш улушини жорий қийматгача қайта баҳолашга рухсат этилган. Қайта баҳолашдаги фарк акциядорлик капитали таркибига ўтказиш, тегишли активларни ҳисобдан чиқариш ёки сотиш натижасидагина камайиши мумкин бўлган маҳсус захира счётида ҳисобга олинади.

Швейцарияда жамлаштирилган бухгалтерия ҳисоботларини дастлабки ёки жорий қиймат бўйича тузиш мумкин. Жорий қиймат реал жорий қиймат, тиклаш қиймати ёхуд шунга ўхшаш харажатларга асосланиши мумкин. Бир хиллик ва мувофиқлик ягона шарт ҳисобланади.

Амортизацияга асос қилиб, одатда, активларни харид қилиш ёки ишлаб чиқариш қиймати олинади, лекин у тиклаш қийматига ҳам асосланиши мумкин. Тенг амортизация ва пасайтирувчи қолдиқ усули каби усулларни кўллаш мумкин. Амортизация активларнинг ушбу таридан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига ҳам асосланиши мумкин (ишлаб чиқариш бирликлари усули). Фойдаланишининг фойдали муддати компания малиявий ахволини ва фойдасининг тўғри акс эттирилишини таъминлаш учун одатда бухгалтерия ҳисоботларининг умумий мақсадига мувофиқ танланади. Бироқ, амалиётда танлов бошқа мақсадлар, хусусан солиқ солиши ва яширин резервлар билан белгиланади.

Агар алоҳида компаниялар ҳисоботларидан асосан мамлакат ичida фойдаланилса, йирик компанияларнинг жамлаштирилган ҳисоботлари кўпроқ чет элда фойдаланувчилар учун мўлжалланган. Шунинг учун у яширин резервларнинг яратилишини ошириб юборувчи халқаро стандартларга мос келиши керак. Бундан ташқари, ғоят паст фойда кўрсаткичлари Швейцария компанияларини халқаро бозорларда молия олишда ноқулай ахволга солиб кўяди.

Швейцария Аудитга доир кўлланмасида айтилишича, бинолар ва асбоб-ускуналарни куриш билан боғлиқ фоизлар ушбу объектларнинг таннархига киритилиши мумкин.

Сотиб олинган номоддий активларга келсак, уларни активлар таркибида акс эттиришнинг ягона шарти – бу бир неча йиллар мобайнида бўлажак иқтисодий фойдани олиш. Капиталлаштирилиши, яъни активлар таркибига киритилиши мумкин бўлган номоддий активларга мисоллар тариқасида, биринчи навбатда, лицензиялар, патентлар, савдо русумлари, муаллифлик ҳуқуқлари, моделлар, режалар, дастурий таъминот, мижозлар рўйхатлари келтирилади. Иккинчи томондан, ўқитиш ва реструктуризациялаш ҳамда фундаментал ва амалий тадқиқотлар харажатлари активлар таркибига киритилиши мумкин эмас.

Капиталлаштирилган номоддий активлар куйидаги иккита катталиктининг энг кичиги бўйича баҳоланади: таннарх ёки эҳтимолий

сотовнинг соф қиймати. Улар одатда бир меъёри усулни қўллаган ҳолда фойдали фойдаланиш муддати мобайнида амортизация қилиниши керак. Агар номоддий активларнинг реал қиймати пасайса, уларнинг ҳисобга олиш қийматини даврий равишда қайта кўриб чиқиш даркор.

Айрим компанияларнинг бухгалтерия ҳисботларида акциядорлик капиталидаги улушлар активларни баҳолашнинг умумий қоидалари асосида баҳоланади. Истисно тариқасида уларни холдинг компанияси ўз акциядорлик капитали ва расмий захираларининг ярмидан ортиқ ҳажмда умумий зарарлар кўрганда қайта баҳолаш мумкин. Гурухий ҳисботларда бирлаштирилмаган улушлар таннарх бўйича ёки ўз капитали усули бўйича баҳоланади.

Мажбуриятлар кодексида кўрсатилишича, захираларни қўйидаги иккита катталикнинг энг кичиги бўйича баҳоланади: дастлабки қиймат (харид қилиш ёхуд ишлаб чиқариш харажатлари) ёки эҳтимолий сотовнинг соф қиймати. Бошқа активлар билан бўлгани каби захиралар бўйича ҳам яширин резервларни яратиш мумкин. Ишлаб чиқариш харажатлари маъмурий ва тижорат харажатларидан ташқари қўшимча харажатларни ҳам ўз ичига олади. Доимий ишлаб чиқариш қўшимча харажатларини асбобускуналарнинг қувватидан келиб чиқиб тақсимлаш лозим. Фоизларни тўлаш харажатларини қўшимча харажатларга киритиш мумкин. Аксарият компаниилар захиралар қийматига, ҳеч бўлмаганда, билвосита харажатларнинг бир қисмини киритади. Бироқ, тайёр маҳсулотни фақатгина бевосита ишлаб чиқариш харажатлари бўйича баҳолайдиган фирмалар ҳам мавжуд.

Захираларни баҳолаш учун ўртача таннарх, ФИФО, ЛИФО ва бошқа усуллар қўлланилди. Амалиётда факат дастлабки иккита усул кенг қўлланилмоқда. Жамлаштирилган ҳисботларда захираларни ҳақиқий жорий харажатлар, тиклаш қиймати ёки ўхша什 харажатлар асосида баҳолаш мумкин.

Швейцарияда даромадлар ва ўз капиталига соликлар солинади. Молиявий гурухларда ҳар бир компанияга алохида соликлар солинади. Солик солиш усуллари анча мураккаб бўлиб, турли кантонларда турлича усуллар қўлланилди. Кантонларнинг катта қисми охирги вактда унда соликлар, кўплаб бошқа мамлакатларда бўлгани каби, жорий йил учун даромадларга асосланадиган тизимга ўтди.

Даромад солигининг базаси бўлиб бизнеснинг умумий қабул қилинган амалиёти доирасидан ташқарига чиқувчи харажатлар суммасига тўғриланган соф даромад хисобланади. Солик тузатишлари, асосан, яширин резервларни аниқлаб, кейинчалик уларни даромадларга киритишни ўз ичига олади. Заарлар келгуси даврда, 2, ..., 7 йил ичida тўланиши лозим бўлган соликлар суммасини хисоблашда чегирма қилиниши мумкин.

Даромад солигидан ташқари ўз капиталига ҳам солик солинади. Солик солинадиган ўз капитали хисоботларда акс эттирилган ва яширин капитал ва резервларни ўз ичига олади. Ставкалар кантоналар бўйича 0,26 фоиздан 0,9 фоизгачани ташкил киласди. Федерал солик 1998 йилда бекор қилинди.

Швейцарияда солик солиш билан бухгалтерия хисоботлари ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Соликлар хисобга олинган даромадлар суммасига асосланганлиги боис солик солинадиган даромадлар билан хисоботларда акс эттирилган даромадлар ўртасида вақт фарқи камдан-кам ҳолларда юзага келади. Шунинг учун фирмалар одатда муддати кечикирилган соликларни ўз хисоботларида акс эттирмайди.

Пенсиялар тўлаш учун маблағлар корхоналар ва хизматчи-ларнинг давлат фондига хиссалари хисобидан таъминланади. Кўшимча пенсия тўловлари корхоналар ва ходимларнинг алоҳида фондларга хиссалари хисобидан таъминланади. Пенсия тўловлари суммаси мазкур фондларга хиссалар миқдорига ва ушбу маблағларни инвестиция қилишдан олинадиган фойдага боғлиқ.

Давлат фондига хиссалар ходимларнинг иш ҳақига асосланади. Ставкалар бутун мамлакат бўйича пенсияга чиқсан ва ҳали ишлаётган инсонлар ўртасида мувофиқлиқда белгиланади.

Охирги йилларда Швейцарияда бухгалтерия хисоботларининг аниқлигини ва ахборот учун белгиланганligини оширишга жиддий интилиш кузатилди – бу қонунчилик талабларининг ортиши, миллий хисоб юритиш стандартларининг ишлаб чиқилганлиги, хисоб юритишга ва акциялари биржада котировка қилинадиган компаниялар томонидан ахборотнинг тақдим этилишига нисбатан янги талабларнинг пайдо бўлганлиги, ўз хисоб юритишини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришни истовчи айрим компаниялар сайд-харакатларининг натижаси хисобланади.

## 2.7. Швецияда бухгалтерия ҳисоби

Швецияда ҳисоб юритиш тизими ва замонавий бухгалтерия амалиёти ўзига хос тарзда шаклланди. Ушбу фаннинг кўплаб назариячилари швед бухгалтерия ҳисоби мактабини у ёки бу моделга киритишга уриниб, Швецияда бухгалтерия ҳисоби маълум моделлар билан ўхашликларга қараганда кўпроқ фарқларга эга бўлган алоҳида тизимни ўзида намоён этади, деган холосага келишиди.

Охиригина ўн йилликларда Швеция давлати бухгалтерия фаолиятига тўғридан-тўғри жалб этилди ва буни ҳақиқий корпоративизм намунаси деб ҳисоблаш мумкин. Масалан, 1977 йилда Швецияда пўлат ва ёғочдан тайёрланадиган маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчиси ҳисобланган «Uddeholm AB» компанияси маҳсус қонун билан банкротлиқдан чиқарилди. Мазкур қонун билан кредит линиясининг амал қилиш муддати узайтирилди ва компанияга ушбу кредитни ўз активларининг бир кисми сифатида ҳисобга олишига рухсат этилди. Бундай амалиёт туфайли Швеция бухгалтерия тизимини миллий иқтисодий сиёсати деб ҳисоблаш мумкин.

Швецияда ҳисоб юритиш фаолиятининг тарихи XVII асрга бориб тақалади. Аудиторлик холосати тўғрисида биринчи марта 1652 йилда тилга олинган, 1855 йилда эса бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги биринчи қонун чиқарилди. XIX асрда Швеция бухгалтерия қонунчилиги, Европанинг кўплаб мамлакатлари қаторида, француз Тижорат кодексининг таъсири остида бўлди, бироқ XX асрнинг бошига келиб немис бухгалтерия мактабининг таъсири кучайди. Бунга Стокгольм ва Гетеборг университетларида ушбу фаннинг дастлабки профессорлари немислар бўлганлиги сабаб бўлди. Кейинчалик немис мактабининг таъсири сусайди ва 1960-йилларнинг охирига келиб швед қонун чиқарувчилари ва бухгалтерлари учун Америка модели намунага айланиб бораётгани яққол намоён бўлди. Бу, биринчи галда, Швеция саноатида хусусий секторнинг роли ошганлиги билан боғлиқ эди.

Таъкидлаш лозимки, касбий ташкилотларнинг мамлакатда бухгалтерия фаолиятини норматив тартибга солиш жараёнига таъсири катта. Ҳисоботларга имзо чекувчи бухгалтерлар ва мутахассис аудиторларга нисбатан ғоят юксак талаблар қўйилади. Йирик швед компаниялари ҳисоботларининг тахминан ярмига текширувларни ўtkазиш учун масъул бўлган аудиторнинг номи

билим имзо қўйилганлигини айтишнинг ўзи кифоя. Аксарият ҳолатларда бизнес-хамжамият ҳисоботлар фойдаланувчиларига аудиторлик фирмасининг номидан кўра кўпроқ аудиторнинг исмини айтади.

Йирик компаниялар ҳисоботларини аудит қилиш талаби биринчи бўлиб Швециянинг 1895 йилда қабул қилинган компаниялар тўғрисидаги конунида пайдо бўлди ва ўша вактдан бошлаб аудиторларнинг ҳам, раҳбарларнинг ҳам ҳисбот хужжатларининг мазмунни учун жавобгарлиги янада қатъйлашди, бунда улар учун нафақат маъмурий, балки жиноий жавобгарлик ҳам белгиланди, бухгалтерлар учун Швеция қасамиёд қабул қилган бухгалтерлар институти томонидан ишлаб чиқилган Касб ахлоқи кодексининг талаблари ҳам мажбурий ҳисобланади. Мазкур институт Швеция бухгалтерия стандартлари кенгаши билан бирга мамлакатнинг ҳисоб юритиш фаолиятини тартибга солишда иштирок этувчи ҳамда бухгалтерия амалиётининг турли масалалари юзасидан тавсиялар ишлаб чиқувчи энг йирик ва нуфузли профессионал ташкилоти ҳисобланади.

Охиригина 30 йилда Швецияда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари юритилишини тартибга солувчи иккита йирик қонунчилик хужжати чоп этилди (1975 ва 1995 йилларда). Уларнинг иккинчиси ЕИнинг Еттинчи ва Тўртинчи Директивалари талабларини ўзида мужассам этган (миллий талқинда) бўлиб, уларни Швеция, умумевропа интеграциялашви йўлида, бажариш учун мажбурий талаблар сифатида белгилаб қўйди.

Швецияда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини тартибга солиши тизими қўйидагилар ҳисобидан таъминланади:

- компанияларнинг иш амалиётида бухгалтерия тамойиллари, моддаларни баҳолаш қоидлари, ҳисоботлар шакллари ва алоҳида хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳам, компаниялар гурухларининг ҳам ахборотини ошкор қилишга доир талабларни кўллашни белгиловчи Ҳар йиллик ҳисоботлар тўғрисидаги қонун (1995 й.);

- кичик фирмаларда бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун (1976 й.).

Миллий профессионал стандартлар Швеция молиявий ҳисоби кенгаши томонидан ишлаб чиқилади. Умуман олганда уларнинг мазмунни халқаро стандартлар (IAS) мазмунига яқин.

Таъкидлаш лозимки, халқаро стандартлар ролининг кучайиб бораётганлигига қарамай, профессионал жамоатчиликнинг асосий

эътиборини йирик швед концернларида ҳисоб юритиш амалиёти ва ҳисоботларни шакллантириш тўғрисидаги мақолалар жалб қилмоқда.

Швециянинг Ҳар йиллик ҳисоботлар тўғрисидаги қонуни асосий ҳисобот шаклларининг таркибини ва форматларини белгилпб беради. Улар жумласига куйидагилар киради: баланс, фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисобот, бошқарувчининг ҳисоботи, бир йил мобайнида компаниянинг молиявий аҳволидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот, ҳисоботга тушунтириш хати. Қонунда белгиланган ҳисоботлар форматларидан фақат бизнеснинг ўзига хослиги билан асосланган ҳолатларда четга чиқиш мумкин.

Мамлакатнинг солик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари компанияларга фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисоботда фойданинг тақсимланиши сифатида акс эттириш лозим бўлган солик солинадиган захираларни ҳосил қилиш имконини беради. Компаниялар бундай захираларга фойданинг 30 фоизигачасини киритиши мумкин ва солик солинадиган базани камайтириш учун қонун томонидан берилган имкониятдан фаол фойдаланишади. Бирорқ, ушбу захираларни йиллик ҳисоботларда акс эттириш талаби ҳалқаро стандартларга зид келади.

Ушбу муаммонинг ҳал этилишида швед бухгалтерларининг профессионаллиги намоён бўлди. Улар фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг ҳалқаро ва миллий бухгалтерия стандартларининг талабларини бирга қўшиш имконини берувчи маҳсус шаклини ишлаб чиқди: ҳалқаро стандартларга мувофиқ “солик солингунга қадар фойда” кўрсаткичига мос келадиган “тақсимлангунга қадар фойда” якуний кўрсаткичига эга бўлган ҳисобот шаклланади, шундан кейин, Швеция қонун ҳужжатларига мувофиқ, ҳисоботнинг қуий қисмida унинг тақсимланиши кўрсатилилади. Охирги ўн йил ичida барча скандинавия мамлакатлари бундай амалиётни кўллашга ўтишди.

Қонун нафақат ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар учун, балки компаниялар гурухлари учун ҳам ҳисобот ҳужжатларининг тўлиқ пакетини тақдим этиш мажбуриятини юклайди. Жамлаштирилган ҳисоботлар бош компания овоз берувчи акцияларнинг 50 фоизидан кўпига эгалик қилган ёки шульба компаниянинг фаолияти устидан тезкор назоратни амалга оширган ҳолларда тузилади.

Швед корхоналарининг балансида «Ўз капитали ва захиралар» бўлими икки қисмга бўлинган – мажбурий ва номажбурий моддалар.

Мажбурий моддалар жумласига қуйидагилар киради: устав капитали, құшимча капитал, қайта баҳолаш захираси ва қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа захиралар. Номажбурий моддалар жумласига қуйидагилар киради: ўтган йиллар ва хисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси, қонун хужжатларида назарда тутилмаган, лекин компаниянинг хисоб юритиш сиёсатига мувофиқ ҳосил қилинган захиралар.

Агар акциядорлик капитали турли хилдаги акциялардан тузилган бўлса, уларнинг ҳар бири балансда алоҳида сатрда акс эттирилиши керак. Аввалги баланс тузилган вақтдан бошлаб мазкур бўлимда рўй берган ўзгаришлар тушинтириш хатида акс эттирилиши даркор.

Қайта баҳолаш захираси айланмадан ташқари моддий ва молиявий активларни қайта баҳолаш натижаларига кўра ҳосил қилинади ва у ўз капиталининг номажбурий моддаларидан қоплаш мумкин бўлмаган заарларни қоплаш учун ишлатилиши мумкин. Таъкидлаш лозимки, қайта баҳолаш захирасидан заарларни қоплаш учун фойдаланиш қарори, агар акциядорлик капиталининг миқдори уч йиллик муддат мобайнида ҳеч бўлмаганда қопланган заарлар суммасига ошмаса, акциядорларга ушбу муддатга дивиденларни тўлаш учун тақиқ қўйилишига олиб келади. Бундан ташқари, қайта баҳолаш захираси тўлиқ амортизация қилинмаган айланмадан ташқари активларни хисобдан чиқаришда камаяди. Құшимча капитал моддаси факат акциялар эмиссия қилинган тақдирда, агар улар номинал кийматдан юкори нарх бўйича сотилса, ҳосил қилинади.

Бошқа захиралар компания эгаларининг қарорига кўра соф фойдадан (бундай захирани ҳосил қилиш учун устав капиталининг кўпич билан 20 фоизи йўналтирилиши мумкин) ёки компания эгаларидан тушумлар сифатида ҳосил қилинади.

Қўшимча капитал ва бошқа захиралар, агар заарларни қоплаш учун тақсимланмаган фойда етарли бўлмаса, ушбу мақсадга ҳамда устав капиталини ошириш учун кўлланилади.

Солиқ чегирмаларидан фойдаланиш имконияти Швеция бухгалтерларига маҳсус солиқ захираларини яратиш имконини беради. 1990-йиллар мобайнида нормативдан ортиқча захиралар, инвестициялар, құшимча амортизация учун захиралар ҳосил қилинди. Бироқ, ҳозирга келиб компанияларда ушбу захираларнинг

кatta қисми тугаган. Ҳозирда амал қилиб турған қонун хужжатларига мувофиқ аксарият компаниялар учун солиқ чегирмаси сифатида фақат күшімчада амортизация захираларидан фойдаланиш куладай.

Бундай амалиёт швед қонун чиқарувчилари ва профессионал бухгалтерларининг биргаликдаги норма ижодкорлиги натижаси ҳисобланиб, жаһонда деярли бошқа ҳеч қаерда учрамайди, чунки ҳалқаро стандартларга мос келмайди. Охирги йилларда швед ҳукумати томонидан ҳисоб юритиш фаолиятини ҳалқаро стандартларга мувофиқ үйғунлаштириш юзасидан мажбуриятларнинг қабул қилиниши муносабати билан компанияларнинг күпчилиги солиқ солишини мақбуллаштириш максадида бундай амалиётни кенг қўллаган ҳолда оддий ҳисоботлар билан бирга бундай захиралар ўз ичига олмайдиган ҳисоботларни ҳам ишлаб чиқмайди. Ҳусусан, швед молия-саноат гурухларининг барча жамлаштирилган ҳисоботлари IASga мувофиқ тузилади ва солиқ солинмайдиган захираларнинг ҳосил бўлишини акс эттирмайди. Қизиги, активларни айланма активларга киритища швед бухгалтерлари «операция цикли» тушунчасидан фойдаланишмайди. Активнинг бир йил мобайнидаги айланувчанлик муддати ягона мезон ҳисобланади.

Узоқ ва қиска муддатли қарзларни ҳамда умуман кредиторлик қарзларини баҳолаш ва балансда акс эттириш ҳалқаро амалиётига мос келади. Шаеция миллий стандартларининг ўзига хослиги шундан иборатки, унда шартли мажбуриятларни акс эттириш шарт. Уларнинг тўланиши энг эҳтимол тутилган қисми баланснинг ўзида, қолганлари эса балансдан кейинги меморандумда келтирилади. Ҳисоботларда кўрсатиш лозим бўлган шартли мажбуриятлар жумласига қўйидагилар киради: пенсия мажбуриятлари (пенсия фонди билан қопланмаган); берилган кафолатлар; эълон қилинган чегирмалар; бошқа эҳтимолий ҳаражатлар.

Умуман олганда айтиш лозимки, норматив даражада шартли мажбуриятларни нисбатан талқин этишнинг яққол ноаниклиги мавжуд. Бироқ, иирик швед компанияларининг амалиёт ўтовчи бухгалтерлари ҳисоботлар фойдаланувчиларига ўз компанияларининг пассивлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имконини берувчи ўз усуllibарини ишлаб чиқади.

Айланмадан ташқари активлар уларнинг дастлабки қиймати бўйича ҳисобга олинади. Қонунчилик активлар катта қисмининг хизмат қилиш муддатларини белгиламайди (машина ва асбоб-

ускуналарнинг айрим турлари бундан мустасно – уларнинг муддати беш йил билан чекланган), ва уларнинг қийматини ҳисобдан чиқариш усули ва муддатини бухгалтерларнинг ўзлари танлашади. Номоддий активлар учун, агар уларнинг фойдалилiği беш йилдан кўроқ деб ҳисоблаш учун етарлича асослар бўлмаса, амортизациянинг одатдаги муддати беш йил. Кўплаб кўчмас мулк обьектлари учун амортизация ажратмаларининг энг кам нормаси танланади - 1 фоиз. Аксарият ҳолатларда активларни ҳисобдан чиқаришнинг бир чизиқли усули кўлланилади, лекин қонунчиликда ҳам, стандартларда ҳам ҳар қандай бошка усулларни кўллаш тақиқланмаган.

Активнинг нархини оширувчи реконструкциялаш қиймати балансда капиталлаштирилади, жорий таъмирлаш учун сарфланган суммалар эса дарҳол ҳисобдан чиқарилади. Активларни реконструкциялашга йўналтирилган кредитлар бўйича фоизлар ҳам капиталлаштирилади. Айланма маблағларни тўлдириш учун олинган кредитлар бўйича фоизлар факат, агар захиралар ва яrim тайёр маҳсулотларни сақлаш муддатлари катта бўлса (масалан, агар гап вино ёки пишлок ишлаб чиқариш тўғрисида бораётган бўлса), капиталлаштирилиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, ҳалқаро стандартлар талабларидан фарқли ўлароқ, Швеция бухгалтерия амалиёти факат лизинг предметини ижара муддати тугаганидан кейин сотиб олишни назарда тутувчи лизинг шартномаларинигина молиявий ижара сифатида талкин этади. Ўз навбатида, факат ана шундай активлар балансда акс эттирилади.

Захираларни баҳолаш харид ва бозор нархларининг кичиги бўйича амалга оширилади. Ушбу активни сотиш мумкин бўлган нарх бозор нархи ҳисобланади. Миллий стандартлар ва солик тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ захиралар ФИФО усули билан ҳисобдан чиқариларди.

Швециянинг амалдги ҳисоб юритиш ва ҳисботлар тизими ривожланган мамлакатлар бухгалтерия амалиётидаги энг ўзига хос тизимлардан бири ҳисобланади. У ёпиқ бизнес-ҳамжамиятда бенуқсон амал қиласи, Швеция ЕИга аъзо эмаслиги туфайли у миллий қонунчиликка ташқи стандартларни жорий этиш мажбуриятига эга эмас. Шунинг учун бунчалик аниқ амал қилувчи тизим факатгина мамлакат ички бозорида ишловчи кичик ва ўрта

компанияларнинг ҳисоб юритиш амалиётида яна узоқ вақт устунлик қилиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Бироқ, йирик компаниялар ишига бизнеснинг глобаллашуви ўз таъсирини ўтказди – Швецияда фаолият кўрсатувчи барча халқаро концернлар ҳисоботларни жаҳонда умумий қабул қилинган стандартларга яқинлаштиришга интилади. Буни амалиётга кенг кўлланиладиган иккита йўл билан амалга ошириш мумкин. Биринчи йўл параллел равишда миллий ва халқаро стандартларга мувофиқ иккита ҳисоботни тузишни назарда тутади. Иккинчи йўл ўзига хос бўлиб, унда швед бухгалтерларининг профессионализми яққол намоён бўлади – улар МХХС бўйича ҳисоботларни миллий фойдаланувчиларга ҳам уларни осонрок қабул қилиш имконини берувчи қўшимча бўлимлар билан тўлдиришади.

Ҳисоботларнинг шаклини ўзгартириш зарурати, биринчи галда, компания халқаро бозорга чиққанда ёки қўшимча равишда ташки молиялашни талаб қилганда юзага келади. Бироқ, хатто акциялари биржада котировка қилинадиган компаниялар ҳам кўпинча ЕИ директивалари ва халқаро стандартларни яққол ифодаланган миллий хусусият билан ўзига хос тарзда талқин этади.

Швецияда бухгалтерия ҳисобини ривожлантиришнинг кейинги истиқболлари ушбу мамлакат қонун ҷикарувчилари барча компаниялар томонидан бжариш учун мажбурий ҳолат сифатида МХХС ва ЕИ директиваларини қабул қилишга қандай муносабатда бўлишига боғлиқ. Ҳозирги вақтда мазкур масала ҳал этилмаган ва амалиётчи профессионаллар, факат ўта зарур ҳолатлардагина бошқа мамлакатларда қабул қилинган нормативларга мурожаат этган ҳолда, анъанавий йўлдан боришмоқда.

## 2.8. Чехияда бухгалтерия ҳисоби

1990-йилларнинг бошидан бошлаб Чехияда бозор муносабатларига ўтишда ва нодавлат иқтисодиёт секторининг пайдо бўлиши билан бухгалтерия ҳисобини ривожлантиришга ҳам эҳтиёж пайдо бўлди. Чехия қонунчилигига Европа Иттифоқи Тўртинчи ва Еттинчи Директиваларининг қоидалари киритилди.

Ҳисоботларни шакллантириш учун хўжалик юритувчи субъектлар қуидаги гурухларининг унификацияланган шакллари қабул қилинди: фойда кўрамай ишловчи ташкилотлар, банклар,

суғурта компаниялари, кичик бизнес компаниялари, бошқа тизорат ташкилотлари.

Бухгалтерия хисоботларининг шакллари ва мазмуни Чехия Молия вазирлигининг қонун хужжатлари билан тартибга солиниб, ҳозирги вақтда қуидагиларни ўз ичига олади:

- фойда ва заарлар тўғрисидаги хисобот;
- бухгалтерия баланси;
- бухгалтерия ҳисобига изоҳлар (шу жумладан, пул маблагла-рининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот).

Йирик компаниялар ва хорижий капитал иштироқидаги фирмалар хисоботларни солиқ ва статистика органларига тақдим этганларидан кейин, уларни қонун хужжатларида назарда тутилган қисқартирилган шаклда «Обходи вестик» маҳсус нашрида чоп этишлари шарт. Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ахволи тўғрисида тўлиқроқ тасаввурга эга бўлиш учун хисоботларда нафақат хисобот даври учун, балки ҳисобот давридан олдинги давр учун ҳам маълумотлар кўрсатилиади.

Кичик корхоналар учун бухгалтерия баланси ҳамда фойда ва заарлар тўғрисидаги хисоботни тақдим этишнинг ўзи кифоя қиласди.

Бухгалтерия ҳисобига изоҳлар қуидаги маълумотларни ўз ичига олади:

- умумий ахборот – ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг таркиби; акциядорлик капиталининг таркиби; шуъба ва тобе компаниялардаги йирик улушлар (20 фоиздан кўп) тўғрисида маълумотлар; ходимлар сони; олий менежментга тўланган мукофот микдори ва ҳ.к.;

- компаниянинг ҳисоб юритиш сиёсати, айланмадан ташқари активлар, захиралар, амортизация ажратмаларини баҳолаш тамойиллари, ҳисобот даврида уларда юз берган ўзгаришлар ҳамда ушбу ўзгаришлар сабаблари;

- кўшимча ахборот, у қуидагилар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши мумкин:

- дастлабки қиймати ва тўпланган амортизацияси кўрсатилган ҳолда гурӯхлар бўйича моддий ва номоддий активлар (ер, ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари, кўчмас мулк, офис жиҳозлари ва ҳ.к.);

- ижара олинган активлар ҳамда ижара тўлови бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ суммаси; ҳисобот санасида тўланган ва қолган сумма (даврлар бўйича);

- айланмадан ташқари активларнинг харид қилиниши ва чиқарилиши; балансда акс эттирилмаган активлар;

- бозор нархи ҳисобга олиш нархидан анча юкори бўлган активлар рўйхати; инвестициялар (улушлар тури, миқдори ва номинал қиймат ҳамда ушбу қўйилмалардан олинган даромадлар кўрсатилган ҳолда); компаниянинг кредиторлик ва дебиторлик қарзлари, шу жумладан корпорация ичидаги қарзлар ҳамда таъминот ва шартли мажбуриятларга эга бўлган қарзлар;

- ўз капиталидаги ўзгаришлар, шу жумладан янги эмиссиялар тўғрисидаги маълумотлар; фойданинг тақсимланиши; ҳисбот даврида юз берган заҳиралардаги ўзгаришлар;

- жавобгарлик марказлари бўйича тушум; тадқиқотлар ва ишланмалар учун харажатлар; ҳисбот давридан кейин юз берган воқеаларга тааллуқли изоҳлар; пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги жамлаштирилган ҳисбот (бошқа компанияларда 20 фойздан ортиқ улушларга эга бўлган компаниялар учун мажбурий).

1994 йилдан бошлаб барча йирик молия-саноат гурухлари жамлаштирилган молиявий ҳисботларни тақдим этиши шарт. жамлаштирилган ҳисботларни тузиш Европа Иттифоқининг Еттинчи Директивасида баён этилган тамойилларга асосланади. Штаб-квартираси Чехиядан ташқарида жойлашган гурухга кирувчи компаниялар жамлаштирилган ҳисботларни тақдим этиши шарт эмас.

Акциялари Прага фонд биржасида котировка килинадиган компаниялар молиявий ҳисботларни биржанинг талабларига мувофиқ тузади. Улар, хусусан, йиллик давр учун эмас, балки ярим йиллик давр учун ҳисботлар тузилишини назарда тутади.

1990 йилгача давлат корхоналарининг ҳисботларида капитал айланмадан ташқари активлар, жорий активлар фонди, инвестициявий фонд ва ривожланиш фондидан таркиб топарди. 1991 йилдан бошлаб ушбу бўлимлар битта – ўз капиталига бирлаштирилди. Ҳозирги вақтда Чехия корхоналари икки хилдаги фондларни тузишлари мумкин: капитал фонди ва бошқа фондлар.

Капитал фонди куйидагилар ёрдамида шаклланади:

•компания қимматли қофозлари бозор нархининг уларнинг акциялар янги эмиссияларини жойлаштиришдаги ва қарз мажбуриятларини айирбошлишдаги номинал қийматидан юкори бўлиши;

•корхона эгаларидан устав капиталга кирмайдиган бошқа тушумлар;

•бегараз тушумлар ва давлат субсидиялари.

Соф фойдадан ижтимоий фондни, мукофотлар фондини, бошқа фондларни шакллантириш учун фаолиятнинг биринчи йилида олинган маблағларнинг 20 фоизигача (акциядорлик жамиятлари учун) ёки 10 фоизигача (масъулияти чекланган жамиятлар учун) ва кейинги фаолиятда тегишлича 10 ёки 5 фоизигача ажратилиши мумкин.

1993 йилдан бошлаб Чехия корхоналарнинг хисоботларида мажбуриятлар узқ муддатли ва қисқа муддатли турларга бўлинади.

Захиралар икки турга бўлинади: Чехия қонунчилиги талабларига мувофиқ ташкил этилган (мажбурий) ва хўжалик юритувчи субъектларнинг устав ҳужжатларига мувофиқ яратилган захиралар.

Мажбурий захиралар солик солинадиган базадан чегирма килиниши лозим бўлиб, қуидагиларни ўз ичига олади:

•банкрот деб эълон қилинган дебиторларнинг қарзлари бўйича захира (100 фоизгача); таъмирлаш фонди;

•махсус банк захиралари (карзларнинг турли хиллари бўйича 1 фоиздан 20 фоизгача);

•махсус суғурта захиралари (суғурта мукофотларининг 60 фоизигача);

•муддати ўтган қарзлар бўйича захиралар (бир йилдан ортиқ муддати ўтган қарзлар бўйича 33 фоизгача).

Айланмадан ташқари активлар таркибига, бинолар, иншоотлар ва асбоб-ускуналардан ташқари, 1992 йилдан бошлаб хўжалик юритувчи субъектларга қарашли ер ҳам киритилди. Лекин ер участкаларининг қийматини давлат органлари белгилайди.

Айланмадан ташқари активлар (ер бундан ҳоли) харид қиймати бўйича хисобга олинади, корхона уларни совғага олган, активлар хатлаш (инвентаризация) вақтида аникланган ёки корхонага лизинг шартномаси тугаганидан кейин берилган ҳолатлар бундан мустасно. Мазкур ҳолатларда активлар балансга уларнинг тиклаш қиймати бўйича кўйилади.

Чехия корхоналарининг айланмадан ташқари активлари моддий, номоддий ва молиявий турларга бўлинади. Амортизацияни хисоблаш, одатда, бир чизиқли усул билан амалга оширилади, асбоб-ускуналарнинг хизмат муддатлари эса корхонанинг ички йўрик-номалари билан белгиланади. Бироқ, солик солиш мақсадида

амортизация ажратмаларининг ставкалари қонунчилик билан регламентланган, бунда амортизацияни хисоблашнинг бир чизиқли ва тезлаштирилган усуллари учун ставкалар бир-биридан фарқ қиласди.

Активларнинг стандарт хизмат муддатлари қўйидагича:

- алоҳида турган бинолар - 45 йил;
- технологик асбоб-ускуналар – 8-15 йил;
- турли мосланмалар - 8 йил;
- автомобиллар, компьютерлар ваофис жиҳозлари - 4 йил.

Номоддий активлар балансда уларни харид қилиш нархи бўйича (шу жумладан, воситачилик ҳаки, харид қилиш билан боғлиқ транспорт ва бошқа харажатлар) акс эттирилади ва 15 йилгача муддатга амортизация қилинади.

Ишлаб чиқариш захиралари бухгалтерия хисобида ташиш ва кабул қилиш харажатларини ўз ичига олган сотиб олиш нархи бўйича акс эттирилади. Чехия қонунчилигида маҳсулот таннархини аниқлаш иккита усул назарда тутилган - ФИФО ва ўртача чамаланган киймат, тез эскирадиган ёки тез бузиладиган хомашё ва материаллар учун эса маҳсус захиралар ташкил этилади.

Таъкидлаш лозимки, шуъба ва тобе корхоналарга қўйилмалар мулк улушларини харид қилишнинг номинал нархи бўйича акс эттирилади ва уларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатларни (масалан, воситачилик ҳакини) ўз ичига олмайди.

Фуқароларнинг пенсия таъминоти давлат томонидан амалга оширилади. Бунда ходимларни ижтимоий ва пенсион сугурталаш харажатлари корхоналар иш ҳаки фондининг 26 фоизини ва ходимлар иш ҳакининг, 9 фоизини ташкил қиласди.

Амалдаги солиқ солиш тизимига 1993 йилги конун хужжатлари билан асос солинган. Унинг асосида хўжалик юритувчи субъектлар оладиган фойдага 35 фоиз ставкаси бўйича солиқ солиш ётади. Бирок, солиқ солинадиган базанинг микдори қўйидаги сабабларга кўра фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисбототда шакллантирилган фойдага мос келмаслиги мумкин:

•солиқ солиш мақсадларида ёки ҳисботлар учун фойдаланиладиган амортизацияни хисоблашдаги фарқлар;

•солиқ тўғрисидаги конун хужжатларига мувофиқ фойдадан шакллантириладиган захираларнинг барча турларини ҳам солиқ солинадиган суммалардан чиқариб ташлашнинг мумкин эмаслиги;

• қонун хужжатларига мувофиқ чиқимларга киритиш мүмкін бўлмаган харажатларнинг мавжудлиги (масалан, дивиденdlар, облигациялар бўйича фоизлар тўлаш харажатлари ва х.к.).

Корхоналарга кечикирилган солиқ солишини қўллашга рухсат этилган. Бироқ, у ҳисоб юритиш ва солиқ солиши қондалари бўйича амортизацияни ҳисоблашдаги фарқлар туфайли юзага келган суммаларга амал қиласи ва шунинг учун корхона амалиётида бундай имкониятдан жуда кам фойдаланилади.

1993 йилда жорий этилган қўшилган қиймат ҳозирги вақтда корхоналар томонидан иккита асосий ставка бўйича тўланади: товарлар ишлаб чиқариш учун - 22 фоиз ва хизматлар кўрсатиш учун - 5 фоиз.

Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондига тўланадиган солиқ суммаси кўплаб омилларга, масалан, иш ҳақининг микдори, оиласидаги боқимандалар сони ва ҳоказоларга боғлик.

Чехия корхоналарига солиқ солиши тизими солиқларнинг бошқа турларини ҳам назарда тутади:

- товарларнинг бензин, спирт, вино, пиво, тамаки маҳсулотлари каби турларини истеъмол қилганлик учун тўланадиган солиқ;
- кўчмас мулк солиги, у ер ва бинолар қийматига солинади;
- бизнес мақсадларида фойдаланиладиган автотранспорт эгалари томонидан тўланадиган йўл солиги;
- мерос ва совғалар учун тўланадиган солиқ;
- бошқа шахсларга ўтказиладиган кўчмас мулк учун тўланадиган солиқ.

Бозор муносабатларининг ривожланиши билан бирга мустақил аудитга ҳам зарурат туғилди. Ҳозирги вақтда амал қилиб турган қонун хужжатлари барча акциядорлик компаниялари ҳамда 40 млн. кронадан ортиқ айланмага эга бўлган масъулияти чекланган жамиятлар ва кооперативларнинг мажбурий аудит қилинишини назарда тутади. Хорижий капитал иштирокидаги компаниялар учун иккита мустақил аудиторнинг хulosалари зарур.

Аудиторлик текширувлари иккита мажбурий жиҳатга тааллукли:

- йиллик молиявий ҳисоботларда активлар, мажбуриятлар, ўз капитали ва даромадларнинг акс эттирилиши ҳақонийлик ва тахминларга асосланмаганилик тамойилига мос келадими;

•корхонада ҳисоб юритиш усууллари барча бухгалтерия операцияларини тұлға ва амалдаги тамойилларга мувофиқ акс эттириш имконини берадими.

Аудиторлар ўз ишининг натижаларига күра ёзма хуросан шакллантиради. Хуроса шакли (шунигдек, аудиторнинг малакасига нисбатан қўйиладиган талаблар) Чехиянинг маҳсус қонунида назарда тутилган.

Ҳозирда аудиторлар фаолияти 1993 йилда ташкил этилган Аудиторлик палатаси томонидан мувофиқлаштирилади. Мазкур палатанинг вазифаларига профессионал стандартларни ишлаб чиқиши, янги аудиторларни тайёрлаш ва ҳоказолар киради.

## **2.9. Дания бухгалтерия ҳисоби тизимида миллий қонунчилик доирасида иш юритиш амалиёти**

Молиявий ҳисботлар халқаро стандартлари (МХХС)га ўтиш муносабати билан бошқа мамлакатларда ҳисоб юритишни ташкил этиш тажрибаси қизиқий уйғотади. Айниқса аллақачон шу йўлга қадам қўйган ва миллий компанияларга МХХС кенгаши томонидан берилган имкониятдан ўзига хос тарзда фойдаланувчи Дания тажрибаси эътиборга лойиқ.

Дастрраб шимолий мамлакатлар, шу жумладан, Дания, Норвегия, Финляндия ва Швеция ўртасида ҳисоб юритиш тизимларини мувофиқлаштиришга бўлган биринчи уринишлар 1934 йилда амалга оширилди, бироқ улар ўша вактда керакли натижаларни бермади. 1960-йилларнинг охирига келибгина, ушбу мамлакатлар Европа Йттифоқига аъзо бўлиши арафасида, мазкур жараёнга энди умумевропа интеграцияси доирасида янги туртки берилди: бир неча йиллар мобайнида ушбу мамлакатларда компаниялар тўғрисидаги қонунлар қабул қилиниб, улар ҳозиргacha (тузатишлар ва қўшимчалар билан) амал қилиб турибди. Данияда бу тегишлича йирик бизнес ва кичик оиласи компанийлар фаолиятини тартибга солувчи очиқ ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги иккита алоҳида конун.

Акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонунлардан ташкири, бухгалтерия ҳисобини қонунчилик йўли билан тартибга солиш тизимиға: бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун; бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисидаги буйруқ; бухгалтерия ҳисботлари тўғрисидаги қонун ва буйруқ ҳамда молиявий ҳисботларни тузиш

таркиби ва тамойилларига аниқлик киритувчи бошқа хужжатлар киради. Бухгалтерия хисобини норматив тартибга солиш тизимида давлат даражасидаги хужжатлар устунлик килади.

1976 йилда Дания Молиявий ҳисботлар халқаро стандартлари күмитасига аззо бўлди. Кейинчалик стандартлар изохлар билан миллий тилда чоп этилди. Ҳозиргача улар қонуң кучига эга эмас ва қасбий амалиётда алоҳида роль ўйнамайди, бу стандартларнинг ўзларига ҳеч қандай зид эмас. Бироқ, МХХС таъсири остида охирги 30 йилда бухгалтерия амалиёти сезиларли даражада ўзгарди, бу устунлик қилувчи ҳисоб юритиш концепцияларининг ўзгаришига олиб келди.

Бошқа ҳеч бир давлатда мавжуд бўлмаган «тартибга солингланлик ва мулоҳазакорлик концепцияси» XX асрнинг бошидан эътиборан Данияда ҳисоб юритиш анъаналари шаклланишининг ўзига хос ҳусусияти бўлди. Мазкур концепцияга мувофиқ акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонун компания ҳисботларида унинг молиявий аҳволини компания менежментининг бизнесни юритишнинг энг яхши ўйлари хақидаги тасаввурларига жавоб берувчи усул билан акс эттиришни белгилаб беради.

Охирги чорак аср мобайнида МХХС ва европа кўрсатмаларининг ёйилиши билан бирга тартибга солингланлик ва мулоҳазакорлик концепциясининг ўрнини ҳўжалик ҳаётининг фактларини ҳаққоний ва тахминларга асосланмаган ҳелда акс эттириш концепцияси эгаллади, бу миллий бизнесдаги умумий вазиятни акс эттириди. Унинг ривожланиши ҳисботларнинг манфаатдор ташки фойдаланувчилари пайдо бўлишига олиб келди, шунинг учун йирик компаниялар энди ҳисботларни майдо оиласвий бизнесдан кўра бошқа қоидалардан келиб чиқиб тузишлари шарт. Ҳисоб юритиш иши бунда ўзгармасдан қолди: ҳисоб юритиш амалиётида профессионаллар фикри ҳал қилувчи роль ўйнайди, ҳисоб юритишни тартибга солиш эса анча мослашувчан бўлиб қолади. Ҳусусан, охирги йиллар молиявий жанжаллари муносабати билан молиявий ҳисботлар тўғрисидаги қонун бир неча марта қайта кўриб чиқилиб, унда ахборотни ошкор қилишга нисбатан қўйиладиган талаблар янада қатъийлашган бўлса-да, лекин 1995 йилдан бошлаб кичик бизнеснинг молиявий ҳисботларига нисбатан қўйиладиган талаблар сезиларли даражада соддалаштирилди. Ушбу талабчанлик сусайишининг айримлари (масалан, фондлар ва захиралар тўғрисидаги ахборотнинг ошкор қилиниши) Европа директивалари ва

МХХСга түғридан-түғри зид келади, бирок, миллий хисоб юритиш анъаналари ҳозирча кучлироқ бўлиб чикмоқда. Ҳисоботлари Европа Иттифоқининг Тўртинчи ва Еттинчи Директивалари ҳамда МХХС талабларига тўлиқ мос келадиган стандартлар билан қатъй тартибга солинадиган компаниялар ягона гурухи – бу акциялари Копенгаген фонд биржасида котировка қилинадиган компаниялардир.

Данияда акциядорлик компаниялари аудит қилиниши ва ўз ҳисоботларини давлат агентлигига (Дания савдо ва компаниялар агентлигига) тақдим этиши шарт. Мазкур агентликда ҳисоботлар ҳар қандай манфаатдор шахслар томонидан ўрганиб чикиш учун очик. 1973 йилга қадар акциядорларининг сони ўн нафар ва ундан камни ташкил қиласидиган оиласий компанияларгина ушбу қоидага амал қилмасди (уларнинг ҳисоботлар чоп этилмасди). Компаниялар тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши билан улар бундай имтиёздан маҳрум бўлди.

Данияда 1990 йилда кучга кирган Европа Иттифоқининг Еттинчи Директиваси талабларига мувофиқ баланс, фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисобот ҳамда уларга иловалардан ташқари, Директорлар кенгашининг ҳисоботи, тушунтириш хоти ва молиявий гурухнинг жамлаштирилган ҳисоботлари бухгалтерия ҳисоботларининг зарур таркибий қисмлари ҳисобланади.

Дания ҳисоб юритиш амалиётининг яна бир ўзига хос хусусияти шундан иборатки, маҳсулотнинг таниархини шакллантиришда тўғридан-тўғри ўзгарувчан харажатлар бўйича ҳисоблаш (директ-костинг) усули кўлланилади. 60-йилларнинг бошидан бошлаб то XX асрнинг охиригача тўғридан-тўғри харажатлар бўйича ҳисоблаш шунчалик оммалашган эдикি, ҳатто Дания вААР тамойиллари таркибига ҳам кирди. Бирок, мазкур усул 2-сон «Захиралар» МХХС талабларига тўғридан-тўғри зид.

Охирги йилларда Даниянинг тобора кўп сонли компаниялари, шу жумладан кичик ва ўрта бизнес компаниялари, тўлиқ харажатлар бўйича ҳисоблаш тамойилларига ўтмоқда. Директ-костинг усулини кўлловчи компаниялар улуши 1990-йилларда сезиларли даражада қисқарди.

Дания компаниялари фойда ва заарлар тўғрисидаги якуний ҳисоботларининг форматларини ҳам миллий ҳисоб юритиш амалиётининг анъанаси деб ҳисоблаш лозим: уларга ҳисоблаш оралиқ молиявий натижаларнинг бир неча кўрсаткичлари киритилади, бунда ҳар бир фирмада ушбу кўрсаткичларни ҳисоблашнинг

ўз методикаси мавжуд бўлиб, бу ҳол турли ҳисоботларни таққослашни қийинлаштиради. Кўрсаткичларни деталлаштириш масалаларини ҳам професионаллар ҳал этади, шунинг учун бир модданинг мазмуни турли ҳисоботларда турлича бўлиши мумкин.

Кўплаб моддалар Дания бухгалтерлари томонидан “фавқулодда” моддалар сифатида талқин этилади. Даниянинг 5-сонли ҳисоб юритиш стандарти келгусида тез-тез ёки мунтазам тақрорланмайдиган моддаларни фавқулодда моддалар сифатида таърифлайди. Ушбу таърифнинг касбий мухитдаги оммавий талқини ҳатто асосий воситаларни сотишдан кўрилган фойда ва заараларни ҳам фавқулодда моддаларга киритиш имконини беради.

Қайси активларни айланмадан ташқари активлар жумласига, қайсиларини айланма активлари жумласига киритиш лозимлиги бўйича аниқ қонуний кўрсатма мавжуд эмас. Ушбу масалани професионаллар ҳар бир муайян вазиятда ҳал этишади. Айланма активлари учун баҳолашнинг ҳар қандай усусларига рұксат этилган, бу ерда умумий ёйилган амалиёт мавжуд эмас эмас.

Дания бухгалтерия ҳисобида анъанавий тарзда айланмадан ташқари активлар, захиралар ва ҳисботларнинг бошқа моддаларини солик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ баҳолаш қоидалари кўлланилди. Данияда Европа Иттифоқининг Тўртинчи Директиваси амалга киритилган 1981 йилга қадар ҳатто ҳисботда кўрсатиладиган ва солик солинадиган фойдани талқин этишдаги назарий фарқлар ҳам мавжуд эмас эди. Ҳозирги вактда ҳисботларнинг Европа директивлари нормаларига йўналтирилганлиги расмий тарзда эълон қилинаётганлигига қарамай, соликларни тартибга солиш ҳозиргача хусусий компанияларда ҳисоб юритишнинг мухим асоси ҳисбланади.

Бухгалтерлар асосий воситалар қийматини ҳисобдан чиқариш усусларини эркин белгилайди. Умумий ёндашув 10-сонли стандартда таърифланган: амортизацияни ҳисоблаш усули активдан энг яхши тарзда фойдаланиш суръатларини акс этириши лозим. Агар асосий воситаларнинг фойдалилиги доимий ҳаракатдаги омиллар таъсири остида сезиларли даражада ошган бўлса, уларни қайта баҳолаш мумкин, лекин бундай омилларни ва “фойдалилик”нинг ўзгариши ҳажмини професионаллар аниқлайди. Амалиётда ер ва кўчмас мулк энг тез-тез қайта баҳоланади, чунки ушбу активлар бозори ўта ҳаракатча бўлиб, ундаги нархлар тез-тез ўзгариб туради, боз устига мамлакатда ер ва кўчмас мулк объектларини

баҳолашнинг аниқ тизими мавжуд. Баҳоловчи нозирлар ва солик органлари мутахассислари солик солиши мақсадида ушбу активларни қайта баҳолашни ҳар йили ўтказади. Улар ишининг натижалари ҳисоб юритувчи ходимлар учун шарт эмас, лекин ҳисботларни шакллантиришда улардан тез-тез фойдаланилади.

Данияда амал қилиб турган кичик ва ўрта бизнес компаниялари томонидан молиявий ахборотининг ошкор қилиниши қоидалари тули ҳисоб юритиш усулларини қўллаш учун кенг имкониятларни беради. Фондлар ва захираларни шакллантириш ҳамда уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш борасида ягона фикр мавжуд эмас. Масалан, шубҳали қарзларни қоплаш учун захира ишлаб чиқариш харажатлари, сотиш харажатлари таркибига киритилиши ёки маъмурий харажатлар ҳисобланиши мумкин. Дания миллий ҳисоб юритиш стандартлари қўйидагиларни ташкил этиш имконини беради:

- қайта баҳолаш учун захира;
- ўз акцияларини сотиб олиш учун захира;
- қонунчилик захираси (компаниялар тўғрисидаги қонун миқдори компаниянинг молиявий ахволига мос келадиган захиранинг яратилишини талаб қиласди, бу мазкур ҳолатнинг ўзини ҳам, захиранинг талаб этилаётган миқдорини ҳам талқин этиш имконини беради);
- кимматли қофозлар ва валютанинг қадрсизланиши учун захира;
- инвестициявий захира;
- зарарларни қоплаш учун захира;
- шубҳали қарзларни қоплаш учун захира;
- кечиқтирилган солиқларни тўлаш учун захира (у шарт эмас) ва б.

Умуман олганда Дания бухгалтерия амалиёти ғоят хилма-хил. Профессионалнинг фикри катта аҳамиятга эга: ҳисоб юритиш усуллари айнан бухгалтер томонидан танланади. Миллий профессионал стандартлар ўз мазмунига кўра МХҲСга жуда яқин бўлсада, лекин улар фақат акциялари биржада котировка қилинадиган компаниялар учун аҳамиятли. Кичик ва ўрта бизнес амал қиладиган қонун хужжатлари концептуал қоидалар ва мақсадли кўрсатмаларни ўзида мужассам этмаган, шунинг учун профессионал амалиётчилар томонидан танқид остига олиниб туради.

Дания бухгалтерия ҳисобининг бундан кейинги ривожланиши йирик компанияларнинг иш амалиётига молиявий ҳисботлар

халқаро стандартларининг жорий этилиши билан боғлик бўлиши мумкин. Кичик ва ўрта бизнесда миллый ҳисоб юритиш амалиётининг ўзига хослиги сақланиб қолиши кутилмоқда.

Шу нуқтадан назардан Дания тажрибаси эътиборга лойик. Қайси компаниялар ва қанчалик тез бундай ўтищни амалга ошириши, МХХС талабларига қанчалик аниқ амал қилиш, уларни миллый солик қонунчилиги талаблари билан қандай мувофиқлаштириш керак – ушбу масалаларни даниялик бухгалтерлар ҳал этиб бўлган: Аксарият кўпчилик компанияларнинг ҳисоб юритиш амалиёти қонун хужжатлари талабларига имкон қадар яқинлаштирилган, ва фақат фонд бозорларида ишловчи компанияларгина ҳисоботларни МХХС талабларига мувофиқ тузиши шарт.

## 2.10. Польшада бухгалтерия ҳисоби

1934 йилда қабул қилинган Тижорат кодексининг бир неча қоидалари бекор қилиниб ёки ўзгаририлганига қарамай, у Польшада бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи асосий манба бўлиб қолмоқда.

1994 йилда қабул қилинган Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун иккинчи манба ҳисобланиб, у ҳисоботлар ва аудитнинг изчил ислоҳ қилинишини назарда тутади. Ушбу қонуннинг бўлимлари қуйидагиларни ёритади: бухгалтерия ҳисобининг моҳияти, инвентаризациялаш тириби, активлар ва пассивларни баҳолаш, молиявий натижаларни аниқлаш, корхоналар томонидан ҳисоботларнинг тузилиши, корпоратив тузилмалар ҳисоботларининг ўзига хос хусусиятлари, ҳисоботларни аудит қилиш ва уларни эълон қилиш шартлари, бухгалтерия хужжатларининг архивларини ташкил қилиш, қонун хужжатларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик ва х.к. Мазкур қонун деярли барча иқтисодий субъектларга амал қиласди.

Асосий соликлар – ташкилотлар ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги ҳамда кўшилган қиймат солиги.

Аудитор касби Аудитор-экспертлар миллый палатаси тасдиқланган 1991 йилдан бошлаб қонун билан тартибга солинади. У Молия вазирлигига бўйсунади ва қўйидагиларни назорат қиласди:

- Миллый конгресс;
- Миллый кенгаш лицензияланган аудиторларни рўйхатга олади. Рўйхатга олиш учун олий маълумотга; охирги икки йил мобийнида

касбий амалиёт узлуксиз стажига; аудитор-эксперт раҳбарлигига икки йиллик ўқиши томомлаганлик ҳақидаги ҳужжатга эга бўлиш ва тест синовларидан ўтиш зарур;

- Миллий аудит қўмитаси;
- Миллий интизомий суд.

Бухгалтерия хисоби тўғрисидаги қонун ҳар бир ташкилотга ўз счёtlар режасига эга бўлиш ҳукуқини беради. Бироқ, ташкилотлар Кимматли қофозлар комиссияси томонидан биржа рўйхатига киритилган компаниялар учун ва Молия вазирлиги томонидан бошқа ташкилотлар учун ишлаб чиқиладиган намунавий счёtlар режаларини ҳам кўллашлари мумкин.

Соддалаштирилган молиявий ҳисоботлар улар бўйича қуйидаги кўрсаткичлардан иккитаси ошиб кетмайдиган корхоналарда кўлланилиши мумкин: ходимларининг рўйхат бўйича ўртача сони – 50 нафар; ҳисобот йилининг якуни ҳолатига кўра корхона соф активларининг қиймати – 1 000 000 евро; 1 йил мобайнида маҳсулот сотиш ва бошқа хўжалик операцияларидан соф тушум – 2 000 000 евро.

Корхонанинг молиявий ҳисоботлари баланс, фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисобот ва қўшимча ахборотдан иборат. Бундан ташкири, давлат ва хусусий корхоналар пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни тузиши шарт, кичик корхоналар бундан мустасно. Ҳар қандай корхонанинг директорлар кенгashi корхонанинг хўжалик фаолияти тўғрисида йиллик ҳисоботни тайёрлаши шарт. Баланс шакли ва фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг тўртта муқобил шакли Бухгалтерия хисоби тўғрисидаги қонунга иловада кўриб чиқилган.

Баланс шакли Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун билан тасдиқланган. У кўп жиҳатдан Европа Иттифоқининг Тўртинчи Директиваси билан белгиланган шаклга яқинлаштирилган, лекин шуниси билан фарқ қиласдики, балансда филиаллар ва бўлинмалар билан алоқалар, юзага келган ва ҳисобот даврида тўланган кредиторлик ва дебиторлик қарзлари ажратилмаган; бир йилдан кўпни ташкил қилувчи қарзлар узоқ муддатли қарзлар сифатида баҳоланади.

Айланмадан ташари активлар моддий ва номоддий активларга бўлинади. Моддий активларга бинолар, иншоотлар, механизмлар ва асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, корамоллар ва х.к. киради. Уларнинг кутилаётган фойдаланилиш муддати бир йилдан

кўп. Мазкур активлар корхонанинг ўзи томонидан фойдаланилади ёки шартнома шартларида бошқа корхона томонидан фойдаланиш учун мўлжалланган (жорий ижара ва х.к.). Ушбу гурухга ташкилотнинг мулки хисобланмаган, лекин солик тўгрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ижарачи у бўйича эскиришни хисоблаши шарт бўлган мол-мулк ҳам киради (молиявий ижара). Бироқ, амалиётда барча ижара жорий ижара сифатида талқин этилади.

Номоддий активларга корхонанинг мулк учун қўлга киритган ва фойда олиш мақсадида фойдаланилаётган ҳуқуқлари киради. Улар кўчмас мулкка биргаликда эгалик қилиш ҳуқуқ, ихтиrolар, патентлар, савдо русумларига бўлган ҳуқуқлар ҳамда ушбу иқтисодий субъект ёки бошқа корхона томонидан фойдаланиш ҳуқуқи асосида ёхуд бошқа шартномавий муносабатларда фойдаланиладиган фойдали муддати бир йилдан кўп амал қиласидан бошқа ҳуқуқларни ўз ичига олади. Бундан ташқари, номоддий активлар таркибига корхонани таъсис этиш ёки янада ривожлантириш билан боғлик ташкилий харажатлар, гудвилл, корхонани ривожлантириш ва такомиллаштириш харажатлари киради.

Молиявий маблаглар (активлар) қуйидагиларни ўз ичига олади: акциялар, облигациялар ва қайта сотиш мақсадида сотиб олинмаган бошқа қимматли қоғозлар; берилган узок муддатли қарзлар.

Жорий активлар моддий-ишлаб чиқариш захиралари, дебиторлик қарзлари, бозор қимматли қоғозлари ва пул маблаглари.

Хусусий ва жалб этилган капитал бешта гурухга бўлиниди: капитал; захиралар; узок муддатли мажбуриятлар; киска муддатли мажбуриятлар ва маҳсус йўналтирилган фондлар; тўпланган харажатлар ва келгуси даврлар даромадлари.

Капитал (хусусий фонд) қуйидагиларни ўз ичига олади: устав капитали; обуна қилинадиган нархи тўланмаган капитал; қўшилган капитал; активларни қайта баҳолаш учун захиралар; бошқа резерв капитал; таксимланмаган фойда; соф фойда ёки молиявий йилда кўрилган зарар.

Бунда қўшилган капитал қуйидагилардан таркиб топади: акциялар ҳакиқий нархининг номинал нархдан ошиқча суммаси; қонунчиликка мувофиқ хосил бўладиган захиралар; компаниянинг нотариал ҳужжатлари (компанияни ва уставни таъсис этиш учун кўшма шартнома); бошқа келишувлар ёки капиталнинг қўшимча

оширилиши (масалан, акциядорлар томонидан вақтінчалик берилған күшімча капитал).

Жорий йилнинг соғ фойдаси (зарари) балансда алохіда күрсатылади, чунки ундан фойдаланиш акциядорларнинг ҳар йиллик үйгілишида қабул қилинадиган қарорға боғлиқ. Балансда акс эттирилған фойда (зарар) міндері фойдадан ажратмалар (уларнинг асосий кисміні солиқлар ташкил қылады) суммасына камайтирилған соғ натижага («Фойда ва заарлар» счётида акс эттирилған міндерге) тенг бўлиши керак.

Ташкилот ёки жисмоний шахслар даромадларига солиқ солиш учун яратилған захираларни бошқа захиралардан фарқлаш лозим. Бухгалтерия ҳисоби бўйича низом ва даромадларга солиқ солищга оид йўрикнома тузидағи материалларга мувофиқ захираларнинг биринчи гурӯҳи олинган даромадни ёки турли даврларда кўрилған чиқимларни тан олишдан келиб чиқадиган вақтдаги фарқни «йўқотишга» йўналтирилған. Ушбу захира солиқ тўловларининг муддатини чўзиш учун яратилиши зарур.

Бошқа захиралар турли таваккалчиликлар, эхтимолий йўқотишлилар ва бошқа мажароларнинг молиявий оқибатларидан химоялаш учун мўлжалланган. Хусусан, захира муддати ўтган дебиторлик қарzlари (масалан, контрагентнинг банкрот бўлиши ёки қарз мажбуриятлари бўйича б ойдан кўп тўламасликлар туфайли юзага келган дебиторлик қарzlари), шубҳали қарzlар учун мўлжалланган.

Узоқ муддатли мажбуриятлар қарз, гаров мажбуриятлари ва бошқа кафолатлар; банклар кредитлари; бошқа узоқ муддатли мажбуриятларга бўлинади. Узоқ муддатли даврнинг узунлиги маҳсус белгиланмайди, лекин у 12 ойдан ошиб кетмаслиги лозимлиги назарда тутилади.

Қисқа муддатли мажбуриятлар солиқлар, божхона тўловлари ва ижтимоий сугурта бўйича мажбуриятлар; тўпланган компенсациялар ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

Махсус захиралар қонунчилик талабларига мувофиқ яратиласи (масалан, корхона ходимлар учун фонд).

Фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисоботни тузишда фойда ва заарлар счётининг тўртта муқобил форматини кўллаш мумкин. Улар Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунга иловаларда келтирилған бўлиб, куйидагиларни ўз ичига олади: сотишдан тушум; сотилган маҳсулот таннархи; ялпи фойда; сотиш ва

бошқарув харажатлари; сотищдан олинган фойда; бошқа операцион даромадлар ва харажатлар; ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган фойда (зарар); молиявий фаолиятидан олинган бошқа даромадлар ва харажатлар; иқтисодий фаолиятидан олинган ялпи фойда (зарар); кутилмаган фойда ва зарарлар; ялпи фойда (зарар); ялпи фойдадан мажбурий тўловлар; соф фойда (зарар).

Хисоботларга иловалар батафсилоқ очиб беришни талаб қилувчи ахборотни ўзида мужассам этган бўлиб, иқтисодий субъект активларининг холисона баҳосига, молиявий аҳволига, молиявий натижалари ва рентабеллигига аниқликлар киритиш учун мўлжалланган. Хусусан, иловалар қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим: хисоботларда фойдаланиладиган баҳолаш усуллари ва хисоботларни тузишда кўлланиладиган бошқа усуллар таърифи, ўтган йил билан солиширилганда юз берган ўзгаришлар сабаблари; балансда ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги хисоботда акс этирилган активлар, мажбуриятлар ва ўз маблағлари тўғрисидаги қўшимча ахборот; баланс ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги хисоботни холисона баҳолаш учун зарур бўлган ҳар қандай мухим ахборот; фойдани ассигнациялаш (зарарларни киритиш) учун назарда тутилаётган манбалар таърифи; корхонанинг штатлари тўғрисидаги ахборот ва бошқарув аъзолари ҳақида маълумотлар; ташкилотга тегишли ерларнинг қиймати; молиявий ва жорий ижара шароитида фойдаланиладиган асосий воситалар қиймати; федерал ва минтақавий бюджет олдидағи мажбуриятлар; юзага келиш муддатлари бўйича кредиторлик қарзларининг таҳлили (1 йилгача, 1 йилдан 5 йилгача, 5 йилдан ортиқ); бўнаклар, келгуси даврлар тушумлари ва даромадлари рўйхати; корхона активлари билан кафолатланган қарзлар хилларининг рўйхати; кутилмаган кредиторлик қарзлари, шу жумладан вексель ва кафиллик ҳажми; ҳисоблаш сабаблари асосланган ҳолда режалаштирилмаган амортизация ажратмалари; сотиши ҳажмининг камайиши туфайли юзага келган захиралар қийматининг ўзгарганлиги учун фойда микдорига тузатишлар; солик солинадиган даромад микдори (солик тўғрисидаги қонун хужжатларга мувофиқ аниқланган) билан фойда ва зарарлар тўғрисидаги хисоботда кўрсатилган фойда (зарар)нинг микдори ўртасидаги фарқ; енгиг бўлмайдиган куч ҳодисалари оқибатида ҳосил бўлган кутилмаган даромадлар ва йўқотишлар тўғрисидаги ахборот; кутилмаган фойда (зарар) ҳосил бўлганда даромад солиги; солик тўловлари бўйича муддати чўзилган қарзлар.

Пул маблағларининг харакати тўғрисидаги хисобот қуидагиларни ўз ичига олади: асосий фаолият, инвестициявий ва молиявий фаолиятдан олинган пул маблағларининг харакати тўғрисидаги маълумотлар; пулли активлар миқдорининг ўзгариши; уларнинг молиявий йил боши ва охиридаги миқдори.

Мулкчиликнинг барча шаклларидағи корхоналар бошқаруви анъанавий бухгалтерия хисоби шаклларидан ташқари корхонанинг молиявий йилдаги фаолияти натижалари тўғрисида маъмурӣ ҳисоботни тақдим этиши шарт. У тўртта бўлимдан иборат: асосий воқеалар, шу жумладан корхонанинг молиявий йилдаги фаолияти натижаларига сезиларли таъсир кўрсатган ёки келгусида кутилаётган ҳақиқий капитал қўйилмалар; корхонани (режадаги) реконструкция қилиш ва модернизациялаш; илмий ишланмалар ва техник ривожланишдаги асосий ютуқлар; корхонанинг жорий ва прогноз қилинаётган молиявий ахволи.

Йиллик бухгалтерия ҳисоботи ва уни тасдиқлаш тўғрисида акциядорлар умумий йигилишида чиқарилган қарорлар, соф фойдани тақсимлаш ва зарарни ҳисобдан чиқариш тартиби, корхона маъмуритининг йиллик ҳисоботи ҳамда аудиторлик ҳулосаси (агар корхона аудит қилиниши шарт бўлса) суд ёки тижорат рўйхатига олинади. Ушбу қоида мулкчиликнинг барча шаклларидағи корхоналарга амал қиласи.

Давлат ёки йирик ҳусусий ташкилотлар учун баланс, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот, пул маблағларининг харакати тўғрисидаги ҳисобот, аудиторлик ҳулосаси ва молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш, соф фойдани тақсимлаш ва соф зарарни қоплаш йўналишлари тўғрисида акциядорлар умумий йигилишида чиқарилган қарор кабилар уларни чол этиш нуқтаи назаридан кўриб чиқиласи.

Кичик ҳусусий корхоналар ҳисоботларни чол этишдан озод қилинади.

Жамлаштирилган ҳисоботларни бош компания, шуъба ва тобе фирмаларни ўз ичига олувчи молиявий гуруҳлар тузиши шарт. Унинг таркибига қуидагилар киради: йигма баланс; фойда ва зарарлар тўғрисида йигма ҳисобот; пул маблағларининг харакати тўғрисида йигма ҳисобот; кўшимча ахборот (молиявий ҳисоботларга тушунтириш хати); гурух фаолияти тўғрисида махсус ҳисобот.

Жамлаштирилган молиявий ҳисоботларни тузиш учун қуидаги усуслар қўлланилади: шуъба компаниялар учун – тўлик

жамлаштириш усули; тобе компаниялар учун – харид қилиш усули (фаолияти соҳалари тўлиқ фарқ қиладиган шуъба компаниялар хисоботларини бирлаштириш учун иккинч усул кўлланилади).

Агар корхона қайта сотиш учун харид қилинган бўлса; бошка корхоналарга қараганда корхонанинг молиявий гуруҳнинг молиявий хисоботларидаги улуши кичик бўлса; корхона устидан назорат вакт доиралари билан (кўпи билан 1 йил) ёки бошқача тарзда чекланган бўлса, бундай шуъба ва тобе корхоналар учун жамлаштирилган хисоботларни тузиш мажбурий эмас.

Жамлаштирилган хисоботлардан қуйидагиларни чиқариб ташлаш лозим: ўзаро дебиторлик ва кредиторлик қарзлари; бирлаштирилган фирмалар ўртасидаги иқтисодий операциялардан олинган даромадлар ва харажатлар; гурухий операциялардан юзага келадиган фойда ва зарарлар; тўланган ёки бош корхонадан олинган дивиденклар.

Бирлаштириш чоғида фирмалар баҳолаш ва хисоботларни тузишнинг ягона усулларини кўллашлари шарт. Жорий ҳисоб юритищда ягона усулларни кўллашнинг иложи бўлмаган ҳолларда бирлаштиришдан олдин уларни тўғрилаш тартиб-таомили ўtkазилиши керак.

Бирлаштирилиши лозим бўлган, лекин чет эл валютасида тузилган хисоботлар тақдим этилиши даркор эди.

Кўшимча ахборот қуйидагиларни ўз ичига олади: молиявий гурухга кирувчи корхоналар рўйхати; баҳолаш ва ҳисоблаш усулларининг таърифи; тушумлар миқдорининг сотишга ҳамда фаолият турларига ва бозордаги вазиятга боғлиқлиги таҳлили; молиявий гуруҳда юз берабётган ўзгаришлар.

Польша ҳисоб юритишининг асосида бухгалтерия ҳисобининг маълумотларига нисбатан қўйиладиган ўша талаблар ётади: объективлик, аниқлик, текшириувчанлик, ўз вақтидалик.

Бухгалтерия ҳисобида активлар ҳолатини, иқтисодий субъектнинг молиявий аҳволини ва молиявий натижани объектив тарзда акс эттириш лозим. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун барча жорий операциялар бухгалтерия ҳисоби регистрларида тўғри акс эттирилишини талаб қиласи. Бундан ташқари, эҳтиёткорлик (консерватизм) тамойилига ҳам амал қилиш зарур. Мол-мулк ва жалб этилган капитални баҳолашда ҳамда молиявий натижани аниқлашда корхона ўз фаолиятини яқин келажақда амалга оширади, деган тахминдан келиб чиқиласи (агар бу корхонанинг ҳақиқий

холатига зид бўлмаса ёки унинг тугатилиши тўғрисида расмий карор қабул қилинган бўлмаса). Барча турдаги даромадлар ва улар билан боғлиқ харажатларни маблағлар ёки тўловлар келиб тушган санадан қатъи назар мажбуриятлар юзага келган вақтда ҳисобга олиш лозим. Бироқ, кутилмаган фойда фақат уни олиш вақтида ҳисобга олиниши керак.

Мол-мулк ва мажбуриятларни балансга қўйиш вақтида ҳисоб юритишида кўйидаги нархлар кўлланилади:

- асосий воситалар ва номоддий активлар – харид қилиш нархи, ишлаб чиқариш таннархи, эскириш, курилиши тугалланмаган ишлаб чиқариш, бошқа корхоналардаги улуш чегирма қилинган ҳолда қайта баҳолаш қиймати;

- узоқ муддатли қўйилмалар – харид қилиш нархи, ишлаб чиқариш таннархи; захиралар ва харажатлар – харид қилиш нархи ёки ишлаб чиқариш таннархи;

- кисқа муддатли молиявий қўйилмалар – эҳтимолий сотиш нархидан юқори бўлмаган ҳақиқий харажатлар; қарз мажбуриятлари – эҳтимолий сотиш нархи (даромадлар ёки харажатлар сифатида қайд этилган харид қилиш нархидан фарқ қиласа тақдирда);

- дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, шу жумладан, қарзлар – тўланиши ёки олиниши лозим бўлган суммалар; пул маблағлари; капитал ва захиралар; чиқарилган қимматли қоғозлар; бошқа активлар ва мажбуриятлар – номинал нархлар.

Тақкослаш учун таъкидлаш лозимки, ҳисоб юритиши объектларини баҳолаш методикаси юқорида кўриб чиқилган методикадан бир мунча фарқ қиласи. Масалан, асосий воситалар харид қилиш нархи бўйича ёки қуриш (харид қилиш) ва тайёр ҳолатга келтириш учун ҳақиқий харажатлар бўйича ҳисобга олиниади. Эҳтимолий сотиш нархи тушунчаси кўлланилмайди, кисқа муддатли молиявий қўйилмалар харид қилиш нархи бўйича кирим қилинади.

Импорт қилинадиган товарларнинг харид қилиш нархига товарни фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш бўйича барча харажатлар ҳамда давлат божлари ва бадаллар киритилади.

Товар-моддий бойликларнинг нархини аниқлашнинг иложи бўлмаган ҳолатларда ёки уларни бепул топширишда ҳисоб юритиши учун ўхшашиб маҳсулот нархлари кўлланилади. Маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатларини аниқлашнинг иложи бўлмаган ҳолларда

улар нормал фойда чегирма қилинган ҳолда ўхшаш маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатлари каби аникланади.

Асосий воситалар ва уларнинг эскириш микдори қайта баҳоланиши мумкин (масалан, инфляцияга йўл қўймаслик учун). Бунда юзага келадиган фарқлар активларни қайта баҳолаш бўйича захира хисобига ҳисобдан чиқарилади.

Амортизация асосий воситаларнинг муайян гурухлари учун эскириш муддатлари ва коэффициентларидан фойдаланган ҳолда муайян схема бўйича ҳисобланади. Ҳисобланадиган эскириш микдори иш сменаларининг сонига, технологик ва иқтисодий тараққиёт даражасига, ишлаб чиқариш кувватлари, расмий фойдаланиш муддатлари, олдиндан белгиланган тугатиш қиймати, солиқ тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ эскириш коэффициентларига қараб ўзгариб туриши мумкин.

Номоддий активларни баҳолаш ва улар бўйича эскиришни ҳисоблаш бир-бирига ўхшайди.

Корхонани ташкил этиш, рўйхатан ўтказиш харажатлари ва гудвил 5 йил ичida ҳисобдан чиқарилиши лозим. Харид қилиш нархи активларни харид қилиш бозор нархидан паст бўлган ҳолларда фарқ захира капиталга эмас, балки келгуси даврлар даромадларига ёзилиб, у ҳам 5 йил ичida ҳисобдан чиқарилади. Айни пайтда гудвил ва келгуси даврлар даромадлари, агар корхонанинг ҳисоб юритиш сиёсатида ушбу ҳолат назарда тутилган бўлса, узокроқ муддат мобайнида ҳисобдан чиқарилиши мумкин.

Польшанинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатларида қурилиши тугалланмаган ишлаб чиқаришни баҳолашда муайян вақт мезонлари қўлланилади. Агар ишлаб чиқариш цикли 3 ойдан ошмаса, уни фақат материалларнинг тўғридан-тўғри харажатлари ёки барча ишлаб чиқариш харажатларининг микдори бўйича баҳолаш мумкин (директ-костинг). Алоҳида ҳолатларда, агар бу айланма маблағлар микдори ва молиявий натижага сезиларли таъсир кўрсатмаса, барча харажатлар «Асосий ишлаб чиқариш» счётига эмас (у юритилмайди), балки тўғридан-тўғри «Фойда ва зааралар» счётига ҳисобдан чиқарилади. Агар ишлаб чиқариш цикли 3 ойдан узоқ давом этса, у ҳолда қурилиши тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажми ҳам тўғридан-тўғри, ҳам билвосита харажатларни ўз ичига олади.

Захиралар ва киска муддатли қимматли қофозлар (қайта сотиш учун мўлжалланган) ўртача чамаланган қиймат бўйича, ёки

дастлабки харидлар нархлари (ФИФО) бўйича, ёхуд охирги дастлабки харидлар нархлари (ЛИФО) бўйича, ёки ҳақиқий харид килиш нархлари бўйича баҳоланиши мумкин. Бунда эскирадиган захиралар эҳтимолий сотиш нархи бўйича баҳоланиши керак. Агар тайёр маҳсулот ва қайта сотиш учун харид қилинган товарлар 5 йил ичida сотилса, у ҳолда уларнинг қиймати зарап ҳисобига ҳисобдан чиқарилиши мумкин.

**Фирманинг акциядорлик капитали уставда келтирилган суммада кўрсатилиши даркор.**

Капитал қўйилмалар, реконструкция ва ишлаб чиқиш учун дотациялар, субсидиялар ва бадаллар мақсадли тушумлар, даромадларнинг бир тури сифатида баҳоланади.

Чет эл валютасида амалга ошириладиган операциялар миллий валютага қайта ҳисобланиб, қўйидаги тарзда ҳисобга олинади: пул маблағлари, акциялар ва қимматли қоғозлар – харид қилиш ёки сотиш учун ҳақиқий айирбошлиш курси бўйича; бошқа активлар ва мажбуриятлар – операциялар амалга оширилган кундаги ўртacha айирбошлиш курси бўйича.

Балансни тузишда чет эл валютасида баҳоланганди объектлар қиймати ҳам қайта баҳоланиши керак: бошқа корхоналар акциялари, узоқ муддатли қимматли қоғозлар ва чет эл валютасидаги нақд маблағлар – харид қилиш учун ҳақиқий айирбошлиш курси бўйича, лекин баланс тузишган кунда амалда бўлган ўртacha айирбошлиш курсидан юқори бўлмаган курс бўйича; бошқа активлар ва мажбуриятлар – баланс тузишган кунда амалда бўлган ўртacha айирбошлиш курси бўйича.

Агар фирманинг чет элда фаолият кўрсатиб турган, ҳисботларини мустақил тузувчи филиаллари мавжуд бўлса, жамлаштириш баланс тузишган кунда амалда бўлган ўртacha айирбошлиш курси бўйича амалга оширилади. Чет элда фаолият кўрсатиб турган шуъба фирмалар ҳисботларини жамлаштиришда чет эл валютасини миллий валютага айирбошлиш қўйидаги тарзда амалга оширилади: фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисбототда – ҳисбот давридаги ўртacha айирбошлиш курси бўйича, балансда – баланс тузишган санадаги айирбошлиш курси бўйича. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича ҳам ҳудди шу йўл тутилади.

Барча аниқланган курсдаги фарқлар захира капиталига киритилади ёки гудвил сифатида талқин этилади. Биттадан кўп фирма иштирок этган ҳолларда ушбу фарқларни сальдолашга рухсат

этилмайди. Ўртача айирбошлаш курси Польша Миллий банки томонидан белгиланади.

Счёtlарни тўлаш вақтидаги ҳамда балансни тузиш санасида пул маблағлари, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни баҳолашда курсдаги фарқлар молиявий харажатлар ёки молиявий даромад сифатида талқин этилади. Бошқа активлар ва мажбуриятларни баҳолашда юзага келадиган курсдаги мусбат фарқлар келгуси даврлар даромадлари сифатида, курсдаги манфий фарқлар эса молиявий харажатлар сифатида ҳисобга олинади.

1970-йилларнинг охирида ёк Польша Бухгалтерлар уюшмаси Фарбий Европа бухгалтерия институтлари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатишга уринди.

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Унинг қоидалари Польша ҳисоб юритиш амалиётини тубдан ўзгартириди.

Бироқ, бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш борасида эришилган муваффакиятлар ҳақида гапириш учун ҳали эрта. Ислоҳотда асосий ургу кадрлар тайёрлаш усулларини ўзгартиришга берилди. Польша ва Farb мамлакатлари (Америка, Британия, немис ва француз) университетлари ўртасида алмашиш дастурлари ёрдамида бухгалтерия ҳисоби соҳасида муайян тараққиётга эришилди.

Буларнинг барчаси таълимга катта таъсир кўрсатди: эътибор бухгалтерия ҳисоби тамойиллари ва уларни амалиётда қўллаш қоидаларни ўзлаштиришга қаратилди, бу счёtlар режасини бўлажак бош бухгалтернинг ўзи тузишига имкон берди.

Бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисоботлар ва аудит соҳасидаги ислоҳотнинг амалий аҳамиятини баҳолашга ҳали эрта. Шунинг учун янги қонунларнинг қўлланиши ва Польша иқтисодиётининг Европа бозорига интеграциялашуви натижаси сифатида бухгалтерияга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг келгусида ҳам давом этишини кутиш мумкин.

## 2.11. Португалияда бухгалтерия ҳисоби

XV асрнинг энг йирик денгиз мамлакатларидан бири ҳисобланган Португалия кўплаб мамлакатлар билан кенг савдо алоқаларига эга эди. Венециан республикасидан Португалияга китоблар ва шиша билан бирга икки ёқлама бухгалтерия ҳам кириб келди, бироқ ҳисоб юритиш фақатгина тижоратчилар фаолиятининг майдони бўлиб қолди ва у ҳеч қандай қонунлар билан тартибга

солинмас эди. 1750 йилга келибгина тижорат ва савдо операциялари хисобини юритишга доир дастлабки қонун хужжатлари пайдо бўлди. XIX аср охирида Португалияда биринчи Савдо кодекси жорий этилди – унинг учун Франция савдо қонунчилиги асос бўлиб хизмат қилди. Ушбу кодекснинг айрим қоидалари, хусусан, хўжалик хаёти фактларининг мажбурий бухгалтерия хисоби талаби ва уларни рсмийлаштириш қоидалари ҳозиргача амал қилиб турибди.

Худди юз йил илгари бўлгани каби, яна Франция ва унинг 1957 йилдаги бухгалтерия хисоби умумий режаси Португалия учун бухгалтерия хисобини қонун йўли билан тартибга солиш борасидаги намуна бўлди.

Португалияда қабул қилинган бухгалтерия тизимининг француз модели намуна сифатида молия вазирлигига бўйсунган ҳамда бухгалтерия стандартлари ва миллий счёtlар режасини ўрнатиш, уларни мамлакатнинг барча хўжалик юритувчи субъектлари томонидан бажариш учун мажбурий бўлган қонун хужжатлари шаклида тасдиқлаш билан шуғулланувчи давлат органининг мавжуд бўлишини назарда тутади. Ушбу модельни Португалияда амалга оширишга бўлган уринишлар 1976 йилда Бухгалтерия стандартлари комиссиясининг тузилишига олиб келди ва у бир йилдан кейин француз режасининг аналоги ҳисобланган бухгалтерия хисоби расмий режасини қабул қилди.

Португалияда 1970-йиллар ўртасида бошланган бухгалтерия хисоби ислоҳоти яққол ифодаланган фискал йўналишга эга эди. Португалия бухгалтерлари ичida инглиз-америка тизими ҳамда бухгалтерия хисоби ва ҳисоботлари халқаро стандартларининг тарафдорлари ҳамон ортиб бораётганилигига қарамай, у ушбу хусусиятини ҳозирги кунгача ҳам йўқотмаган.

1986 йилда Европа Иттифоқига аъзо бўлган Португалия ўзининг бухгалтерия тўғрисидаги қонун хужжатларини должна ЕИ Директиваларига мувофиқлаштириши лозим эди ва 1991 йилда бухгалтерия хисоби расмий режасининг ЕИ талабларига мос келадиган янги таҳрири қабул қилинди.

Португалияда Конституция, парламент хужжатлари, хукумат қарорлари, вазирликлар ва идоралар томонидан қабул қилинган хужжатлар бухгалтерия хисоби ва ҳисоботларни тартибга солувчи қонунчилик базаси ҳисобланади. Бухгалтерлар ўзининг кундалик фаолиятида Компаниялар тўғрисидаги қонун, Савдо кодекси, солиқ

тўғрисидаги қонун хужжатлари, фонд бозори қоидалари ва, албатта, бухгалтерия ҳисоби расмий режасига амал қиласди.

Португалияда бухгалтерия ҳисобининг энг асосий ўзига хос ҳусусияти шундан иборатки, у асосан солиқ солиш мақсадларини кўзлади. Айнан солиқ органлари ҳисоб юритишнинг методологик ҳусусиятларини тўғридан-тўғри ёки билсесита шакллантиради. Ҳисоб юритишнинг яққол солиқка йўналтирилганлиги туфайли Португалияда бухгалтерия тамойиллари фақат қонун билан тасдиқланган шаклга эга бўлган ҳоллардагина ҳисобловчи ходимлар учун амал қилинадиган кўлланмага айланади. Португалияда 1974 йилгача ҳеч қанақа миллий бухгалтерия тизимлари ишлаб чиқилмаган эди, шунинг учун бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботлари ҳалқаро стандартларига ўтиш жиддий қийинчиликларга дуч келмаяти.

Португалия компаниялари томонидан бухгалтерия ҳисобининг юритилишида қўйидаги тамойиллар қабул қилинган:

- доимий ишлаб турган корхона – корхонанинг яқин кела-жакда ўз фаолиятини тўхтатиш мақсади йўқлиги назарда тутилади;
- оқилона эҳтиёткорлик – фойда ва даромадлар фақат улар олинганидан кейин, зарарлар ва харажатлар факат уларни аниқлаш имконияти пайдо бўлганидан кейингина ҳисобга олинади;
- таннарх – активларларнинг жорий бозор (сотилиш) нархи тарихий нархдан камаймаган тақдирдагина, улар ўзининг тарихий қиймати бўйича ҳисобга олинади;
- ҳисоб юритиш усувларининг ўзгармаслиги, бу маълумотларнинг йилдан йилга қиёслана таъминлайди;
- мазмуннинг шаклдан устуворлиги. Португалия учун янги бўлган ушбу тамойил шуни англатадики, бухгалтерлар ҳисботларни тузишда, агар зарур бўлса, норматив хужжатлар талабларига риоя қиласликлари мумкин;
- муҳимлик – йиллик бухгалтерия ҳисботи унинг фойдаланувчилари нуқтаи назарига реал таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча зарур маълумотларни тақдим этиши керак;
- ҳисоблаб ёзишлар тамойили – даромадлар ва харажатлар фақат уларни олиш хуқуқи ёки уларни тўлаш бўйича мажбуриятлар пайдо бўлган тақдирдагина ҳисобга олинади.

Ейнинг IV Директивасига мувофиқ Португалиянинг барча компаниялари 1991 йилдан бошлаб бухгалтерия ҳисботларини қўйидаги таркибда тақдим этишлари шарт: бухгалтерия баланси,

фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисобот, йиллик бухгалтерия ҳисоботларига тушунтириш хати. Акциялари биржаларда котировка қилинадиган компаниялар ҳисоботлари, раҳбарият ҳисоботи, пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот ва аудиторлик хуносасидан барча манфаатдор шахслар фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари лозим.

Банклар, суғурта компаниялари ва бошқа молиявий институтлар ўз ҳисоботларини алоҳида коидаларга мувофиқ тақдим этади. Кичик корхоналар учун ҳисоботларни тузишнинг соддалаштирилган тизими назарда тутилган. Корхонани бундай хилга киритиш мезонлари кўйидагилардан иборат: фаолиятининг охирги икки йили мобайнида корхона учта зарур шартнинг иккитасига жавоб бериши зарур – ходимларининг сони 50 нафардан, айланмаси 600 млн. эскудодан, умумий активлари 350 млн. эскудодан ошмаслиги керак. Молия-саноат гурухлари ва тобе фирмаларга эга бўлган компаниялар жамлаштирилган ҳисоботларни тақдим этишлари шарт.

ЕИнинг Европа компаниялари томонидан бухгалтерия маълумотларининг тақдим этилишига тааллукли бўлган IV Директивасида тақлиф этилган вариантлардан португал қонун чиқарувчилари бухгалтерия баланси ва фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисобот учун горизонтал шаклни танлашди. Бунда Португалия қонунчилиги моддаларнинг батафсил тақдим этилишини талаб қиласди: баланснинг ҳар бир сатри бухгалтерия счётининг икки ёки уч сонли рақамига мос келади. Маълумотларни фақат кичик корхоналар ҳисоботларини тузища йириклиштирилган ҳолда тақдим этиш (счёtlарни комбинациялаш) мумкин. Рақамли маълумотлар балансда учта устун кўринишида тақдим этиласди: активларнинг дастлабки қиймати, ҳисобланган амортизация, колдик қиймат.

Фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг горизонтал шакли иккита устун кўринишида тақдим этилади: харажатлар ва заарлар – чапда; тушум ва даромадлар – ўнгда. Ҳудди баланс каби, фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисобот ҳам моддалари батафсил бўлинган ҳолда тақдим этилади, бироқ йирик ва кичик корхоналар учун шакллардаги фарқ йирик ва кичик корхоналар учун, баланс билан бўлгани каби, унчалик катта эмас.

Тушунтириш хати йиллик бухгалтерия ҳисоботларининг мажбурий таркибий қисми ҳисобланиб, у балансда ҳамда фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисоботда ўз аксини топмаган, лекин корхонанинг молиявий ахволини баҳолаш ва унинг фаолиятига

тааллуқли қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотлар ўз ичига олиши лозим. Тушунтириш хатида қуидагилар акс эттирилиши шарт:

- ҳисботларни тузища бухгалтерия стандартлари талабларидан барча рухсат этилган четга чиқишлар ва уларнинг сабаблари;
- моддаларни баҳолаш ва амортизацияни ҳисоблаш тамойиллари;
- дастлаб чет эл валютасида ифодаланган моддаларни эскудога ўтказища кўлланилган айирбошлиш курслари;
- солиқ тўғрисидаги қонун хужжатлари билан рухсат этилган солиқ солинадиган фойдани шакллантириш усуллари;
- ҳисоб юритишнинг келгусида корхонанинг солиқ солинадиган базасига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ўзига хос хусусиятлари;
- агар ташкилий ҳаражатлар, гудвил ва бошқа номоддий активлар беш йилдан ортиқ муддатга амортизация қилиниши лозим бўлса, улар юзасидан изохлар;
- корхонанинг асосий воситалари тўғрисидаги маълумотлар: қайта баҳолаш, консервация ва ҳ.к., тобе ва шуъба компаниялар рўйхати, фирманинг молиявий қўйилмалари ҳақида ахборот (агар уларнинг умумий ҳажми корхона айланма активларининг 5 фоизидан ортиқ бўлса);
- айланма маблағлар (уларнинг ҳисобга олиш ва бозор нархларидаги фарқларга тааллуқли), улар билан боғлик йўқотишлар ва захиралар ҳақида маълумотлар;
- дебиторлик қарзлари, шу жумладан, ишончсиз қарзнинг тавсифи;
- фирма капиталининг таркибидаги ўзгаришлар ва ҳ.к.

Агар йиллик ҳисботларда тақдим этилган маълумотларни ўтган йиллар маълумотлари билан таққослашнинг иложи бўлмаса, ушбу факт унинг сабаблари билан бирга тушунтириш хатида кўрсатилиши керак.

Португалияда ҳисоб юритиш солиқ тўғрисидаги қонун хужжатларига асосланади. Айниқса, бу айланмадан ташқари активлар ва захиралар билан амалга ошириладиган операциялар ҳисобини юритишга тааллуқли. Бухгалтерия ҳисобини юритишнинг асосий тамойиллари Тижорат (савдо) кодексида баён этилган бўлиб, португалиялик бухгалтерлар кундалик амалиётда бухгалтерия ҳисоби расмий режасига амалқилади.

Португалияда бухгалтерия ҳисобини тайёрлаш ва тақдим этиш масъулияти корхоналар раҳбарияти, хусусан, Директорлар кенгаши зиммасига юқлатилган, молиявий ҳисботларнинг сифати эса уларнинг якуний фойдаланувчи учун фойдалилиги, яъни унинг ҳаққонийлиги, ишончлилиги ва таққослана олиши билан белгиланади. Барча ушбу тавсифлар бухгалтерия тамойиллари ва қоидалари билан бирга бухгалтерия ҳисботларида корхонанинг молиявий аҳволини ва фаолиятининг натижаларини тўғри ва ҳалол тақдим этиш концепциясини шакллантиради.

Мазмуннинг шаклдан устуворлиги ҳам бухгалтерия ҳисоби расмий режасини юритишнинг фундаментал тамойилили сифатида эътироф этилади. Бунга яна шуни қўшимча қилишни истардикки, бухгалтерия ҳисботларининг португал тилида тақдим этилиши ҳам қонунчилик талаби ҳисобланади.

Португалия солик тўғрисидаги қонун хужжатларининг талаблари барча амалиётчи бухгалтерлар учун мажбурий. Бирок Португалия қонунчилиги тез ўзгарувчан хўжалик ҳаётининг барча фактларини қамраб олишга қодир эмас: бухгалтер, ҳатто у солик тўғрисидаги қонун хужжатларининг қатъий доираларида ҳаракат қилган тақдирда ҳам, у бирибир ҳаракатнинг муайян эркинлигига эга.

Португалия қонун хужжатларига мувофиқ захиралар уларни ҳарид қилиш нархи бўйича ёки уларни ишлаб чиқариш ҳаражатлари бўйича баҳоланади, ушбу қийматлар бозор нархларидан юкори бўлган ҳолатлар бундан мустасно. Мазкур ҳолатда улар бозор нархлари бўйича ҳисобга олинади. Бунда бозор нархи деганда активнинг ўринбосиши нархи тушунилади. Ёрдамчи ёки қўшимча ишлаб чиқариш маҳсулотлари ҳамда синик парчалар эҳтимолий сотиш нархи бўйича ҳисобга олинади.

Португалия қонунчилиги айланма маблағларни баҳолашнинг куйидаги усулларини кўллашга руҳсат этади: ФИФО, ЛИФО, ўртача чамаланганди, стандарт ва маҳсус (бозор) нарх бўйича. Айрим тармоқларда (қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, балиқчилик) захиралар куйидагича баҳоланиши мумкин: ҳисобга олиш нархи фойданинг айрим нормаси чегирма қилинган ҳолда сотиш нархи сифатида таърифланади. Мазкур усул ҳам улгуржи савдода захираларни ҳисобга олишда кўлланилиши мумкин.

Чет эл валютасидаги активлар курсдаги фарқларни фойда ва зарарлар счётига киритиб, бухгалтерия балансининг «Молиявий

даромадлар ва харажатлар» бўлимида акс эттирган холда ҳисоботлар тузилган санадаги курс бўйича ҳисобга олинади.

Айланмадан ташқари активлар ҳам таннарх бўйича ҳисобга олинади, унга асосий воситаларни харид қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш учун молиявий харажатлар киритилиши мумкин. Шунингдек, айланмадан ташқари активларга тобе компанияларга киритилган инвестициялар, бир йилдан ортиқ муддатга сотиб олинган қимматли қофозлар ҳамда ер ва кўчмас мулк ҳам киради. Айланмадан ташқари активларни ҳисобдан чиқариш активларнинг бутун хизмат қилиши мобайнида юз беради.

Агар айланмадан ташқари активнинг хизмат қилиш муддати чекланган бўлиб, ушбу муддат мобайнида унинг бозор нархи баланс нархидан паст бўлса, бундай қадрсизланиш доимий деб назарда тутилиб, у фойда ва зарарлар счётига ҳисобдан чиқарилади. Бироқ, бундай операция, агар бозордаги вазият ўзгарса, тескари томонга ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ташкилий харажатлар ҳамда тадқиқотлар ва ишланмалар учун харажатлар активда кўрсатилиши, яъни кўпи билан беш йил муддатга капиталлаштирилиши мумкин. Гудвилини ҳисобдан чиқариш муддати, агар бу унинг фойдалари фойдаланилиш муддатига мос келса, беш йилдан кўп бўлиши ҳам мумкин.

Португалия бухгалтерия ҳисобининг қизиқарли жиҳати сифатида активларнинг уларнинг «номинал» ёки «доимий» эскудода ифодаланган таннархи бўйича баҳоланишини тан олиш даркор, бу ҳол активларни даврий қайта баҳолашларни ўтказиш имконини беради. Солик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари буни фақат қайта баҳолашнинг захира фондидан фойдаланиш учун амалдаги чекловлар замирида молия вазирлиги томонидан расмий чоп этиладиган истеъмол нархлари индекслари асосида амалга ошириш имконини беради. Ҳатто қайта баҳолашнинг бундай қатъий шароитларида ҳам қўшимча амортизация ажратмаларининг 60 фоизигина солик солинадиган фойдадан чегирма қилинади. Амортизацияни ҳисоблашда фақат бир чизикли усулни қўллашга руҳсат этилади.

Бухгалтерия ҳисоби расмий режаси ҳисобот даври даромадлари ва харажатларини ҳисобга олишнинг фақат келгусида фойда ва зарарлар счётининг ўзгаришига олиб келадиган ўзига хос хусусиятларини назарда тутади – бу активлар ва мажбуриятларнинг ўзига хос моддалари бўлиб, уларни бошқа дебиторлар ва

кредиторлардан алоҳида тарзда хисобга олиш лозим. Баланс активида бундай моддалар «Ҳисоблаб ёзилган тушум» ва «Келгуси даврлар харажатлари» сатрлари билан берилган. Баланснинг пассивида келгусида тўланадиган келгуси даврлар даромадлари ва келгусида тўланадиган жорий йилнинг хисоблаб ёзилган харажатлари акс эттирилади. Бундай моддаларга мисоллар тариқасида кейинчалик олинадиган дотациялар, тўланадиган фоизлар ва сугурта мукофотларини келтириш мумкин.

Португалия балансининг активи ва пассивида ҳисоблаб ёзишлар ва кечикирилган тўловлар максимал ликвидлиликка эга бўлган моддалардан кейин охирги сатрлар билан акс эттирилади.

Европанинг кўплаб мамлакатларида ғоят кенг тарқалган кечикирилган солик тўловлари амалиёти Португалия қонун хужжатларида назарда тутилмаган, ушбу операцияларни талқин этувчи миллий бухгалтерия стандарти ишлаб чиқилган (албатта, келажакни мўлжаллаб). Таъкидлаш лозимки, Португалия миллий бухгалтерия стандартлари IAS халкаро стандартларининг таъсири остида тузилди, шунинг учун улар кўпинча бухгалтерларга катта имкониятларни беради ва солик тўғрисидаги қонун хужжатлари каби бухгалтерия амалиётини кенгрок талқин этади. Масалан, 16-сон «Асосий воситаларни баҳолаш» миллий стандарти уларни ҳар қандай усул билан қайта баҳолаш имконини беради, солик тўғрисидаги қонун хужжатлари эса факат коэффициентлар усулини кўллашга руҳсат этади.

Миллий бухгалтерия стандартлари ҳозирда ЕИнинг бухгалтерия хисоби ва хисоботларига таалукли Директивалари талабларида мос келади. Бироқ, жаҳон бухгалтерия амалиётининг таъсири амалиётчи бухгалтерларнинг консерватив мухитида ҳам ўз аксини кўрсатмоқда. Португалияда ҳамма нарса ўзгариб борајти – бухгалтерия хисоби ҳам ўзгармоқда.

## 2.12. Буюк британияда бухгалтерия ҲИСОБИ

Буюк Британияда бухгалтерия хисоби тизими бизнес манфаатлари ва талабларидан келиб чиқиб ривожланди. Миллий хисоб юритиш тизимининг шаклланиши мамлакатдаги иқтисодий вазият, бизнеснинг миллий ўзига хос хусусиятлари ва анъаналари, ҳукуқий мухит, солик тўғрисидаги қонун хужжатлари, бошқа мамлакатлар ва бухгалтерия хисоби ва хисоботлари тизимлари

билан алоқа каби омиллар таъсири остида юз берди. Британия бухгалтерия ҳисоби тизими учун катта аҳамиятга эга бўлган яна бир омил – бу профессионал бухгалтерия ташкилотларининг таъсири. Ҳозирги вактда ушбу мамлакатнинг олтига йирик қасамиёд қабул қилган бухгалтерлар уюшмаси Бухгалтерия Кенгашларининг Маслаҳат Кўмитасига (ССАВ) бирлашган бўлиб, унинг доирасида Бухгалтерия Стандартлари Кўмитаси (A8B) – бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботлари миллий стандартларини ишлаб чиқувчи ва белгиловчи орган фаолият кўрсатиб турибди.

Британия бухгалтерия ҳисоби анъаналари ва тамойиллари кўп асрлик тарихга эга бўлса-да, охирги ўн йилликда Европада ва жаҳонда юз бераётган ўзгаришлар британиялик профессионал бухгалтерлар фаолиятига ҳам таъсир кўрсатмасдан қолмади. Буюк Британиянинг Европа Иттифоқига аъзо бўлиши компаниялар тўғрисидаги қонунларга Ейнинг тегишли директиваларини акс эттирувчи қоидаларни киритиш зарурлигини белгилаб берди. Бироқ, Британия профессионал бухгалтерия институтларининг нуфузи Европада шунчалик юқорики, улар Ейнинг Европа компаниялари томонидан бухгалтерия маълумотларининг тақдим этилишига таалуқли бўлган IV Директивасига Буюк Британия бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботлари тизимининг асосида ётувчи асосий концепциялардан бири - «true and fair view» - компаниянинг молиявий аҳволи ҳақидаги маълумотларни тўғри ва ҳалол (ҳақконий ва холис) тақдим этиш концепциясини акс эттирувчи қоидаларнинг киритилишига эришди. Бунда Британиянинг ўзида профессионал бухгалтерия ташкилотларининг қистови билан йирик фирмалар ҳисботларининг бухгалтерия стандартларига мос келиши талаби 1985 йилдаги Компаниялар тўғрисидаги қонунга киритилиб, мажбурий нормага айланди.

Бироқ, жаҳон молия тизимининг ривожланиши ва бухгалтерия ахборотини акс эттиришдаги охирги тенденциялар шунга олиб келдики, Буюк Британияда профессионал бухгалтерлар бухгалтерия ҳисботларида ошкор этиладиган ахборотнинг хусусиятига нисбатан утилитар назар қарашга мойил бўлишмоқда: Британия компанияларининг расмий ҳисботлари молия ва, биринчи галда, фонд бозорлари томонидан қўйиладиган талабларга тобора қўпроқ мос келмоқда. Халқаро Стандартлар Кўмитаси (IAS) ва унинг хужжатларининг кучайиб бораётган таъсири ана шунда намоён бўлмоқда.

Буюк Британия қонунчилик тизими асрлар мобайнида юзага келди, бирок, Буюк Британияда конституция мавжуд эмас. Мамлакат хукукий тизимининг асосида ётувчи прецедент хукуки парламентнинг қонун хужжатларига, Британия судларининг қарорларига ҳамда бизнес удумлари ва анъаналарига асосланади. Бухгалтерия фаолияти давлат томонидан, бошқа мамлакатлардаги каби, тафсилий равишда тартибга солинмайди. Британия хукумати узоқ вақт мобайнида компанияларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларининг юритилишини умуман керакли деб ҳисобламади, бирок, Европа Иттифоқига аъзо бўлгач, Буюк Британия ЕИ Директиваларига мувофиқ ўзининг 1985 ва 1989 йиллардаги Компаниялар тўғрисидаги қонунларига бухгалтерия ҳисоботларининг шакллари ва турли моддаларни баҳолаш усулларига доир кўрсатмалар киритди.

Буюк Британиянинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларига доир қонун хужжатлари бухгалтерларга профессионал стандартларга қараганда, ҳатто кўпроқ ҳаракатлар эркинлигини беради. Умуман олганда, қонунчилик фақат асосий тамойилларни белгилаган ҳолда, ҳар кунлик бухгалтерия амалиёти хусусидаги батафсил кўрсатмаларни беришга интилмайди. Британия юристлари қатъий қоидалар ва бирхиллаштирилган ҳисбот шаклларининг белгиланишини талаб қилишса-да, бухгалтерларнинг ҳисоблашларича, мазмуннинг шаклдан уступорлиги Британия бухгалтерия тизимининг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Мазмуннинг шаклдан уступорлиги тамойили, агар бухгалтерия ҳисоботларини тузиш ва юритишнинг умумий қабул қилинган қонунчилик нормалари ва қоидалари ташкилотдаги ишларнинг ҳақиқий аҳволини акс эттириш имконини бермаса, ушбу нормалар ва қоидаларга амал қиласлик эҳтимолини (алоҳида ҳолатларда эса ҳатто амал қиласлик заруратини) назарда тутади.

Британияда бухгалтерия ҳисобининг асосида хўжалик ҳаётининг фактларини ва корхонанинг молиявий аҳволини тўғри ва ҳалол акс эттириш концепцияси ётади. Мазкур концепция Буюк Британия қонунчилигига (1985 ва 1989 йиллардаги Компаниялар тўғрисидаги қонунларга) киритилди.

Бухгалтерия ҳисобини юритишида ва ҳисоботларни тузишда оқилоналиқ талаби Британия амалиёти учун хосдир.

Бухгалтерия ҳисобининг умумий қабул қилинган қоидалари ва стандартлари. Буюк Британияда бухгалтерия фаолиятининг

қоидалари ва стандартларини ишлаб чиқиши билан профессионал бухгалтерия ташкилотлари шугулланади. Бундай стандартларини ишлаб чиқиши ва жорий этиш ташаббуси билан 1969 йилда Англия ва Уэльс Қасамиёд қабул қылган Бухгалтерлар Институти (ICAEW) чиқди ва 1 йил ўтгач SSAP 1 - «Шуъба компаниялар» стандарт бухгалтерия амалиети қоидалари ишлаб чиқылди.

ASB Бухгалтерия стандартлари күмитаси ва унинг ўтмишдошлири бир неча ўнлаб SSAP ва FRS – бухгалтерия ҳисоботлари стандартларини ишлаб чиқди. Уларнинг бир қисми қатор йиллар мобайнида амал қылди, сўнгра эса кўплаб қоидалар мамлакат қонун ҳужжатлари ва бизнес-мухитидаги жиддий ўзгаришлар туфайли бекор қилинди.

1996 йилда ASB бухгалтерия стандартларининг асосида ётувчи асосий тамойилларни ўзида мужассам этган Декларацияни эълон қылди. Ундаги мавжуд маълумотларнинг ташкилотнинг реал ахволига мос қелиши ва уларнинг ташкилотнинг кейинги фаолияти тўғрисида қарорлар қабул қилиш учун кераклилиги асосий тамойиллардан бири сифатида эътироф этилди. Шундай қилиб, хўжалик ҳаётининг фактларини ва корхонанинг молиявий ахволини тўғри ва ҳалол акс эттириш концепцияси бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларга доир барча профессионал стандартлар ва қонун ҳужжатлари орқали ўтади.

Бухгалтерия ҳисоботлари шакллари 1985 йилдаги Компаниялар тўғрисидаги қонунга Евropa Иттифоқининг ЕИ мамлакатлари бухгалтерия ҳисоботларининг бирхиллаштирилган шакллари тўғрисидаги Директивасига мувофиқ киритилди. Бироқ, Британия қонун чиқарувчилари, анъанавий тарзда бухгалтерия ҳисоби касбий фаолият соҳаси асосан профессионаллар томонидан тартибга солиниши керак деган фикрга амал қылган ҳолда Британия компанияларига Директивада назарда тутилган шакллардан фойдаланишга рухсат берди: бухгалтерия баланси вертикал шаклда ёки оддий икки томонлама шаклда тақдим этилиши мумкин, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисбот учун эса тўртта шакл назарда тутилган.

Пул маблагларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисбот бухгалтерия ҳисоботларининг энг муҳим шаклларидан бири ҳисобланади. Фақатгина кичик корхоналар уни йиллик бухгалтерия ҳисоботлари таркибига киритмасликка ҳақли. FRS стандарти пул маблагларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисбот баланс ҳамда фойда ва зарарлар

тўғрисидаги ҳисобот асосида тузилиши, унинг маълумотлари ушбу иккита ҳужжатда ва уларга иловаларда тақдим этилган маълумотларга тўлиқ мос келишини талаб килади. Ҳисобот куйидаги бўлимларни ўз ичига олиши шарт: операцион фаолиятдан олинадиган даромадлар; молиявий кўйилмалардан олинадиган даромадлар; солик тўловлари; инвестиция фаолияти; молиялаш манбалари.

Буюк Британияда анъанавий тарзда компаниялар фаолиятини молиялашнинг асосий манбаи бўлиб ўз капитали ҳисобланади. Фирмалар ўзларининг узоқ муддатли лойиҳаларини ўз маблағлари ҳисобидан молиялашни афзал кўришади. Банк қарзларидан факат қисқа муддатли молиялаш учун фойдаланилади (Британия анъаналарининг континентал Европа ва Япония анъаналаридан муҳим фарқи ана шунда). Шунинг учун урушдан кейинги йилларда ҳалқаро стандартлар таъсири остида Британия бухгалтерлари хўжалик ҳаётининг фактларини акс эттириш учун кўпроқ фирманинг ўз капитали тўғрисида имкон қадар батафсил ахборот берадиган усусларни танлашмоқда. Бирок АҚШдан фарқли ўларок (у ерда акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилиш Қимматли қофозлар бўйича комиссия (SEC) зиммасига юклатилган), Буюк Британи молиявий бозорлари ўзини ўзи тартибга солади: фирмаларнинг бухгалтерия ҳисботларида тақдим этилган ахборотнинг тўғрилик, ҳалоллик ва тўлиқлик тамойилларига мос келишини Лондон биржасининг ўзи назорат қилади, унинг қоидалари АҚШ биржаларининг қоидалари каби қатъй эмас.

Ўз капитали Британия корпорациялари фаолиятини молиялашнинг асосий манбаси эканлиги боис, бухгалтерия балансида ва унга иловаларда ўз капитали энг батафсил тарзда берилган. Анча оддий баҳоланадиган ва ўз капиталининг кичик қисмини ташкил килувчи акциядорлик ва кўшимча капиталдан ташқари, тақсимланмаган фойда ва захиралар билан боғлик моддаларга катта эътибор қаратилади.

Тақсимланмаган фойда Британия компанияларини молиялашнинг энг муҳим манбаси ҳисобланади: у фирмалардаги капиталга бўлган эҳтиёжларнинг ўртача 65 фоизига яқинини қоплади.

Фойдадан ҳажми маълум бўлган ва уларни фақат маълум даражадагина аниқлик билан олдиндан айтиш мумкин бўлган келгуси мажбуриятларни коплаш ҳамда кутилмаган харажатлар ва шартли мажбуриятлар учун маблағлар захира қилинади.

Таъкидлаш лозимки, жорий йил ва келгуси даврлар учун маблағларни захира қилиш алоҳида тарзда юритилади, бунда жорий давр мажбуриятлари ва харажатлари ўз капиталига киради.

Британия компанияларининг захираларини акс эттиришга нисбатан қўйиладиган талаблар Британия профессионал институтларининг кўплаб хужжатларида, хусусан SS<sup>^</sup> (2, 5, 15, 17, 18) стандартларида ҳамда Стандартлар кўмитасининг стандарт кучига эга бўлмаган FRED 14 хужжатида баён этилган. Захираларни шакллантириш ва бухгалтерия ҳисоботларида акс эттиришга бағишлиган хужжатларнинг бундай миқдори бухгалтерлар касбий ҳамжамияти ушбу масалага қанчалик аҳамият берадиганидан далолат бериб турибди.

Британия бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари тизимида асосий воситалар, номоддий активлар, бошқа корхоналарга киритилган инвестициялар ва гудвилл айланмадан ташқари активлар ҳисобланади. Қонун хужжатлари айланмадан ташқари активларни баҳолаш ва уларни ҳисобдан чиқариш усуслари хусусида ҳеч қанақа кўрсатмаларни ўзида мужассам этмаган, ушбу масала бутунлай профессионал институтлар ваколатига киради. Бундай масалалар SS<sup>^</sup> (12, 13, 19), FRS 10 ва FRED 17 стандартлари билан тартибга солинади.

Айланмадан ташқари активни баҳолашнинг асосида асосий воситани ташиш ва ўрнатиш харажатларини ўз ичига олувчи харид қилиш нархи ётади, актив компаниянинг ўзи томонидан тайёрланган тақдирда эса баҳолаш (Company Act 1985, Schedule 4, Part II) “компаниянинг мазкур актив томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга фақат билвосита даҳлдор бўлган харажатларини ҳам, лекин кўпи билан ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш муддати мобайнида, оқилона улушда” ўз ичига олиши мумкин. Активни харид қилиш билан боғлиқ фоизли тўловлар ҳам унинг таннархига киритилади.

Буюк Британияда муқобил усуслар сифатида активларни уларнинг охирги қайта баҳолаш санаси ҳолатига кўра жорий ва бозор қиймати бўйича баҳолаш кўлланилади. Бунда қайта баҳолашларнинг даврийлиги компаниянинг ўзи томонидан белгиланади. Қайта баҳолашлар муддатларига тааллуқли бўлган ҳеч қанақа қонунчилик кўрсатмалари мавжуд бўлмаса-да, буни ҳар йили амалга ошириш тавсия этилади.

Британия компанияларининг аксарияти ўз ҳисботларини зълон қилиш учун таннарх (тарихий ёки дастлабки қиймат) тамойилини танлайди, лекин 1985 йилдаги Компаниялар тўғрисидаги қонун ҳисботларни жорий қиймат асосидва тузиш имкониятини тақдим этади.

1970-йилларда Буюк Британияда инфляциянинг анча юқори даражаси қайд этилди, бундай шароитда активларни жорий қиймат бўйича баҳолаш фирмалар активларининг «реал қийматини» акс эттиришнинг қулай усули эди. Бироқ, ушбу ёндашув бухгалтерия амалиётида узок вакт кўлланилмади, чунки доимий қайта баҳолашлар бухгалтерлар ва молиячилар томонидан инфляцияга нисбатан сабр-токатли муносабатда бўлишга ёрдам беради, деб ҳисбланаарди. Буюк Британия учун бу номақбул бўлиб чиқди. 1970 – 1980-йилларда «инфляцион бухгалтерияни» юртишни бошлаган компанияларнинг кўпчилиги ҳозир ундан воз кечган. Фақатгина фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари туфайли ўз тарифларини минимал даражада ушлаб турган ҳолда, уларни (тарифларини) маҳаллий ва давлат ҳокимиятлари билан келишиши шарт бўлган коммунал хизматларини кўрсатувчи компаниялар бундан мустасно. Жорий нархлар бўйича ҳисоб юритиш мазкур компанияларга ҳисботларда пастроқ фойдаларни ва қўйилган капиталнинг юқори қийматларини кўрсатиш имконини беради.

Британия қонун ҳужжатлари инвестицияларни баҳолаш учун энг катта эркинликни беради. 1985 йилдаги Компаниялар тўғрисидаги қонун компаниялар раҳбариятига бунинг учун уларнинг назарида компаниянинг мажбуриятлари ва ўзига хос хусусиятларига энг мос келадиган ҳар қандай усуслни қўллаш ҳукукини беради.

Айланмадан ташқари активлар ҳисоби даврий қайта баҳолашлар натижаларига кўра юритилаётганда амортизацияни ҳисоблашда айрим қийинчиликлар юзага келади. Мазкур ҳолатда фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисботовда акс эттириладиган йиллик амортизация ажратмалари суммалари таннарх (тарихий қиймат)дан тўлиқ ўринбосиши қийматигача катта фарқ қиласди. Бироқ, амортизацияни ҳисоблаш ва активларни қайта баҳолашда юзага келадиган қийинчиликлар фирманинг солиқ мажбуриятларига умуман таъсир кўрсатмайди, чунки Буюк Британиянинг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида солиқ солинадиган фойдани ва

солиқ имтиёзларини хисоблашнинг тамомила мустақил, амортизацияни хисоблаш усулига сира боғлик бўлмаган қоидалари мустаҳкамланган.

Ҳисоб юритишнинг алоҳида қоидалари кўчмас мулкка киритилган инвестициялар ҳисобини юритишга таалуқли: SSAP 19 стандарти улар учун амортизация ажратмаларини эмас, балки ҳар йиллик қайта баҳолашларни назарда тутади, бунда фарқлар қайта баҳолаш захирасига киритилади, агарда манфий фарқ ушбу захирадан юқори бўлса, у ҳолда ортиқчаси фойда ва зарарлар счётига киритилади.

SSAP 21 стандарти ижааранинг икки турини ажратади: молиявий ва операцион лизинг. Молиявий лизингнинг асосий белгиси шундан иборатки, активдан фойдаланиш билан боғлик барча таваккалчиликлар ва нафлар мулкдордан ижаарачига ўтади. Бунда ижааранинг бутун муддати учун белгиланган энг кам ижара тўловларининг келтирилган қиймати ижарага олинган актив қийматининг камиди 90 фоизини қоплаши даркор. Ушбу таъриф остига тушмайдиган ижара ҳолатлари операцион лизингни ташкил қиласди.

Британиянинг ижарага олинган асосий воситалар ҳисобини юритишга доир бухгалтерия стандарти ижаарачининг ҳисобида молиявий лизинг шартларида ижарага олинган активларнинг акс эттирилишини талаб қиласди. Ижарага олинган мол-мулк амортизация қилиниши крак. Бунда ижарага берувчи ижаарачидан олинган маблағларни молиявий активлар сифатида кўрсатади.

Операцион лизинг актив лизинг берувчининг балансида ҳисобга олинишини, у учун тўловлар эса тегишлича лизинг берувчининг ҳамда ижаарачининг фойда ва зарарлар счёtlарига келиб тушишини англатади.

Таърифга кўра молиявий ва операцион лизинг тушунчалари ўртасидаги чегара ноаник. Британиянинг аксарият компаниялари ўз мохияитига кўра молиявий ижара муносабатларини операцион ижара сифатида расмийлаштиришни афзал кўришади. SSAP 21 стандарти кейинги йил мобайнида; 2-йилдан бошлаб 5-йилгача; 5 йил ва ундан кейин амалга оширилиши лозим бўлган ижара шартномалари бўйича мажбуриятларни алоҳида акс эттириш талабини ўзида мужассам этган. Охирги кўрсаткичга мос келадиган йирик суммалар шаклига кўра операцион ижара ортида аслида молиявий ижара яширганлангини кўрсатади.

Гудвилини ҳисобга олиш усуслари ҳозир ҳам Британия бухгалтерлари баҳс-мунозараларининг мавзуси ҳисобланади.

Гудвил бир компания томонидан бошқасининг сотиб олиниши чоғида у учун тўланган нарх билан активларнинг жорий киймати ўртасидаги фарқ сифатида юзага клади. Демак, бу фарқни маҳсус захира фондидан копланиши ва зудлик билан ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган қўшимча харажатлар сифатида талқин этиш мумкин. SSAP 22 стандартида ана шундай усул назарда тутилган. Бироқ, бошқа нуқтаи назар ҳам мавжуд. Гудвил бошқа номоддий активлардан умуман фарқ қилмайди. Уни компанияни сотиб олиш чоғида харид қилинадиган ҳамда савдо русумлари ва лицензиялар каби, амортизацияни айрим оқилона муддат мобайнида, лекин кўпи билан 20 йилгача ҳисоблаб ёзган ҳолда ҳисобга олиш мумкин бўлган қўшимча актив сифатида талқин этиш мумкин. Бунда номоддий активлар ва гудвилнинг айрим турлари вақт ўтиши билан ўз қийматини йўқотмаслиги боис, хўжалик ҳаётининг фактларини ва корхонанинг молиявий аҳволини тўғри ва ҳалол акс эттириш концепциясига яна бир ёндашув фоят мос келади: бундай активларга эскиришни ҳисобламаслик керак, балки уларни даврий қайта баҳолашлар натижалари бўйича ҳисобга олиш лозим.

Кимнинг нуқтаи назари тўғрилиги борасидаги тортишувлар 1990-йилларнинг бошидан бошлаб давом этмоқда. Ҳозирги вақтда компаниялар ўzlари энг яхши, деб ҳисоблайдиган усулни ўzlари танлашлари мумкин. Бироқ, тажриба шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг аксарияти барibir зудлик билан ҳисобдан чиқаришни эмас, балки кейинчалик эскиришни ҳисоблаган ҳолда капиталлаштиришни танламоқда.

Британиянинг барча компаниялари фойда солиги тўловчилари ҳисобланишади. Британияликлар анъанавий тарзда ушбу соликқа созеренга тўланадиган ўзига хос ўлпон сифатида қарашарди. Бироқ, охирги йилларда ушбу муаммога америкача қараш мазкур нуқтаи назарни сикиб чиқарди. Унга кўра бизнес юритиш ижтимоий функция ҳисобланади. Ҳар бир иқтисодий субъект ўз фаолиятидан олинган фойданинг бир қисмини жамиятнинг фойдасига, унга ушбу жамият томонидан берилган бизнес билан шуғулланиш ҳуқуқи учун ўзига хос тўлов сифатида тақсимлаши шарт. Бундан 20 йил олдин бундай нуқтаи назар мунозаралидек туюларди, лекин ҳозир у ҳеч қанақа шубҳага ўрии колдирмайди. Шундай қилиб, фойда солиги – бу иқтисодий субъект (фирма)нинг мулқдорлари томониданэмас, балки унинг ўзи томонидан амалга ошириладиган тўлов. Агар бу шундай бўлса, у ҳолда солик солиш компания хўжалик ҳаётининг

муайян воқеалари ва фактлари билан боғлиқ бўлиши керак – солик мажбуриятларини вақтга кўра мақбул усул билан тақсимлаш даркор. Шу тариқа, кечиктирилган соликлар учун захира фондларини ташкил этиш ғояси туғилди. Мазкур модда Британия компанияларининг балансларида катта қисмни эгаллади. Бундай захира қилиш қоидалари тўлиқ захира қилишни талаб қилувчи IAS 12 халқаро стандартига қарши равишда кечиктирилган соликларнинг қисман захира қилинишини назарда тутувчи SSAP 15 стандартида баён этилган.

Британия бухгалтерия стандартлари кўмитаси (ASB) 1980-йилларнинг охирида ташкил этилди. Ҳозирги вақтда у нафакат Британия бухгалтерия ҳисоби стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун масъул, балки ўзи томонидан ишлаб чиқилган хужжатларни қўллаш юзасидан тушунтириш иши олиб бориш ва маслаҳатлар беришга ҳам йўналтирилган. Сўзсиз, бундай амалиёт муайян устунликларга эга, лекин шу билан бирга у Британиянинг оддий бухгалтерларига ўзлари келгусида амал қиласидан стандартларни яратишда иштирок этиш имконини бермайди. Ҳар қандай ASB хужжати стандарт сифатида тасдиқланишидан олдин лойиха сифатида муҳокамага олиб чиқилиши керак, реал қарорларни ASB аъзоларидан иборат тор доира қабул қиласи. Бундан ташқари, охирги йилларда фонд бозорида юз бераётган воқеалар Буюк Британияда Қимматли қоғозлар ва фонд бозори бўйича комиссия тузишни тобора қатъий талаб қилмоқда. Бундай комиссия ASB билан ўзаро ҳамкорлик қилиши лозим, чунки компаниянинг қимматли қоғозлар бозорида иштирок этиши ва мазкур бозордаги ўрни ҳақидаги барча ахборотни бухгалтерия ҳисобида батафсил акс эттиришга ҳамда фонд бозорига компания ҳақидаги тўлиқ ва аниқ ахборотни берувчи ҳисботлар шаклларига тааллукли хужжатларни ишлаб чиқиш зарути аллақачон юзага келган.

Шу билан бирга, жаҳон капиталлар бозорининг глобаллашуви турли мамлакатларда фаолият қўрсатувчи иқтисодий субъектлар бухгалтерия ҳисботларининг аниқ-равшан бўлишини талаб қилмоқда. Ҳозирда Британия бухгалтерия институтларининг фаолиятида Америка стандартларининг таъсири (айниқса, компанияларнинг солик мажбуриятларини акс эттиришда) яққол кўзга ташланмоқда. ASB Халқаро бухгалтерия стандартлар кўмитаси (IASC)нинг ҳам фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-кувватлайди.

## **III БОБ. АМЕРИКАДА БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИ**

### **3.1. АҚШ тажрибасида бухгалтерия хисоби асосларининг талқин этилиши**

Калифорнияда бухгалтер касбига талаб жуда катта бўлиб, у кенг доирадаги билимлар ва кўп сонли кўнинмаларни талаб килади. Умуман олганда, АҚШ бўйича бухгалтер мутахассислар сони уч миллион кишидан ортиқ (АҚШ ахолиси 300 млн. кишини ташкил килади). Шулардан 300 минг нафарга яқини CPA (Certified Public Accountant) даражасига эга бўлган сертификатланган бухгалтерлардир. Америка бухгалтерлари мазкур даражага ҳаяжон билан муносабатда бўлади, чунки бир неча қийин имтиҳонларни топшириш ва кўпинча ишончсиз мижозлардан воз кечган ҳолда касбий этика нормаларига риоя этиш зарур. Лекин бу яққол иктисадий самара беради: агар бошловчи бухгалтер бир йилда 40 - 60 минг доллар олса, 3-5 йил стажга эга бўлган сертификатланган бухгалтер 70 минг доллар, 5-10 йил стажга эга бўлган сертификатланган бухгалтер эса 150 минг доллар ва ундан кўп пул олади. Албатта, кўп нарса бухгалтернинг эгаллаб турган мавқеига, билимлари ва фаоллигига боғлиқ. Таъкидлаш лозимки, демографик инкиroz АҚШга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан кўймаяпти. Яқин йиллар ичida Америка бухгалтерларининг 30 фоизига яқини пенсияга чиқиб кетади, бухгалтерия хизматлари бозори эса ҳатто ҳозир ҳам хизматларга бой эмас, демак, уларнинг таннархи факат ошади.

Бухгалтерия хизматлари бозори гоят хилма-хил. Бизга таниш бўлган бухгалтерия хисобини юритиш, аудит ва солиқ маслаҳатидан ташқари америкалик бухгалтерлар молиявий ва инвестициявий режалаштириш, жисмоний шахс ҳисобланган мижозлар бюджетини бошқариш, ахборот технологиялари соҳасида маслаҳат бериш, айрим юридик хизматлар кўрсатиш, масалан, меросни расмийлаштириш билан шуғулланади.

Хозирги вақтда кичик ва ўрта тижорат компанияларининг аксарияти бухгалтерия функцияларининг ҳаммасини ёки бир кисмини аутсорсингга топширган. Калифорнияда йиллик айланмаси

100 млн. долларни ташкил қиласынан корхона кичик компания хисобланади, Россияда бу ракам йирик ташкилоттар тоифасига ўтиш чегарасидир. Бир йилда 200 - 300 млн. доллар миқдоридаги айланмага эга бўлган ўрта тижорат компаниялари аутсорсингга, биринчи навбатда, иш ҳақи ва солиқларни хисоблаш функциясини топширишга интилади. Ушбу ҳолатда собиқ бош бухгалтерлар молиявий назоратчиларга ёки молиявий директорларга айланаби, бошқарув қарорларини қабул қилиш, бюджетлаштириш ва харатжатларни бошқариш жараёнларини ташкил этишда иштирок этади.

Акциялари фонд биржаларида котировка қилинадиган йирик компанияларда бухгалтерия дафтарларининг эрта ёпилиши муаммосидан ташвиш чекишишади. Жаҳон миқёсидаги корпорациялар бухгалтерия дафтарларини беш кун ичida ёпади. Гал шундаки, 2006 йилда Қимматли коғозлар ва биржалар комиссияси (SEC) молиявий хисоботларни тақдим этиш муддатини молия йили тугаганидан кейин 75 кундан 60 кунгача (чораклик хисоботларни шакллантириш муддатини срок 40 кунгача) кискартириди. Иккинчи томондан, 2002 йилда Enron инқизозга юз тутганидан кейин Сарбейнс-Оксли қонуни (SOX) сифатида машхур бўлган инвесторларни ҳимоялаш тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Мазкур қонунга кўра, компаниянинг хисоботига юқори раҳбарларнинг улар компаниянинг ички назоратини ташкил этиб, уни керакли даражада сақлаб туриш учун жавобгарликнни ўз зиммсига олиши ҳақидаги аризалари илова қилиниши керак эди. Ушбу талаб хисоботларни шакллантириш ва таҳлил қилиш учун вақтнинг ошишига олиб келди. Шунинг учун бухгалтерия дафтарларини ёпиш вақтини қисқартириш хисоботларни шакллантириш учун ресурсни бўшатишига ёрдам беради. Бундан ташқари, дафтарларнинг тезда ёпилиши инвесторларнинг ишончини мустахкамлайди. Агар ушбу жараён секин кечса, демак, у бузилган бўлиши мумкин, бу хисобот маълумотларининг мос келмаган бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги хуносаларга олиб келади. Сарбейнс-Оксли қонуни барча бухгалтерларга қаттиқ таъсир кўрсатди – корпорациялар қўшимча ҳужжатлар айланishi ва мутахассислар иш ҳақи учун катта маблағлар сарфлашга мажбур бўлди. Аудиторлик фаолияти билан шугулланиш анча хавфли (таваккалли) бўлиб қолди, шунинг учун майда ва ўрта бухгалтерлик фирмалари аудиторлик хизматларидан воз кечишига тўғри келди. Хизматларнинг энг катта улушини анъянавий хизмат турлари: бухгалтерия хисоби ва солиқ маслаҳати

эгаллай бошлади. Бирок, кўп нарса ташкилотнинг ўлчамига bogлиқ. Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи бўйича декларацияни расмийлаштириш ва уни АҚШ солик бошқармасига (Internal Revenue Service - IRS) топшириш хизматлари кичик фирмалар даромадларининг 60 фоизига яқинини ва ўрта фирмалар даромадларининг 40 фоизини таъминлайди.

Соликлар америкаликлар харажатларининг асосий моддаси ҳисобланади. Соликларни тўлаш учун ўртacha статистик америкалик, бир йилда 116 кун ишлаши керак. Ставка ортиб борувчи шкала бўйича ҳисоблаб чиқлади ва даромад даражасига қараб 0 фоиздан 35 фоизгачани ташкил қилиши мумкин. Бу ерда А.Эйнштейннинг машхур иборалари ёдга тушади, яъни америкалик бухгалтерлар фақат жилмайишади. Уларнинг айтишларича, солик ўша вактдан бошлаб анча мураккаб бўлиб қолди. Лекин, бухгалтерларга бу қўл келмоқда, чунки бухгалтерия хизматларга бўлган талабнинг ошишига ёрдам беради. Статистик маълумотларга кўра, америкаликларнинг 61 фоизи бухгалтерлар хизматларидан фойдаланишга мажбур. Ўртacha статистик америкаликнинг декларациясини тўлдириш бўйича хизматлар қиймати 200 - 800 долларни ташкил қиласи. Умуман олганда АҚШ бўйича бир доллар солик тўлаш учун солик тўловчи ўртacha ўн икки цент атрофида сарфлаши ҳисоблаб чиқилган. Ушбу тенденция барча соликларга тааллуқли. Ҳаёт шиддат билан ўзгармоқда, янги бозорлар пайдо бўлмоқда, иқтисодий муносабатлар ривожланмоқда, бу солик тўғрисидаги қонун хужжатларининг тез-тез ўзгариб туришига олиб келади. Бизга қалин томни кўрсатиши – бу бир йил мобайнида биргина солик қонунчилигига киритилган ўзгартишлар. Бизни иқтисодиётимизда солик тўғрисидаги қонун хужжатлари йигирма беш йилликдан бўён, АҚШда эса бир неча юз йиллар мобайнида ривожланмоқда. Бирок, унинг мураккаблиги ва ноаниклиги фақатгина ортиб бормоқда, бу бухгалтерларнинг чукурроқ ихтисослашувига ва ушбу функцияning аутсорсингта топширилишига турткি беради.

Бухгалтерия хизматлари ҳақида тўхталашибган бўлсак, улар чиқишида олинадиган ҳисботларнинг аниқлигига қараб учта даражадан иборат: компиляция (Compilation), тафтиш (Review), аудит (Audit). Компиляция (Compilation) – бу маълумотларнинг аниқлигини текширмаган, унинг US GAAРга мос келиши кафолатини бермаган холда молиявий ҳисботларни тузиши. Компиляция қиймати тафтиш қийматининг учдан бир қисмини

ташкыл қиласы ва кичик компанияларга бир йилда ўртача 20 минг долларга тушади, бу штатда сертификатланган бухгалтерни ушлаб туришга қараганда икки марта арzon. Шунинг учун мазкур хизмат тури бухгалтерлик фирмалари ичидә энг кенг тарқалған. Тафтишдан (Review) кейинги ҳисоботлар сертификатланган бухгалтер томонидан умумий қабул қилинған аудит қоидаларига мувофиқ аудиторлик текшируви ўтказилмасдан туриб (ушбу хизматтинг қиймати аудит қийматининг ярмиға teng) молиявий маълумотларнинг түғрилигига кафолат берди.

Бухгалтерия мөхнатини ташкыл этиш фирманиң сиёсатига боғлиқ. Калифорнияда икки томонлама рақобат кечади, яни ходимлар иш ўринлари учун, иш берувчилар ходимлар учун рақобатлашади. Бир катар фирмалар мөхнатни интенсификациялаган ҳолда тажавузкор сиёсат олиб боради, бунда ходимлар касбий маҳорат нұктай назаридан тезроқ үсади, лекин ҳаддан зиёд күп ишлайди. Бошка компаниялар шафқатли сиёсатни қўллайди. Масалан, бухгалтерия мөхнатини ташкыл этишининг охирги талаби – бу тўлиқ электрон хужжат айланиши ва бухгалтернинг иккита монитор ўрнатилган иш ўрни. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, шу кетишда мониторлар сони фақатгина ортиб боради. Албатта, бу кўриш қобилиятининг тез йўқоришига ва бошқа касалликларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун аксарият ташкилотлар бир қарашда самаралидек туюлган бундай воситалардан воз кечмоқда. Ахборот технологиялари мөхнат унумдорлигига кучли таъсир кўрсатмоқда, улар доимий равишда такомиллаштирилиб, янада самарали бўлмоқда. Ходимларни бошқариш, мотивациялаш, коммуникация, тайм-менежментга катта эътибор қаратилмоқда. Кадрлар қўнимсизлиги АҚШ бўйича ўртача 20 фойзни ташкыл қиласы, шунинг учун компанияни бошқариш кўпроқ ўртача даражали менежментга йўналтирилган. Калифорнияда бухгалтерия соҳасида ўрта бўғин раҳбарларининг кескин этишмаслиги кузатилмоқда. Агар оддий бухгалтер бухгалтерия технологиясини яхши билиши, хушмуомалали бўлиши, топширилган вазифаларни ўз муддатида бажара олиши лозим бўлса, менежерлар учун иш тажрибаси, ўргатиш, тадқиқот ўтказиш ва ходимлар эътиборини ишларни бажаришнинг якуний муддатларига карата олиш қобилияти зарур.

Стажировканинг ҳар бир куни мулоҳаза юритиш учун мавзуу ва янги ғояларни берди, улар аста-секин муайян қадамларга айланди.

Бундай таққослаш натижасида қатор йиллар мобайнида нафақат бухгалтерия ҳисоби, солиқлар, бошқарув ҳисобини, балки ҳисоб юритишины автоматлаштиришни, сүнгги вактда эса МХХСни ҳам ўз зиммасига россиялик бухгалтерлар, айниқса, Россия ишлаб чиқариш корхоналарининг бош бухгалтерлари катта хурматга лойиқ. Америкада бундай бухгалтерлар мавжуд эмас. Уларнинг ҳар бири дидига мос келадиган ихтисосликни танлаган, мадомики, танлов бор экан, меҳнатга ҳам яхши ҳақ тўланади. Юкорида таърифланган тенденциялар: глобаллашув ва демографик инқироз, солиқ тизимининг мураккаблашуви ва ахборот технологияларининг жорий этилиши, янги бозорларнинг пайдо бўлиши аста-секин Россияда ҳам кузатила бошлади. Буларнинг барчаси нафақат бухгалтерлар хизматларига бўлган талабни оширади, балки янги хизматларнинг ҳам пайдо бўлишига хизмат қиласди.

АҚШда бухгалтерия ҳисоби назариясига нисбатан қарашлар хилма-хил бўлишига қарамай, унга умумий таъриф бераётib, айтиш мумкинки, у позитивизм таъсири остида шаклланди. Унинг моҳияти шундан иборатки, олим ўрганилаётган жараёнларнинг мазмунини эмас, балки уларнинг ташқи намоён бўлишини тадқиқ этиши керак.

Ушбу ғоялар бухгалтерия тафаккурига бевосита таъсир кўрсатди. Агар позитивистларгача икки ёқлама ёзувни изоҳлашда хўжалик фаолиятида иштирок этувчи шахсларнинг хуқук ва маъжбуриятлари алмашувида (юридик жиҳат), бойликларни алмашища (иқтисодий жиҳат) унга (икки ёқлама ёзувга) келиб, икки ёқлама ёзувнинг моҳиятидан келиб чиқишган бўлса, И.Ф.Шернинг позитивистик талқинида (1846 - 1924 й.) ушбу мазмуний жиҳатлар инкор этилди ва барчаси счёtlарни актив ҳамда пассив турларга бўлиш ва улардаги ёзувлар тартибига бориб тақалди. Бундай ёндашув Фарбий Европа ва Россияда умумий қабул қилинган усулга айданди.

Позитивизм ўзини Шимолий Америка Кўшма Штатларида (АҚШ илгари ана шундай номланган) бир мунча бошқача намоён этди. Уларнинг мутахассислари инглиз олимларининг шкгдай концепциясидан келиб чиқишиди, унга кўра бухгалтерия ҳисобининг асосида куруқ тартиб-таомиллар эмас, балки қандайдир жараёнлар ётади, бунда айрим позитивистлар уларни механик жараёнлар деб, бошқалари эса органик жараёнлар деб ҳисоблашди. Биринчи йўналиш вакиллари Жон Стюарт Миль (1806 - 1873 й.)

ғояларига, иккинчи йўналиш вакиллари эса Герберт Спенсер (1820 - 1903 йй.) ғояларига таяниши.

Ушбу фарқлар шунчалик аҳамиятли эдики, бу АҚШ ҳисоб юритишида Ирвинг Фишер ва Др.Скотт раҳномалигида иккита асосий йўналишининг шаклланишига олиб келди.

Буюк иқтисодчи, ҳозирги пул муомаласи назариясининг асосчиси, индекслар назариясининг асосий қоидаларини ифодалаган ажойиб статистик Ирвинг Фишер (1867 - 1947 йй.) бухгалтерия ҳисоби назариясига ҳам катта таъсир кўрсатди. Ҳисоб юритишининг мақсадини у корхона хўжалик механизмининг ишида мувазанатга эришишда, унинг мувазанатлашганлигини таъминлашда кўрди. Айнан Фишер ва унинг давомчиларининг ишлари туфайли Россияяда хўжалик механизми пайдо бўлди.

Хўжалик механизмининг илашида тўхталишлар бўлиши мумкин – бу иқтисодий ҳаётда ҳамма вақт иштирок этадиган ва уни ушбу механизмларни бошқарувчи инсонлар эътиборга олиши лозим бўлган таваккалчиликдир. Хўжалик механизмининг мувазанатига фақат ўзгармас объектив қонунлар, мазкур ҳолатда иқтисодий қонунлар таъсирини ҳисобга олган ҳолда эришиш мумкин. Бундан бухгалтерия ҳисобини хўжалик механизмининг унинг ишини кузатиш ва назорат қилиш имконини берувчи қисми сифатида тушуниш келиб чиқади. Фишернинг фикрига кўра, кузатишининг мақсади фойдани ҳисоблаш ва фирманинг молиявий ахволини баҳолаш билан боғлиқ. Ҳисоб юритишида таърифланган иқтисодий жараёнлар объектив қонунлар билан белгилаб берилган жараёнлар сифатида қаралади, демак, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари экстраполировка қилиниши, яъни ушбу маълумотлардан фойдаланувчилар келажакни анча ишонч билан олдиндан кўришлари ва олдиндан айтиб беришлари мумкин. Бундан қуйидаги хулоса келиб чиқади: бухгалтерия ҳисоби – бу тарихий ва миллий шартшароитлардан қатъий назар холисона ишловчи асбоб.

Энди Фишер назариясидаги энг асосий жиҳат – бухгалтерия ҳисботлари ва уларда тақдим этилган объектларни баҳолашни кўриб чиқамиз. Унга қадар Европада ҳам, Америкада ҳам, баланс – бухгалтерияянинг барча деталларини изоҳловчи марказий категория, деган ишонч устунлик киларди. Ушбу нуқтаи назарни АҚШда Ч.Э.Шпруг (1842 -1912 йй.) ўта аник ифодалади, у айнан баланс бутун молиявий ҳисботларнинг асоси сифатида кўриб чиқилиши

мумкинлигини таъкидлади. Мазкур фикрга кўплаб бухгалтерлар ва иқтисодчилар қўшилди.

Фишер мазкур нуқтаи назарни ўзгартирди, чунки, унинг фикрига кўра, капитал заҳираси эмас, балки капитал оқимлари муҳим. Шунинг учун балансга эмас, балки фойда ва заарлар тўғрисидаги хисоботга марказий ўрин берилади. Балансда факат заҳиралар акс эттирилади, фойда ва заарлар тўғрисидаги хисоботда эса маблағлар оқими заҳира сифатида ҳам (оқимлар натижаси), счёtlар сальдоси сифатида ҳам (айланмалар натижаси), баланс сифатида ҳам (фойда ва заарлар тўғрисидаги хисобот натижаси) тавсифланади.

Шундай қилиб, Фишер фирманинг ишини баҳолашдаги оғирлик марказини фойда ва заарлар тўғрисидаги хисоботга кўчирди. Лекин, энг муҳими, капитал тўғрисидаги тасаввур ҳам ўзгарди. Фишернинг таъкидлашича, капитал – бу муайян вақтда мавжуд бўлган фаровонлик захираси, бошқача айтганда – бу бухгалтерлик баланси активи, унинг ҳажми эса даромад функциясидан бошқа нарса эмас. Аслида, капитал унга қачонлардир қанча қўйилган бўлса шунча эмас, балки у қанча даромад ва фойда келтирса, шунча туради. Бундан Фишернинг қўйидаги парадокси келиб чиқади: бир томондан, баланс активи фирмга қўйилган капитал суммасини ўзида намоён этади, иккинчи томондан – капиталнинг ўзи фақатгина олинган фойдадан функция.

Фишернинг, бухгалтерия маълумотларини экстраполяция қилиш имкониятларидан келиб чиқиб, хисоблашича, потенциал инвестор активни (капитални) баҳолашда аввалги эмас, балки келгусидаги эҳтимолий фойдадан келиб чиқиши керак. Банк фоизи ставкаси ўтмиш, ҳозир ва келажак ўртасидаги боғлиқлик сифатида иштирок этади.

Фойда функцияси сифатида капиталнинг ҳажми хақидаги мулоҳазалар Фишерни қўйидаги ўта муҳим хulosага олиб келди: солиқ факат фойдадан олиниши лозим ва ҳеч қачон мол-мулкка (капиталга) солинмаслиги керак. Агар мол-мулкка солиқ солинса, у ҳолда бу капиталнинг еб қўйилишини англатади, бу мамлакат ишлаб чиқариш ресурсларининг сарфлаб юборилишига олиб келади. Корхоналар ва Ҷавлат иқтисодий сиёстининг мақсади – ресурсларни (капитални) кўпайтиришдан иборат.

Бундан навбатдаги қадам – капиталнинг ишлаб чиқариш қувватини сақлаб туриш – хўжалик механизмини бошкарувчи

шахсларнинг вазифаси хисобланади. Лекин улар бунга пул бирлиги барқарор бўлган тақдирдагина эришишлари мумкин. Бундан қўйидаги қоида келиб чиқади: бухгалтерия ҳисобининг барча объектлари пул бирликларида ифодаланган бўлиши лозим.

Бу қоида ҳисоб юритишда тақдим этилган қимматликларни доимий равишда қайта баҳолашни назарда тутади. «Идеал формуласини» Фишер таклиф этган нархлар индекслари қайта баҳолаш воситаси бўлиши керак (ушбу формула атрофида ҳозиргача қизғин баҳс-мунозара кечади). Фишернинг фикрига кўра, инфляция, - бу индексларни кўллаш вақтида йўқолиб кетадиган касаллик.

Скотт Др. (1887 - 1954 й.) – социолог, статистик ва жуда машҳур бухгалтер. Фишер билан солиширилганда Скоттнинг позитивистик доктрина доирасидаги ғоялари бошқача эди. Унинг таъкидлашича, ҳар қандай фирма – бу хўжалик механизми эмас, балки хўжалик организми бўлиб, унинг муваффакиятли ишлиши фирма ёллаган инсонларга эмас, балки бошқарувчиларнинг ушбу инсонларни бошқариш ва уларнинг манфаатларини инобатга олиш қобилиятига боғлиқ. Мазкур фаолият ҳеч қанақа объектив қонунларга бўйсунмаган (умуман олганда, Скотт иқтисодий қонунларни ёмон назариячилар ўйлаб топган нарса деб ҳисобларди).

Худди фирманинг ҳаётида бўлгани каби жамият ҳаётида ҳам мувазанат ва барқарорлик мавжуд эмас. Ҳаёт ҳамиша ўзгариб туради, у жуда мураккаб бўлиб, олдиндан айтиб бўлмайди. Ҳар қандай фирма олами – бу чакалакзор, ишчилар жамоаси эса – илонлар кулаласи.

Бухгалтерия ҳисобининг мақсадини Скотт қўйидагилардан иборат деб билди:

1) мулқдорлар, актуал ва потенциал акцидорлар манфаатларини ҳимоялаш. Акцияларни сотиб олиши мумкин бўлган шахс уларни сотиб олган шахс каби муҳим (балким, сотишни истар);

2) фирмада банд бўлган шахслар фаолиятини назорат қилиш.

Скотт, Фишердн фарқли ўлароқ, ҳисоб юритиш тизимининг тарихи ва ўзига хос хусусиятларига катта аҳамият берди. Тарих ўтмишдан сабоқ сифатида, биринчи галда, ўтмишдаги муаян вазиятда ўйл қўйилган ҳатоларни таҳлил қилиш учун зарур.

Бухгалтерия муаммоларини кўриб чиқишига ўтаётib, шуни таъкидлаш лозимки, Скотт Шпругнинг баланснинг устувор ролига нисбатан қарашларига қайтди. Гап шундаки, Скотт капиталсиз фойда бўлиши мумкин эмас, деб ҳисобларди, демак, Фишер ноҳақ

бўлган. Фойда капитал замирида пайдо бўлади. Бунда унинг назарида, рентабеллик хусусий капитални эмас, балки барча (хусусий ва жалб этилган) капитални назарда тутиши керак.

Баланс бутун ҳаракатдаги капитални акс эттириши туфайли у капиталдан фойдаланиш натижасини акс эттирувчи фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг сабаби ҳисобланади. Бошқарувчиларнинг мақсади эса – активлардан фойдаланишини оптималлаштиришга эришишдан иборат. Факат ана шундагина ресурслар сарфлари ва олинган даромадлар ўртасидаги реал муносабатларни аниқлаб, очиб бериш мумкин. Бунда фойда эмас, балки капитал, бошқача айтганда, ресурслар захираси ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, солиқларни даромаддан эмас, балки мол-мулқдан, яъни капиталлаштирилган маблағлардан олиш керак. Шу сабабли амортизация ажратмалари солиқ солинмайдиган фойданинг бир қисми сифатида талқин этилади, амортизациянинг ўзига эса асосий воситалар паркини қайта тиклаш фонди сифатида қаралади.

Шундай қилиб, Скоттнинг диккати марказида капиталнинг ҳисобини юритиш ётади, баланс эса фирманинг хўжалик фаолиятини ва молиявий аҳволини тавсифловчи асосий тушунча сифатида кўриб чиқилади.

Баланс счёtlарга бўлинади. Ҳар бир счёт – бу, бир томондан, у ёки бу агент (моддий жавобгар шахс, кредитор, дебитор, мулқдор ва ҳ.к.) ўзининг ғаразли мақсадларини кўзлаган ҳолда ўз ўйинида қўллайдиган ставка, иккинчи томондан, барчани қоидалар бўйича ўйнашга мажбур қилган ҳолда ушбу ставкани қўлловчи бухгалтер. Мазкур вазифалар амалиётда счёtlарни корреспонденциялаш орқали, яъни хўжалик муомаласида иштирок этувчи икки ёки бир неча шахснинг реал муносабатларини акс эттирувчи ўтказмаларни тузиш йўли билан ҳал этилади. Лекин реал алмашувда эквивалентлилик ҳамма вақт ҳам иштирок этмайди, чунки хўжалик жараёни иштирокчиларининг ўзаро муносабатларида у мавжуд эмас. Бухгалтерия икки ёклама ёзувни расмиятчилик учун қўллаш йўли билан бир счёtnинг дебети ва иккинчи счёtnинг кредити бўйича тенг ёзувларни амалга ошириш орқали муносабатларни сунъий равища тенглаштиради.

Эквивалентлиликнинг мавжуд эмаслигини доимий равища ўз қийматини ўзgartириб турувчи пул ўлчагичининг ўзида кузатган маъкул, чунки ҳар қандай пул бирлигининг харид кучи ҳамма вақт

ўзгариб туради ва ушбу ҳолатни хеч қанака индекслар билан түғрилаб бўлмайди. Инфляция – бу тасодифий касаллик эмас, балки иқтисодий ҳаётнинг ягон йўлдоши.

Юкорида айтилганларнинг барчаси Скотт эмас, балки бухгалтер ролининг бошқача тушунилишига олиб келди, яъни у ахборот етказиб берувчи эмас, балки ҳакамдир, чунки у барча иштирокчилар олдиндан қатъи белгиланган қоидалар бўйича ўйнашларини кузатиши даркор. Буларнинг барчаси Скоттнинг ўз вакти учун мутлақо кутилмаган хуносаларга келишига туртки бўлди: бухгалтер қандайdir алоҳида шахслар гурухининг манфаатларига, боз устига мулкдорлар манфаатларига жавоб берадиган қоидалар бўйича эмас, балки жамият томонидан тузилган қоидалар бўйича ишлаши керак. Бухгалтер индукция йўлидан ( фирмадан ҳалқ хўжалигига) эмас, балки дедукция йўлидан ( ҳалқ хўжалигидан фирмага) бориши керак.

Бунинг учун, Скоттнинг фикрига кўра, манфаатдор шахсларнинг бутун ҳамжамияти томонидан тан олинадиган қоидаларни ишлаб чикиш зарур. Айнан улар жонли амалий ҳисоб юритишнинг бухгалтер ишлашига тўғри келадиган иқтисодий ва ҳуқукий муҳит билан боғлиқлигини таъминлади.

Одатда Скоттнинг тўртта қоидаси муҳим саналади:

–Ҳақиқийлик – бухгалтерия ҳисоботларининг ташқи фойдаланувчилар қарорларига таъсир этувчи қандайdir жиддий ҳатоларни ўзида мужассам этмаслиги назарда тутилади. Бу ҳисоботларда барча сонлар мутлақ тўғри эканлигини анлатмайди, лекин бу ҳисоботлар маълумотлари етарлича аниқлик билан берилганлигини англатади. Скотт шундан келиб чиқсан эдикни, ҳақиқийлик тамоилии бухгалтерия ҳисоботлари фирма молиявий аҳволининг ишончли ҳолатини акс эттириши лозимлигини назарда тутади (у, хусусан, харид қилиш ёки сотиш нархларини танлашда фақат сотиш нархларидан фойдаланишини уқтирган ҳолда эҳтиёткорлик тамоилиига қарши чиқди).

–Холислик – бухгалтерия ҳисоботлари хўжалик жараёни иштирокчиларининг манфаатларига нисбатан бетарафлик ҳолатида тузилиши зарур. Ушбу иккита қоида машҳур «true and faire» - ҳақиқий ва объектив (холисона) акс эттириш қоидасини ифодалаш учун асос бўлиб хизмат қилди, унга кўра бухгалтер, агар у норматив ҳужжатлар талаблари фирманинг ҳақиқий молиявий аҳволини объектив ва ҳақиқий тарзда тақдим этиш имконини бермайди, деб

хисобласа, хисоб юритишда ушбу талабларга амал қилмаслиги мүмкін.

—Мослашув – бухгалтерия хисобининг барча қоидалари ва усуллари ижтимоий-иктисодий мұхиттің үзгарувлан шароитларига мослаштирилған ҳолда вакти-вақти билан қайта күриб чиқилиши лозим. Мисол тариқасида Скотт соғ статистик хусусиятга зәға бўлган ва хисоб юритишда кенг тан олинган захира қилиш усулларининг пайдо бўлишига олиб келди. Бундан мослик қоидаси келиб чиқади, унга кўра харажатлар бухгалтерия хисобида улар туфайли олинган даромадларга мос келиши керак. Агар корхона фаолият кўрсатишининг узлуксизлигини назарда тутадиган бўлсақ, у ҳолда унинг ҳаёти учун барча харажатларни даромадлар билан таққослаш мүмкін. Бирок, реал ҳаётда ушбу харажатлар ва даромадлар оралиқ хисобот даврлари бўйича тақсимланиши зарур, шунинг учун амалиёт ўтаётган бухгалтер олдида ҳамма вақт кўплаб қатъий вазифалар пайдо бўлади. Уларни ҳал этиш учун ўзининг асосий маълумоти бўйича статистик бўлган Скотт иктисодий-математик ва статистик усулларни қўллашни қатъий тавсия қилди.

—Изчиллик – фирма маъмурияти бир марта қўлланилған хисоб юритиш усулларига амал қилиши ва уларни тез-тез ўзгартириб турмаслиги лозим. Ташки томондан мазкур тамойил бундан олдинги тамойилга зид келади, лекин, аслида ундей эмас. Ҳисоб юритиш методологияси бошқарувчиларнинг шу ондаги истакларига кўра эмас, балки объектив сабабларга кўра ўзгариши лозим.

ХХ аср 30-йилларининг бошида ушбу қоидалар деярли кўзга ташланмади, лекин 70-йилларда улар, ниҳоят, тан олинди, бу ГААП (GAAP - Generally Accepted Accounting Principles – умумий қабул килинган бухгалтерия тамойиллари) бухгалтерия (молиявий) хисоби стандартларининг ишлаб чиқилишига олиб келди. Бухгалтерия тартиб-таомилларини таърифловчи мазкур стандартлар жаҳонда кенг ёилиб, инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатлардаги шунга ўхшаш амалиётга катта таъсир кўрсатди.

АҚШда бухгалтерия хисоби замонавий назариясининг иккита асосчиси қарашларидаги фарққа қарамай уларнинг позитивистик ядроси бизнинг давримиз ва ишларимиз учун катта ахамиятга зәға, чунки фан амалиётдан фарқли ўлароқ интернационал хисобланали.

Шундай қилиб, куйидаги хуносаларни билдириш мүмкін:

1. Фишер, Скотт ва уларнинг давомчилари бухгалтерия хисобининг моҳияти предмет, усул каби метафизик тушунчаларни

очиб беришдан эмас, балки хўжалик ҳаёти фактларини таърифлашдан иборат, деган фикрга қўшилади.

2. Молиявий ахвол ва молиявий натижаларни ҳаққоний ва объектив тарзда акс эттириш истаги позитивистларнинг баҳолаш учун асос сифатида тинархдан воз кечишга ва, одатда, жорий сотув нархларидан фойдаланишга интилишига олиб келади (хайриятки, ушбу foя ҳозиргача ҳаётга татбиқ этилмади).

3. Бухгалтерия ҳисоби методологияси ва унинг тартиб-таомилларини стандартлаштиришга интилиш деярли барча мамлакатларнинг ҳисоб юритиш амалиётидаги катта ўзгаришларга олиб келди. Фишер билан Скотт тарафдорлари ўртасидаги фарқлар фақатгина шундан иборатки, Фишер тарафдорларининг абадий стандартларни шакллантириш мумкинлигига ишончи комил, Скотт тарафдорлари эса бундай стандартларни шакллантириш жараёни узлуксиз, чунки абадий ўзгариб турувчи хўжалик ҳаёти узлуксиз, деб ҳисоблайди.

4. Бухгалтерия ҳисоби методологияси ва ҳисоб юритиш тартиб-таомилларини танлаш натижаларини баҳолаш сифатида барча позитивистлар К.Маркснинг «амалиёт – ҳақиқат мезони» -деган фикрига қўшилади.

АҚШда хўжалик фаолиятининг учта асосий ташкилий-хукуқий шакли мавжуд:

- якка тартибда (хусусий) эгалик қилиш;
- ширкат;
- корпорация.

Бухгалтерлар ушбу шаклларнинг ҳар бирини мулқдордан алоҳида бўлган иқтисодий бирлик сифатида кўриб чиқади.

Якка тартибда эгалик қилиш – бу бир киши томонидан яратиладиган фирма, бу мулқдорга хўжалик фаолиятини тўлиқ назорат қилиш имконини беради. Юридик жиҳатдан якка мулқдор барча мажбуриятлар бўйича шахсий мол-мулки билан жавоб берувчи хусусий шахс сингари хўжалик субъекти ҳисобланади. АҚШда бундай фирмалар сони жуда кўп, лекин бу кичик бизнес.

Ширкат – бу иккита мулқдор томонидан ташкил этиладиган фирма бўлиб, бунда мулқдорлар ширкатнинг фойдаси ёки заарини олиндан келишилган формулага мувоғиқ ўзаро бўлиб олишади. Ҳар бир иштирокчи ўз улушкини бошқа иштирокчига бериши мумкин ва, зарур ҳолларда, улардан ҳар бирининг шахсий мол-мулки-

ширкатнинг мажбуриятлари бўйича тўлов учун олиб қўйилиши мумкин.

Корпорация – бу мулкдордан юридик жиҳатдан мустақил фирма бўлиб, унинг қўйилмалари акциядорлик капитали сифатида намоён этилган. АҚШда акциядорлар корпорациянинг операцияларини тўғридан-тўғри назорат қила олишмайди. Улар ўзларига фойда ундириш мақсадида корпорациянинг хўжалик фаолиятига раҳбарлик қўлиувчи директорлар кенгашини сайлашади. Акциядорлар корпорациянинг заарлари учун факат ўз ҳиссаси доирасида жавоб беради, акциядор ўз акциясининг сотиши корпорациянинг тутатилишига олиб келмайди.

АҚШда ҳисоб юритиш ва ҳисботларни тузиш тамойиллари ва қоидалари бухгалтерлар касбий ташкилотлари томонидан ишлаб чиқиладиган умумий қабул қилинган стандартлар билан тартибга солинади. Умумий қабул қилинган ҳисоб юритиш тамойиллари (Generally Accepted Accounting Principles - GAAP) ана шундай стандартлар ҳисобланади.

Стандартларни ишлаб чиқиш билан бухгалтерларнинг бир неча касбий ташкилоти, хусусан: Америка дипломли жамоат бухгалтерлари институти – AICPA; Молиявий ҳисоб стандартлари бошқармаси – FASB; Давлат ташкилотлари учун ҳисоб юритиш стандартлари бошқармаси – GASB; Қимматли қозозлар ва биржалар комиссияси – SEC; Америка бухгалтерлар уюшмаси – AAA шуғулланади.

Қўшма Штатларда молиявий ҳисобнинг барча вазифалари Молиявий ҳисботлар тапшириклари тўғрисидаги хатда батафсил ёритилади. Мазкур хужжатга мувофиқ молиявий ҳисботлар:

- оқилона капитал қўйилмаларни амалга ошириш ва кредитлар тўғрисида қарорлар қабул қилиш учун ҳозирги ва бўлажак кредиторларга фойдали бўлиши;

- корхонанинг хўжалик-иктисодий фаолиятини таҳлил қилаётган ва ушбу фаолият ҳақидаги ахборотни ўрганаётган кишиларга тушунарли бўлиши;

- корхонанинг иқтисодий ресурслари, уларга нисбатан қўйиладиган талаблар, ресурслар ва уларга нисбатан қўйиладиган талабларни бевосита ўзгартирувчи хўжалик операциялари ва воқеаларнинг таъсири ҳақидаги маълумотларни бериши

- муайян давр мобайнida корхона фаолиятининг натижалари ҳақидаги маълумотлар билан таъминлаши;

–фойдаланувчиларга вактга кўра тақсимланган суммаларни ҳамда дивидендлар ва фоизлар бўйича назарда тутилаётган пул маблағлари киримини, шунингдек, ссудалар ёки қимматли қоғозларни сотиш ёхуд нархини тўлашдан тушган тушумларни баҳолашга ёрдам бериши лозим.

АКШ корхоналарининг ҳисоботлари муайян вактда тузилади. Ҳисоботларни тузиш саналари ўртасида хўжалик операциялари счёtlарда рўйхатга олиниб, сўнгра янги ҳисоботларни тузиш учун умумлаштирилади. Операцияларни счёtlарда тўғри акс эттириш учун бухгалтер қуидаги учта муаммони ҳал этиши зарур:

1. Операция қачон амалга оширилди – тан олиш муаммоси;
2. Операция қийматининг баҳоси қанақа – баҳолаш муаммоси;
3. Операцияни қанақа счёtlарга ёзиш керак – таснифлаш муаммоси.

Ушбу муаммолар ҳисоб юритиш жараёнида ҳал этилади. Хўжалик операцияларини рўйхатга олиш уч босқичда амалга оширилади:

- дастлабки ҳужжатлар бўйича таҳлил қилиш;
- операциялар дафтарига ёки Бош дафтарга (дастлабки ёзув дафтарига) ёзиш;
- Бош дафтарга кўчириш.
- Одатда АКШ фирмаси рўйхатга олиш учун бир неча дафтарлар ва Бош дафтарга эга.
- Бош дафтардан Бош дафтарга кўчириш жараёни қуидаги изчилликда бажарилади:
  - Бош дафтардан дебетланаётган счёт топилади;
  - операция амалга оширилган сана кўйилиб, «Ўтказма тўғрисида маълумотнома» устунига дафтарнинг ундан мазкур ёзув кўчирилган саҳифаси тартиб рақами ёзилади;
  - «дебет» устунига дафтарда қайд этилган сумма ёзилиб, юир вактнинг ўзида ҳар бир операциядан кейинги сальдо чиқарилади;
  - худди шулар кредит счёти бўйича такрорланади.

Бош дафтар активлар, мажбуриятлар, даромадлар, харажатлар счёtlаридан таркиб топган. У китоб, файл, папка ва ҳоказолар кўринишида юритилиши мумкин. Барча хўжалик операциялари Бош дафтарнинг тегишли счёtlарига ёзилади. Бундай ёзувлар амалга оширилган операциялар ҳакида етарли даражада ахборот бермаслиги боис, операциялар дафтарлари юритилиб, бу ерда операцияларнинг амалга оширилишига караб, моҳиятини батафсил

ёрган ҳолда, уларни рўйхатга олиш ва счёлар корреспонденцияси амалга оширилади.

Бош дафтар баланснинг деталлаштирилган версиясини ўзида намоён этиб, унда ҳамма вақт баланс тенглиги шарти бажарилиши керак. Барча давтарлар маълумотларини кўчириш ниҳоясига етгач Бош дафтарнинг ҳар бир счёти бўйича хисобот даврининг охири ҳолатига кўра сальдо чиқарилади. Деярли барча кўчириш ҳаракатлари хўжалик операциялари тўгрисидаги ахборот киритилганидан кейин автоматик тарзда амалга оширилади.

Ҳар бир корхонада тез-тез такрорланиб турадиган операциялар мавжуд, шунинг учун операциялар дафтарларидағи ёзувлар ва Бош дафтарга кўчириш такрорланади. Бундай операциялар жумласига, масалан, пул маблағлари тушумини, пул маблағлари тўловлари, товарларни кредитга сотиш, товарларни кредитга харид килиш ва бошқаларни киритиш мумкин.

Корхонанинг кенгайишига қараб тобора кўпроқ операциялар амалга оширилади, ўз навбатида, дафтарларда ўхшаш мазмундаги ёзувлар ҳам тез-тез такрорланади.

Ёзиш ва кўчириш жараёнини соддалаштириш мақсадида ҳар бир такрорланиб турадиган операциялар гурухи учун Maxsus дафтарлар (Special Journals) очилади: кредитга сотиш учун қўйилган счёларни ёзиш учун Сотувлар дафтари (Sales Journal); кредитга амалга оширилган харидларни ёзиш учун Харидлар дафтари (Purchase Journal); пул маблағлари олингандигини ёзиш учун Пул маблағлари тушумлари дафтари (Cast receipts Journal); пул маблағлари берилгандигини ёзиш учун Пул маблағлари тўловлари дафтари (Cast payments Journal).

Maxsus дафтарларни юритишнинг устунликлари қўйидагилардан иборат:

- алоҳида суммаларни дебиторлик қарzlари ва сотиш счёларига кўчириш ўрнига, фақатгина якуний суммалар ой охирида Бош дафтари счёларига киритилди;

- хўжалик операцияларини акс эттириш жараёнини бир неча бухгалтерлар ўртсида бўлиш мумкин.

Хисоб-китобларнинг аниқлигини таъминлаш учун ҳар бир ойнинг охирида дафтарларда дебет ва кредит бўйича якун ясалиб, натижалар текширилади. Сўнгра ҳар бир устун бўйича якуний сумма Бош дафтари счёларига кўчирилади. Сотиш дафтаридан дебет бўйича якуний сумма дебиторлик қарzlари счётига, кредит бўйича

якуний сумма эса сотиш счётига кўчирилади. Бош дафтарнинг «Ҳавола» устунида саҳифанинг тартиб рақами қўйилган «С» ҳарфи ўтказма Сотиш дафтаридан кўчирилганлигини англатади:

Дафтарда ҳар бир устуннинг пастида ҳам Бош дафтарнинг унга якуний сумма кўчирилаётган счёти рақами кўрсатилади.

Якуний суммаларни Бош дафтар счётларига кўчиришнинг бундай усули вактни тежаш билан бирга, ҳатоларга йўл қўйиш эҳтимолини пасайтиради. Махсус дафтардан фойдаланган ҳолда Бош дафтар счётларига кўп миқдордаги алоҳида суммаларни кўчирмасдан, балки фақатгина иккита кўчиришни амалга ошириш лозим.

Счётлар сальдоси ҳақидаги умумий ахборотдан ташқари кўпинча батафсилоқ ахборот зарур, хусусан, бу «Олинадиган счётлар» (счётлар бўйича дебиторлик қарзлари - accounts receivable) ва «Тўланадиган счётлар» (счётлар бўйича кредиторлик қарзлари - accounts payable) счётларига тааллукли. Ушбу счётлар Бош дафтарда фақатгина кредитга сотилган ва кредитга сотиб олинган товарлар учун якуний суммаларни акс эттиради. Ҳар бир дебитор ва кредитор бўйича батафсил ахборотни акс эттириш учун ёрдамчи китоблар (subsidiary ledgers) очилади. Улар Бош дафтарнинг бир қисми ҳисобланмайди, балки фақатгина счётлар бўйича батафсил ахборотни ўзида намоён этади. Аслида улар россиялик бухгалтерлар томонидан фойдаланиладиган аналитик счётларга ўхшайди. Компаниянинг қарзлари тўғрисида узил-кесил ахборотга эга бўлиш учун ёрдамчи китоблар ихтиёрий шаклда юритилади. Бундай ахборот бухгалтерларнинг ўзлари учун ҳам, хусусан, шубҳали қарзлар бўйича захира миқдорини ҳисоблашда, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини бошқариш юзасидан қарорлар қабул қилиш учун ҳам зарур. Ахборотни махсус дафтарлардан ушбу китобларга кўчириш одатда ҳар куни амалга оширилади.

Ҳар бир ой охирида (одатга кўра) ва йил охирида (шарт) Бош дафтар счётларининг дебети бўйича умумий айланма ва кредити бўйича умумий айланмани солиштириш учун синов баланси (train balance) тузилади. Синов баланси жадвални ўзида намоён этиб, унда Бош дафтарнинг барча счётлари ва ҳар бир счёт бўйича якуний сальдо кўрсатилган (аслида у айланма қайдномаси билан бир хил). Агар якун тўғри бўлса, у ҳолда назарий жихатдан балансни ҳамда фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлашга киришиш мумкин.

Бироқ барча амалга оширилган хўжалик операцияларининг акс этирилиши мазкур ҳисоб юритиш даври учун даромадлар ва харажатларнинг мос келишини кафолатламайди. Ушбу ҳисобот даврига киритиладиган, лекин кейинги ҳисобот давригача олинмайдиган ёки тўланмайдиган даромадлар ва харажатлар мавжуд бўлиши мумкин; олинган ёки тўланган, лекин бир неча ҳисобот даврлари ўртасида тақсимланиши лозим бўлган даромадлар ва харажатлар мавжуд бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда ҳисобот даврининг охирида тузатувчи ёзувлар амалга оширилади.

Тузатувчи ёзувларнинг учта хили мавжуд.

*Ҳисоблаш (accruals).* Ҳисобланган харажатлар – тузатувчи ёзувларнинг мазкур хили амалга оширилган, лекин ёзилмаган ва тўланмаган харажатларни, яъни мажбуриятларни акс этиради. Ҳисобланган, лекин тўланмаган иш ҳаки; ҳисобланган, лекин тўланмаган соликлар; ҳисобланган, лекин тўланмаган фоизлар ва ҳоказолар бундай харажатларга мисол бўлади. Ҳисобланган даромадлар – тузатувчи ёзувларнинг ушбу хили мазкур ҳисобот даврида ишлаб топилган, аммо ҳали (пул эквивалентида) олинмаган ва ҳисоб юритиш ёзувларида қайд этилмаган, мос равишда, дебиторлик қарзларини ўзида намоён этувчи даромадларни акс этиради. Олинадиган ижара тўлови, олинадиган фоизлар ва бошқалар бундай даромадларга мисол бўлиб хизмат қиласиди (олинадиган счёtlар тузатувчи ёзувлар ҳисобланмайди, чунки аслида ҳисобланган даромадларга ўхшаш бўлса-да, бухгалтерия ҳисобида ёзиб қўйилган).

*Тақсимлаш ва олдиндан тўлаш.* Олдиндан тўланган харажатлар – тузатишларнинг ушбу хили тўланган ва ёзилган харажатларни ҳисоб юритиш даврлари ўртасида тақсимлайди. АКШда бундай тўловларни акс этиришнинг иккита варианти ва ўз навбтида тузатувчи ўтказмаларнинг иккита варианти қўлланилади. Россиялик бухгалтер энг тез-тез қўллайдиган биринчи вариант олдиндан тўланганликка ургу беради (олдиндан тўланган харажатлар дебетланади, пул маблағлари счёti кредитланади). Иккинчи вариантда бундай тўловлар харажатлар ҳисобланишига ургу берилади (харажатлар счёti дебетланади, пул маблағлари счёti кредитланади). Пировардида тузатишларнинг иккала вариантни ҳам бир хил натижаларга олиб келади.

Олдиндан тўланган даромадлар (келгуси даврлар даромадлари) – тузатишларнинг мазкур хили натижасида олинган (пул

эквивалентида) ва ҳисоб юритиш ёзувларида акс эттирилган даромадлар ҳисоб юритиш даврлари ўртасида тақсимланади. Чунки олдиндан тўланган харажатлар учун ҳам, олдиндан тўланган даромадлар учун ҳам пул маблағлари тушумини ва кейинги тузатишларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг иккита варианти мавжуд (биринчи ҳолатда тўловларнинг бўнакли хусусиятига, иккинчи ҳолатда даромадлар сифатида уларнинг иқтисодий моҳиятига ургу берилади).

Баҳолаш йўлидаги тузатишлар ушбу ҳисобот даврига киритилиши лозим бўлган даромадлар ёки харажатлар суммасини тўғри аниқлаш мумкин бўлмаган ҳолларда амалга оширилади. Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисоблаш, номоддий активлар амортизациясини ҳисоблаш ва шубҳали қарзлар бўйича захирани ҳисоблаш баҳолаш йўлидаги тузатишларга классик мисол бўлади. Мазкур ҳолатларда харажатлар дебетланиб, контрактив счёт кредитланади.

Тузатишлар киритилган синов баланси асосида баланс ҳамда фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисобот тузилади. Улар ишчи варап (work sheet) ёрдамида тузилиши мумкин. Ушбу ҳолатда тузатишлар киритилган синов балансига иккита устун кўшиб қўйилади: баланс (дебет ва кредит) ҳамда фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисобот (дебет ва кредит), шунингдек, мазкур устунларга “Тузатишлар киритилган синов баланси” устунидан маълумотлар киритилади. Фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисоботдаги «дебет» ва «кредит» устунлари ўртасидаги фарқ соф фойдани ташкил қиласди. Баланснинг «дебет» ва «кредит» устунлари ушбу катталикка мос келмаслиги керак. Бу молиявий ҳисоботларни тузишнинг тўғрилигини якуний текшириш.

Юқорида келтирилган тузатувчи ёзувлардан ташқари йил якунида даромадлар ва харажатлар счётларини ноль ҳолатига келтириш бўйича ёпувчи ёзувлар амалга оширилиши лозим. Юқорида таъкидланганидек, барча даромадлар ва харажатлар счётлари ўзгарувчан бўлиб, ҳисобот даврининг охирида фойда ва заарлар йиғма счётига ёпилади. Ёпиш жараёни техникаси 99 счётни 84 счётқа ёпиш техникаси билан бир хил, яъни кредит сальдосига эга бўлган даромадлар счётлари куйидаги ёзувлар билан ёпилади: даромадлар счётининг дебети, фойда ва заарлар йиғма счётининг кредити; дебет сальдосига эга бўлган харажатлар счётлари куйидаги ёзувлар билан ёпилади: фойда ва заарлар йиғма счётининг дебети,

харажатлар счётининг кредити. Йиғма счётининг ўзи тўпланган тақсимланмаган соф фойда ёки капитал счётига ёпилади. Фойда ва заарлар йиғма счёти оралиқ, ёрдамчи ролни ўйнайди. Барча тузатувчи ўтказмалар «Синов балансига тузатувчи ўтказмалар рўйхати» билан расмийлаштирилади.

Амалга оширилиши мумкин бўлган, аммо шарт бўлмаган навбатдаги харакат – бу тескари ёки бекор қилувчи ёзувлар. Улар янги ҳисобот даврининг биринчи кунида амалга оширилиб, бундан аввалги ҳисобот даври тузатувчи ўтказмаларнинг томоман аксини ўзиди намоён этади. Ушбу жараён реверсиялаш деб номланади.

Барча тузатувчи ўтказмалар ҳам реверсия қилинмаслиги мумкин. Баҳолаш йўлидаги тузатишлар ҳамда олдиндан тўланган харажатлар ва даромадлар учун тузатувчи ўтказмаларнинг биринчи варианти тескари ёзувлар билан бекор қилиниши мумкин эмас. Тескари ёзувлар кейинги ҳисоб юритишнинг қулай бўлиши учун амалга оширилади. Бухгалтер тескари ёзувларни қўллашни ёки тузатувчи ўтказмаларнинг мавжудлиги ва улар суммаларининг қўшимча равишда текширилишини таъминловчи анъанавий йўлдан боришини ўзи танлайди.

Молиявий ҳисоботларнинг бешта таркибий қисми (активлар, мажбуриятлар, капитал, даромадлар, харажатлар) корхонанинг молиявий аҳволини тавсифловчи ва ҳисоботларнинг иккита асосий шакли: баланс ҳамда фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисобот ўргасидаги боғлиқликни акс этирувчи бухгалтерлик ёки баланс тенглигини ҳосил қиласи. Баланс тенглиги асосан қуйидаги кўринишга эга:

$$\text{Активлар} = \text{Мажбуриятлар} + \text{Хусусий капитал}.$$

Ушбу кўриниш баланс тенглиги баланснинг учта таркибий қисмини бирлаштиради ва ундан капиталнинг таърифи келиб чикади.

Юқорида келтирилган даромадлар ва харажатлар таърифларидан келиб чиқсан ҳолда асосий бухгалтерия тенглиги қуйидаги кўринишда намоён этилиши мумкин:

$$\text{Активлар} = \text{Мажбуриятлар} + \text{Капитал} + \text{Даромадлар} - \text{Харажатлар}.$$

Ушбу шаклда бухгалтерия тенглиги ҳисоботлар асосий шакларининг иқтисодий ўзаро боғликлиги ҳақида яққол тасаввур беради: даромадлар ва харажатлар ўртасидаги фарқ фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисоботда ҳисоблаб чиқилган соф фойда бўлиб, у корхонанинг ўз фойдасини оширади (камайтиради).

Даромадлар ва харажатлардан ташқари ўз капиталининг миқдорига таъсир кўрсатувчи ва корхонанинг “ташқи олам” билан ўзаро боғлиқлигини акс эттирувчи иккита таркибий қисм мавжуд: инвестициялар ва мулқорларнинг алмашишлари. Улар ҳам асосий баланс тенглигига киритилиши мумкин:

$$\begin{aligned} \text{Активлар} &= \text{Мажбуриятлар} + \text{Хусусий капитал} + \\ &\quad \text{Даромадлар} - \\ &- \text{Харажатлар} + \text{Инвестициялар} - \text{Алмашишлар}. \end{aligned}$$

Бирок, бундай шаклда баланс тенглиги, нафақат компания ўз фаолиятининг натижасида капитални ошириш жараёнини, балки уни ташқаридан ўзгартириш мумкинлигини ҳам яққол намоён этсада, жуда кам фойдаланилади.

Ўзининг соддалиги ва аниқлигига қарамай асосий бухгалтерия тенглиги маблаглар, операциялар ва корхона фаолиятининг натижаларини, уларнинг молиявий ҳисоботларда акс эттирилишини энг умумий кўринишда тақдим этиш имконини беради.

Чет эл ҳисоб юритиш амалиётида бухгалтерия счёtlарини таснифлашга нисбатан энг кенг таркалган ёндашувлар қуидагилардан иборат:

- счёtlарни асосий бухгалтерия тенгламасини ташкил этувчи таркибий қисмлар кесимида таснифлаш;
- счёtlарни доимий, транзит ва вақтингчалик счёtlар гурӯхларига бўлиш;
- счёtlарни молиявий ҳисоботлар шакллари асосида таснифлаш.

GAAPга мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритишда иккинчи ёндашув қабул қилинган. Бунда счёtlарнинг учта тоифага бўлинган еттига асосий хили қўлланилади – доимий счёtlар: активлар, пассивлар ва акциядорлар капитали; вақтингчалик счёtlар: фойда ва заарлар счёti; транзит счёtlар: даромадлар ва харажатлар.

Доимий счёtlар ёпилмайди ва бир ҳисбот давридан бошқасига ўтади. Уларнинг маълумотлари баланс ҳисботида акс эттирилади.

Ушбу счёtlар асosий бухгалтерия тенгламаси билан ўзаро боғланган.

Вақтнчалик счёт компаниянинг тижорат операциялари жараённида доимий счёtlардаги ўзгаришларни акс эттиради. Ҳисобот даври тутаганидан кейин фойда ва заарлар вақтнчалик счёti қолдиқни доимий счёtlарга кўчириш йўли билан ёпилади.

Даромадлар ва харажатлар транзит счёtlарида ҳисобот даври мобайнида компания даромадлари ва харажатларини жамғариш бўйича айланмалар акс эттирилади. Мазкур счёtlар бўйича ҳисобот даврининг охири ҳолатига қўра қолдиқлар бўлмаслиги керак. Улар ҳисобот даврига таалуқли фойда ва заарлар вақтнчалик счёtiга ҳамда «Тугалланмаган ишлаб чиқариш» ва «тайёр маҳсулот» доимий счёtlарга эга бўлган корреспонденцияда ёпилади.

Счёtlар Бош бухгалтерия китобида мужассам этилган бўлиб, у ерда улар счёtlар режасига мувофиқ тартибга солингган. Счёtlар режаси улар учун счёtlар юритиладиган моддаларнинг рақамланган рўйхатини ўзида намоён этади. Компания счёtlари режасининг муайян таркиби унинг ўлчами ва фаoliyatining хусусиятига қараб ўзгариб туради.

Россия ҳисоб юритиш стандартларидан фарқли ўлароқ ГААР кўрсатмали тартибда қандайдир счёtlар режасига амал қилиш кераклигини белгилаб бермайди. Компаниялар счёtlар режасини тузишда каттагина эркинликка эга. Лекин умумий қабул қилинган тартиб мавжуд: счёtlар режасининг йириклиштирилган рубрикалари умуман олганда баланс ва бошқа мухим ҳисоботларнинг йириклиштирилган рубрикаларига мос келади.

Счёtlар режасининг рубрикалари рақамли кодли белгилашга эга.

Коднинг биринчи рақами счёtlар режаси бўлимининг тартиб рақамига мос келади: 1 - активлар; 2 - пассивлар; 3 - ўз капитали (компания мулқдорларининг капитали); 4 - даромадлар; 5 - харажатлар; 6 - соликлар.

Коднинг иккинчи рақами бўлим таркибидаги рубриканинг тартиб рақамига мос келади: 11 - пул маблағлари; 12 - қисқа муддатли қимматли қофозлар; 13 - дебиторлик қарзлари; 14 - товар-моддий заҳиралар; 15 - бошқа айланма маблағлар; 16 - мулк, бинолар, асбоб-ускуналар; 17 - узок муддатли дебиторлик қарзлари; 18 - инвестициялар; 19 - бошқа айланмадан ташқари маблағлар. Код

рақамлари 1 дан бошланадиган барча ушбу рубрикалар активларга киради.

Ундан кейин код рақамлари 2 дан бошланадиган ва пассивларга кирувчи рубрикалар келади: 21 - тўланадиган счёtlар; 22 - қисқа муддатли қарз мажбуриятлари; 23 - тўланиши лозим бўлган солиқлар; 24 - ҳисобланган мажбуриятлар; 25 - бошқа жорий мажбуриятлар; 26 - узоқ муддатли қарз мажбуриятлари; 27 - тўлаш муддати кечикирилган солиқлар; 29 - бошқа узоқ муддатли мажбуриятлар.

3 дан бошланадиган рубрикалар компания мулкдорлари капиталининг ҳолатини тавсифлайди: 31 - устав фонди, акциялар; 32 - устав фондидан ортиқча тўланган акциядорлик капитали суммаси; 33 - тақсимланмаган фойда; 34 - мақсадли йўналишга эга бўлган маблағлар (ажратилган ва захира қилиб қўйилган маблағлар); 35 - қайта баҳолаш бўйича тузатишлар; 36 - якунда ортиб борувчи чет эл валютасини қайта ҳисоблашдаги тузатиш; 37 - умумий даромад.

«Даромадлар» бўлмида коднинг биринчи рақами – 4 нинг кетида ноль турибди, рубрикалар эса учинчи рақам билан номерланади.

Харажатлар рубрикасида 51 сотилган маҳсулот таннархига, 52 сотиш харажатларига мос келади ва ҳ.к. Рубрикаларни рақамлашда давом этиш ўзгариб туради, бироқ, умуман олганда, тахминан бир хил позицияларни акс эттирилади, факат бошқа код рақамлари остида.

Ушбу рубрикалар доирасида кичик рубрикалар мавжуд, масалан: 111 - нақд маблағлар (банк счёtlаридаги колдиқлар) ёки 131 - савдо операциялари бўйича дебиторлик қарzlари. Бўлиш ундан кейин ҳам давом этиши мумкин, масалан: 1310 - компаниянинг бўлинмаларидан дебиторлик қарzlари ва 1317 - қалам ҳақлари (гонорарлар) бўйича дебиторлик қарzlари. Рубрикаларни майдага қисмларга ажратиш турли компаниялар счёtlар режалари ўртасида янада кучаяди, чунки деталлаштиришнинг чуқурлашувига қараб кўпроқ улар фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари намоён бўлади. Одатда, компаниянинг ўлчамларига қараб майдалаш даражаси код рақамидаги уч-тўртта белгининг мавжудлиги билан тавсифланувчи даражага етади. Бироқ, зарур ҳолларда компаниялар ўз счёtlарини деталлаштиришнинг катта даражасини ҳам қўллашлари мумкин.

Битимларни ўлчашда бухгалтерия ҳисобида катта микдордаги маълумотлар тўпланиб, бу сақлашнинг муайян усулини талаб қиласи. Бу ерда ушбу маълумотларга тезда кириш ва уларни ҳар

қандай фойдаланувчи учун қулай бўлган шаклда олиш имконияти яна бир мухим омил бўлиб хизмат киласди. Бухгалтерия ҳисобида мазкур ҳисоб юритиш тизими маълумотларни сақлаш ва сархиллаш учун маълумотларнинг асосий сақловчилари ҳисобланиб, алоҳида трансакцияларни тўпловчи счёtlардан таркиб топган. Ҳар бир актив, мажбурият ва фирма капиталининг ҳар бир тури, шу жумладан, даромадлар ва харажатлар учун алоҳида счёт очилади. Майда компанияларга фақатгина бир неча ўнта счёт керак бўлиши мумкин, катта трансмиллий корпорацияларга минглаб счёtlар талаб этилади.

Бухгалтерия балансининг турли моддалари учун юритиладиган счёtlар доимий ёки реал счёtlар деб номланади. Ҳар бир давр охирида доимий счёtnинг якуний сальдоси аниқланади. Ушбу сальдолар давр якунида бухгалтерия балансида акс эттирилган рақамлардир. Доимий счёtdаги давр якуни ҳолатига кўра сальдо кейинги ҳисобот даврига ушбу даврнинг бошланғич сальдоси сифатида кўчирилади.

Бироқ, даромадлар ва харажатлар моддаларининг бевосита “Тақсимланмайдиган фойда” счётига даромадлилик тўғрисидаги ҳисобот учун зарур бўлган турли ўзига хос моддаларнинг аралашиб кетишига олиб келади. Бунинг олдини олиш учун даромадлар ва харажатларнинг ҳар бир моддаси учун транзит счёti очилиб, улар Даромадлилик тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатилади. Масалан, Америка бухгалтерия ҳисобида сотишдан олинган даромадлар, сотиш таннаххи, савдо харажатлари ва ҳоказолар учун транзит счёtlар мавжуд.

Бухгалтерия ҳисобининг қўл усулида ҳар бир счёт алоҳида карточкага ёки қофоз варагига ёзилиб, улар сўнгра дафтарга тикиб қўйилади. Ушбу дафтар «Бош дафтар» деб номланади. Ҳозирги вактда кўплаб компаниялар компютерлаштирилган ҳисоб юритишини афзал кўришади. Мазкур ҳолатда счёtlар магнит ленталари, дисклар, винчестерлар ёки катта сигумли махсус тўплаш курилмалари – стриммерларда сақланади. Ушбу тизимда ахборотни топишни осонлаштириш учун ҳар бир счёт номерланади. Корреспонденцияда номерланган счёtlар йигиндиси ўзига хос счёtlар режаси сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

Алоҳида операцияларни тегишли счёtlарга ёзиш ҳатоларни топишни қийинлаштиради, чунки дебет бир счёtda, кредит эса бошқа счёtda ёзилади. Вазиятдан чиқиш учун барча операцияларни

Бош дафтарга салномавий тартибда ёзиш зарур, бу баъзан биринчи ёзув дафтари деб ҳам номланади, чунки бу биринчи инстанция бўлиб, унга битимлар ёзувлари қайд этилади. Кейинчалик ҳар бир операциянинг дебети ва кредити Бош дафтардаги тегишли счёtlарга кўчирилади.

Агар Бош дафтарда бухгалтер томонидан қандайdir сабабларга кўра ҳатога йўл кўйилса, у албатта тузатилиши керак.

Америка бухгалтерия ҳисобида ҳатоларни бир неча турли усуслари мавжуд. Тузатиш усули ҳатонинг хилига боғлик, лекин барча ҳолатларда ҳато ёзувни ўчириб бўлмайди. Агар Бош дафтарда ҳато ёзув у Бош дафтарга кўчирилгунча аниқланса, ҳато ушбу ёзувни ўчириш ва ўчирилган ёзувнинг устига тўғри ёзувни киритиш йўли билан тузатилади. Худди шу тариқа, агар кўчирилган ҳато Бош дафтардаги нотўғри ёзувни келтириб чиқарса, нотўғри ёзувни ўчириб, тўғрисини киритиш кифоя қилади.

Бироқ, агар Бош дафтардаги ёзув Бош дафтардаги нотўғри счёtlка киритилган бўлса, у ҳолда тузатувчи ўтказмалар орқали Бош дафтарга бошқа ёзувни амалга ошириш зарур.

Таъкидлаш лозимки, Россия бухгалтерия ҳисобида бундай тузатишларга йўл кўйилмайди, чунки бунда моддий бойликлар тушуми ва уларнинг чиқиб кетиши кўриниб қолади. Лекин бундай тушум ва чиқиб кетиши аслида бўлмаган, балки оддий бухгалтерия ҳатосига йўл кўйилган. Боз устига, «Материаллар» счёtlининг дебети ва кредити бўйича қалбаки айланмалар пайдо бўлиб, улар тушуми суммалари ҳам, уларни ҳисобдан чиқариш миқдори ҳам ошириб кўrsатилади. Россия ҳисоб юритиш амалиётида бухгалтерия ҳисобида сторнация қилиш усули мавжуд бўлгани учун мамлакат бухгалтерия ҳисобида юкоридаги ҳолат юз бермайди. Мазкур усулни кўлланилган тақдирда счёtlар айланмалари реал тушумлар ва ҳисобдан чиқаришларни тўғри акс этиради ва бузиб кўrsатилшлар содир бўлмайди.

Синов баланси ҳар бир счёtlинг сальдоси тузилганидан кейин аниқланиб, у счёtlар номларининг рўйхатини ва уларнинг ҳозирги вактдаги сальдоларини ўзида намоён этади. Бунда дебет сальдолари ва кредит сальдолари бошқа-бошқа устунда кўrsатилган. Синов балансини тайёрлаш иккита мақсадга асос бўлиб хизмат қиласи: биринчидан, синов баланси маълум давр учун молиявий ҳисоботларни тайёрлашдан олдин амалга ошириладиган тартибга солувчи ва якуний ўтказмалар учун асос сифатида Бош дафтардан

кисқача кўчирмани таъминлайди; иккинчидан, у дебетлар ва кредитлар тенглиги сақланиб қолиш-колмаслигини кўрсатади. Агар тенглик сақланиб қолмаса, бу қуидаги ҳатолар туфайли юз беради:

- 1) счёт сальдоси синов балансига нотўғри кўчирилган;
- 2) счёт сальдоси нотўғри ҳисоблаб чиқилган;
- 3) кредит ўрнига дебет ёзилган ёки аксинча;
- 4) синов баланси нотўғри ҳисоблаб чиқилган.

Бельверд Ниддлз, Хенри Андерсон ва Джеймс Колдуэлл ўзининг «Бухгалтерия ҳисоби тамойиллари» номли китобида синов балансини тузишдаги ҳатоларнинг қуидаги турларини таърифлайди:

- «кредит» устунига дебет сальдоли счёtnи ёзиш ва аксинча;
- транспозиция ҳатоси, яъни синов балансига нотўғри рақамларни кўчириш (масалан, 23 459 доллар 23 549 доллар қилиб кўчирилган).

Мазкур ҳатоларнинг биринчисида дебет ва кредит сальдоларининг фарқи 2 га, иккинчи ҳолатда эса 9 га бўлинади. Бунда биринчи ҳолатда ушбу алохидаги кўрсаткичга тенг бўлган миқдор синов балансидан қидирилади ва, агар шундай миқдор топилса, у, эҳтимол, бошқа устунга ёзилган бўлиши мумкин. Иккинчи ҳолатда Бош дафтардаги ҳар бир сумма транспозиция ҳатоси нуқтаи назаридан текширилади. Агар мазкур ҳолатларнинг ҳеч бирида ҳато топилмаса, у ҳолда Бош дафтардаги ҳар бир счёtnинг сальдоси қата ҳисоблаб чиқилади. Агар бу ҳам ёрдам бермаса, у ҳолда дафтардан ҳар бир ёзувнинг Бош дафтарга тўғри кўчирилганлиги текширилади.

Россия бухгалтерия ҳисоби тизимида баланс тузиш ва бухгалтерия ҳисоби счёtlаридаги ёзувларнинг тўғрилигини назорат килиш учун айланма қайдномасидан фойдаланилади. Унинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, счёtlар корреспонденциясида қандайдир ҳатога йўл кўйилган бўлса, у ҳолда, одатда, счёtlар дебети ва кредити бўйича тенглик бузилади. Айланма қайдномаси синов балансининг ўзига хос аналоги ҳисобланиб, у мазкур баланс билан бир хил мақсадларнинг бажарилишини кўзлайди.

Америка бухгалтерия ҳисобининг асосий жиҳатларидан бири ҳисобланган хўжалик операцияларини акс эттириш масаласи кўриб чиқилганидан кейин ўз моҳиятига кўра яна бир муҳим бўлим – товар захираларининг миқдорини аниқлаш масаласи олдинда туради.

Ҳисобот даврининг охири ҳолатига кўра моддий захиралар қиймати иккита омилга боғлиқ: миқдор ва нархлар. Бевосита

товарлар захираларини аниқлаш жараёни эса ҳақиқий захираларни инвентаризация килиш ёки шунчаки инвентаризация деб номланади.

Америка компанияларида инвентаризация учта босқичда ўтказилади:

- 1) нақд мавжуд бўлган маҳсулотнинг хар бир бирлигини санаш, тортиш ёки ўлчаш;
- 2) ҳар бир маҳсулотнинг нархини аниқлаш;
- 3) якун ясаш.

Баҳолаш жараёни бухгалтерия ҳисоби обьектларига шу тариқа олинган муайян пул миқдорларини, улардан муайян вазиятга қараб биргалиқда ва алоҳида фойдаланиш мумкин бўлиши учун топшириш тартиб-таомилини ўзида намоён этади. Моддий захираларни баҳолаш бухгалтерия ҳисобининг энг қизиқарли ва кенг муҳокама килинадиган муаммоларидан бири ҳисобланади.

Баҳолаш одатда пул ифодасида амалга оширилади. Лекин алоҳида ҳолатларда (масалан, прогнозларни ишлаб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш учун) натурал ифодадаги маълумотлар: асбоб-ускуналар унумдорлиги ёки ишчилар сони талаб этилиши мумкин.

Моддий захираларни баҳолашни ўтказиш жараёни ёки инвентаризация иккита тизимдан иборат:

- даврий, у ҳисобот йили мобайнида моддий захираларнинг батафсил ҳисобини юритмаслик, йил охирида эса, ўз навбатида, ҳисобот даврининг охири ҳолатига кўра захиралар даражасини аниқлаш имконини берувчи инвентаризацияни ўтказиш имконини беради;

- доимий, у товарлар захираларига қўйилган молиявий маблағларни назорат қилиш ҳамда товарлар харидлари ва сотувлари тўғрисида батафсил ёзувларни узлуксиз тарзда юритиш йўли билан ушбу товарлар захираларини самарали бошқариш имконини беради.

Инвентаризациянинг даврий тизимига инвентаризацияни ўтказишнинг тўртта усули киради.

Улардан биринчиси – ҳақиқий таннархни инвентаризация қайдномасидаги ҳар бир модда билан боғлаш имконини берувчи ёппасига идентификациялаш усули. Элдон С. Хендриксон ва Майл Ф. Ван Бреда томонидан «Бухгалтерия ҳисоби назарияси» китобида берилган таърифга кўра, таннарх – бу «фирма томонидан мулк хукукларини кўлга киритиш ва активга эгалик қилиш учун тўланган

нарх, шу жумладан, активни етказиб бериш, ўрнатиш ва ишга тушириш бўйича барча тўловлар».

Иккинчи усул – ўртача киймат усули таннархни жорий давр мобайнида сотиш учун мўлжалланган товарларнинг ўртача қиймати билан боғлайди. Иккала усул ҳам амалиётда кам қўлланилади.

Колган иккита усул эса анча тез-тез фойдаланилиб, захираларни баҳолашнинг асосий усуллари ҳисобланади:

- ЛИФО - «охири бўлиб тушди – биринчи бўлиб чиқарилди»;
- ФИФО - «биринчи бўлиб тушди – биринчи бўлиб чиқарилди».

ЛИФО усулидан ҳаражатлар учун фойдаланишда охири бўлиб тушган захиралар қиймати чиқариб ташланади, чунки корхона ўз фаолияти жараёнида фойдаланилган захираларни жорий қиймат бўйича алмаштиришига тўғри келади. Бироқ ЛИФО усули салбий тарафларга ҳам эга: айниқса, жаҳон ҳамжамиятининг деярли барча мамлакатларида, шу жумладан АҚШда ҳам озми ёки кўпми кўзга ташланиб кечаетган инфляция шароитида нархлар ошиши ёхуд пасайишининг узоқ давом этадиган тенденцияси мавжуд бўлганда товар захираларининг жорий баланс қийматини баҳолашда.

ФИФО усули ёки захираларни биринчи харидлар нархлари бўйича баҳолаш усули шундай тахминга асосланганки, биринчи навбатда сотиб олинган товарлар таннархи биринчи навбатда сотилган товарлар нархига киритилиши керак. ФИФО усулидан фойдаланишда товарлар ҳаракати эмас, балки қиймат ҳаракати ҳисобга олинади.

Захираларни биринчи харидлар нархлари бўйича баҳолаш усулиниң асосий камчилиги шундан иборатки, мазкур усул иқтисодий ривожланиш циклининг корхонанинг даромадлилиги кўрсаткичига таъсирини оширади.

«World business» компаниси инвентаризация ўтказишининг энг мос келадиган усули сифатида корхона активларини энг реал баҳолашни назарда тутувчи захираларни биринчи харидлар нархлари бўйича баҳолаш усулини қўллайди. «Reconstruction Ltd» компанияси ҳам бухгалтерия ҳисобининг америкача моделида ФИФО усули ва инвентаризация қилиш тартиботларини қўллашга мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин.

ФИФО усулини қўллашда товар-моддий бойликлар қолдиқларининг қиймати оширилган, сотилган бойликлар таннархи эса пасайтирилган. Мазкур ҳолатда фойданинг суммаси оширилган

бўлади. ЛИФО усулини қўллашда эса товар бойликлари қолдиқларининг қиймати пасайтирилган, сотилган бойликлар таннархи эса оширилган бўлади, фойда суммаси камайтирилади, демак, бюджет ва акциядорлар камроқ солик ва дивидендлар олади (шунинг учун ушбу усул айрим мамлакатларда, масалан, Англияда тақиқланган).

Хулоса килиб шуни таъкидлашни истардикки, ЛИФО ва ФИФО усувлари иккита қарама-қарши ҳолни ўзида намоён этади ва энг яхши баҳо, «олтин ўрталик», улар орасида жойлашган.

Гарб компаниялари томонидан эълон қилинадиган молиявий ҳисоботлар аудитор томонидан тасдиқланган бухгалтерия ҳисоботлари шаклларидан ташқари кўплаб бошқа маълумотларни ҳам ўзида мужассам этган, чиройли қилиб безатилган буклетларни ўзида намоён этади. Одатда, бу компания президентининг акциядорларга мурожаати, директорлар кенгашининг ҳисоботи, фирманинг ўтган йиллар мобайнида ривожланиши таҳлили, яқин йиллар учун прогноз, инвестициялар географияси ва ўлчами, халқаро алоқаларни таърифлаш, компаниянинг ижтимоий сиёсати ҳақида турли графиклар, схемалар, диаграммалар, фотосуратлар ва ҳоказолар келтирилган хикоя.

Бундай ахборот тартиба солинмайди ва фақат компаниянинг хоҳишига кўра тақдим этилади. Лекин, у фойдаланувчиларга қарорлар қабул қилиш учун қўшимча маълумотлар манбай сифатида жуда муҳим.

АҚШда молиявий ҳисоботлар қуйидаги турдаги ҳисоботларни ўз ичига олади:

- баланс;
- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ёки фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисобот;
- тўпланган тақсимланмаган фойда тўғрисидаги ҳисобот;
- молиявий аҳволнинг ўзгарганлиги тўғрисидаги ҳисобот ёки маблағлардан фойдаланганлик ва улар манбалари тўғрисидаги ҳисобот (ҳозирги вактда у кам қўлланилади, унинг ўрнига пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот тузилади);
- ўз капиталидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот, аудиторлик фирмасининг изоҳли хати, хулосаси.

Асосий ҳисоботлар қуйидагилардан иборат: фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисобот, баланс ҳисоботи ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот.

Молиявий ҳисоботлар счёtlар бўйича қолдиклар ва уларнинг ўзгаришини ҳамда соф фойда каби бир неча счёtlар бўйича агрегацияланган кўрсаткичларни кўрсатади. Фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисобот активлар соф қолдиги (компания мулкдорлари капитали)нинг компаниянинг тижорат операциялари натижасида ўзгаришини акс эттиради. Даврнинг якуни ҳолатига кўра тақсимланмаган фойда қолдиги компания мулкдорлари капиталига таркибий қисм бўлиб киради. Баланс ҳисоботи эса аосан бухгалтерия тенгламасига асосланади. Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот пул ёки унинг эквивалентлари айланмасини акс эттиради.

Баланс ҳисоботи компания молиясининг муайян вактдаги - ҳисобот даври якуnidаги аҳволини акс эттиради ва унга шу кун санаси кўйилади. Балансни тузиш учун Бош дафтар маълумотлар манбаи бўлиб хизмат қиласди.

Баланснинг стандарт шакли мавжуд эмас. Стандартлар ушбу ҳисобот ўзида мужассам этиши лозим бўлган маълумотларнинг энг кам ҳажмини белгилаб беради. Баланс ҳисоботи компаниянинг ресурслари, мажбуриятлари ва унинг мулкдорларининг ўз капитали ҳақидаги ахборотни акс эттиради. Юқорида таъкидланганидек, у асосан активлар, пассивлар ва компания мулкдорларининг ўз капитали ўргасидаги ўзаро боғлиқликни кўрсатувчи бухгалтерия тенгламасига асосланади. GAAP талабларига мувофиқ баланс ҳисботининг ушбу асосий таркибий қисмлари гурухланиб, кўйидаги тартибда баён этилади:

-активлар улар ликвидлилик даражасининг камайиши тартибида жойлашиши керак;

-мажбуриятлар уларни бажариш муддатининг яқинлигини акс эттирадиган тартибида жойлашиши лозим. Муддат қанчалик яқин бўлса мажбурият шунчалик олдин кўрсатилиши даркор;

-ўз капитали доимийлик тартибида акс эттирилади, яъни биринчи бўлиб унинг ўзгаришларга энг кам дучор бўлган турлари кўрсатилади.

Баланс ҳисоботи рубрикаларининг таркибий тузилиши муайян корхонанинг спецификасига жавоб бериши ва хўжалик фаолияти тўғрисидаги ахборотни тўлиқ ошкор қилиш тамойилига мувофиқ белгиланиши лозим. Компанияларнинг баланс ҳисботларидағи улар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ фарқлар

молиявий соҳанинг барча фирмалар учун хос бўлган таркибий тузилмасига жойлаштирилади.

1. Активлар: жорий активлар

– пул маблағлари, қисқа муддатли инвестициялар;  
– дебиторлик қарзлари ёки олинадиган счёtlар, товар-моддий захиралар, олдиндан тўланган жорий харажатлар;

- бошқа жорий активлар;
- узок муддатли активлар;
- асосий воситалар, ёки мулк, бинолар ва асбоб-ускуналар;
- номоддий активлар;
- бир неча даврларнинг олдиндан тўланган харажатлари;
- инвестициялар ва фондлар;
- бошқа жорий бўлмаган активлар.

2. Мажбуриятлар: жорий мажбуриятлар

– компаниянинг асосий фаолияти циклида фойдаланилдиган товарлар ва хизматлар учун кредиторлик қарзлари;

– асосий фаолиятда фойдаланилмайдиган товарлар ва хизматлар бўйича қисқа муддатли кредиторлик қарзлари;

– қисқа муддатли векселлар;

– узок муддатли мажбуриятларни бажариш бўйича жорий тўловлар (шу жумладан, ижара бўйича мажбуриятлар);

– ҳали етказиб берилмаган товарлар ёки кўрсатилмаган хизматлар учун олдиндан амалга оширилган тўловни ёхуд бошқа олдиндан тўланган даромадларни олиш;

– иш ҳаки учун хисобланган, лекин тўланмаган харажатлар, фоизлар ва солиқларни тўлаш;

- кечиктирилган солиқ тўловларининг жорий тўловлари;
- бошқа жорий мажбуриятлар;
- узок муддатли мажбуриятлар;
- узок муддатли қарзлар ва кредитлар;ижара бўйича мажбуриятлар; облигациялар.Компания мулкдорларининг ўз капитали: бошқа узок муддатли мажбуриятлар;номинал, нономинал, эълон қилинган қиймат бўйича акциядорлик капитали, киритилган ёки қўшимча равишда тўланган капитал;акциядорлик капиталининг номинал ёки эълон қилинган қийматидан ортиқча киритилган ёки тўланган капитал;бошқа киритилган ёки тўланган капитал;
- тақсимланмаган фойда.

## **IV БОБ.ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИ**

### **4.1. Хитойда бухгалтерия ҳисоби түғрисидаги қонун хужжатлари**

Хитой – энг қадимий цивилизациялардан бири ҳисобланади. Унинг тарихи 690 минг йилни қамраб олган, бу ҳақида Пекиндан жануби-шарққа томон 40 километрда жойлашган Чжо-укоудян ғоридаги синантроп (пекин одами) яшаган жойнинг излари далолат беріб турибди. Қизиги шундаки, ўша сирли мамлакат ақолисининг ўзи ҳеч қағон уни Хитой деб номламаган. Бу номни киданей қабиласи бошқаруви даврида мазкур ўлкаларга ташриф буюрган араб савдогарлари беришган. Узоқ ўтмишда хитойликлар дунёқарашининг асосини Буюк осмон ҳақидаги тасаввур ташкил қыларди. Улар ўз ерини – дунё ерининг ўртаси деб ҳисобларды, шунинг учун улар ўз ватанига Ўрталиқдаги давлат (Чжунго) ёки Осмонұпар юрт (Тянься) деб ном беришган. Осмонұпар юрт ақолиси эса ўзини чжунгожень - Ўрталиқдаги давлат одамлари деб аташган.

Қадимги даврда Осмонұпар юртда «чжэн» (мол-мұлк, кирим) ва «фу» (карз, чиким, камомад) тушунчалари ишлатилған. Хитойнинг ҳисоб юритиш тизими түғрисида биринчи марта әрамиздан аввалғи 2000 йилда тилга олинған.

Бошқа мамлакатлар билан савдо муносабатларининг ривожланиши жараённанда Хитойда ҳисоб юритиш аста-секин такомиллашди. Тахминан әрамиздан аввалғи V асрда ҳисоблашларни соддалаштириш учун хитойликлар суан-пан счёtlарни ўйлаб топищди. Улар счёtlарни қадимда маълум бўлган ҳисоблаш доскаси – абакнинг шаклини ўзgartирған ҳолда тузищди.

Әрамиздан аввалғи II асрда Осмонұпар юртда түккизта китобдан иборат «Математика» дарслиги ёзилди, әрамиздан аввалғи 124 йилда эса биринчи императорлар колледжи очилиб, унда Хитойнинг бўлајак амалдорлари яхши таълим олишлари мумкин эди. Маълумки, улар нормалашда, солик солишда, ер участкасининг майдонини аниқлаш, ишларни баҳолаш, мол-мұлкни кирим ва чиким

қилиш, қарзлар бўйича фоизларни ҳисоблаш учун турли ҳисоблаш алгоритмларини кўллашган.

Қадимги Хитойда солик идораси амалдорлари (шао-фу) алоҳида мақомга эга бўлишган. Улар «мис (ху-фу) ва бамбук (ши-фу) ишончли чўпхатлар-кодексларга эга бўлган булатли хукмдорлар» ҳисобланишган. Шунингдек, Осмонўпар юртнинг бошқа ахолисидан уларни алоҳида уст-бош ҳам ажратиб турган. Улар томонидан вақти-вақти билан текширувлар ўтказиб турилган. Солик амалдорлари ичида чакимчилик ёйилган эди.

Бутун тарихи мобайнида Хитойда ҳисоб давлатнинг қатъий назорати остида юритилган. Императорлар сулоласи қулаб, 1911 йилда Хитой республикаси эълон қилинганда ҳам, 1949 йилда Хитой Халқ Республикаси ташкил этилгандан кейин ҳам вазият ўзгармади.

Хитойда «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун илк бор 1914 йилда эълон қилинди. Вақт ўтиб норматив база бошқа қонунчилик ҳужжатлари, масалан: «Темир йўлларда бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари» (1915 й.); «Бухгалтерия ҳисобининг ягона тизими усули» (1927 й.); «Бухгалтерлар тўғрисида»ги қонун (1947 й.) билан тўлдирилди.

1951 йилдан эътиборан Хитойнинг барча корхоналарида бухгалтерия ҳисоби тизимини бошқариш билан ХХР Молия вазирлиги шуғуллана бошлади. Унга ҳисоб юритиш тизимларини ишлаб чиқиш ва турли ҳисобот шаклларини тасдиқлаш топширилган эди.

Провинциялар, автоном вилоятлар ва жойлардаги муниципалитетларнинг молия бўлимлари белгиланган ҳисоб юритиш тартибини бажариш учун кўшимча низомлар ва қоидаларни қабул килиб, уларни тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш учун юқори турувчи органларга тақдим этишлари мумкин эди.

1985 йилда қабул қилиниб, 1993 йилда ўзgartиришлар киритилган XXRнинг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни Хитойда бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

Хитойда ҳисобни автоматлаштирилган тарзда юритишга рухсат этилган. Бунда дастурий таъминот ва олинган ҳисобот шакллари Молия вазирлигининг низомларига мос келиши керак.

Бухгалтерия китобларидағи барча кўрсаткичлар юанда акс эттиради. Агар корхона даромадлар ва харажатларнинг асосий

моддаларини чет эл валютасида юритса, у ҳолда бухгалтерия қайдномаларини түлдиришда ушбу қўрсаткичларни юанда қайта ҳисоблаши зарур.

Қонунда бухгалтерларнинг “тўғри” ҳисоб юритиш учун учун жавобгарлигига катта эътибор қаратилган. Бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттирилган маълумотлар аниқ маълумотларга мос келмаган тақдирда бухгалтер корхона маъмуриятини бундан хабардор қилиши керак. Акс ҳолда бухгалтерия ходимлари маъмурий жазога тортилади. Агарда бухгалтерия ходимларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги давлат ва жамият манфаатларига зид келса ва ўзида жиноят таркибини мужасам этса, у ҳолда жиноий текширув ўтказилади.

Бош бухгалтерлар ёки бухгалтерия ҳисобининг масъул шахслари ихтиёрий равишда тайинланиши ёхуд бўшатилиши мумкин эмас. Давлат тузилмаларида ҳам, тижорат тузилмаларида ҳам кадрларни бошқа лавозимга ўтказиш улар бўйсунадиган юқори муассасаларнинг розилиги билангина амалга оширилади.

Асосий тенденция – бухгалтерия ҳисобини давлат томонидан тартибга солиш Хитойда унинг бутун тарихи мобайнида устунлик қилган бўлиб, у тармоқ ҳисобини юритишнинг турли хиллари яратилган 1949 йилдан кейин энг тўлиқ мукаммаллашди.

Куайцзифа (бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатлари) – бу давлат органлари ва корхоналар томонидан бухгалтерия ҳисоби амалга оширилишида юзага келадиган иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи хукукий нормаларнинг умумий номи. Бунда бухгалтерия ҳисоби ҳисоб-китоблар ўтказиш ва хўжалик фаолиятини назорат қилиш борасидаги бошқарув ҳаракатларининг бир тури ҳисобланиб, иқтисодий бошқарувнинг мухим қисмини ташкил қиласди.

Хитойда бухгалтерия ҳисобининг хукукий тартибга солиниши тўғрисида илк бор эрамиздан аввалги XI асрда – 771 йилда тилга олинган. «Чжоули-Тянь-гуань» регламентида маълумотларнинг кунлик ва ойлик тўпланиши, йиллик Ҳисобот ҳамда солиқлар ва йиғимлар киримлари ва чиқимлари ҳисоб-китобига масъул бўлган амалдор тўғрисида сўз борган.

Цинь (эрамиздан аввалги 221 - 207 й.) ва Хань (эрамиздан аввалги 206 йил - эрамизнинг 8 йили) сулолаларидан бошлаб барча сулолалар бухгалтерия тузилмаларни ташкил этиб, ҳисоботларни назорат қилувчи шахсларни тайинлаган ва хукукий нормаларни

ишлаб чиққан. Цинь сулоласи даврида «Сяюй» қонунида хисоботларни тузишда аник маълумотларни кўрсатиш, хатоларга йўл қўймаслик зарурлиги айтилган эди; ўша ерда хисоботларни жамлаш тартиб-таомили ёзилиб, мол-мулк талофатлари хисобини юритиш усуllibари келтирилган эди. Ханъ сулоласи давридаги «Шанцзи-люй» қонунлар мажмууда хисоботларни текшириш учун пойтахтга тақдим этиш тизими белгиланиб, унда куйидан юқоригача ҳар бир инстанция томонидан хисоботларнинг ҳар йили тақдим этилиши назарда тутилган эди; муддатларни бузганлик ва нотўғрилик учун жазо чоралари белгиланганди. Суй (581 - 618 йй.) ва Тан (618 - 907 йй.) сулолалари ҳам ёзуласи ва счёtlарни юритиш, хисобот маърузаларининг нотўғрилиги учун жазолар маҳсус тизимларига эга эди.

Янги давр бошланиши билан Хитой Республикаси ҳукумати 1914 йилда «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунинг биринчи қисмини чоп этди. Сўнгра айрим маҳсус низомлар: 1915 йилда «Темир йўлларда бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари» қабул қилинди; 1921 йилда ушбу қоидаларнинг янги таҳрири чиқди. 1927 йилдан кейин Гоминъдан ҳукумати «Молия вазирлиги томонидан чиқарилган бухгалтерия ҳисоби қоидалари, «Бухгалтерия ҳисобининг ягона тизими усули» ва бир қатор бошка ҳужжатларни чоп этди. 1935 йилда «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун, 1947 йилда эса «Бухгалтерлар тўғрисида»ги қонун чоп этилди. Хитойдаги мазкур қонун ижодкорлиги фаоллиги бухгалтерия ҳисобининг аҳамияти тобора ортиб борётганилигини кўрсатиб, унинг ҳукукий тартибга солинишига нисбатан жаҳондаги умумий муносабатни акс эттириди.

1949 йил декабрда Хитой Халқ Республикаси ташкил этилгандан кейин ҳукумат доирасида маҳсус тузилма ташкил этилиб, давлатнинг бухгалтерия ҳисоби тизими унинг бошқарувида бўлди. 1950 йилда «Ҳар бир даража халқ ҳукуматларининг бюджет ҳисоботлари тизими» ва «Ҳар бир даража халқ ҳукуматлари бирликларининг бюджет ҳисоботлари тизими» чоп этилди. 1951 йил январда ХХР давлат маъмурий Кенгаши Молия вазирлигига барча давлат корхоналарининг бухгалтерия ҳисоби тизимини бошқариш ҳукукини берди. Ўша вақтдан эътиборан барча ҳисоботлар тизимлари мазкур вазирлик томонидан ишлаб чиқиларди ёки тасдиқланарди ва фақат шундан кейингина чоп этиларди.

Янги ҳукуматнинг дастлабки йиллари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши нуқтаи назаридан фойт самарали бўлди. Ушбу давр конференцияларнинг нисбатан мунтазам ўtkазиб турилиши билан ажralиб туарди, бунда улар якунлари бўйича қонун ҳужжатларига тузатишлар киритиларди.

XXR Молия вазирлиги молиявий бошқариш ва бухгалтерия ҳисоби бўйича биринчи конференцияни 1951 йил ноябрда ташкил этди. Муҳқома жараённида саноат корхоналарининг бухгалтерия ҳисоби обьектлари белгиланиб, ягона ҳисобот шакллари ишлаб чиқилди. Тез орада Молия вазирлиги «Бухгалтерия китобларини рўйхатга олиш ва давлат корхоналарининг ҳисобот ҳужжатларини тўлдириш усули», «Давлат корхоналари мол-мулкини йиллик ҳисобга олиш (тафтиш қилиш) усули» ва «Давлат саноат корхоналарида бухгалтерия ҳисобини юритиш усули»ни ишлаб чиқди. Сўнгра 1952 йил октябрда XXR Молия вазирлиги иккинчи конференцияни чакирди, 1961-1965 йилларда эса яна иккита конференция ўtkазилиб, улар якунлари бўйича бухгалтерия ҳисобининг ягона тизими такомиллаштирилди.

Ушбу даврда бухгалтерия ҳисоби бўйича катта микдорда ҳужжатлар қабул қилинди. «Давлат саноат корхоналарида таннархни ҳисоблаш қоидалари», «Давлат ва хусусий капиталдан биргаликда фойдаланувчи корхоналарнинг счёtlар режаси» ва ҳоказоларни келтириб ўтиш кифоя қиласи. Бунда нормаларни ишлаб чиқиш жараённида Молия вазирлиги (“Корхоналар, маъмурӣ ва ишбилармонлик бирликлари томонидан бухгалтерия архивларининг сақланиши тўғрисидаги хабарнома” ва бир қатор бошқа ҳужжатларни чоп этган) ҳам, ҳукумат – XXR Давлат Кенгаши («Давлат корхоналарида ва алоқа корхоналарида бош бухгалтерлавозимини таъсис этиш тўғрисида») ҳам иштирок этди.

1960-йилларнинг иккинчи ярмида «маданий инқилоб» даври бошланди. Умумий ҳуқуқий нигилизм бухгалтерия ҳисобига ҳам даҳл қилди. Бу давр Молия вазирлиги томонидан 1973 йилда ишлаб чиқилган навбатдаги «Давлат корхоналарида бухгалтерия ҳисоби қоидалари (тажриба тартибида)» билан эсда қолди.

Тез орада бухгалтерия ҳисобининг ҳуқуқий асосларини яратиш устидаги ишлар давом эттирилиб, 1978-1981 йилларда XXR Давлат Кенгаши «Бухгалтерия ходимлари томонидан мажбуриятларнинг бажарилиши қоидалари» ва «Бухгалтерия кадрлари тўғрисида вақтингчалик низом»ни чиқарди; XXR Молия вазирлиги «Курилиш,

қўшма ва бошқа корхоналарда бухгалтерия хисоби тизими»ни ишлаб чиқди.

Хозирги даврда Хитойда бухгалтерия хисобини юритиш иккита асосий массив асосида ташкил этилган. Биринчиси – бу бухгалтерия хисоби ва ҳисботларни юритиш юзасидан алоҳида талабларни ўзида мужассам этган мухсус хусусиятли хукукий ҳужжатлар. Иккинчиси – хукукий тартибга солишининг бевосита базавий манбалари.

Биринчи гурухга XXРнинг 1992 йил 4 сентябрдаги (1995 йил 28 февралда ўзгартиришлар киритилган) «Соликларнинг ундирилишини бошқариш тўғрисида»ги қонуни киради. Қонунда «Бухгалтерия ҳисботлари ва бошқа хўжалик ҳужжатларининг юритилишини назорат қилиш» деб номланган махсус II бўлим мавжуд бўлиб, унда, хусусан, ишлаб чиқариш ёки бошқа хўжалик фаолиятини юритувчи солик тўловчининг бухгалтерия ҳисботлари тизими ва уларни юритиш усуслари тўғрисидаги маълумот жамлаш учун солик органларига юборилиши белгилаб қўйилган. Шунингдек, XXР Бош божхона бошқармаси томонидан 65-сонли буйрукка мувофиқ 1993 йил 13 декабря чиқарилган «Корхоналардан олинадиган даромад солиги тўғрисида»ги вақтингчалик қоидалар, «Соликларни сақлаш ҳудудларини божхона орқали назорат қилиш усули» ва бошқа бир қатор хукукий қоидаларни ҳам таъкидлаш мумкин. Хитойда бухгалтерия хисобини хукукий тартибга солишининг ўзига хос хусусиятларидан бири – ҳисботлар тўғрисидаги низомларни турли даражадаги солик ҳужжатларига киритишнинг мажбурийлиги.

Иккинчи гурух бухгалтерия хисобини юритиш қоидалари ва улар билан боғлиқ масалаларни белгилаб берувчи махсус қонунларни қамраб олган. Улар жумласига 1994 йил 1 январда кучга кирган «Профессионал бухгалтерларни сертификатлаш тўғрисида»ги қонун; XXР Давлат Кенгashi томонидан 1992 йил 16 ноябрда тасдиқланған «Корхоналар ҳисботлари нормалари»; XXР Молия вазирлиги ва Иқтисодий тизимни ислоҳ қилиш давлат қўмитасининг 1995 йил 25 майдаги «Экспериментал пайли корхоналар ҳисботлари тизими тўғрисида»ги билдиришномаси ва ҳоказолар киради. Ушбу гурухда «Бухгалтерия хисоби тўғрисида»ги қонун энг асосий хисобланади. У 1985 йил 21 январда тўққизинчи чақириқ Бутунхитой ҳалқ вакиллари йиғилиши доимий қўмитасининг олтинчи сессиясида қабул қилинди. 1993 йил 29

декабрда бўлиб ўтган бешинчи чакириқ саккизинчи сессиясида унга бир қатор ўзгаришлар киритилди.

Хитойнинг хозирги бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатларининг хуқуқий асосини ташкил қилувчи юқорида номлари келтирилган норматив хужжатлар билан қўйидаги йўналишлар тартиба солинади:

- бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсадлари ва концепцияси;
- бухгалтерия ҳисоби обьектлари;
- бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойиллари;
- бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ишини бошқариш тизими;
- бухгалтерия ҳисоб-китобларининг сифати;
- бухгалтерия назорати;
- бош бухгалтер ваколати соҳаси;
- бухгалтерия ходимлари ва корхона раҳбарига нисбатан муносабат.

Аввалги йиллардаги каби Хитойда ҳисоботлар масалалари га XXP Молия вазирлиги раҳбарлик қиласи. У мамлакатда, маҳаллий ҳалқ хукуматларининг молия вазирликлари эса жойларда (провинциялар, марказга бўйсунувчи шаҳарлар, автоном туманларда) ҳисоботлар ягона давлат тизмининг яратилишига жавоб беради. Давлат идоралари, шу жумладан ҳарбий қисмлар, шунингдек, турли хўжалик бирликлари ҳисоботларнинг ягона давлат тизмига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича ўз усувларини ишлаб чиқади ва улар ҳақидаги маълумотлар маҳаллий молия вазирликларига ҳамда турли идсраларга юборилади.

Бухгалтерия ҳисоби ишларини юритиш учун корхоналарда бухгалтериялар ташкил этилиб, уларга бош бухгалтер ёки фуцзэжень (масъул шахс) бошчилик қилиши мумкин. Бухгалтер иш жойини ўзгартирган ҳолларда бош бухгалтер ёки масъул шахснинг кузатуви остида ишларни топшириш- қабул қилиш амалга оширилади. Агар бош бухгалтер ёхуд масъул шахс иш жойини ўзгартирса, у ҳолда ушбу тартиб-таомил корхона раҳбарининг кузатуви остида амалга оширилади.

Хитойда бухгалтерия ҳисоби ягона тамойилларга мувофиқ юритилади. Улар юридик жиҳатдан маҳсус талаблар кўринишида мустаҳкамланади. Бундай талаблар жумласига қўйидагилар киради:

- Бухгалтерия ҳисоб-китоблари молиявий вазият ва хўжалик натижаларини ҳаққоний тарзда акс эттирган ҳолда аник амалга оширилган иқтисодий харакатларга асосланади.

– Бухгалтерия ахбороти давлат томонидан макроиктисодий тартибга солиш талабларига жавоб беради ва уни ҳар томонлама тушуниш учун имконият яратади.

– Бухгалтерия ҳисоб-китоблари белгиланган усулларга мувофиқ амалга оширилади, уларнинг кўрсаткичлари мувофиқлаштирилиши ва ўзаро таққосланадиган бўлиши керак.

– Бухгалтерия ҳисобини юритиш усули бутун ҳисбот даври мобайнода ягона бўлиши лозим; бухгалтерия ҳисоб-китоблари ўз вактида амалга оширилиши даркор; бухгалтерия ёзувлари ва ҳисботлари аник ва фойдаланиш учун яроқли бўлиши зарур.

– Даромадлар таннарх ва харажатлар билан солиштирилиши керак; заарлар ва харажатларнинг бухгалтерия ҳисоб-китоблари адолатли бўлиши даркор.

– Мулкий ресурсларнинг ҳар бир обьекти ҳақиқий таннарх бўйича ҳисоб-китоб қилиниши керак.

– Молиявий ҳисбот молиявий вазиятни ва корхоналар фаолиятининг хўжалик натижасини ҳар томонлама акс эттириши лозим.

Хитойда молиявий ҳисботларга нисбатан қўйиладиган асосий талаб қўйидаги маълумотларнинг акс эттирилишидан иборат: пул маблағлари ва қимматли қоғозлардан тушумлар; бойликларни қабул қилиш, бериш ва улардан фойдаланиш; қарз мажбуриятлари ва ҳисоб-китоблар; капиталнинг ошиши ва қилинган харажатлар; даромадлар, харажатлар ва таннарх ҳақидаги ва бошқа.

Ушбу маълумотлар Бош ва ёрдамчи бухгалтерия китоблари, мемориал дафтарлар ва ҳоказо бухгалтерия хужжатлари асосида шакллантирилади. Кўлда ва автоматлаштирилган ҳисоб юритишдан бараварига фойдаланишга йўл қўйилади.

Барча бухгалтерия хужжатлари ва молиявий ҳисботлар хитой тилида юритилади. Бир вақтнинг ўзида улар қандайдир хорижий тилда ёки (агар корхона миллий автономия худудида жойлашган бўлса) майда миллатлар тилида ҳам расмийлаштирилиши мумкин. Бухгалтерия хужжатлари ва молиявий ҳисботлар 1.5 йил сақланади. Хужжатлардаги ёзувлар Хитойнинг миллий валютасида амалга оширилади, лекин агар, масалан, кўшма корхонадаги шериклар ўртасида келишув мавжуд бўлса, бошқа валютада ҳам юритилиши мумкин. Агар чет эл валютасидан фойдаланилса, молиявий ҳисботлар маълумотлари йил охирида юангга айлантирилиши керак.

Хитойда молиявий йил 1 январдан бошланиб, 31 декабрда тугайди. Мазкур давр мобайнида ҳисоб ортиб борувчи якун билан юритилади. Ҳар бир тузилма молиявий ҳисоботларни шакллантириб, уларни ҳар ойда, йилнинг ҳар чорагида ва ҳар йили назорат килювчи идораларга (биринчи галда, тегишли молия вазирликларига ва солик бюросига) юборади. Ҳисобот маълумотларига раҳбар ва бухгалтериядан масъул шахс имзо чекади (ёки муҳр кўяди). Ҳар бир хужжат корхонанинг муҳри билан тасдиқланади. Агар корхонада бош бухгалтер лавозими таъсис этилган бўлса, у ҳолда иккинчи билиб (раҳбардан кейин) унинг имзоси ёки муҳри кўйилади.

Бухгалтерия ва унинг ходимларининг энг муҳим вазифаси корхонада ҳисоботларнинг ички назорат қилинишини амалга оширишдан иборат. Бухгалтерлар зиммасига ҳисобот маълумотларининг легаллиги, ҳаққонийлиги, аниқлиги ва бутлигини таъминлаш мажбурияти юклатилади. Жиддий камчиликлар аниқланган ҳолларда корхона раҳбарига ёзма кўрсатма берилади, у ушбу камчиликларни ўн кун ичida тузатиши керак; агар бундай кўрсатма берилмаса, бухгалтериянинг масъул ходимлари раҳбар билан тенг маъмурий жавобгарликка эга бўлади. Корхоналар бухгалтерлари ва раҳбарларининг ҳаракатларида жиноят таркиби мавжуд бўлган ҳолларда XXРнинг 1997 йил 14 мартағи Жиноят кодексига мувофиқ жазо кўлланилиши мумкин.

Хитой бухгалтерия ҳисобининг хукуқий тартибга солиниши чукур тарихий илдизларга эга. Ўтган аср элигинчи и кўп сонли хужжатлари янги давлат бухгалтерия ҳисоби ягона тизимини яратишга уринишни ўзида намоён этди. Бироқ, уларнинг кўпчилиги амалиётда қўлланилмади. Лекин, шунга қарамай, айнан ушбу хужжатлар Хитойнинг умуман олганда халқаро стандартларга мос келувчи ҳозирги бухгалтерия ҳисоби тўгрисидаги қонун хужжатларига асос солди.

Инвестицияларни жалб этиш учун Хитойдан бухгалтерия ҳисобини халқаро амалиётга мувофиқ ислоҳ қилиш талаб этилди. Бунинг учун 2006 йилда Хитой бухгалтерия стандартлари кўмитаси (CASC) томонидан базавий стандарт ва МХХС асосида бухгалтерия ҳисобининг 38 та янги стандарти ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

2007 йил 1 январдан бошлаб Хитой фонд биржасида рўйхатга олинган компаниялар ўз ҳисоботларини янги стандартлар бўйича юритмоқда. Бошқа компаниялар ҳозирча уларни қўлламай турибди, лекин вақт ўтиб бу масала ўз ечимини топади.

KPMG (аудиторлик ва маслаҳат хизматлари кўрсатувчи фирмалар халқаро тармоги) Пекин бўлими бошқарувчиси Исаак Яннинг фикрига кўра, Хитойда ишлаб чиқилган янги стандартларни талқин этиш бўйича ҳужжатлар жуда кам бўлса-да улар МХХСга жуда яқин. Стандартларни қўллаш натижалари кўп жиҳатдан ходимларнинг касбий хусусиятларига боғлиқ бўлади. Шу муносабат билан Хитой Молия вазирлиги рўйхатга олинган компаниялар бухгалтерларини янги стандартларга интенсив ўқитишни амалга оширмоқда.

Хитойда солиқ солиш масаласига тўхталадиган бўлсак, ушбу соҳадаги қонун ижодкорлиги билан иккита идора шуғулланади: ХХР Давлат солиқ маъмурияти ва Молия вазирлиги. Улар солиқлар ставкаси, имтиёзлар бериш ёки улардан маҳрум этиш масалалари юзасидан қарорлар қабул қиласди. Хитой ғазнасининг солиқлар ҳисобидан тўлдирилиши учун ХХР Давлат солиқ маъмурияти жавоб беради, шу боисдан солиқларни йигиши режаларини айнан у тузиб чиқади. Давлат солиқ бошқармалари Давлат солиқ маъмуриятига бўйсунади, маҳаллий солиқ бошқармалари эса маҳаллий ҳукумат органлари ҳисобланади.

Мамлакат иқтисодиётининг муттасил ривожланиши ХХР раҳбарияти томонидан 1994 йилда бошланган солиқ ислоҳотининг ўтказилишига сабаб бўлди. Бу вактга келиб Хитой солиқ тизими хилма-хил ва сертармоқ эди. У солиқларнинг 30 турини қамраб олган эди. Ҳозирда солиқлар сони 21 гача камайтирилган бўлиб, уларни учта даражага бўлиш мумкин:

- марказий солиқлар (божхона тўловлари, истеъмол солиғи, бизнес-солиқ);
- кўшма солиқлар (КҚС, табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ, қимматли қоғозлар солиғи налог на ценные бумаги);
- маҳаллий солиқлар (фойда солиғи, кўчмас мулк солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, мерос учун солинадиган солиқ).

2008 йил 1 январдан эътиборан Хитойда фойда солиғини ҳисоблаш ва тўлаш 2007 йил 16 марта қабул қилинган «Корхоналарга солинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинмоқда. Ягона солиқ ставкаси 25 фоизга тенг (илгари у 33 фоизни ташкил қиласди).

Қонунда давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган тармоклар учун бир қатор имтиёзлар назарда тутилган. Муайян талабларга мос

келувчи паст рентабелли корхоналар солиқни 20 фоиз ставка бўйича тўлайди. Белгиланган мезонларга жавоб берувчи юксак технологияли корхоналарга 15 ставка бўйича солиқ солинади.

Бундан ташқари, конунда хайрия учун солиқ чегирмаларининг оширилиши, экологик, энергия ва сувни тежовчи ишлаб чиқаришлар учун солиқ имтиёзлари назарда тутилган.

Хитойда ККС 1979 йилда жорий этилган эди. 1994 йилга қадар ушбу солиқ бўйича ставкаларнинг ўн иккита гурухи мавжуд эди. Ҳозирда асосий ставка 17 фоизни, имтиёзли ставка 13 фоизни ва кичик ҳажмдаги товарлар ва хизматлар учун ставка 6 ташкил қиласди. 1994 йилдан бошлаб аста-секин бизнессолиқ сиқиб чиқарилиб, ККСни кўллаш соҳаси кенгайди. Қизифи шундаки, Хитойда ККСни қоплаш маъқулланмайди, балки яқин вақт ичидаги тугатилиши мумкин.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ортиб борувчи шкала бўйича ҳисобланади. Бунда ставка минтақалар бўйича фарқ қилиши мумкин. Хитой солиқ тўловчиси солиқ органи билан ўзи тўлайдиган даромад солиғининг микдори тўғрисида музокара олиб бориш имкониятига эга. Эътибалиси, ХХР фуқаролари шахсий даромадлари даражасининг ўта пастлиги туфайли 1994 йилга қадар мазкур солиқ деярли кўлланилмади. Истеъмол солиғи ўз моҳиятига кўра биздаги акцизни эслатади. У айрим истеъмол турлари, хусусан: сигарет, алкоголь ичимликлар, косметика, заргарлик буюмлари, бензин, автомобиллар ва х.к. учун ККСГа қўшимча равишда ундирилади. Истеъмол солиғи корхоналар ва хусусий шахслар томонидан товарни импорт қилиш, уни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш чоғида тўланади. У бизнес жараённада истеъмол турига қараб 3 фоиздан 50 фоизгача доирадаги ставка бўйича бир марта ундирилади.

Ва, ниҳоят, Ўзбекистон солиқ тизимида мавжуд бўлмаган солиқ ҳақида, - бу бизнес-солик.

Ҳозирги вақтда бизнес-солик транспорт, қурилиш корхоналари, банк ва суғурта муассасалари, почта-телеграф ва алоқа корхоналари, маданий-спорт муассасалари, шоу-бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари учун жорий этилган.

Илгари бизнес-солик савдо корхоналаридан ҳам ундирилар эди, 1994 йилдан бошлаб у факат хизмат кўрсатиш соҳаси учун кўлланилмоқда. Ушбу солиқ йигиладиган соҳалар сони ҳозирда 14 тадан 9 тагача қисқарган. Ҳозирда улгуржи ва чакана савдо ҳамда

коммунал хизматлар соҳасига бизнес-солиқ солинмайди (фаолиятнинг мазкур турлари бўйича операцияларга эндиликда КҚС солинмоқда).

Бизнинг назаримизда, бизнес-солиқ Хитой ўтмишининг сарқити хисобланади. Айрим тадбиркорлар, хусусан, банк вакиллари ушбу солиқнинг бекор қилинишини ёқлаб чиқишиди. Уларнинг хисобкитобларига кўра, мазкур солиқ фойдага солиқ солишнинг самарали ставкасини ошириб, бизнеснинг ривожланишига тўсқинлик қилади.

Хитойда солик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши жиддий оқибатларни келтириб чиқаради. Қарзни қайтаришдан ташқари солик тўловчи қарз микдоридан беш марта ортиқ микдорда жарима тўлаши шарт. Корхонани лицензиядан маҳрум этиш ва маблағларини мусодара этиш жазоси ҳам кўлланилиши мумкин.

Ҳозирги вақтда, аудиторлик компанияларининг сони кўп бўлишига қарамай, Хитой бозорида «Катта Тўртлик» вакиллари ҳукумронлик қилишда давом этмоқда. Юзага келган вазиятни изга солиш учун Хитой ҳокимиятлари яқин ўн йил ичидаги ҳалқаро бозор иштирокчиларига айланиши мумкин бўлган 10 та йирик аудиторлик компаниясини тузишни таклиф этмоқда.

#### **4.2. Японияда харажатлар хисобини юритиш ва таниархни хисоблаш**

Бизгача етиб келган Японияда бухгалтерия хисоби тарихининг дастлабки ёдгорликларига 1520 йил санаси қўйилган. Айнан ўша йилда хисобга олиш дафтарларини юритиш тартиби тўғриидаги кўрсатма нашр қилинган. Қадимий Японияда хисоб юритиш оддий тизим бўйича олиб бориларди: дастлаб факат салномавий ёзувлардан, сўнгра эса бир вақтнинг ўзида ҳам салномавий, ҳам тартибли ёзувлардан фойдаланилди. Японияда икки ёклама бухгалтерия тўғрисида илк бор 1865 йилда Эдо даврида билишди. Бирок, амалиётда у 1872 йилда, Япония миллий банкининг йўриқномалари тасдиқланиб, Молия вазирлиги томонидан “Банкда бухгалтерия хисоби усули” (Ginko Boki Seiko) ҳужжати чиқарилганидан кейин кўлланила бошлади.

1890 йилда Токио ва Осакада фонд биржалари ва акциядорлик жамиятлари пайдо бўлиши билан Тижорат кодекси (syouhou) дунё юзини кўрди. Унга мувофиқ акциядорлик жамиятлари жамоатчиликка мавжуд активлар ва бухгалтерия баланси хақидаги

ахборотни тақдим этишлари шарт эди. Айнан шу йилдан бошлаб Японияда бухгалтерия ҳисоби ривожлана бошлади. Бундан ташқари, Тижорат кодексида штатдаги аудиторлар томонидан бухгалтерия ҳисоби мажбурий равишда аудиторлик текширувидан ўтказиб турилиши белгилаб қўйилган эди. Бироқ, штатдаги аудиторнинг роли ички аудиторга тенглаштирилиб, ундан профессионал бухгалтер сертификатининг мавжуд бўлиши талаб этилмасди. Ушбу инсонлар аудиторлар деб номланарди, ҳалос, аслида эса деярли ҳеч қандай назорат функцияларини бажармасди.

1896 йилда даромад солиги жорий этилганидан кейин одатдаги бухгалтерлардан ташқари, компанияларга соликлар тўлаш соҳасида маслаҳатлар берувчи солик агентлари ҳам пайдо бўлишди.

1914 йилда «Рўйхатга олинган бухгалтерлар тўғрисида»ги қонуннинг дастлабки лойиҳаси тайёрланди. Аммо у ҳал этилмаган айrim мунозарали жиҳатлар туфайли рад этилди. Мазкур қонуннинг барча лойиҳалари саккиз марта муҳокамага қўйилди ва орадан 13 йил ўтиб, 1927 йилдагина «Рўйхатга олинган бухгалтерлар тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Лекин, у бухгалтерларни химоя қилувчи ҳеч қандай қондани ўзида мужассам этмаган эди. Университетда бухгалтерияни ўрганган ёки бухгалтер сифатида ҳеч бўлмаганда бир йил иш тажрибасига эга бўлган ҳар қандай шахс профессионал бухгалтер сифатида рўйхатга олиниши мумкин эди.

Иккинчи жаҳон уруши вақтида соликлар сезиларли даражада ошди. Шу муносабат билан Япония миллий ҳукуматининг солик ислоҳотлари билан боғлиқ сиёсати муваффакиятли амалга оширилишини таъминлаш учун 1942 йилда «Солик агентлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Япония иккинчи жаҳон урушида мағлуб бўлганидан кейин кейинги барча ислоҳотлар иттифоқчи истило кучлари Бош штаби (GHQ) томонидан амалга оширилган истило сиёсатининг бир қисми эди. Ушбу сиёсатнинг асосий йўналиши япон молиявий бирлашмалари (дзайбацу)нинг тарқатиб юборилиши, қимматли қоғозлар бозорининг демократлаштирилиши ва Япония иқтисодиётига чет эл капиталини жалб этиш учун зарур шароитларнинг таъминланиши билан боғлиқ иқтисодий ислоҳотни амалга оширишдан иборат эди.

Хорижлик инвесторлар манфаатларини химоялаш учун 1948 йилда молиявий ҳисоботлардаги зарур ахборотни ошкор этишнинг шартлигини ва ушбу ҳисоботларнинг мустакил аудиторлар

томонидан тасдиқланишини назарда тутувчи «Қимматли қоғозлар ва фонд бозолари тұғрисида»ғи қонун қабул қилинди. Мазкур қонун Америка қонунларини, хусусан, 1933 йилда қабул қилинган «Қимматли қоғозлар тұғрисида»ғи қонун ва 1934 йилда қабул қилинган «Фонд биржалари тұғрисида»ғи қонунни деярли тұлық тақрорлади. Японияда профессионал аудиторлар мавжуд бўлмаганлиги, рўйхатга олинган бухгалтерлар эса истило кучлари кумондонлиги янги қонунчилик шароитида ишлаш учун тайёр эмас деб ҳисоблаганлиги боис аудит тизимини ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар юзага келди. Шу сабабдан 1948 йилда камида уч йил амалий тажрибага эга бўлган рўйхатга олинган бухгалтерлар учун маҳсус имтиҳон ўтказилишини назарда тутувчи «Дипломли жамоат бухгалтерлари тұғрисида»ғи қонун (СРА) қабул қилинди. Илгари мавжуд бўлган ҳисоб юритиш тизими бекор қилинди. Агар илгари кўпчилик бухгалтерлар ҳеч қачон аудиторлик тартиботларини ўтказишига интилмаган бўлса, энди эса, истило кучлари кумондонлигининг сайд-харакатлари билан, улар буни ўрганиши ҳамда Farbda қабул қилинган бухгалтерия ҳисоби тамойилларини ўзлаштириши шарт эди.

Истило кучлари кумондонлиги томонидан амалга оширилган ислоҳотлар Япония солик тизимига ҳам даҳл қилди. 1947 йилда Японияга Колумбия университети профессори К.С.Шоуп бошчилигидаги эксперталар гурӯҳи ташриф буюрди. Ушбу гурӯҳ солик тизимини ислоҳ килиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиши лозим эди. К.С.Шоуп гурӯҳи томонидан тавсия этилган бевосита соликларни ундиришга йўналтирилган тобора ўсиб борувчи солик солиш тизими Японияда ҳозир ҳам ишлаб турибди. Булардан ташқари, К.С.Шоуп тавсиялари улар туфайли урушдан кейинги солик маъмуриятида кўпинча тушунмовчилик юзага келиб турган солик агентларининг паст малакага эгалигини назарда тутди. Натижада солик агентларининг фаолияти билан боғлиқ эски тизимни бекор қилишга қарор қилинди. 1951 йилда ҳозирги вактда ҳам амал қилиб турган «Дипломли жамоат солик бухгалтерлари тұғрисида»ғи қонун қабул қилинди.

Пировардидә Японияда бухгалтерларнинг иккита касбий гурӯҳи шаклланди. Биринчиси – бухгалтерия ва аудиторлик хизматлари кўрсатувчи дипломли жамоат бухгалтерлари, иккинчиси эса солик ҳисобини юритишга ихтисослашган солик бухгалтерлари. Бухгалтерларнинг иккала касбий гурӯхи ҳам ўз ташкилотини тузиб,

дипломли бухгалтер унвонини олиш учун имтиҳон топширувчиларга нисбатан қатый талабларни ўрнатди.

Японияда бухгалтерия ҳисобининг континентал модели амал килиб, унда бухгалтерия ҳисоби тизими солик солишнинг таъсири остида шаклланади ва ишлайди. Бухгалтерия фойдаси солик солиш фойдасига teng. Ҳисоб юритиш қонунчилик билан тартибга солинган. У давлатнинг солик солиш ва макроинтесодий тартибга солишга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олишга йўналтирилган бўлиб, асосан консерватив хусусиятга эга. Корхоналарнинг асосий капитал етказиб берувчилар ҳисобланган банклар билан узвий ўзаро боғлиқлиги кузатилади. Ҳисоб юритиш амалиёти давлат манфаатлари устуворлигининг таъсири остида шаклланиб, ҳукуматнинг солик солиш борасидаги талабларини қондиришга йўналтирилган.

Барча умумдавлат бевосита ва билвосита соликлар ва йиғимларни ҳисоблаш, йигиши ва уларни тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларининг олдини олиш бўйича барча функциялар Молия вазирлиги таркибида унинг “ташқи идораси” сифатида кирувчи Миллий солик бошқармаси зиммасига юклатилади. Бевосита Молия вазирлигининг ваколатига кирувчи бож тўловлари ва корабел йиғимларигина бундан мустасно.

Бугунги кунда Японияда соликларнинг 50 тага яқин тури амал қилиб туриди. Улар марказий ва маҳаллий, бевосита ва билвосита, одатдаги ва мақсадли соликларга бўлинади. Давлат бюджетига барча солик тўловларининг асосини (70 фоизига яқинини) даромад солиги ва юридик шахслардан олинадиган солик агентлари ташкил қиласди. Даромад солиги жисмоний шахслар оладиган барча турдаги даромадлардан ундирилади. Истеъмол солиги деярли ҳар бир товар ёки ҳизматдан 5 фоиз микдорида ундирилади. Ушбу солик товар қийматига киритилиб, истеъмолчи томонидан тўланганлиги боис, у билвосита соликлар жумласига киради. Ер олди-сотдиси бўйича операциялар, коммуна ҳизматлар кўрсатиш, мактабга қабул килиниш ва ўқиш учун тўлов, врачнинг профилактика кўриги учун тўлов ва айрим бошқа тўловлар мазкур соликдан озод этилган. З фоиз микдоридаги истеъмол солигига кўшимча равишда иссиқлик манбаларидан бир кун фойдаланганлик учун 150 иен микдоридаги солик, гольф майдонидан бир кун фойдаланганлик учун 800 иен микдоридаги солик ундирилади.

Маҳаллий солиқлар ичида истиқомат қилиш хукуки учун тўланадиган солиқ энг муҳим ҳисобланади. Ушбу солиқ хусусий шахсларнинг ҳам, юридик шахсларнинг ҳам ўтган йилги даромадига солинади. Бунда мазкур солиқни ҳамма тўлаши керак. Даромад солиғини тўлаши шарт бўлган инсон ўзининг 1 январдан 31 декабргача бўлган даромадини ва тегишли солиқ суммасини ўзи ҳисоблаб чиқиши ва ушбу маълумотларни маҳаллий солиқ бошқармасига 16 февралдан 15 марта гача хабар қилиши лозим. Кечикирилган ҳолларда солиқ 15 фоизга ошади. Ҳисоблаш чоғида барча даромад уни олиш манбасига қараб ўнта турга бўлинади: пулли ҳиссалардан, акцияларга, кўчмас мулкка эгалик қилишдан, тадбиркорлик фаолиятидан, ўрмон ерларидан олинадиган даромад, иш ҳақи ва б. Даромадларнинг ҳар бир моддаси бўйича харажатлар турлича ҳисобга олинади.

Японияда автомобиллар эгалари бир қатор солиқларни тўлаши зарур: ҳарид учун 3 фоиз миқдоридаги истеъмол солиғи ва машина ҳарид қилиш учун солиқ, бензин учун, машинанинг ўзи учун ва унинг оғирлиги учун солиқлар. Бошқа мамлакатлар билан солиштирилганда, Японияда солиқ ставкалари энг юқори. Ҳатто солиқлар шкаласини соддалаштириб, фоизни пасайтирган 1988 йилдаги ислоҳотлардан кейин ҳам марказий даромад солигининг энг юқори ставкаси 50 фоизни ташкил қиласди (даромад 30 млн. иендан юқори бўлганида). Агар унга истиқомат қилиш учун 15 фоиз миқдоридаги солиқ кўшилса, у ҳолда жами 65 фоиз бўлади, масалан, АҚШда эса энг юқори ставка 35 фоизни ташкил қиласди.

Одий хизматчилардан солиқлар иш ҳақини ҳисоблашда чегирма қилинади. Агар бошқа даромадлар мавжуд бўлмаса, декларация тақдим этмаслик ҳам мумкин. Бунда йиллик даромад 15 млн. иендан ошмаслиги керак. Агар иш ҳакидан олинадиган солиқлар миқдори ва солиқларнинг тўланиши лозим бўлган реал суммаси мос келмаса, йил охирида тегишли томонга тузатиш қилинади.

Юридик шахслардан олинадиган солиқ оддий компаниялар учун 37,5 фоизни ва кичик бизнес учун 28 фоизни ташкил қиласди. 100 млн. иендан кам миқдордаги капиталга ва 8 млн. иендан кам миқдордаги йиллик даромадга эга бўлган компаниялар кичик компаниялар ҳисобланади. Юридик шахсларнинг даромадлари тўғрисидаги маълумотлар белгиланган шаклга киритилиб, солиқ бошқармасига компаниялар молия йили тугаганидан кейин кечи

билин икки ойдан кейин тақдим этилади, аксарият ташкилотлар учун ушбу муддат 31 марта.

Солик бошқармаси солик декларацияларини түлдиришнинг тўғрилигини танлаб текширади. Миллий солик бошқармаси ва минтақавий солик бошқармаларининг текширувлар ва инспекциялар бўлимлари турли ахборот тармоқларидан олинадиган маълумотларни тўплаб, таҳлил қиласи. Агар текширув натижалари даромадларни яшириш ёки қаллоблик фактини аниқласа, у ҳолда солик терговчиси томонидан криминал инспекция ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Текширув факат суднинг руҳсати билан ўтказилиши мумкин. Суд ордери олинганидан кейин фирманинг биносида тинтуб ўтказилади, идора дафтарлари ва бошқа ашёвий далиллар хатланади, фирманинг реал молиявий аҳволини аниқлаш учун турли тадбирлар амалга оширилади. Бундай текширувлар натижалари бўйича кўзгатилган ишлар юзасидан исботланиш кўпинча юз фоизни ташкил қиласи. Одатда, даромадларни яширишга нақд пул айланмасига эга бўлган ташкилотлар, масалан, казино, касалхоналар, чакана савдогарлар уринади.

Икки ёқлама ёзув усули Япония амалиётида, хорижий китоблар таржималари туфайли, 1873 йилда кўлланила бошлади. Таннархни ҳисоблаш ва харажатларни ҳисобга олишга доир дастлабки таржима нашри мамлакатда 1887 йилда чиқарилди. Илгари факатгина Токугава (1598 - 1876 й.) даврида кўлланилган ҳисобга олишнинг анъянавий японча усулларини кўллашга оид адабиётлар мавжуд эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида счёtlарни икки ёқлама ёзишининг ёйилиши Японияда харажатларни ҳисобга олиш ва таннархни ҳисоблашга инқилобий ўзгаришларни киритди.

Бухгалтерия ҳисобининг янги усулларига ўтиш зарурлиги ишлаб чиқариш ҳажмининг жадал ўсиши ва жаҳон хўжалигига интеграциялашишнинг бошланиши туфайли юзага келди.

Шотландия банкининг Япониядаги филиалида ишлаган Александр Аллан Шанд 1873 йилда «Банкларда бухгалтерия усули» китобини чиқарди. Бу Японияда 266 йил мобайнида амал қилган христиан динига сифиниши таъкидлашнинг бекор килиниши туфайли юз берди.

Айнан ўша вактда америкалик муаллифлар Брайтон ва Стратонинг Якичи Фукузува томонидан япон тилига таржима қилинган «Бошланғич бухгалтерия умумий курси» дарслиги нашр қилинди.

Харажатлар ҳисобини юритишга доир адабиётлар ичиде Арисаванинг 1887 йилда чоп этилган «Саноат корхоналари учун бухгалтерия дарслигини» китобини ажратиш мумкин. Бу инглизча-америкача ҳисоб юритишга доир кўлланма эди.

Тазаканинг бухгалтерия журналида чоп этилган мақоласи Японияда ҳисоб юритиш назариясининг ривожланишига катта ҳисса кўшди. Муаллифнинг таъкидлашича, таннархни аниқ ва тезкор ҳисоблаб, харажатлар ҳисобини аниқ ва тезкор юритимасдан туриб мамлакатда бозор иқтисодиётини ривожлантириб бўлмайди.

Ушбу иш чоп этилиши билан ҳисоблашнинг роли ва аҳамиятини англаб етиш бошланди. Қолдик қийматни ҳисобга олмаган ҳолда тўғри чизиқли амортизациянинг ёйилганлиги бундан далолат бериб турибди. Амортизация нормаларининг қолдик қиймат микдорига камайтирилиши, кейинчалик, бухгалтерия ҳисобига инглизча-америкача қарашлар таъсирининг кенгайиши билан юз берди.

Биринчи жаҳрн урушидан кейин мамлакатда асосий вазифа ишлаб чиқаришни рационализациялашдан иборат бўлди. 1930 йилда Савдо ва саноат вазирлигига Саноатни рационализациялаш фавқулода бўлими ташкил этилди. Кейинчалик унинг асосида Молиявий менеджмент кўмитаси шакллантирилиб, 1932 йилда у томонидан бухгалтерия ҳисоботларини тузиш қоидалари ишлаб чиқилди. Мазкур қоидалар бўлимларининг бирида таннархни ҳисоблаш ва харажатларни ҳисобга олиш усули батафсил таърифланган эди.

Хукумат томонидан Қатъий белгиланган нархлар тўғрисидаги фармон чиқарилиб, унда таннархни ҳисоблаш ва харажатларни ҳисобга олиш вазифаларидан бири расмий нархни шакллантириш учун ҳисоб-китоб базасини тақдим этишдан ибоатлиги белгилаб кўйилди. Япония ҳарбий саноати эҳтиёжлари армияни 1939 йилда ҳарбий заводлар ва ишлаб чиқарувчилар учун Таннархни ҳисоблаш ва харажатларни ҳисобга олишнинг асосий тамойилларини чоп этишга мажбур қилди. Ушбу хужжатга кўра таннарх «сотилганидан кейин амалда истеъмол қилинган элементларнинг умумий иқтисодий қиймати» дея таърифланди. Харажатлар таркибига ишлаб чиқарилган эмас, балки сотилган маҳсулот учун чиқимларгина киритилди. Шундай қилиб, таннарх (сотиш харажатлари ва умумий харажатлар) “адолатли фойда”ни аниқлаш ва “адолатли нарх”ни ҳисоблашнинг асослари сифатида кўриб чиқилди. Мазкур тадбирлардан кўзланган мақсад нархларни пасайтириш ва ишлаб

чиқариш ҳажмини оширишдан иборат эди. Ўз навбатида ҳарбий-дengиз идораси 1940 йилда ҳарбий-dengиз ишлаб чиқарувчилари учун Таннархни ҳисоблаш ва харажатларни ҳисобга олишнинг асосий тамойилларини нашр қилди. Таъкидлаш лозимки, иккала ҳужжатда ҳам учта асосий тамойил акс эттирилди: стандарт харажатларни жамлаш, сметаларни назорат килиш ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларини таққослаш. Бироқ, умумий қоидаларга қарамай, ушбу норматив ҳужжатлар бир-биридан тубдан фарқ қиласади. Армия қоидалари батафсил бўлиб, лекин уларда тизимлилик мавжуд эмас эди, дengиз қоидалари эса қисқача бўлиб, тушуниш учун жуда мураккаб эди.

Уруш вақтида ҳисоблашнинг норматив тамойилларидан фойдаланиш қуйидаги ютуқларга олиб келди: тайёр маҳсулотни сотишга ва нархни шакллантиришни такомиллаштиришга кўмаклашувчи тизим шаклланди; назоратни қатъйлаштириш ҳисобидан ишлаб чиқариш самарадорлиги ошди; материаллар сарфи оптималлаштирилди ва омборхоналардан фойдаланиш яхшиланди; ҳисоб юритиш ёзувлари такомиллаштириш ҳисобидан раҳбариятнинг меҳнат сарфлари камайди; турли бўлимлар ишини таққослаш учун имконият ошди; товарлар йўқотилиши ва иш вақти сарфлари камайди.

Ушбу ютуқларга қарамасдан, норматив ҳужжатлар Япония Парламентида ва жойларда танқид остига олинди.

Масалан, уч юзта корхона раҳбарлар ўртасида таннархни ҳисоблаш ва харажатларни ҳисобга олиш бўйича ягона нормалардан фойдаланиш тажрибаси юзасидан ўтказилган сўровлар натижаларига кўра ушбу нормалар уникал, лекин уларни ҳамма вақт ҳам муайян шароитда кўллаб бўлмайди; ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун самарасиз; ҳатто бир тармоқда кўллаш учун етарли даражада табақалашмаган; ноаниқ, чунки қоидалар бош бухгалтернинг нуқтаи назарига қараб ўзгартирилиши мумкин; таннархнинг алоҳида унсурларини тушунишда мураккаб; харажатларни жамлаш учун мос келмайди, деб эътироф этилди.

Бунчалик салбий фикрлар билдирилишига асосий сабаб сифатида таннархни ҳисоблаш ва харажатларни ҳисобга олишнинг мажбурий регламентациясини кўрсатиш мумкин, чунки у кўпинча таннарх реал қийматининг бузиб кўрсатилишига олиб келади. Бу ҳол стандарт тавсиялар ҳамма вақт ҳам корхонадаги муайян аҳволни мос тарзда акс эттира олмаслиги билан боғлиқ эди. Бундан ташқари,

турли субсидиялар, дотациялар, имтиёзлар ва шунга ўхшаш тадбирлар ҳам маҳсулот, ишлар ва хизматлар таннархини объектив тарзда ҳисоблаш имконини бермади.

Акира Ваказугининг фикрига кўра, монополияларнинг мутлақ фойдалари монополистларга нархлар устидан назоратни амалга ошириш имконини берувчи ҳисоблаш қоидалари билан ишончли тарзда ҳимояланган. Джиро Асабанинг таъкидлашича, ҳисоблаш – бу унинг ёрдамида ишчилар ва хизматчиларни монополиялар орқали ишлатиш яширинадиган ниқоб. Шу руҳдаги фикрларни бошқалар ҳам билдирган.

Маулифнинг фикрига кўра, ҳисоблаш – бу юқоридан мажбуран қабул қилдирилган тартибот эмас, балки Японияда ҳисоб юритиш узвий ривожланишининг натижаси. Ҳисоблаш, юқорида таъкидланганидек, феодал даврида ёк юзага келиб, XIX асрнинг охири ва XX аср бошида ишлаб чиқариш билан бирга ривожланган. Ушбу тартиб таомилнинг Япония ва Америка армиялари талабларига бўйсундирилиши ҳисоб юритишни ўзгартириш табиий жараёнини тезлаштирди, чунки ҳарбийлар норматив ҳужжатларидан фақат хаётда ўзини оқлаган қоидаларгина сақлаб қолинди. Шундай қилиб, ҳисоблаш бухгалтерия ҳисобининг ажралмас қисмига айланди.

Лекин, шуни таъкидлац ложимки, бухгалтерия ҳисобининг ўзи 1966 йилга қадар кўпроқ юридик концепциялар таъсири остида бўлди. Казуо Моритонинг ҳисоблашича, бухгалтерия ҳисобининг мантиғи ўз ўрнини тобора кўпроқ Савдо кодекси мантиғига бўшатиб бера бошлади. Ушбу тенденциянинг изчил ривожланиши 1966 йилда бухгалтерия ҳисоби билан солиқ солиш тўғрисидаги қонун ўртасидаги фарқларга оид норматив ҳужжат қабул қилинишига олиб келди. Мазкур фармойиш бухгалтерия ҳисоби билан солиқ солиш ўртасидан аниқ чегарани ўтказди ва Японияда ҳисоб юритишнинг ривожланишига улкан ҳисса кўшди дейиш мумкин. Аммо, юзага келган ҳисоб юритиш тизими бир қатор муҳим камчиликларга эга эканлигини таъкидламасликнинг иложи йўқ:

- умумий тамойилларнинг тан олиниши фойдаланувчиларда молиявий ҳисоботлар маълумотларнинг аниқлиги ва ишончлилиги иллюзиясини шакллантиради. Бироқ, ушбу маълумотлар соддалилиги билан ажралиб турмайди, ҳисоб юритиш тамойиллари методологияси эса муайян шартли хусусиятга эга;

- профессионал матбуот ва айникса кўплаб баҳсли саволларга жавоб беришга шошилувчи рақобатлашувчи журналларнинг

тарқалиши ўқувчилар миясини гангитувчи кўплаб нотўғри жавобларнинг чоп этилишига олиб келади;

- ҳисоб юритиш тамойиллари мазмунининг ўзгарувчан ҳаёт талаблари ва Савдо кодекси қоидаларидан ортда қолиши;

- Гарб адабиётлари, кўпроқ Америка адабиётларининг «илохийлаштирилиши», уларнинг нотанқидий ўқилиши қатор ҳолатларда ҳисоб юритиш муаммоларини ҳал этишни мураккаблаштиради;

- ижтимоий мухит ва экология билан боғлиқ муаммоларнинг унутилиши;

- аудиторларнинг ўз мижозларининг муаммолари билан қизикмаслиги.

Мазкур камчиликларнинг ҳал этилиши ҳисоб юритиш назариясининг ривожланиши билан боғлиқ.

Японияда бухгалтерия ҳисобининг инглизча тартиби 1872 йилда ўрнатилди, 1890 йилда қабул қилинган немис хукуқига асосланган тижорат қонунчилиги ҳозиргача сакланиб қолган. 1949 йилда Япония корхоналарида Америка стандартларига асосланган бухгалтерия ҳисоби стандартлари пайдо бўлди. 1948 йилда Японияда Америка намунасидаги биржа хукуки қабул қилинганидан кейин аста-секин Япония бухгалтерия ҳисоби Америка бухгалтерия ҳисобига яқинлашди.

Ҳозирги босқичда Япония бухгалтерия ҳисоби тизими хукунинг учта ўзаро боғлиқ тармоғига асосланган: тижорат, солиқ ва биржа.

Японияда корхоналарда бухгалтерия ҳисоби ишлари юзасидан жамоат коллегияси тузилиб, унда бухгалтерия ҳисобининг куйидаги қоидалари ва стандартлари эълон қилинган:

- корхоналарда бухгалтерия ҳисоби стандартлари;

- тижорат хукукини корхоналарда бухгалтерия ҳисоби стандартлари билан мувофиқлаштириш тўғрисидаги низом;

- корхоналарда бухгалтерия ҳисоби стандартларига изоҳлар;

- корхоналарда бухгалтерия ҳисоби стандартларини бошка қонунлар ва қоидалар билан мувофиқлаштириш тўғрисидаги изоҳлар тўплами;

- тайёр маҳсулот таннархини ҳисоблаш стандартлари;

- чет эл валютасидаги операциялар бухгалтерия ҳисоби стандартлари;

- жамлаштирилган ҳисботларни тузиш стандартлари ва уларга изоҳлар;

- счёtlарни ярим йиллик жамлаш бўйича молиявий ҳисоботларни тузиш стандартлари;

- инфляция чоғида молиявий ахборотнинг ошкоралиги тўғрисидаги низом ва б.

Японияда йирик корхоналар ва аксарият ўрта корхоналар монополистик бирлашмалар – акциядорлик жамиятларини ўзида намоён этувчи компаниялар таркибига киради. Кўплаб бошқа мамлакатларда бўлгани каби ҳар бир компания бухгалтерияси иккита қисмга бўлинади: молиявий ва ишлаб чиқариш.

Молиявий бухгалтерия, одатда, даромадлар ва заарлар, активлар ва мажбуриятлар, ҳисоб-китоб операциялари ҳисобини юритади, молиявий ҳисоботларни, маблаглар манбалари, уларни жойлаштириш ва улардан фойдаланишининг якуний баланси.

Ишлаб чиқариш бухгалтерияси компанияларнинг алоҳида бўлинмалари бўйича тарқалган. Унинг вазифалари одатда харажатлар нормативи ҳисоб-китобини тузиш, шаклланиш турлари, жойлари ва ҳисоб-китоб қилинаётган объектлар бўйича хақиқий харажатлар ҳисобини юритиш ва назорат қилишни ташкил этишни, калькуляциялар ва ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш ва таҳлил қилишни ўз ичига олади.

1950 йилда Япония парламенти “Назорат қилиш нормалари ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Конунни тасдиқлади. Ушбу Конун асосида саноатни рационализациялаш қўмитаси томонидан кўйидаги хужжатлар нашр қилинди: ҳозирда ҳам кичик ўзгартиш ва кўшимчалар билан амал қилиб турган Корхоналарда ички назорат тўғрисидаги низом (1951 й.) ва Назоратни амалга ошириш тартиб-таомили қоидалари (1953 й.).

Япония корхоналарида бухгалтерия ҳисоби маълумотларига бўйича молиявий ҳисоботлар бир йилда икки марта тузилади. Бунга сабаб акциядорлик жамиятлари ўз дивидендларини 1 январь ва 1 июль ҳолатига кўра ҳисоблашлари лозим.

Хўжалик конъюнктурасининг бекарорлиги ва инфляция туфайли япон бухгалтерлари учун айланма активлар ва капитал қўйилмалар учун харажатларни баҳолаш, амортизацияни ҳисоблаш ва захирага ҳисобдан чиқаришлар усулини танлаш алоҳида муаммо туғдиради. Уни ҳал этишнинг мураккаблиги шундан иборатки, бухгалтер белгиланган қоидаларга қатъий амал қилиш зарурлиги билан компани учун энг юқори фойдани таъминлашга интилиш ўртасида мува занатни сақлаши зарур.

Кўлланилаётган баҳолаш ва ҳисобдан чиқаришлар усулларининг қатор ҳисобот даврлари мобайнида ўзгармаслиги қонунчилик тартибида ўрнатилган қоидалардан бири ҳисобланади. Мазкур ўзгармаслик бир сана ҳолатига кўра тузилган ҳисботларнинг турли шаклларидаги кўрсаткичларни ҳисоблашнинг ягона методикасини, уларнинг ўзаро боғланишини ва турли йиллар молиявий ҳисботлари маълумотларининг изчилигини таъминлаши даркор.

Солик идораси назорат текширувлари чоғида амал қиладиган бошқа бир қоида шундан иборатки, инвентарь қиймати ҳозирги вақтда мавжуд бўлган баҳодан ошиб кетмаслиги керак. Айни пайтда лицензиялар ва патентларнинг шартли баҳоси эҳтимолга яқин ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобида бухгалтерия ҳисоби счёtlар режасини шакллантиришнинг ўни тизими тамойилларидан фойдаланилади, уларни кўллаш қонунчилик тартибида белгиланмаган.

Ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш муаммосига алоҳида аҳамият берилади. Бунга сабаб шуки, Япония хомашё ресурслари билан чекланган бўлиб, бошқа етакчи саноати ривожланган мамлакатлар билан солиширилганда ишлаб чиқаришни экстенсив ривожлантириш учун ғоят кам имкониятга эга. Шу муносабат билан Япония тадбиркорлари ички ва ташки бозорлардаги раксобат курашида ўз фаолиятини сақлаб қолишнинг асосий воситаси сифатида ишлаб чиқариш харажатларини пасайтиришни кўрмоқда. Уларнинг олдида ҳамма вақт товарларни АҚШ, Германия, Англиядагига қараганда 10 - 15 фоиз паст харажатлар билан ишлаб чиқариш вазифаси туради. Ушбу мақсадда куйидаги воситалар кўлланилади: тармокларнинг моддий-хомашё ресурсларидан фойдаланишнинг энг юқори самарадорлигига эришган ҳолда ривожланишини таъминловчи давлат-монополистик тартибга солиш; ишчилар эксплуатациясини кучйтириш; уларнинг ижтимоий хукукларини чеклаш. Барча саноати ривожланган капиталистик мамлакатлар ичida Японияда ишчиларнинг иш ҳақи энг пастлиги тасодиф эмас.

Корхоналарда харажатларни пасайтириш учун маъмурият жавоб беради.

Япония корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини назорат қилиш тизимларини ишлаб чиқишига алоҳида эътибор қаратилади. Бундай тизимлар ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш чоратадбирлари рўйхати, ишлаб чиқаришнинг оптимал варианти учун

норматив харажатларни ҳисоблаш, корхонанинг ишлаб чиқариш ва бошқариш бўлинмалари бўйича нормлардан четга чиқишиларни аниқлаш ва ҳисобга олиш тартибини ўзида мужассам этган.

Компаниянинг ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш режаларини ҳаётга татбиқ этиш учун ушбу харажатларнинг даврлар бўйича норматив миқдори белгиланиб, шу асосда ишлаб чиқарилётган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи назорат қилинади. Бунда нормативлар натурал ва қиймат ифодасида белгиланади. Японияда нормативли ҳисобга юритишнинг учта варианти кенг тарқалган:

- алоҳида (ҳар бир маҳсулот учун);
- умумий (маҳсулотнинг барча турлари учун);
- жамланма (юқоридаги иккита вариантни ҳам қўлловчи).

Япония ишлаб чиқаришини «канбан», ёки «аник ўз вақтида», яъни захираларсиз ишлаб чиқариш усули бўйича ташкил этиш асосчиси ҳисобланади.

#### **4.3. Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобининг ривожланиши**

Мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобини ривожлантириш, бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ислоҳ қилиш бозор муносабатларига ўтиш билан узвий алоқада амалга ошириб келинмоқда. Бу эса хорижий сармояларни республика иқтисодиётга жалб этилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида ислоҳотлар жараёнининг авж олиши шу соҳада илмий изланишлар олиб бораётган олим ва мутахассислар зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Бугунги кунда айниқса, Ўзбекистонда хусусий мулк етакчи роль ўйнайдиган кўп укладли иқтисодиётни шакллантирилиши ҳамда ушбу жараёнлар самарадорлигини таъминлаш мақсадида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ташкил қилиш халқаро стандартлар даражасида бўлишини тақозо қиласди.

Мустақилликка эришилгандан сўнг бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимида сезиларли ўзгаришлар юз берди.

Олий мажлис томонидан 1996 йил 30 августда тасдикланган ва халқаро эксперталар томонидан халқаро даражадаги қонун хужжати деб баҳолангандан «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ислоҳотнинг муҳим босқичи бўлди.

Республикада хорижий хамкорлар билан ишлаш учун қулай шароитларнинг яратилиши муайян давлат кафолатлари ва хукукий база билан мустаҳкамланиши керак.

Республикамиз иқтисодиётида бозор муносабатларини ташкил этишга қаратилган ўзгаришлар жадал олиб борилмоқда. Давлатнинг бозор иқтисодиётига боскичма-боскич эволюцион йўл билан ўтиш ягона сиёсати доирасида бош устивор вазифалар аниқланди, қонуний базалар такомиллаштирилмоқда.

Ижтимоий муносабатлар тизимини ўзгариши, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини эркинлашиши, ташки иқтисодий алоқаларида жаҳон иқтисодий ва интеграцион жараёнларга очик эканлиги, шунга мос ҳолда, бухгалтерия ҳисобини ўзгартиришни тақозо этади.

Бозор муносабатларига ўтиш ва давлат мулкини хусусийлаштириш хўжалик юритишнинг мазмуни, тузилиши ва психологиясида жиддий ўзгаришларга олиб келади. Бу ўз навбатида, бухгалтерия ҳисобида туб ўзгаришларни талаб қиласди.

Бу бир қатор объектив сабаблар билан bogлиq бўлиб, буларга даставвал хорижий инвестициялар, хорижий давлатлар билан олиб бориладиган молиявий ва хўжалик алоқалар, савдо ва тижорат муомалаларини интернационаллаштириш, хусусийлаштириш жараёнларини солиққа тортиш сиёсатини таъминловчи тизимларини ривожлантириш, хўжалик алоқаларини амалга оширишда маданийлашган хукукий асосларга таяниш, атроф-муҳитни экологиясига зътиборни ортишини киритиш мумкин.

Хозирги замон иқтисодиётининг бу йўналишлари бухгалтерия ҳисобида ўз аксини топиши керак. Бухгалтерия ҳисоби бу чақирикни қабул қилишга мажбур, ҳозирги замон иқтисодий шароитларига мослашишга тайёр бўлиб, жамият томонидан бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботига қўйиладиган талабларни қондириши керак.

Бухгалтерия ҳисоби халқаро бизнес тили сифатида давлат қонунларини бажарилишини кафолатлаши, тадбиркорликни ривожланишига, мулкни саклаш ва кўпайишига хизмат қилиши, манфаатдор (инвесторлар, акциядорлар, банклар, фондлар, мол юборувчилар, мол олувчилар, расмий органлар ва ш.к.)лар томонидан муҳим иқтисодий қарорларни қабул қилишда (капиталини инвестиция қилиш, бозорга чиқиш, ходимларни ёллаш,

солиқ сиёсати, молиялаш манбаларини қидириб топиш, ҳисоблашишлар ва ш.к) зарур бўладиган ишонарли ахборотларни етказиб бериши керак

Бухгалтерия ҳисобини ҳозирги замон талаби даражасида бўлишини қўйидаги комплекс тадбирлар таъминлайди:

-бухгалтерия ҳисобини қонуний тартибга солиш ва унинг меъёрий базасини шакллантириш;

-услубий таъминот билан (йўриқномалар, услубий кўрсатмалар, шарҳлар);

-кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан;

-халқаро профессионал ташкилотлар билан ҳамкорлик;

-ҳисобни бошқариш тизимини қайтадан ташкил этиш йўли билан.

Бухгалтерия ҳисобидаги ислоҳотларни амалга оширишдан асосий мақсад қўйидагилардан иборат:

-Ўзбекистон Республикаси ислоҳот орқали капиталнинг ривожланиши, хусусийлаштириш, ички ва ташки инвестициянинг кириб келиш имкониятларини кўпайтириш, хусусий сектор фаолиятига самарали баҳо бериш;

-Халқаро молия бозорлари ресурсларидан самарали фойдаланиш, халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, чет эллик ҳамкорлар билан тенг муносабатда алоқада бўлиш;

-Ўзбекистон Республикасидаги бухгалтерия ҳисоби соҳасини халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартлари билан таққослаш имкониятларини яратиб, чет эллик ҳамкорга зарур иқтисодий ахборотларни ўз вақтида ва сифатли етказиб беришдир.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиши ва кўплаб хорижий компания ва фирмалар билан алоқаси бухгалтерия ҳисоби тизимини ҳам ўзгариши ва уни халқаро ҳисоб стандартлари талабига мослаб юритишни тақозо этади.

Ривожланган бозор иқтисодиёти структурасига эга мамлакатларда бухгалтерия ҳисоби икки қисмдан иборат бўлади, яъни молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисоби. Молиявий ҳисоб корхона ёки фирмадан ташқаридаги бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдалнувчилар учун мўлжалланган бўлиб, молиявий ҳисобда ўз аксини топади. Бошқарув ҳисоби эса корхона ёки фирмани бошқариш, фаолиятини режалаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш учун ҳам ишлатилади. Бошқарув ҳисобининг асосий вазифаларидан бири ўз вақтида ва ишончли корхона ва унинг айрим

бўлимлари бўйича харажатлар ва олинган даромадлар тўғрисидаги маълумотларни бошқарув аппаратига етказиб беришдир. Бошқарув ҳисоби ҳисобида фирма томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун кетган харажатларни тўғри ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини аниқлаш тартибини ҳисобга олиб боради. Шу сабабли таннарх ёки ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Бизнинг фикримизча, ушбу тизимга ўтиш энг аввало хорижий компания ва фирмалар билан алоқа қилиш, аудиторлик назоратини ташкил қилиш имкониятини беради ва қўшма корхоналар тузиш, хорижий мамлакатлар билан муносабатларни яхшилашда катта имконият беради.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида назоратнинг янги формалари ташкил қилиниши зарур. Шундай назорат шаклларидан бири аудиторлик назоратидир.

Чунки чет эллик ҳамкорлар учун бухгалтерия ҳисоби ҳалқаро андозалар асосида тақдим қилиниши зарур.

Хориж сармоялари мавжуд корхоналар фаолиятини назорат қилиш мақсадида бир йилда бир марта хўжалик ҳисобидаги аудиторлик ташкилоти ушбу корхона фаолиятини текширади ва йиллик бухгалтерия ҳисобини тасдиқлади. Ҳалқаро қоидаларга кўра, кўйидаги фаолиятлар назорат қилинади:

- 1) бухгалтерия ҳисоби ҳолати ва унинг талабга жавоб бериши;
- 2) молия хўжалик масалаларида амалдаги қонунчиликка риоя қилиниши ва таъсис этувчи ҳужжат қоидаларига амал қилиниши;
- 3) бухгалтерия ҳисобининг ҳақиқий ҳолатга мос келиши.

Аудиторлик текшируви жараёнда аудиторлар талабига кўра қўшма корхоналар бухгалтерия ҳисоб ҳужжатлари, кассадаги пул маблағлари ва товарларни инвентаризация қилиш билан бошқа ҳужжатларни бериш зарур. Текшириш натижалари асосида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўйича аудиторлик хulosasi берилади ва йиллик бухгалтерия ҳисоби билан кўшиб топширилади.

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашуви, ҳалқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этишга интилиши мамлакатдан бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини жаҳон амалиётида қабул қилинган услубий тамойиллар билан бирлигини таъминлашни, миллий кўрсаткичларни мамлакатларда қабул қилинган худди шундай кўрсаткичлар билан қиёслай олишни талаб қилади.

Ўзбекистоннинг тобора фаол тарзда жаҳон хўжалик тизимининг тўла конли аъзосига айлана боргани сайн ватанимиз бухгалтерия ҳисобининг ривожланишига халқаро амалиёт янада кўпроқ таъсир кўрсатмоқда. Бухгалтерия ҳисобини тартибга солишнинг асосий тамойилларини белгилаш бухгалтерия ҳисобини меърий тартибга солишнинг миллий тизимини ривожлантириш йўналишларини аниқлаш ва унга доир баъзи талабларни баён этиш имконини беради.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш бўйича қонунчилик, меърий ва услубий таъминотини ишлаб чиқиши амалга оширилмоқда.

1995 йил 28 январда Молия Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Истиқболини белгилаш ва статистика давлат қўмитаси ҳамда Давлат солиқ қўмитаси билан ҳамкорликда тасдиқланган «Махсулот (иш, хизмат) таннарихига киритиладиган маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби молиявий натижаларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом» ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи бўлди. Кейинчалик мазкур Низом қонун хужжатларида юз берган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли «Махсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги низомни тасдиқлаш тўғрисидаги карори билан янги таҳrirда тасдиқланди. Шуни таъкидлаш муҳимки, Низом ҳозирги давр талабларига жавоб беради ва харажатлар ҳисобини шакллантириш бўйича халқаро тамойилларига мос келади.

Олий мажлис томонидан 1996 йил 30 августда тасдиқланган ва халқаро эксперталар томонидан халқаро даражадаги қонун хужжати деб баҳолангандаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун ислоҳотининг иккинчи босқичи бўлди.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун 5-моддасига асосан Молия вазирлигининг Бухгалтерия ҳисоби ва аудит услубиёти бошқармаси Европа ҳамжамиятининг «TACIS» лойиҳаси билан ҳамкорликда 1997 йилнинг февралидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг Миллий стандартларини ишлаб чиқишига киришди.

Ҳозирги вақтда республикада молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва ташкил қилишнинг концептуал асослари ва 23 та БХМС мавжуд.

БХМСни ишлаб чиқишдан асосий мақсад миллий ва хорижий мутахассислар томонидан ҳисоб сиёсати ва ҳисобот маълумотларини тушунишда фарқни бартараф этиш ёки илмий тил билан айтганда, бухгалтерия ҳисобини уйғулаштиришга эришишдир.

Хорижий ҳамкорларнинг талабларини ўрганиш бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг ягона концепциясини яратишнинг зарурлигини кўрсатди, унда кўйилган хорижий сармоянинг ҳаракати ҳалқаро талабларига мувофиқ яққол акс эттирилиши зарур, бу эса молиявий ҳисботнинг инвесторларга тушунарли бўлишини таъминлайди.

Буларнинг ҳаммаси ҳисоб тузилмасига муайян таъсир кўрсатиб, корхоналарни бошқариш тизимининг ва ахборотлардан ташки фойдалланувчилар эҳтиёжларидан келиб чиқиб, маълумотларни батафсиллаштириш зарурлигини шарт қилиб кўяди.

БХМСнинг қабул қилиниши ва рўйхатдан ўтказилишига қадар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини ташкил этиш услубияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 марта даги 164-сонли қарори билан қабул қилинган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи тўғрисидаги Низомга асосланган эди. Кейинги йиллар мобайнида бухгалтерия ҳисоби тизимида ўзгаришлар юз берди. Ҳозирги вақтда республикада бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи тизимини тартибга соладиган асосий хужжатлардан бири БХМС ҳисобланади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида кўрсатилган қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1994 йил 5 февралдаги 54 сонли қарори билан бекор қилинди.

Корхоналар (ташкилотлар) молиявий ҳисботи янги шаклларининг тасдиқланиши бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилишнинг тўртингчи босқич бўлди.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ молиявий ҳисботнинг таркиби, тузилиши ва мазмуни Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан белгиланади.

Ҳозирги вақтда корхоналар молиявий ҳисботнинг: йирик корхоналар бўйича 4 та шакл, кичик корхонлар ва фирмалар бўйича 2 та шакл киради, улар солик ва статистика идораларига, мулқдорлар ва банкларга қонун хужжатларида белгиланганд тартибда ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 июндаги 227-сонли «Статистика ва молиявий ҳисоботларни янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ молиявий ҳисбот шаклларини тақдим этиш даврийлиги кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ҳар чораклик муддатидан кичик муддатга йирик корхоналар учун эса «пул оқимлари тўғрисида»ги ҳисбот ярим йиллиқдан йиллик муддатга қисқартирилди.

Қабул қилинган чора-тадбирлар натижасида йирик корхоналар йиллик ҳисботни ҳар чоракда хорижий инвестициялар иштироқидаги корхоналар, кичик корхоналар ва микрофирмалар эса йилда бир маротаба тақдим этадилар.

Қонунчилик ҳужжатларида юз берган ўзгаришларни ҳисобга олиб 2002 йилда молиявий ҳисбот шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари қайта кўриб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 7 февралдаги 31-сонли буйруғи билан тасдиқанган Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2002 йил 19 марта 1117-сон билан рўйхатдан ўтказилди. 21-сонли БХМСнинг қабул қилиниши ва кучга киритилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабридаги 140-сонли буйруғига биноан (бухгалтерия ҳисобининг янги счёtlар режаси билан ишловчи хўжалик юритувчи субъектлар учун) молиявий ҳисбот шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари тасдиқланди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2003 йил 24 январда 1209-сон билан рўйхатдан ўтказилди. Шуни таъкидлаш зарурки, молиявий ҳисбот шакллари, кўрсаткичлари ва уларни топшириш муддатлари бухгалтерия ҳисобнинг халқаро стандартларига жавоб қила олади.

Счёtlар режаси, унинг тамойиллари ва қўллаш техникасини билиш нафақат бухгалтерлар, балки бухгалтерия ҳисобига дахлдор бўлган бошқа ходимлар-аудиторлар, солик ва молия идоралари ходимлар ва бошқалар учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бу барча ҳисоб тизимида унинг алоҳида обьектлари ва хўжалик операцияларида сезиларли ўзгаришлар юз бераётган ҳозирги шароитда муҳимdir.

Бундай шароитда Бухгалтерия ҳисобининг счёtlар режасини қайта кўриб чиқиш билан жаҳон амалиётига мувофиқ келадиган янги счёtlар режасини ишлаб чиқиш зарурати юзага келди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан USAID халқаро ташкилоти («Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби ислоҳоти»),

«Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш» ва бошқа лойиҳалар билан ҳамкорликда 1999-2000 йиллар мобайнида жаҳон талабларига жавоб берадиган янги счёtlар режасини ишлаб чиқиши бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Бухгалтерия ҳисобининг янги счёtlар режасига муваффакиятли ўтишни таъминлаш мақсадида ва янги счёtlар режасини кенг муҳокама қилиш учун оммавий ахборот воситаларида эълон этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Янги счёtlар режаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 30 мартағи 37-сонли бўйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 1 июндан 930-сон билан Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сон БХМС) “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини бухгалтерия ҳисоби счёtlар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома” сифатида рўйхатдан ўтказилди, ҳамда 2002 йилнинг 1 январидан кучга киритилди.

Янги счёtlар режасининг асосий вазифаси – бухгалтерия ҳисобининг миллий тизимини, раҳбарият томонидан муҳим қарорлар қабул қилиниши учун зарур бўлган молиявий ҳисботни хўжалик юритувчи субъектлар томонидан янги ҳисоб негизида тайёрлайдиган тарзда мукаммаллаштиришдан иборатdir.

Қонунчилик хужжатларида юз берган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, бухгалтерия ҳисоби тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 9 сентябрдаги 103-сон бўйруғи билан “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини бухгалтерия ҳисоби счёtlар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома” янги таҳrirда тасдиқланди ва Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан 21-сонли БХМС сифатида рўйхатдан ўтказилди.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва аудиторлик ташкилотлари 2002 йил 1 январдан бошлаб бухгалтерия ҳисобини янги счёtlар режаси бўйича юритмоқдалар, 2003 йил 1 январдан бошлаб уларга биржалар кўшилди, мулкчилик шаклидан қатъий назар бошқа хўжалик юритувчи субъектлар эса янги счёtlар режасига 2004 йил 1 январдан ўтишди.

Янги счёtlар режасига ва молиявий ҳисботга ўтиш бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларининг жаҳон амалиётида қабул қилинган услубий тамойиллар билан мувофиқлигини, молиявий кўрсаткичлариниг хорижий мамлакатларда қўлланадиган айнан

шундай кўрсаткичлар билан таққосланишини таъминлайди, ҳисоб сиёсати ва ҳисобот маълумотларини ватанимиз ва хорижий мутахассислар томонидан тушунилишидаги фарқларни тугатади, республикада бухгалтерия ҳисобининг сифати ва ишончлилигини халқаро миқёсида тан олиниши корхоналарнинг молиявий ҳисботига ишончни таъминлайди ва Республикага хорижий инвестицияларни жалб этишга имкон яратади.

Мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида юз берган ўзгаришлар, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимиға интеграциялашуви бухгалтерия ҳисобининг қонунчилик ва меърий базасини умум тан олинган халқаро стандартларга мувофиқлаштиришни талаб қилди. Шу сабабли, янги счётлар режасига ўтиш-Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтган мамлакатларда қабул қилинган ҳисоб тизимиға ўтиш йўлидаги изчил қадамdir.

Ўзбекистоннинг тобора фаол тарзда жаҳон хўжалик тизимининг тўла қонли аъзосига айланада боргани сайн ватанимиз бухгалтерия ҳисобининг ривожланишига халқаро амалиёт янада кўпроқ таъсир кўрсатмоқда. Бухгалтерия ҳисобини тартибга солишининг асосий тамойилларини белгилаш бухгалтерия ҳисобини меърий тартибга солишининг миллий тизимини ривожлантириш йўналишларини аниқлаш ва унга доир баъзи талабларни баён этиш имконини беради.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш бўйича қонунчилик, меърий ва услубий таъминотини ишлаб чиқиш амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатлари шароитидаги энг муҳим вазифа чет эллик инвесторлар учун қулай шароитлар яратиш ва ташкил иқтисодий фаолиятни фаоллаштиришдан иборат. Бунда чег эл инвестициялари бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш ва молиявий ҳисботларни халқаро ҳисоб юритиш стандартлари асосида аудит қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасида корхоналарда бухгалтерия ҳисобининг асосий қоидалари «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун, Махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом, Бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва бошқа хужжатлар билан белгиланган. Аудиторлик фаолиятини юритиш асосларини «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун (1992 й.), (Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳрири 26.05.2007 йилда қабул

қилинған. Вазирлар Маҳкамасининг «Молиявий назоратни мустаҳкамлаш тўғрисида» ҳамда «Аудиторлар ва аудиторлик фирмаларини давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорлари (1993 й.) ва ҳоказолар белгилаб беради.

Республикамида бухгалтерия ҳисоби ва аудит қўшма корхоналарда ҳисоб юритиш ва ҳисботларнинг миллий талаблари бўйича амалга оширилади. Бироқ, хорижлик шериклар учун ҳисобни бухгалтерия ҳисобининг ҳалқаро стандартларига мувофиқ юритиш зарур.

Бухгалтерия ҳисботларини ҳалқаро стандартлар талабларига мувофиқ ўзгартириш охириги вактда тобора долзарб аҳамият қасб этмоқда. Бунга ҳалқаро бозорларда фаолият кўрсатувчи компаниялар ўртасида айнан бирхилликни талаб қилувчи жаҳон иктисодиётининг ривожланиши сабаб бўлмоқда.

Ҳалқаро стандартлар талабларига мувофиқ тузилган молиявий ҳисботлар жаҳон капитал бозорларига чиқишини осонлаштиради ва асосли қарорлар қабул қилиш учун база ҳисбланиб, инвестициялар жалб қилиш харажатларини пасайтиради.

Ҳалқаро стандартларга йўналтирилган ҳисоб юритиш ва ҳисботлар миллий тизими амалиётга реал жорий этилиши учун узок вакт талаб этилади. Шунинг учун Ўзбекистон бухгалтерия ҳисботларини ҳалқаро стандартларга ўтказиш кўп сонли манфаатдор томонлар учун долзарб бўлиб қолмоқда. Шулар қаторида Ўзбекистон бозорида фаолият кўрсатиб турган, уларга бухгалтерия ҳисботларини ўзгартириш бош компанияларнинг жамлаштирилган ҳисботларига киритиш учун зарур бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги компанияларни; чет эл инвестицияларини жалб қилишдан манфаатдор бўлган корхоналарни; жаҳон савдо бозорларида фаолият кўрсатиб турган ташкилотларни келтириш мумкин.

Ҳозирги вактда ҳисботларини ҳалқаро стандартларга мувофиқ ўзгартиришнинг иккита варианти қўлланилмоқда.

Биринчиси 29-сон «Гиперинфляция шароитида молиявий ҳисботлар» ҳалқаро стандартини қўллашга асосланган бўлиб, унинг моҳияти қўйидагилардан иборат: молиявий ҳисботлар ҳисботларни тузиш санаси ҳолатига кўра амал қилиб турган ўлчов бирликларида тақдим этилиши керак. Бунинг учун ҳисботлар маълумотлари умумий харид кобилиятининг ўзгаришини акс эттирувчи нархлар индекси ёрдамида қайта ҳисблаб чиқилади,

сўнгра ҳисоботларни тузиш санаси ҳолатидаги курс бўйича валютага айлантирилади. Бундан ташқари, ҳисобини юритиш халқаро стандартлар томонидан тавсия этиладиган қоидаларга мос келмайдиган алоҳида моддаларга (масалан, асосий воситалар амортизацияси, товар-моддий бойликларни баҳолаш) тузатишлар киритилади.

Нархларнинг реал умумий индексини топиш ва уни кўллаш мазкур ёндашувни қўллашдаги асосий муаммо ҳисобланади.

Иккинчи вариант нархларнинг ишончли умумий индекси бўлмаганда баҳолашни валютани айирбошлаш курсининг ўзгариши асосида амалга оширишни таклиф этади.

Ўзбекистон бозорида хорижий ва қўшма фирмалар пайдо бўлганлиги муносабати билан ҳисоб юритишнинг умумий қабул қилинган тамойилларига амал қилиш зарур. Улар икки тоифага бўлинади:

– воқеани ҳисоб юритишида акс эттириш вақтини ҳамда бухгалтерия регистрларига ёзиладиган микдорни таърифловчи ўзгартириш (баҳолаш) тамойиллари;

– молиявий ҳисоботларда акс эттирилиши лозим бўлган ахборотнинг сифат тавсифларини таърифловчи ошкор қилиш тамойиллари.

– «Асосий хўжалик фаолиятидан олинадиган даромадлар» бухгалтерия ҳисоби миллий стандартига мувофиқ ушбу тамойиллар ҳисоботларни тузишнинг концептуал асослари сифатида мустаҳкамланган. Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ва улар асосида тузилган ҳисоботлар аудиторлик тасдиғини талаб қиласди, бу учта муаммо билан боғлик:

– бухгалтерия ҳисобининг тўғрилигини тасдиқлаш;

– бухгалтерия ҳисоботлари таркибида аудиторлик хulosасининг роли;

– аудиторлик хulosаси билан тасдиқланадиган ҳисоботлар маълумотларининг аниқлиги. Ҳисоб юритиш маълумотларининг тўғрилиги мезонларини ҳар бир мулкдор ўзи учун белгилайди, бирок хорижлик шериклар учун ушбу мезонларнинг узил-кесиллигини, уларнинг тўғрилигини тасдиқлаши ёки рад этиши лозим бўлган эксперт-аудиторнинг хulosаси зарур.

Аудиторлик фаолияти ривожланишининг ва бухгалтерия ҳисоби тизимини такомиллаштиришнинг хозирги босқичи миллий ва халқаро стандартларнинг ўзаро мувофиқлиги масалаларини олдинги ўринга чиқарди ва ушбу икки стандартлар тизимининг доимий равишда такомиллашиб бориши, ҳамда Ўзбекистонда Аудитнинг

халқаро стандартлари (АХС) ва Молиявий хисоботнинг халқаро стандартларининг (МХХС) амалиётда қўлланиши мазкур масаланинг долзарблигини узлуксиз тарзда сақлаб келмоқда.<sup>16</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида 2015-2018 йилларда барча акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий хисоботини нашр этиши ва уни Молиявий хисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёrlаш ва аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ташки аудитдан ўтказилиши белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни билан аудитнинг халқаро стандартларини қўллаш учун қулай шароит яратилган.

Бунда, МХХС ва АХС ни жорий этишда аудиторлар ва бухгалтерларнинг республика профессионал жамоат бирлашмалари мухим ўринни эгаллайди. МХХС ва АХСматнларини инглиз тилидан давлат тилига таржима қилиш бўйича тадбирларни самарали амалга ошириш мақсадида МХХС ва АХСматнларини таржима қилиш масъулияти Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясига юклатилган. Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси томонидан тақдим этилган маълумотга асосан Бухгалтерларнинг халқаро федерацияси АХС ва МХХСнинг ўзбек тилидаги матнини тан олганлиги сабабли ўз вебсайтида жойлаштирилди (<http://www.ifac.org>).

МХХС ва АХС билан кенг қўламда танишишни таъминлаш мақсадида Молия вазирлигининг веб-сайтида (<http://www.mf.uz> “Бухгалтерия хисоби ва аудит” бўлими) Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси ([naaa.uz@mail.ru](mailto:naaa.uz@mail.ru)) томонидан тақдим этилган МХХС ва АХСнинг давлат тилига таржима қилинган матни жойлаштирилган.

Шундай қилиб, республикамизда аудиторлик фаолияти ва аудиторлик хуносасининг жорий этилиши бухгалтерия хисоби фойдаланувчиларига бухгалтерия (молиявий) хисоботларига нисбатан етарлича ишонч билан муносабатда бўлиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган 1-сонли –“Хисоб юритиш сиёсати ва молиявий хисобот” номли бухгалтерия

<sup>16</sup> Аудитнинг халқаро стандартлари ва Молиявий хисоботнинг халқаро стандартларини қўллаш. [www.mf.uz](http://www.mf.uz) (Молия вазирлиги расмий вебсайти)

хисобининг миллий стандартига мувофик хўжалик юритувчи субъектларнинг хисоб сиёсати молиявий хисоботни тайёрлашда ва тузишда кўлланиладиган ўзига хос тамойиллар, конвенциялар, коида ва амалий ёндашувларни ифодалайди. Унга мувофик хисоб сиёсати ташкил этишини шундай йўлга қўйиш керакки, унга асосан тузилган молиявий хисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш барча учун кулагай бўлсин.

Ушбу таърифлар мазмунан ўзаро таҳлил қилинганда деярли бир-бирига мос келади. Хисоб сиёсатининг асосий вазифаси хисоб ва хисоботни тўғри йўлга қўйиш ҳамда хисоботни барчага тушунарли, соддалаштиришдан иборатлиги халқаро ва миллий стандартлардаги хисоб сиёсати таърифларини ўзаро мослигини таъминлади.

Бухгалтерия хисобини ташкил этиш учун корхона раҳбари жавобгар хисобланади. Шунингдек, у бухгалтерия хисобидаги ахборотлар учун манфаатдор бўлиб, унга режалаштириш, қарор қабул қилиш бўйича мажбуриятларни амалга оширишда ёрдам берадиган қўшимча бошқарув ва молиявий ахборотларни олиш имкониятига эга.

Республикамизда бухгалтерия хисобини тартибга солувчи меъёрий хужжатларда молиявий хисоботнинг халқаро стандартларидан фарқли бухгалтерия хисобини ташкил этиш масалаларига Ўзбекистон Республикаси –“Бухгалтерия хисоби тўғрисида”ги конунида батафсил сўз юритилади. Лекин унда бухгалтерия хисоби молиявий ва бошқарув хисобига бўлинмаган ҳамда ташкилот фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиш вазифаси молиявий натижалар тавсифи каби Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига риоя қилиниши устидан назорат ҳамда ички резервларни аниқлаш киритилган. Айни чоғда ташкилот фаолиятининг салбий натижаларини бартараф этиш вазифаси қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия хисоби тўғрисида»ги Қонуниниг янги таҳрири 1-моддасига мувофик, Бухгалтерия хисоби тўғрисидаги қонун хужжатлари Бухгалтерия хисобини ташкил этиш ҳамда хисобот тузиш билан боғлик муносабатлар ушбу Қонун ва бошка қонун хужжатлари билан тартибга солинади дейилган. Башарти, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ушбу Қонунда баён этилганидан кўра бошқача коидалар белгиланган бўлса, халқаро шартномалар қоидалари кўлланилади.

## ХУЛОСА

Европа, Америка ва Осиё мамлакатларида бухгалтерия ҳисобининг юритилишини ва бухгалтерия ҳисботларини тузиш тартибини кўриб чиқиб, бухгалтерия ҳисоби тизимларининг кўплаб таснифларини ажратиш мумкин. Улар ичida қўйидаги моделлар энг кўп қўлланилади: Британия-Америка, континентал, Жанубий Америка, ислом, интернационал. Шу билан бирга ҳар бир модель ўзига хос хусусиятларига эга.

Багама, Бермуда, Австралия, Бенин, Буюк Британия, Венесуэла, Гана, Гонконг ва бошқа мамлакатларда қўлланиладиган ҳисоб юритишнинг Британия-Америка моделида ҳисоб юритиш қатъий белгиланмаган. Унинг асосий гояси – ҳисоб юритишни инвесторлар ва кредиторларнинг ахборот сўровларига йўналтириш.

Консерватизм Европа мамлакатларига хос бўлган бухгалтерия ҳисоби континентал моделининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Европа мамлакатларида бизнес компанияларнинг молиявий талабларини кондирувчи банклар ҳамда давлат билан узвий алоқага эга.

Жанубий америка моделининг асосий фарқи шундан иборатки, унда ҳисоб юритиш маълумотлари инфляция суръатларига узлуксиз тузитиш киритиб туради. Умуман олганда ҳисоб юритиш давлат режа органларининг эҳтиёжларига йўналтирилган, ҳисоб юритиши методикалари эса бирхиллаштирилган. Жанубий Америка моделини қўйидаги мамлакатлар қўллайди: Аргентина, Боливия, Бразилия, Гайана, Парагвай, Перу, Уругвай, Чили, Эквадор.

Ислом модели теологик гоялар таъсири остида ривожланади ва бир қатор хусусиятларга эга. Хусусан, факат дивидендлар олиш мақсадида молиявий дивидендлар олиш таъқиқланади. Компаниялар активлари ва мажбуриятларини баҳолашда бозор нархлари афзал кўрилади.

Интернационал модельни ривожлантириш зарурати ҳисоб юритишнинг, биринчи навбатда, трансмиллий корпорациялар ва халқаро валюта бозорлари хорижлик иштирокчиларининг манфаатлари йўлида халқаро мувофиқлаштирилишига бўлган эҳтиёждан келиб чиқади.

Бухгалтерия ҳисоби тизимлари таснифларининг хилма-хиллиги бугунги кунда долзарб бўлган масала – ҳисоб юритишни уйғунлаштириш муаммосини келтириб чиқаради.

Хисоб юритишининг аввалги тизими буйруқбозлик иқтисодиёти, ягона фойдаланувчи – давлатнинг эҳтиёжларига хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган. Бугунги кунда вазият ўзгарди. Бир нарсани ёдда тутиш лозимки, хисоб юритиши тизимини қайта қуриш йўлида барча муаммоларни ҳал этиш учун бутун ўтмишни рад этиш ва Ғарб мамлакатларида юзага келган хисоб юритиши тизимидан нусха олиш зарур, деб ҳисоблаш ҳато бўлади. Ҳозирги вақтда жаҳоннинг ҳеч бир мамлакати бошқа мамлакатлардан тўлиқ ажralган (яккаланган) ҳолда ривожлана олмайди.

# **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

## **I. РАСМИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

### **1.1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОНУНЛАРИ**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2010.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Мехнат кодекси» (1995 йил 21 декабрь). Т.: Иқтисодиёт ва хукуқ дунёси, 2004, 344-б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси. – Тошкент: Адолат, 2008. 692 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни., (янги таҳрир). Т., 13.04.2016.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, (янги таҳрир). Т., 26.05.2007.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуни. – Т., 25.05.2000.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги Қонуни. – Т., 07.05.2003.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхоналар тўғрисида»ги Қонуни. – Т., 11.12.2003.
9. Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғриси»да. Қонуни, (янги таҳрир). – Т., 11.12.2003.

## **1.2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРИ**

10. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иктиносий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи», 2017 йил 16 январь (№ 11 (6705)) сони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й., 17-сон, 204-модда.

13. Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган хисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноконуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-100-сонли Қарори. – Тошкент, 15.06.2005.

14. Микрокорхоналар ва кичик корхоналарни ғивожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3620-сонли Фармони. – Тошкент 20.06.2005.

15. Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарликни эркинлаштириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3622-сонли Фармони. – Тошкент, 24.06.2005.

16. Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3594-сонли Фармони. – Тошкент, 11.04.2005.

### **1.3. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРЛАРИ**

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги “Маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннархига киритиладиган, маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги 54-сонли қарори (ўзгартеришлар билан).

18. Хўжалик юритувчи субъектларнинг харажатларини хисобга олиш ва молиявий натижаларини шакллантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида. – Тошкент, 15.10.2003. № 444.

19. Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-

кувватлаш механизмини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар түгрисида. – Тошкент, 24.12.2003. № 563.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида. – Тошкент, 02.08.2005. № 180.

21. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга берилаётган имтиёзларнинг рағбатлантирувчи ролини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. – Тошкент, 01.05.2006. № 74.

22. Хорижий инвесторлар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган мол-мулкка нисбатан божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида. – Тошкент, 06.12.2007. № 249.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий валютадаги давлат божлари, йифимлар ҳамда солик бўлмаган бошқа тўловлар ставкалари тўғрисида» 1993 йил 19 августдаги 423-сон Қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. – Тошкент, 24.01.2008. № 13.

24. Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси давлат солик қўмитасининг қарори ”Ягона солик тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солик тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида” [Ўзбекистон

Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 6 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат раками 2203-5]. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 80-модда)

## **II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АСАРЛАРИ ВА МАЪРУЗАЛАРИ**

25. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.
26. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.
27. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳдил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 104 б.
28. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 56 б.
29. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 48 б.

### III. КИТОБ ВА ТУРКУМ НАШРЛАРИ

30. Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиши ва таҳлил қилиш. –Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998 й. 319 б.
31. Абдуллаев А., Қаюмов И. Бухгалтерия ҳисоби. II нашр. – Т.: Минҳож. 2002 й. 191 б.
32. Александров И.М. Налоги и налогообложение. – М.: Дашкови К. 2005й. 318 б.
33. Альмардонов М.И., Кузиева Н.Р. Солиқлар ва солиққа тортиш. Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2007 й. 214 б.
34. Авророва И.А. План счетов. Налоговый коментарий. – М.: Налог инфо, Статус – К во 97, 2006. 296 б.
35. Анастасия Городищенина. Классификация культур Г.Хофстеде. [https://vk.com/topic-48654001\\_27632357](https://vk.com/topic-48654001_27632357)
36. Аудитнинг халқаро стандартлари ва Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини кўллаш. www.mf.uz (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий вебсайти).
37. Абдурахманов Р.А. МСФО – основа реформирования национальных систем бухгалтерского учета и отчетности. -Т.: ТДИУ, Мустақиллик йилларида Ўзбекистон молия-банк тизимининг ривожланиши.Илмий-амалий анжумани мақолалари тўплами. (2016 йил 25 ноябр). 2016. - 684 б.(Б.282)
38. Бархатов А. П. Международный учет: Учебное пособие. — М.: Издательско-книготорговый центр «Маркетинг», 2001. — 288 с.
39. Бондарчук Н.В., Карпасова З.М. Финансовый анализ для целей налогового консультирования. – М.: Вершина, 2006, с. 192.

40. Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб. – Т.: Молия, 2002. 672 б.
41. Ваҳобов А., Сироҷиддинова З. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети. – Т.: ТМИ, 2002. 115 б.
42. Ваҳобов А., Иброҳимов А., Ишонқулов Н. Молиявий ва бошқарув таҳлили. – Т.: «Шарқ», 2005. 480 б.
43. Варфоломеева Ю.А. Налоговое право. Курс лекций. – М.: Ось-89, 2006. 176 б.
44. Волкова О.Н. Учёт в Италии / О.Н.Волкова // Бухгалтерский учёт. - 2000. - № 15. - С. 74.
45. Волкова О.Н. Бухгалтерский учёт Португалии / О.Н.Волкова // Бухгалтерский учёт. - 1999. - № 11. - С. 97.
46. Волкова О.Н. Бухгалтерский учёт в Великобритании / О.Н.Волкова // Бухгалтерский учёт. - 1999. - № 9. - С. 9
47. Волкова О.Н. Бухгалтерский учёт в Швеции / О.Н.Волкова // Бухгалтерский учёт. - 2002. - № 17. - С. 76.
48. Волкова О.Н. Бухгалтерский учёт в Чехии / О.Н.Волкова // Бухгалтерский учёт. - 2002. - № 13. - С. 73.
49. Волкова О.Н. Учётная практика в Дании: ориентация на национальное законодательство / О.Н. Волкова // Бухгалтерский учёт. - 2004. - № 20. - С. 50.
50. Вотинова Н.Г. Основные модели бухгалтерского учета в зарубежных странах.-Арх-к: изд-во АГТУ, 2009-24 с.
51. Гадоев Э.Ф., Ҳайдаров Ш.У. ва бошқалар. Йиллик ҳисобот – 2005 Т.: «Ўзбекистон», 2005. 448-б.

- 52.Гулямова Ф.Г. Учетная политика преприятия. – Т.: Мир экономики и права, 2004, с. 208.
- 53.Гулямова Ф.Г. Самоучитель по бухгалтерскому учету. – Т.: Мир экономики и права, 2004, с. 432.
- 54.Дымова И.Э. Бухгалтерский учёт в Испании / И.Э.Дымова // Бухгалтерский учёт. - 1999. - № 10. - С.100.
- 55.Дымова И.Э. Учёт в Швейцарии / И.Э. Дымова // Бухгалтерский учёт. - 2000. - № 6. - С. 49.
- 56.Жуманов О. Бошқариш ҳисоби: Иқтисоди ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси. – Т.: 2001. 152 б.
- 57.Журавлев В.Н. Первичные документы и регистры налогового учета. – М.: Налог Инфо, Статус-Кво 97 2006, 160 с.
- 58.Жўраев А., Мейлиев О., Сафаров Ф. Солиқ назарияси. – Т.: ТМИ, 2004. 166 б.
59. Жуманиязова Ф.Р. Ўзбекистон енгил саноати ривожланиш истиқболларининг молиявий жиҳатлари. -Т.: “Fan va texnolofiya” 2015, 216 б.
- 60.Иброҳимов А.К., Каримов А.А. Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби. Т.: «Ўзбекистон», 1999. 143 б.
- 61.Исройлов Б.И. Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммолар ва уларнинг ечимлари. – Т.: «Ўзбекистон», 2006. 272 б.
- 62.Ибрагимов А.К. Развитие бухгалтерского учёта в Узбекистане / А.К.Ибрагимов // Бухгалтерский учёт. - 2000. - № 17. - С. 74.
65. Михалкевич А.П. Бухгалтерский учёт на предприятиях зарубежных стран / А.П. Михалкевич. - Минск : ООО «Мисан- та», 1998. - 109 с.

66. Молоток Я.В. Консерватизм как основной принцип бухгалтерского учёта: опыт Германии / Я.В.Молоток // Бухгалтерский учёт. - 1999. - № 8. - С. 105.

67. Мюллер Г. Учёт: международная перспектива; пер. с англ. / Г.Мюллер, Х.Гернон, Г.Миик. - М. : Финансы и статистика, 1996. - 136 с.

68. Молиявий ҳисоботнинг концептуал асоси. Бухгалтерия Ҳисобининг Халкаро Стандартлари бўйича Кенгаш томонидан 2010 йил сентябрда чоп этилган. <https://www.mf.uz/uz/component/k2/item/74-mezhdunarodnye-standarty/-Мурожаат> килинган сана:16\_12\_2017 йил

69. Шепенко Р.А. Законодательство о бухгалтерском учёте в КНР / Р.А.Шепенко // Бухгалтерский учёт. - 2001. - № 5. - С. 76.

70. Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл Д. Принципы бухгалтерского учета: пер. с англ./Под ред. Я.В. Соколова. М.: Финансы и статистика, 1996.

71. Каримов А.А. ва бошқ. Бухгалтерия ҳисоби: Дарслик. – Т.: «Шарқ», 2004. 592 б.

72. Кондраков Н.П., Краснова Л.П. Принципы бухгалтерского учета. Учебное пособие. – М.: ФБК ПРЕСС, 1997. 192 с.

73. Кудбиев Д.К. Проблемы анализа использования основных накоплений в торговле. – Т.: «Ўзбекистон», 1990. 126 с.

74. Кобищан И.В. Бухгалтерский учёт и финансовая отчётность во Франции / И.В. Кобищан // Бухгалтерский учёт. - 2004. - № 14. - С. 57.

75. Крохина Ю.А. Налоговое право: Учебник. – М.: Высшее образование, 2005. 410 с.
76. Курбанов З.Н. Солиқ ҳисоби ва аудитининг методология мұммалари. Монография. Т.: Fan va texnologiya, 2008. 156-б.
77. Маликов Т., Хайдаров Н. Бюджет даромадлари ва харатжатлари. – Т.: Иқтисод – Молия, 2007. 245 б.
78. Маматов З.Т., Нарбеков Д.Э. Аудит асослари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Тошкент Молия институти, 2007. 20 б.
79. Мазуренко А.А. Зарубежный бухгалтерский учет и аудит. Учебное пособие. - М.: КНОРУС, 2005. -240 с.
80. Мусаев Ҳ.Н. Аудит. Дарслик. – Тошкент: Молия, 2003. 220 б.
81. Нидлз Б. и др. Принципы бухгалтерского учета. /Б.Нидлз, Ҳ.Андерсон, Д.Колдуэлл: Пер. с. англ./ Под ред. Я.В.Соколова. – М.: Финансы и статистика, 1993. 496 с.
82. Очилов И., Азларов Д., Авлоқулов А. Молиявий ҳисоб. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТМИ. 2004. 328 б.
83. Палий В.Ф., Палий В.В. Финансовый учет. Учебное пособие. М.: ИДФБК – ПРЕСС, 2001. 672 с.
84. Пардаев А.Х., Пардаев Б.Х. Бошқарув ҳисоби. Ўқув қўлланма.-Т.:Faфур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2008.-252 б.
85. Пардаев А.Х., Азимов Б. Корхоналар фаолиятини солиқлар воситасида тартибга солиш. – Тошкент: ZARQALAM, 2005. 109 б.
86. Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. – Самарқанд: «Зарафшон» нашриёти, 2001. – 272 б.

87. Пардаев М.Қ. Шоалимов А.Х., Пардаев И.Р., Исроилов Ж.И. Бошқарув таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва хуқуқ дунёси, 2005.
88. PardaevM.Q, Xasanov B.A. va boshqalar. Molivaviv va boshqaruv tahlili. O'quv qo'llanma. -T.: Cho'lpon, 2012. -400 b.
89. Попонова Н.А. и др. Организация налогового учета и налогового контроля: Учебное пособие. – М.: ЭКСМО, 2006. 624 с.
90. Пушкарева В.М. История финансовой мысли и политики налогов: Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2005. 256 с.
91. Санаев Н.С., Хасанов Б.А., Тўлаев А., Санаев Ф.Н., Бухгалтерия ҳисоби асослари. – Тошкент: Шарқ, 2005. 110 б.
92. Сотиволдиев А.С., Сотиволдиева Д. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби тизимининг ривожланишиш босқичлари ва истиқболлари.-Т.:ТДИУ ҳалқаро конференция материаллари. 2011 й.
93. Сидельникова Л.Б., Назарян Е.Н. Налоговый учет и учетная политика организаций для целей налогообложения.–М.: ИКФ Омега–Л, 2002. 208 с.
94. Сидельникова Л.Б., Назарян Е.Н. Комментарий к главе 25 Налогового кодекса Российской Федерации. – М.: «Дашков и К», 2003. 232 с.
95. Солиқ қонунчилиги асослари. Ўқув кўлланма. /Шаулов Д.И., Кан У.Т., 1-2 қисм. – Т.: Иқтисодиёт ва хуқуқ дунёси, 2000. 336 б.
96. Соколов Я.В. Интерпретация основ бухгалтерского учёта: опыт АҚШ / Я.В. Соколов, В.А.Ковалёв // Бухгалтерский учёт. - 1998. - № 7. - С. 88.

97. Соколов Я.В. Бухгалтерский учёт в Польше / Я.В.Соколов, С.М.Бычкова, Е.Д.Бабяк // Бухгалтерский учёт. - 2000.№ 16. - С. 55.
1. Соколов Я.В. Бухгалтерский учёт во Франции / Я.В.Соколов, М.В.Семёнова // Бухгалтерский учёт. - 2000. - № 5.-С. 69.
98. Тошмуродова Б. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқа-риш механизми. / Монография. – Т., Янги аср авлоди, 2002. 127-б.
99. Тулаходжаева М.М. Финансовая отчетность в соответствии с МСФО.www.norma.uz.
100. “Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари тўплами”, Т.: ЎзБАМА, - 2008 й.
101. Умарова М., Эшбоев У., Ахмаджонов К. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. – Т.: «Мехнат», 1999. 262-б.
102. Уразов К.Б. Инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби ва со-лиққа тортиш. – Т., Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2003. 168-б.
103. Уразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. – Т.: «Фан», 2005. 236-б.
104. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: Дарслик.- Т.: «Ўқитувчи», 2001. 704-б.
105. Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит: Учебник. – М.: ИНФРА – М, 2005. 280-с.
106. Энтони Р., Рис Дж. Учет: ситуация и примеры. Пер. с англ. / Под ред. И с предисл. А.М.Петракова. – М.: Финансы и статистика, 1993. 560-с.
107. Эшназаров Т.Ш., Мансуров М.А., Темиров М.Х.Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими.Ўқув вўлланма. Т.: “Yosh kuch press

matbuoti”-2015.230-б.

108. Юлдашев С.Ш. Бухгалтерия ҳисобининг батафсил модули. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси» нашриёт уйи, 1998. 156-б.
109. Гуломов С.С. ва б. Микроиктисодиёт. Т.: «Шарқ», 2001 й. 320 б.
110. Ҳасанов Б. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. – Т.: Молия, 2003. 248-б.
111. Худойбердиев У.Х., Пардаев М.К., Курбонов З.Н. Соликлар ҳисоби ва таҳдили. – Самарқанд: САМКИ, 1995. 65-б.
112. Ҳасанов Б., Хошимов А. Бошқарув ҳисоби: олий ўкув юртлари учун дарслик. – Т.: “Yangi nashr”, 2011. 312-б.
113. Ҳасанов Н., Ҳайдаров Ш., Югай Л. Корхоналарда иш ҳақи. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси, 2003. 288-б.
114. Эргашева Ш.Т.Бухгалтерский учет. Учебное пособие. “IQTISOD-MOLIYA” Т., 2010г.
115. Пулатов А.П., Эргашева Ш.Т. Бошқарув ҳисоби. Ўқув кўлланма Тошкент. ТИМИ босмахонаси, 2007 йил.
116. Ergasheva Sh.T., Tabaev A. Moliyaviy hisobot. Ўқув кўлланма. Т., ТИМИ босмахонаси, 2011 йил.
117. Холбеков Р.О., Эргашева Ш.Т. Теория бухгалтерского учёта. Учб.пос. Издательский дом “ИЛМ ЗИЁ” Т., 2012 йил
118. Эргашева Ш.Т. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. Ўқув кўлланма. “Иқтисоднёт” жаҳриёти, 2016 йил.

#### **IV. ЖУРНАЛЛАРДАГИ МАҚОЛАЛАРГА ВА ИЛМИЙ ИШЛАР ТҮПЛАМЛАРИГА ҲАВОЛАЛАР**

119. Ақрамов Э. Важнейшие результаты. Экономический вестник Узбекистана. – Т., 2002. №3. 25-27 с.
120. Гетьман В.Г. О новой редакции проекта Закона «О бухгалтерском учете» // Бухгалтерский учет. – М., 2006. №7 45-48 с.
121. Истроилов И.И. Назорат ва таҳдил. // «Солиқ тўловчининг журнали». – Т., 2004. 3-сон.
122. Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия хисоби // Бозор, пул ва кредит. – Т., 2006. 3-сон.
123. Палий В.Ф. О предмете бухгалтерского учета. // Бухгалтерский учет. – Т., 2006. №5. 55-58 с.
124. Пардаев М.К., Курбанов З.Н. Учет и анализ в торговле // Бухгалтерский учет. – Т., 1990. №5.
125. Пардаев М.К., Истроилов Б.И. Факторный анализ результатов деятельности предприятия. // Экономический Вестник. – Т., 2002. № 10-11. 26-28 с.
126. Пятов М.Л. Отражение в учете задолженности по НДС. // Бухгалтерский учет. – Т., 2002. №4. 56-с.
127. Рассказова-Николаева С.А. Принципы регулирования бухгалтерского учета. // Бухгалтерский учет. – М, 2006. №7. 49-53 с.
128. Соколов Я.В., Пятов М.Л. Бухгалтерский учет и налоги: что делать бухгалтеру в 2002 году.// Консультант. – М, 2002. №6. 64-66 с.

129. Уразов К.Б. Товар-моддий захиралар: баҳолаш ва ҳисобга олиш//Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси – Т., 2004. № 7-8.
130. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти. БХМС № 1 “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 14.08.1998 йил 474-сон ракам билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 26.07.1998 йилда 17-17/86-сонли буйруқ билан тасдиқланган
131. Ҳасанов Б.А. Бошқарув сегментар ҳисоботи. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Тошкент, 2003. №5.
132. Ҳасанов Б.А. Интеллектуал мулк объектларини бошқариш ҳисоби.-Т.://«Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнали, 2003 й. №12.
133. Шнейдман Л.З. Законодательное регулирование бухгалтерского учета и аудиторской деятельности. // Бухгалтерский учет. – М, 2006. №5. 8-11 с.
134. Курбонов З.Н. Солиқ имтиёзларининг молиявий ҳисоби. // Бозор, пул ва кредит. – Т., 2005. 10-сон.
135. Курбонов З.Н. Эҳтиёж заруриятга айланса. Солиқ ҳисоби: тадқиқ, таҳлил, таклиф. // Солиқ тўловчининг журнали. – Т., 2006. 3-сон.
136. Ҳасанов Б.А., Жуманиязова Ф.Р. Ўзбекистонда енгил саноат тараққиётига хос бўлган асосий тенденцияларнинг молиявий таҳлили. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, сентябрь-октябрь, 2016 йил

137. Эргашева Ш.Т. Современные особенности экологического аудита. Актуальные проблемы современной науки. Информационно – аналитический журнал № 4(43) 2008 й.
138. Эргашева Ш.Т. Основные особенности современного бухгалтерского учета. “Экономика и финансы” Журнал №4 (184) Москва-2011г.
139. Эргашева Ш.Т. Сув хўжалигида маржинал таҳдил асослари. “O’zbekiston qishloq xo’jaligi” илмий оммабоп журнал №5, 2012 й.
140. Эргашева Ш.Т. Интеграция систем налогового и бухгалтерского учета. “Bozor, pul va kredit” илмий -амалий журнали №.4, 2013й.
141. Эргашева Ш.Т. Сув хўжалигида маржинал таҳдил асослари “Иқтиодиёт ва таълим” Журнал. З-сон. 2013й.
142. Эргашева Ш.Т. Организация дополнительного бухгалтерского образования в соответствии с международными стандартами. “Иқтисод ва таълим” илмий журнали №2. 2016 й.
143. Эргашева Ш.Т. Экономика сельского и водного хозяйства в Узбекистане “Иқтисод ва таълим” илмий журнали №1. 2017 й.
144. Эргашева Ш.Т. Современные информационные технологии в национальных традициях бюджетного учета. “Иқтисод ва таълим” илмий журнали №4. 2017 й.
145. Эргашева Ш.Т. Управление инновационным процессом при использовании системы бухгалтерского учёта и контролинга в водохозяйственных предприятиях. Ўзбекистон Республикаси мелиорация ва сув хўжалиги ривожланишининг замонавий

муаммолари” мавзусидаги ҳалқаро илмий техник анжмани. Тошкент -2008 й.

146. Эргашева Ш.Т. Интеграция систем бухгалтерского и налогового учета. “Проблемы и пути повышения эффективности взаимодействия регионов в условиях глобализации экономики” Сборник научных трудов. МГУ им. В.Ломоносова. Москва-2009.

147. Эргашева Ш.Т. Управление инновационным процессом при использовании системы бухгалтерского учета и контроллинга в водохозяйственных предприятиях. “Двадцать четвертые международные плехановские чтения” тезисы докладов Москва ГОУ ВПО “РЭУ им. Г.В.Плеханова” 2011 г.

148. Эргашева Ш.Т. Основные особенности современного бухгалтерского учета в туристской отрасли. “Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги ҳалқаро илмий-амалий анжумани тезислар тўплами, Т., 2012.

149. Эргашева Ш.Т. и др. Современные особенности учета и аудита деятельности производственных предприятий. “Развитие экономической науки на транспорте: Новые решения“ Материалы II Международной научно- практической конференции . Санкт – Петербург, 2013 г.

150. Эргашева Ш.Т. Сув хўжалигида ҳисоб сиёсатини шакллантириш муаммолари. “Аграр соҳада инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида бошқарув тизимиning ахборот таъминоти, аудит, таҳдил ва молия-кредит механизмини такомиллаштириш” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси, Т., 2014й.

151. Эргашева Ш.Т. Интеграция систем бухгалтерского и налогового учета. “Совершенствование налоговой политики государства в условиях глобализирующейся экономики” Сборник Международной научной конференции, Россия, г.Тамбов. 15мая 2014 г.

152. Эргашева Ш.Т. Приоритеты аудита в условиях развития фермерского движения “Теоретические и практические вопросы развития бухгалтерского учета, анализа и аудита в современных условиях их автоматизация как инструмент эффективного управления организацией “ Материалы международной научно-практической конференции. Москва -2015.

153. Эргашева Ш.Т. Современные особенности формирования продовольственных фондов. Россия в современном мире: политико-правовой аспект. Материалы II Международной научной практической конференции. (22-29 мая, Ростов-на -Дону, 2016г.)

154. Эргашева Ш.Т. Ўзбекистон Республиаси ҳисоб тизимида халқаро стандартларнинг ривожланиш истиқболлари. “Мустақиллик йилларида Ўзбекистон банк-молия тизимининг ривожланиши” Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. Т., 2016 йил 25 ноябрь.

155. Эргашева Ш.Т. Взаимосвязи системы бухгалтерского и налогового учета.“Бухгалтерский учет, анализ и аудит: современное состояние и перспективы развития” Материалы VII Международной научно-практической конференции (Екатеринбург, 22 сентября 2016 г.)

156. Эргашева Ш.Т. Развитие информационных технологий в учете и аудите на предприятиях железнодорожного транспорта. “Развитие экономической науки на транспорте: проблема оптимизации бизнеса”. Сборник научных статей V Международной научно-практической конференции Санкт-Петербург- 2016 г

157. Эргашева Ш.Т. Возможности эффективного ведения учета и внутреннего аудита деятельности предприятий. “Развитие управленческих и информационных технологий, их роль в региональной экономике.” Материалы II Международного открытого научно-практического конференции. Калужский филиал Финансовый университет при Правительстве РФ. Москва-2016 г.

158. Эргашева Ш.Т. Сув хўжалигида ҳисоб сиёсатини шакллантириш муаммолари. “Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиши тенденциялари ва истиқболлари” ТДИУпрофессор-ўқитувчиларининг Илмий мақолалари тўплами. Т., 2016 йил.

159. Эргашева Ш.Т. Современные информационные технологии в национальных традициях бюджетного учета. “Современные информационные технологии: проблемы и перспективы развития” Материалы I Международного научно-практического конференции. Россия, г. Екатеринбург- 2017 г.

160. Эргашева Ш.Т. Глобаллашув шароитида сув хўжалигида ҳисоб сиёсатини ташкил этиш муаммолари. «Глобаллашув шароитида сув хўжалигини самарали бошқариш муаммолари ва истиқболлари»мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. Т., 2017 йил.

## V. ДИССЕРТАЦИЯ ВА ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТЛАРИ

161. Авдеев А.В. Системная организация бухгалтерского учета для целей налогообложения. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Волгоград, 2003.

162. Андреева О.О. Организация налогового учета на перерабатывающих предприятиях АПК. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – СПб, 2005.

163. Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, аудит ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархини аниқлашни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ва автореферат. – Т.: Банк-молия академияси, 2002.

164. Исроилов Б.И. Соликларнинг молиявий ҳисоби ва таҳлилининг методологик асослари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т.: Банк-молия академияси, 2006.

165. Пардаев М.Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ва автореферат. – Т.: Банк-молия академияси, 2002.

166. Кальницкая И.В. Бухгалтерский учет и налогообложение: проблемы взаимодействия. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – М.: 2004.

167. Уразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг назарий ва методологик муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. –Т.: Банк-молия академияси, 2006.

168. Тошматов Ш.А. Корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқлар ролини кучайтириш муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т.: Банк-молия академияси, 2008.

169. Курбанов З.Н. Солиқ ҳисоби ва аудитининг назарий ва методологик асослари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ва автореферат. – Т.: Банк-молия академияси, 2008.

170. Ҳасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш масалалари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т.: Банк-молия академияси, 2004.

171. Ҳотамов К.Р. Билвосита солиқлар ҳисоби, таҳлили ва аудитини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати.08.00.07 – «Молия. бухгалтерия ҳисоби (Иқтисодиёт фанлари). Т.: Банк-молия академияси, 2016.

## **VI. ХОРИЖ НАШРЛАРИ**

172. Dale C. Morse, Jerold L. Zimmerman. Managerial Accounting.- Irwin. 1997, 12-13 pag.

173. Edmonds, Thomas P. Fundamental Financial Accounting Concepts /Thomas P. Edmonds, Frances M. McNair, Edward E. Milam, Philip R.Olds. Printed in the USA, McGraw-Hill, Inc., 1996, 601-pag.
174. Hermanson, Roger H. Accounting: a business perspective /Roger H. Hermanson, James Don Edwards, Michael W. Maher. 6th ed., Irwin, Printed in the USA, 1995, 926-pag.
175. Horngren, Charles T. Introduction to management accounting /Charles T. Horngren, Gary L. Sundem. 8<sup>th</sup> ed. – London: 1993, 826-pag.
176. Penne Ainsworth, Dan Deines, R. David Plumlee, Cathy Xanthaky Larson. Introduction to Accounting : An integrated Approach. – Irwin, USA, 1997, 29-30 pag.
177. Kermit D. Larson. Paul B. W. Miller. Financial Accounting. Sixth edition-Irwin, 1995.
178. Libby, Robert. Financial accounting /Robert Libby, Patricia A. Libby, DanielG. Short. – Irwin: USA, 1996. 752-pag.
179. CIMA. Management Accounting. Official terminology. The CIMA 63 Portland Place – London: WIN 4AB, 1991, 157-pag.
180. Pizzey, Alan. Accounting and Finance. A firm foundation. 3rd Edition, -London: Cassell, 1992. 512-pag.
181. Carl S. Warren, James M. Reeve, Jonathan E. Duchac. Accounting. (ISBN: -13: 978-1-133-60760-1) USA, 2014. 25th Edition.
182. Barry Elliot, Jamie Elliot. Financial accounting and reporting. (ISBN 978-1-292-08057-4) London, 2015. 17 th Edition.
183. Eldon S. Hendriksen Michael F. Van Breda. Accounting theory. Пер. с англ./Под ред. проф. Я.В. Соколова. - М.: Финансы и статистика, 2011. - 576 с.

184. An Introduction to Accounting Theory, 1st edition. 2016, UWS, Australia

185. Wan Madznah Wan Ibrahim, Mohd Rizal Palil “Fundamentals of business accounting” Oxford university Press, 2014

## **VII. СТАТИСТИК ТҮПЛАМЛАР**

186. Йиллик статистик түплам 2015 й. – Тошкент: Ўзбекистан Республикаси давлат статистика қўмитаси, 2016.

187. Статистический ежегодник регионов Узбекистана 2015 г. – Ташкент: 2016, Госкомстат Республики Узбекистан.

## **VIII. ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ**

<http://www.press-service.uz>

<http://www.qov.uz>

<http://www.soliq.uz>

<http://www.mf.ru>

<http://www.norma.uz>

<http://www.lex.uz>

<http://www.stat.uz><http://www.tsue.uz>

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
<b>I БОБ. ЧЕТ МАМЛАКАТЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ УМУМИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ</b>	
1.1. Ривожланган давлатларда бухгалтерия ҳисобининг ташкилий тамойиллари ва вазифалари, унга таъсир этувчи омиллар.....	5
1.2. Чет мамлакатларда бухгалтерия ҳисобини ҳуқуқий жихатдан тартибга солиш амалиётидаги хусусиятлар	11
1.3. Бухгалтерия ҳисоби моделлари ва тизимларининг таснифи.....	17
<b>II БОБ. ЕВРОПАДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ</b>	
2.1. Италияда бухгалтерия ҳисоби.....	28
2.2. Испанияда бухгалтерия ҳисоби.....	37
2.3. Германияда бухгалтерия ҳисоби.....	46
2.4. Грецияда бухгалтерия ҳисоби.....	60
2.5. Францияда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисо- ботлар.....	67
2.6. Швейцарияда бухгалтерия ҳисоби.....	84
2.7. Швецияда бухгалтерия ҳисоби.....	93
2.8. Чехияда бухгалтерия ҳисоби.....	100
2.9. Дания бухгалтерия ҳисоби тизимида миллий қонун- чилик доирасида иш юритиши амалиёти.....	106

2.10. Польшада бухгалтерия ҳисоби.....	11
2.11. Португалияда бухгалтерия ҳисоби.....	121
2.12. Буюк Британияда бухгалтерия ҳисоби.....	128

### **ІІІ БОБ. АМЕРИКАДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ**

3.1. АҚШ тажрибасида бухгалтерия ҳисоби асосларининг талқин этилиши .....	138
--	-----

### **ІV БОБ. ОСИЁ МАМЛАҚАТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ**

4.1. Хитойда бухгалтерия ҳисоби түғрисидаги қонун хужжатлари.....	168
4.2. Японияда ҳараждатлар ҳисобини юритиш ва таниархни ҳисоблаш.....	179
4.3. Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобининг ривожланиши.....	191
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>204</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....</b>	<b>206</b>

**Ш.Т.ЭРГАШЕВА, Р.Б.ХАСАНОВА**

# **ЧЕТ МАМЛАКАТЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ**

(Монография)

**Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2017**

Муҳаррир: Ш.Кушербаева  
Тех. муҳаррир: Ф.Тишибаев  
Мусаввир: Д.Азизов  
Мусаххиха: Н.Ҳасанова  
Компьютерда  
саҳифаловчи: Ш.Мирқосимова

E-mail: tipografiyacnt@mail.ru Тел: 245-57-63, 245-61-61.  
Нашрлиц. АJ №149, 14.08.09. Босишига рухсат этилди: 20.12.2017.  
Бичими 60x84 1/16. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.  
Шартли босма табоги 14,0. Нашр босма табоги 14,5.  
Тиражи 500. Буюртма №246.